

И

Н

ҲАЁТИНГИЗДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

Таъминотнинг кучи

Қ

И

ГАРИ КИСИ

Л

О

Б

Масихдаги азиз биродарим,

Ушбу ўқув қўлланмаси, сизни руҳлантириши ва марҳаматлаши учун ибодат қилиб қоламиз. Илтимос, бу манбани ўз дўстларингиз, оила аъзоларингиз ва жамоатингиз билан тортинмасдан бўлишингиз. Шунингдек, ўз она тилингиздаги бошқа таълимотларни ва қўшимча электрон шаклидаги китобни юклаб олиш учун FLNFree.com вебсайтига ташриф буюришингиз мумкин.

Худо сизни севади ва Унда сизнинг ҳаётингиз учун ажойиб режа бор! Биз Худонинг Шоҳлиги, қай аснода ҳаракатланишини ўрганиб чиқдик ва бу бизнинг ҳаётимизни яхши томонга ўзгартирди, сизнинг ҳаётингизда ҳам, худди шу нарса содир бўлишига ишонамиз!

Масихдаги севги билан,

Гари ва Дренда Киси.



P.S. Ўз она тилингизда бепул манбаларнинг кўпроғини юклаб олиш учун, бизнинг FLNFree.com вебсайтимизга, албатта, ташриф буюрингиз.

И

Н

ҲАЁТИНГИЗДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

Таъминотнинг кучи

Қ

И

ГАРИ КИСИ

Л

О

Б

Your Financial Revolution: The Power of Provision, Uzbek

Copyright © 2023 by Gary Keesee

Originally published in English

Copyright © 2020 by Gary Keesee

ISBN: 978-1-945930-39-3

Gary Keesee Ministries,
P.O. Box 779, New Albany,
OH 43054, USA
GaryKeesee.com

This book is a **FREE GIFT** from Gary Keesee Ministries and is **NOT FOR SALE**

Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб. Таъминотнинг кучи, ўзбек тилида

Гари Киси, © 2023

Биринчи марта инглиз тилида чоп этилган

Гари Киси, © 2020

ISBN: 978-1-945930-39-3

Гари Киси Хизмати,
П/Қ 779, Нью Олбани,
Огайо 43054, АҚШ
GaryKeesee.com

Бу китоб – Гари Кисининг Хизматидан тухва
ва **СОТИШ ТАЪҚИҚЛАНАДИ.**

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
1-БОБ. Нур зулматда порлайди	23
2-БОБ. Янгича тафаккур	41
3-БОБ. Қонуний ваколат масаласи.	63
4-БОБ. Наҳотки ёдингизда бўлмаса?	95
5-БОБ. Ўз таъминотингизнинг имкониятларини кенгайтиринг.	115
6-БОБ. Имон – бу калит	147
7-БОБ. Огоҳлантириш: ривожланган имон доирангизда қолинг.	167
8-БОБ. Сизга режа керак!	187
9-БОБ. Ҳозир мавруди!	203

КИРИШ

Бу китобнинг номи беъмани бўлиб туюлиши ва шундоқ ҳам, тушунарли бўлган нарсани такрорлашдек бўлиб кўриниши мумкин. Ким ҳам яққол бўлган имтиёзларни инкор этади? Ҳаётда ўзимизни барча керакли бўлган нарсалар билан таъминлаш ўта муҳим экани билан розимиз деб ўйлайман. Бироқ жуда кўпчилик одамлар зарур бўлган таъминотга эга эмаслар. Кўпчилик, аслида тирикчилик учун курашадилар. Улар охири йўқ бўлган ҳисоб варақлари ва қарзлар қуллигида яшайдилар. Улар орзу қилган ҳаёт билан яшашнинг ўрнига, ўзлари нафратландиган ишига бориш заруриятининг қўрқувига тўлган ва умидсизлик қуршовида яшайдилар. Энг ачинарлиси шуки, улар маълум бир мақсадсиз яшайдилар.

Яқинда ўтказилган тадқиқотга кўра, 48 фоиз америкаликлар йилида 31 561 доллар ёки ойида 2 630 доллар ва ҳатто, бундан ҳам камроқ даромад қилишади, 40 фоиз аҳоли эса дастлабки режасиз 400 долларлик чек ёзиб беролмайди.

Келгуси маошгача етказишга умид қилиб сарфланган ҳар бир тийинни санайдиган киши, қанақа руҳий зарбани бошидан кечиришини тасаввур қила оласизми? Шундай қилиб, ҳафта кетидан ҳафта, ой кетидан ой ўтиб бораверади ва бунинг якуни кўринмайди. Олдинга ҳаракатланишнинг ўрнига, сиз қарзга янада чуқурроқ ботиб, боши берк кўчага кириб қолганингизни пайқайсиз. Мен бунни кўз ўнгимга келтира оламан, чунки ўзим ҳам айнан шундай тарзда, узоқ йигирма йил давомида яшаганман ва бу пуч ҳаёл эмас эди. Бу бўлган воқеа.

Эҳтиёж уяти

Биз Дренда билан турмуш қурдик ва ҳайратомуз ҳаётни бошлаш илинжида эдик, бироқ қарзга кириб кетдик, биз молиявий тангликда эдик. Бир неча йил давомида бизнинг ўнлаб кредит карталаримиз бор эди, биз уларнинг лимитини тўлиқ ишлатиб бўлган эдик. Яна бизнинг йилида 28 фоиз остида бўлган учта банк кредитимиз ҳам бор эди; биз дабдала бўлган иккита автомобил учун кирим тўлардик, уларнинг иккови ҳам 200 000 милдан ошиқ масофани босиб ўтган эди, солиқ хизматидан қарзимиз бор эди ва биз тўлай олмаган талайгина бошқа қарзларимиз ҳам бор эди. Биз ота-оналаримиздан минглаб долларлар қарз бўлиб кетганимиз учун улар бизга қарзга пул бермай қўйди.

Биз қарзларни кўпайтириб ўз ҳаётимизни барбод қилишга уринган эмасмиз, биз шунчаки жон сақламоқчи эдик. Бу беъмани бўлиб эшитилиши мумкин, лекин мен молиявий соҳада ишлардим. Мен одамларга суғурта ва инвестиция соҳасида ёрдам берардим. Мен ҳар бир сотувдан 100 фоиз хизмат ҳаққини олардим, аммо бу пуллар нуқул етмасди. Биз бизнесимиз юришиб кетади деб умид қилишда давом этардик, бироқ ҳафталар йилларга айланиб кетарди, ҳеч нарса ўзгармас эди.

Охири, узоқ тўққиз йил давомида ҳисоб варақларни тўлаш учун қарзларга яшаб, биз қарз олиш учун ўйлаб топиш мумкин бўлган барча услубларни сарфлаб бўлдик. Биз барча қимматли нарсаларимизни гаровга қўйдик ва молиявий инқироз туфайли ҳаётимиз қаттиқ босим остида қолди. Бу мен ва менинг оилам учун жиддий ҳиссий оқибатларни қўзғатишни бошлади.

Мени қўрқув қуршаб олди ва мен тушкунликка қарши дориларни ичишни бошладим, улар аслида, менга ёрдам бермади, аксинча бир қатор зарарлар келтирди. Шифокорлар мени яна қонимда шакар даражаси юқори бўлгани сабабли қанд касаллигига йўлиқасан деб хавотирга қўйишарди.

Тиббий муаммолардан баттарроқ бўлган қўрқув, мени шуқадар

қамраб олган эдики, мен ҳатто, уйимдан чиқишдан қўрқар эдим. Менинг ҳаётим шуқадар сиқилиб кетган эдики, мен дўзахли, изтиробли, ҳолсизлантирадиган ваҳимани ҳис қилардим! Биз барча ҳисоб варақларимизнинг тўлов муддатини ўтказиб юборардик ва ҳар ой уларнинг қай бирини ҳозир тўлаш керак, қай бирини эса келгуси ойга қолдириш юзасидан бош қотириб, мураккаб қарорлар қабул қилишга мажбур бўлардик.

Биз яшаган молиявий чалкашликнинг энг машаққатли соҳаларидан бири бу мен ҳис қилган уят эди. Ҳар сафар кредит картада пул бўлса керак деб умид билан фойдаланганимда, мени қўрқув қамрарди. Менга қарийб ҳар куни қўнғироқ қиладиган коллекторларга нуқул ёлғон гапириб ҳар хил баҳоналарни тўқиб чиқарардим. Менимча, менинг гўзал оилам ҳаёт учун зарурий бўлган нарсаларсиз кун кечирганини кўриш энг оғири бўлса керак. Бу менга жоний изтироб етказарди. Ростини айтсам, мен бирин-кетин бўлган муаммоларни ҳал қилавериб, ўзимни деярли ҳар куни омадсиз ҳис қилардим.

Бу молиявий алғов-далғов, радарда шунчаки милтирайдиган оддий нуқтача, аллақандай бир онли баҳя эмас эди. Бу ҳолат узоқ тўққиз йил давом этди!

Агар сиз қизиқаётган бўлсангиз, ҳа, биз ҳар ҳафта жамоатга қатнар эдик. Менинг илоҳиётшунослик ва тадбиркорлик бўйича маълумотим бор эди, мен Муқаддас Китоб мактабида бир йил ўқиб чиққан эдим. Мен Муқаддас Рухга чўмган эдим ва Худони севардим, аммо нимадир фожиали даражада нотўғри эди. Мен буни ҳис қилардим, аммо бу айнан нима эканини билмасдим. Мен Муқаддас Китобда ўқиган ҳодисалар, реал ҳаётимда содир бўлмасди.

Худо бизга фаровонликни истайди, бу Унинг иродасидир деб таълим берадиган жозибали жамоатга қатнар эдик, лекин мен буни содир бўлганини кўрмадим ва бу нима сабабдан содир бўлмаётгани ҳақида заррача ҳам тасаввурга эга эмас эдим. Тўғриси айтсам, менинг бирорта дўстим, фаровонликка умуман яқин эмас эди.

Ҳаракат қилиш учун белги

Ҳамма нарса ўзининг кескин нуқтасига етиб келди. Менга тўловни талаб қилиб, хуноб қиладиган адвокатларнинг бири яна бир марта қўнғироқ қилди. Бу сафар у жуда дангал гапириб: “Жаноб Киси, сиз менга 1600 долларни жўнатишингиз учун сизга уч кун муҳлат бераман, акс ҳолда, мен сизга қарши манашу суммага даъво қилишга мажбур бўламан”, деди-ю гўшакни қўйди.

Мен ҳамма нарса адои тамом бўлганини билардим. Менга узил-кесил нуқта қўйилган эди. Менинг мурожаат этадиган жойим йўқ эди, барча имкониятларимни сарфлаб бўлган эдим. Пул йўқ эди, озуқа ҳам йўқ эди. Бизнинг музлатгичимиз банк ҳисоб рақамимиз сингари маъюс кўринарди. Мен бизни мушкулотимиздан олиб чиқарадиган омадли иш ҳафтаси келишига умид қилардим, аммо бундай содир бўлмасди.

Мутлақо умидсизлик ҳолатида мен кўҳна фермерлик уйимизнинг миттигина ётоқхонасига кўтарилдим. Биз бу уйда ойида 300 доллар ижара ҳақи тўлаб яшардик. Мен бундай молиявий қулликда яшашимиз, Худонинг иродасига мувофиқ эмаслигини билардим. Биз тўғри келган ишларни қилардик, лекин фаровон яшамас эдик.

Кўз ёш қилиб ўзимни кроватга ташладим ва Худога хитоб қилдим. Мен қўққисдан Унинг жавоб берганини эшитиб лол қолдим. Мен руҳимда Ёзувнинг қуйидаги оятини эшитдим:

Худойим эса Исо Масиҳ орқали сизларнинг ҳар қандай муҳтожликларингизни Ўз шухратининг бойлиги билан қондиради.

— Филиппиликларга 4:19

Мен овоз чиқариб дедим: “Мен Ёзувнинг бу оятини биламан, лекин бунга ўз ҳаётимда кўрмаяпман”. Сўнгра Муқаддас Рух менга шундай деганини эшитдим:

“Сен ҳозир яшаётган алғов-далғовга Менинг умуман даҳлим йўқ. Сен яшаётган алғов-далғовнинг сабаби шундаки, сен Менинг Шоҳлигим қандай ишлашини билмайсан”. Сўнг У менга Унинг жамоати худди фиръавннинг даврида яшаётган қўллардек яшаётганини айтди. У: “Менинг халқим молиявий эркин бўлишини истайман!” деди.

Гарчи мен Шоҳлик деганда, У нимани назарда тутаетганини билмасам ҳам, мен қарзда яшаб бўлмасликни ва У мен билмаган ҳаёт кечиришнинг аълороқ услуби борлигига ишора қилаётганини тушунардим. Бу қандай услуб эканини ва бу қандай ишлашини билмас эдим, лекин буни аниқлашим кераклигини тушунардим.

Аввалига, мен пастга тушиб, Дрендани қаттиқ қучоқладим. Мен унга Худо менга айтган сўзларни айтиб бердим. Мен унинг қўлларидан тутиб Худонинг қаршисида ва унинг қаршисида оиламни шундай аҳволга солганим учун тавба қилдим. Биз Худо Шоҳлик ҳақида гапирганида нимани назарда тутганини ўзимиз тушунмасак ҳам – буни аниқлашга қатъий ваъда бердик. Биз шунингдек, қарз олиб кун кечириш амалиётига барҳам беришни ўз зиммамизга олдик, лекин буни қандай қилишни билмаслигимизни ҳам тан олдик. Биз ибодат қилганимизда мени тинчлик қоплади ва мен Худо буни қандай қилиб Унинг режасига кўра амалга оширишни кўрсатишини тушундим.

Шоҳлик сўзига қайтсам, мен чиндан ҳам У нима ҳақида гапираётганини тушунмас эдим. Мен осмонга боришимни билардим, Муқаддас Китобни яхши билардим, лекин барибир, У нимани назарда тутганини тушунмас эдим. Мен чиндан ҳам, *Шоҳлик* сўзи ҳақида кўп нарса билмас эдим. Бу сўз фақатгина “Осмондаги Отамиз” ибодатини эсга олганимизда ёдимга келарди.

*Сенинг Шоҳлигинг келсин! Осмонда бўлгани каби ерда ҳам
Сенинг ироданг бажо бўлсин!*

– Матто 6:10

Ўша пайтлар, мен бу Исо бир куни ерда ўрнатадиган келажакдаги Шоҳликка тааллуқли деб ўйлардим, лекин гап

аслида, нима ҳақида кетаётганини умуман билмас эдим. Мен матнни ўрганганимдан сўнг адашганимни тушундим. Исо бизга ҳозир ва шу ерда қандай ибодат қилишимиз кераклиги ҳақида гапирмоқда. Биз Худонинг ердаги иродаси ҳақида ибодат қилишимиз керак. Аммо Худонинг Шоҳлиги нима?

Агар менинг илгариги китобларимни ўқиган бўлсангиз, 1-бобга ўтишингиз мумкин, албатта, истасангиз. Аммо мен қайта ўқиш – бу билим олишнинг хазинаси деб ҳисоблайман. Бу сизга имтихондан ўтишингизга ёрдам беради. Имтихон – бу ҳаёт ўйинидир, бу ўйин аллақачон бошланган, аммо ҳаяжонланманг. Сиз тўғри жавобларни топиб, имтихондан ўтишингиз учун ҳали анча вақт бор. Агарда, менинг китобимни илк бора ўқиётган бўлсангиз, қўйида изоҳланган нарсалар жуда муҳим!

Янги ҳаёт тарзи

Худо менга, мен Унинг Шоҳлиги қандай қилиб ишлаши ҳақида умуман тушунчага эга эмаслигимни айтганида, менинг бошим қотиб қолди десам кўпиртирмаган бўламан. Биз Дренда билан У нима демоқчилигини тушунмас эдик. Худо биз Унинг Шоҳлигини қандай ишлашини билмаслигимиз ҳақида гапирганида, У нимани назарда тутганини, бизга очиб беришини сўрадик ва ибодат қилдик.

Шу боис аввалига – шоҳлик табиий маънода нимани билдиришини билиб олишимга тўғри келди. Мен учун бизнинг ғарбий тафаккуримиз билан бу тушунчани ўзлаштириш қийин, чунки биз Америка демократиясининг ва сўз эркинлигининг маслагада яшаймиз. Худонинг Шоҳлиги – бу демократия эмас, бу Подшоҳнинг Шоҳлигидир. Подшоҳнинг ҳокимияти бутун шоҳликка тарқалади, у ерда ваколат ҳукуматнинг турли хил иншоатлари ва одамлари орқали тақсимланади. Улар ушбу ваколат доирасида ҳаракат қиладилар.

Одамлар тўдаси – бу демократия эмас. Тўдада миллион киши бўлиши мумкин, лекин у барибир шоҳлик бўлолмайди. Шоҳлик – бу қонун томонидан ёки ҳокимият органлари томонидан бирлаштирилган бир гуруҳ одамлардир.

“Подшоҳлик”нинг луғатий таърифи қуйидагича жаранглайди: “Подшоҳ ёки малика томонидан бошқариладиган давлат ёки ҳукуматдир”.

Гарчи биз Мавлуд айёмида Исонинг ерга келганлигини нишонласак-да, одатда биз У Ўзи билан ҳукмронликни олиб келганини тушунмаймиз. Муқаддас Китобда манашундай ҳукмронлик тўғрисида пайғамбар Ишаъёнинг Китобида айтилган:

Зеро бизга Чақалоқ туғилди, бизга Ўғил берилди. Ҳукмронлик Унинг елкаларидадир ва Унга: Ажойиб, Маслаҳатчи, Қудратли Худо, мангу Ота, тинчлик Ҳокими, деб ном берилади. Довуднинг тахтида ва унинг шоҳлигида Унинг ҳукмронлиги ҳамда тинчлигининг чеки бўлмайди. У бунни бугундан тоабат адолат ва ҳақиқат билан ўрнатади ва мустаҳкамлайди. Қўшинлар Худовандининг рашики бунни амалга оширади.

– Ишаъё 9:6, 7

Исо манашу ҳукуматнинг Бошидир ва биз Исони ўзимизнинг шахсий Нажоткоримиз сифатида қабул қилганимизда, биз шу ҳукмронликдан фойда кўрамиз, биз фуқарога айланамиз. Биз нафақат фуқарога айланамиз, биз Худонинг ўғиллари ва қизлари сифатида Унинг оиласининг бир қисмига айланамиз.

Уни қабул қилганларга эса, Унинг номига имон келтирганларга У Худонинг фарзандлари бўлиш ҳокимиятини берди. Булар на қондан, на тананинг истагидан, на эрнинг истагидан, балки Худодан туғилдилар.

– Юҳанно 1:12, 13

Демак, сизлар энди бегона ва келгинди эмассизлар, балки муқаддасларнинг ҳамфуқароси ва Худонинг хонадонидегиларсизлар.

– Эфесликларга 2:19

Янги Шоҳлик

Мен нима ҳақида гапираётганимни яхшироқ тушунишингиз учун, мен Қўшма Штатларнинг чинакам фуқароси бўлиш нима экани тўғрисида сўзлаб беришимга ижозат беринг. Қўшма Штатларнинг фуқароси бўлиб, сиз қонуний ҳуқуқларга эгасиз. Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз Конституцияда ва бизнинг ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонунларда ёзилган. Ушбу қонунлар ва имтиёзлар, ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир фуқарога нисбатан амал қилади. Ушбу ҳуқуқлар бизнинг ҳиссиётларимизга ёки онгимизга асосланмаган. Йўқ, улар қонун томонидан белгиланган ва Американи ўз уйим деб атаган ҳар бир фуқарога юридик томондан тегишли. Фуқаро ўзининг қонуний ҳуқуқларини ҳатто, билмаслиги ҳам мумкин, лекин шундай бўлса-да, у Америка Қўшма Штатларининг фуқароси бўлгани учун унинг ҳуқуқлари бор.

Шундай қилиб, мен сизга мана нима ҳақда ўйлаб кўришни таклиф қиламан ва бу сизнинг Худо ҳақидаги ва Худо ваъда қилган нарсаларни қай тарзда олиш ҳақидаги тасаввурингизни ўзгартиради деб умид қиламан. Қўшма Штатларда, нимадир ёки кимдир бизнинг қонуний ҳуқуқларимизни тортиб олишга уринаётганини ёки бизга нисбатан адолатсизлик қилаётганини кўрсак, бизда адолатдан фойдаланиш (адолатдан фойдаланиш қонунга амал қилишни англатади) – бизнинг қонуний ҳуқуқларимизга амал қилишни таъминлайдиган жараёндан фойдаланиш имкониятимиз бор.

Биз судга борамиз ва судья бизнинг ташқи кўришимизга, биз қанчалик бой ёки камбағал эканимизга эътибор бермайди. У қонунга қарайди. У қарорни ҳар доим қонунга асосланиб чиқариши шарт. Қонун ва судья бизнинг ҳимоямизнинг кафилларидир.

Бизнинг қонуний ҳуқуқларимиз бор ва бизнинг ҳукуматимиз Қўшма Штатларининг ҳуқуқий тизимининг доирасида, одил суд жараёни орқали бизнинг қонуний ҳуқуқларимизни таъминлайди ва кафолатлайди. Буни инобатга олиб, пайғамбар Ишаъё

Китобининг 9-бобида келтирилган матнга диққат билан қаранг. У ерда Исо ерга олиб келган янги ҳукмронлик ҳақида айтиляпти.

Довуднинг тахтида ва унинг шоҳлигида Унинг ҳукмронлиги ҳамда тинчлигининг чеки бўлмайди. У буни бугундан тоабад адолат ва ҳақиқат билан ўрнатади ва мустаҳкамлайди. Қўшинлар Худовандининг рашки буни амалга оширади.

– Ишаъё 9:7

Ёзувнинг бу жойида Худонинг Шоҳлиги, Худонинг қонунини бажариш, одил суд орқали мустаҳкамланиши ва қўллаб-қувватланиши ҳақида айтиляпти. Ҳукмронлик сизнинг қонуний ҳуқуқларингизни бажарилганини таъминлаш ёки амалга ошириш жараёнини англатади. Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз – бу Худо ҳақиқат деб атайдиган, ёки Унинг Сўзларига кўра тўғри бўлган, Унинг қонунидир. Сиз Худонинг сўзларига кўра Унинг Шоҳлигида тўғри бўлган, қонун бўйича ушбу Шоҳликнинг фуқароси сифатида сизга тегишли бўлган нарса - бу адолатдир. Бу адолат Худо сизга ваъда берган нарсаларни олишингизнинг кафолатидир.

Худо бизга Ўзининг иродасини Ўзининг Сўзи орқали, Муқаддас Китоби орқали билдиради, токи биз Унинг Шоҳлигидаги ўзимизнинг қонуний ҳуқуқимизни билайлик. Бу яхши хабар! Худонинг Сўзида ўқиган барча ваъдалар сизга, Унинг Шоҳлигининг фуқароси сифатида қонунан тегишлидир!

Коринфликларга ёзилган иккинчи мактубда – ҲАР БИР ВАЪДА – “Ҳа” ва “Омин” дейилган. Ҳаммасига нуқта қўйилган, улар қонунан бизникидир.

Чунки Худонинг барча ваъдалари биз орқали Унинг шуҳрати намоеън бўлиши учун Исо Масиҳда “ҳа” ва “омин”дир.

– 2-Коринфликларга 1:20

Адолат ва ҳақлик – Худо Шоҳлигининг мазмуни ва пойдеворидир, у тебранмас. Бу ҳақда шундай фикр юритинг:

агар мен Худо Шоҳлигининг қонунини (Унинг иродасини) билсам ва менда адолатдан – қонунда айтилган нарсалар менга кафолат берадиган жараёндан фойдаланиш имкони бўлса, менда дадиллик бўлади ва мен қўрқмайман.

Мана, Худога нисбатан биз шундай дадилликка эгамизки, Унинг иродаси бўйича Ундан нимаики сўрасак, У бизни тинглайди. Агар Худо барча сўраётганларимизни тинглаётганини билсак, Ундан сўраётган нарсаларни олишимизни ҳам биламиз.

– 1-Юҳанно 5:14, 15

Бу оятда У бизни тинглайди деганда, гап У бизни акустика жиҳатидан, яъни товуш тўлқинлари орқали бизнинг сўзларимизни эшитиши ҳақида кетмаяпти, гап У “бизнинг ишимизни кўриб чиқаётгани” ҳақида кетяпти.

Ишни адолат билан кўриб чиқадиган судья ҳақида ўйлаб кўринг. Суд зали ва судья ҳар бир фуқаро одил суддан фойдаланишини кафолатлаш учун мавжуд. Судьянинг қарори унинг эҳтиросларига эмас, балки қонунга асосланган. Судья қонуннинг вакили бўлиб, ҳар бир фуқарога нисбатан қонун қўлланилишини таъминлайди. Судья ўрнида, одил судлов (қонуннинг ижроси) ёзилган қонунга мувофиқ бажарилаётганига ишонч ҳосил қилиш учун ўтиради.

Худога келсак, Исога ва Унинг Шоҳлигига келган барча одамлар адолат билан (Унинг иродаси ижро этилиши) таъминланиши учун Унинг тахти (ҳокимият ўрни) ва Унинг кучи мавжуд.

Илтимос, ушбу таъкидни шошмасдан яна бир марта ўқинг, у Худо ҳақидаги сизнинг ҳозирги тасаввурингизда ўрнашиб қолсин. Аксарият одамлар Худо ҳар бир алоҳида вазиятда Ўзининг қарорини қабул қилади деб ўйлайдилар, бироқ бу бундай эмас. У қонунлари ўзгармайдиган Шоҳликнинг Шоҳидир. У Ўзининг қонунининг чизиғидан чиқадиган қарорларни қабул қилмайди. Биз Унинг жавобини Ундан сўрашимиздан аввал билишимиз мумкин

ва биз Унинг қонунида ёзилган нарсаларга эга бўлишимизга, бу қонунни кўришимиздан даставвал амин бўлишимиз мумкин, чунки У Ўз қонунини ижро этиш ваколатига эга.

Тиламчиликка чек қўйиш

Мен Дренда билан Худо Шоҳлигидаги ўз ҳуқуқларимиз ҳақида билишни бошлаганимиздан сўнг, бизнинг Худо ва Муқаддас Китоб ҳақидаги тасаввуримиз мутлақо ўзгарди. Бизнинг янги тушунчамизнинг натижаси ҳаётимизни ўзгартирди. Биз бошқа тиламчилик қилмаймиз. Бошқа ёрдам сўрамаймиз. Биз Унинг Шоҳлигидаги фуқаролари сифатида бизга, аллақачон қонунан берилганини билиб олдик. Биз манашу ваъдаларга нисбатан бўлган ҳуқуқларимизни баён қилишни ва ушбу ваъдалар ерлик шоҳликда ижро этилишини кўришни ўрганишни давом эттирдик. Осмонда бўлган барча нарсанинг соҳиби эканимизни билиш биз учун очиклик бўлди. Фуқаролар сифатида, бизда Шоҳликнинг қонунларидан фойдаланишга қонуний ҳуқуқимиз бор. Биз уйнинг аъзолари сифатида мулк эгасимиз ва бизда осмонда бўлган ҳамма нарсанинг меросхўри бўлиш қонуний ҳуқуқимиз бор.

Агарда фарзандлари бўлсак, унда биз меросхўрлармиз, яъни Худонинг меросхўрларимиз ва Масиҳнинг ворисдошларимиз – фақатгина Масиҳнинг азоб-уқубатларига шерик бўлсак, токи кейин У билан улуғлана олайлик.

– Римликларга 8:17

Эътибор беринг, матнда биз Масиҳнинг ворисдошларимиз дейиляпти! Бу демакки, Масиҳда нимаики бўлса, буларнинг бари бизники ҳамдир!

Худо ўша куни мен билан менинг кўҳна уйчамда гаплашганида ва менга мен Унинг Шоҳлиги, яъни Унинг қонунлари ва Унинг Шоҳлигининг ҳуқуқий тузилмалари қай йўсинда ишлашини

билмаслигимни айтганида, У ҳақ эди. Менда Шоҳлик нима экани ҳақида ва у қандай ишлаши ҳақида заррача ҳам тушунчам бўлмаган. Лекин мен унинг мазмунини тушунишимга ёрдам берган бир нарсани жуда тез илғаб олдим: Шоҳлик ўзгармас қонунлар бўйича ҳаракат қилади. Қонунларда ҳеч қандай тарафкашлик йўқ. Қонунлар муайян кишининг фойдасига қараб ўзгармайди. Улар ўзгармас ва мудом.

Сизга бир мисол келтиришимга ижозат беринг. Бугун биз электр қувватидан фойдаланамиз ва ўйимизда ёнаётган чироқлардан баҳра оламиз. Сиз электр қувватини бошқарадиган қонунлар ер яратилган замондан бошлаб мавжуд бўлганлиги билан розисиз. Бироқ минглаб йиллар мобайнида свет бўлмаган! Нега? Электр қувватини бошқарадиган қонунларни ҳеч ким билмаган ва лампочкани ёқиш учун электр қувватини қандай қилиб ишлатишни ҳам ҳеч ким билмаган. Чақмоқлар ва сим орқали ўтказилган электр қуввати кундалик ҳаётда мавжуд бўлган, бироқ фақат кузатувлар ўтказилган. Кўринарли нарсани ишлаб чиқариш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган, чунки одамлар улар кузатаётган ҳодисалар ўрганиш мумкин бўлган қонунга асосланганини тушунишмаган.

Жамоатда ҳам худди шунақа тушунмовчилик тарқалган. Одамлар Худо Муқаддас Китобда содир қилган буюк ишлар ҳақида ўқийдилар, бироқ улар ўқиётган ҳолатларни кузатиш нуқтасидан нарига умуман қадам босмайдилар.

Кўплаб одамлар ўз ҳаётида Худонинг ҳайратомуз ишларини кўрадилар, лекин ёзги момақалди роқ вақтида чақмоқнинг ёрқин чақнашининг кузатувчиларига ўхшаб, улар ҳам туриб: “Вожаб, сиз буни кўрдингизми?” дейдилар, аммо буни такрорлай олмайдилар, чунки улар ҳозиргина кўрган ҳодисани бошқарадиган қонунларни тушунмайдилар. Масалан, бугун биз ер юзининг исталган жойида чироқ ўрнатсак бўлади, чунки электр қувватини бошқарадиган қонунларни тушунамиз.

Худди шундай, бугун биз самолётда бир куннинг ичида минглаб

милларни босиб ўтиб дунёнинг ҳар қандай жойига етиб бориш имкониятига эгамиз. Биз кўтарилиш кучи қонунини тушунганимиз ва ишлатганимиз учун самолёт учиш қобилиятига эга бўлади. Бироқ бу қонун дунё яратилган кундан бошлаб мавжуд бўлган, ушбу қонунни ҳар куни ишлатаётган қушлар бунинг исботидир. Бироқ инсоният бундан муқаддам минг йиллар давомида самолётда парвоз қилмаган, чунки ҳеч ким кўтарилиш қонунини кашф этмаган эди.

Худо Шоҳлиги билан ҳам шундай содир бўлади. Аксарият одамлар Худодан бирор эзгулик олиш учун Ундан ёлворишади, ўтинишади, Уни кўндиришга ҳаракат қилишади. Одамлар, улар имонли бўлган кундан бошлаб, Худо Шоҳлигининг барча қонунлари ва эзгуликлари уларнинг мулкига айланганини, улардан фойдаланиши ва лаззатланиши мумкинлигини, буларни ёлвориб сўраш керак эмаслигини билишмайди.

Айтайлик, мен сизнинг жамоатингизга келмоқчиман. Сиз мен келадиган кеча вақтида чироқ ёниб туриши учун ибодат гуруҳингиздан ибодат қилишларини ва рўза тутишларини сўраган бўлардингизми? Йўқ, албатта! Агар мен сизнинг жамоатингизга беҳосдан келиб қолсам, чироқ эса ёнмаётган бўлса, барча одамлар Худо чироқни ёндириши учун ёлворишни ва йиғлашни бошлаган бўлармиди? Йўқ, улар ёқиш тугмасини топиб, уни юқорига босиб, чироқни ёққан бўлардилар. Қўрқмасдан, эсанкирамасдан, шунчаки чироқни ёқинг!

Аммо қандайдир сабабга кўра, масиҳийлар Шоҳликка ва Худонинг Шоҳлигига шундай нуқтаи назар билан умуман ёндошмайдилар. Улар нимадир ўзгаради деб ўйлаб, ўз вақтининг аксарият қисмини илтижо қилиш билан ўтказишади. Ҳеч нарса ўзгармаганидан кейин улар бирданига Худони айблашади. Улар Худо уларнинг илтимосини бажармасликка қарор қилди деб ўйлайдилар. Айнан шу тушунмовчилик тўғрисида, аксарият масиҳийлар бугун, Худо ёмон ҳодиса ва фожиалар содир

бўлишига йўл қўяди, чунки У яхшироқ билади деб ҳисоблашади. Дўстим, Худонинг Шоҳлиги бундай ИШЛАМАЙДИ!!! Келинг, бизнинг парчамизга яна бир марта мурожаат қиламиз, аниқроғи Юҳаннонинг биринчи мактубига.

Мана, Худога нисбатан биз шундай дадилликка эгамизки, Унинг иродаси бўйича Ундан нимаики сўрасак, У бизни тинглайди. Агар Худо барча сўраётганларимизни тинглаётганини билсак, Ундан сўраётган нарсаларни олишимизни ҳам биламиз.

– 1-Юҳанно 5:14, 15

Биз ўзимизнинг қонуний ҳуқуқимизга мувофиқ тарзда сўраётганимизни ва У ишимиз учун курашаётганини билганимиз сабабли, Ундан сўраганимизни олишимизга аминмиз! Афсуски, бу матнда очилган ҳақиқатни аксарият имонлилар тушунмайдилар. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, аксарият одамлар. Аммо айнан манашу тушунча менинг ҳаётимни ўзгартирди!

Мақсад ёки кун кечирish

Мен Муқаддас Китобдаги воқеаларни янги қизиқиш билан ўқишни бошладим. Мен ҳар бир воқеада кашф қилиш зарур бўлган руҳий қонунлар борлигини билардим. Мен руҳий изланувчига айландим. Ҳар бир воқеада мен савол берардим: “Бу нима сабабдан содир бўлди?” “Бу воқеада қандай қонун изоҳланяпти?” Аста-секинлик билан мен Худо Шоҳлигида ишлайдиган қоидаларни ва қонунларни тушунишни бошладим ва бу менинг ҳаётимни тўлиқ ўзгартирди.

Ушбу қонунларни қўллашни бошлаб, биз икки ярим йил ичида барча қарзларимиздан тўлиқ қутулдик. Биз ўз машиналаримиз учун нақд пул билан тўлашни бошладик, орзу қилган ўйимизни 22 гектарли ерда қурдик ва ҳоказо. Энг ёқимлиси шундаки, ҳозир ҳеч қандай молиявий босим йўқ. Биз ўйимизнинг пулини тўлаб

бўлди ва энди диққатимизни кун кечиришга эмас, балки ўз даъватимизга, мақсадимизга қарата оламиз.

Бизнинг аксарият дўстларимиз ва танишларимиз ҳали ҳануз биздек баҳра олмаётганларини билганимизда, буни ўз кўзимиз билан кўрганимизда безовта бўлардик. Биз билиб олган нарсаларни бошқа одамлар ҳам билиб олишига ёрдам бериш истаги бизни, 1995-йили “Имон ҳаёти” жамоатига асос солишимизга олиб келди. Биз ўз диққатимизни Худо бизга ўргатган қонунлар ва қоидаларни одамлар билан баҳам кўришга, улар қандай қилиб эркин бўлишлари ва Худо Шоҳлигининг аъло ҳаёти билан яшашлари мумкинлиги ҳақида айтиб беришга қаратдик.

Сўнг 2005-йили биз “Ҳозир имон ҳаёти” медиахизматимизни очдик. “Ҳозир имон ҳаёти” бизнинг ҳар кунги иккита телевизион кўрсатувимизни, яъни “Молиявий масалани ечиш” ва “Дренда” номли Худо Шоҳлиги ҳақидаги Хушхабарни дунёнинг барча чеккаларигача узатиб беради.

Бугун биз “Хэппимил” бургерини сотиб олиб учта фарзандимизга тақсимлаб бериш илинжида, автомашинамизнинг ўриндиғидаги 25 тийинлик ва ўн тийинлик майда-чуйда тангаларни йиғиб тиришмаймиз. Биз ўз лойиҳаларимизга миллионлаб сарфляпмиз ва биз бу поғонага қандай кўтарилганимизни бошқа одамлар билиб олишларини жудаям истаймиз.

Биз қўққисдан кун кечириш тафаккуридан, мақсадга асосланган тафаккурга ўтдик ва биз нима яратишимиз мумкинлиги ҳақида орзу қилишни ва ҳаётимизни нимага бағишлашимиз мумкинлиги ҳақида ўйлашни бошладик. Биз молиявий тартибсизлик ва қулликдан тортиб, то молиявий эркинликкача бўлган йўлни босиб ўтдик.

Биз хонавайрон ва қул бўлган кунларимизда пул билан боғлиқ бўлган ҳар битта масала биз учун фожиага айланарди. Жуда оғир босим ҳолатида бўлиб, биз қарз бериб турадиган кишини топишга уринардик, ёки яна маҳаллий заргархонага борардик! Аммо бугун биз таъминотнинг кучи билан лаззатланяпмиз.

Эҳтимол сиз менга шундай савол берарсиз:

– Гари, таъминот кучи нима?

Таъминот кучи – бу ўз даъватингни топиш ва умр давомида кун кечиришдан қочиб қутулиш. Таъминот – бу Худонинг режаси. Бунинг яна бир бора шошмасдан ўқинг, бу сўз ўйинига ўхшайди (*provision* – инглиз тилидан “таъминот”, *vision* “мақсад”), бунинг маъноси кўзга ташланиб турибди.

Таъминотнинг йўқлиги қулликдаги ҳаётга олиб келади, қуллар эса улкан нарсалар ҳақида орзу қилишмайди! Ёдингизда бўлсин, сиз қул эмассиз! Сиз Худонинг ўйининг аъзосисиз, Исо билан биргаликда барча нарсанинг ворисдошисиз. Шу боис, бошингизни кўтаринг ва янги келажакни кўринг. Мен сиз эркин орзу қила олишингизни, ўз мақсадингизни мужассам қилиб, баҳра олишингизни ва аъло ҳаёт билан яшай олишингизни истайман. Мен бу китоб билан яқиндан таниш бўлганингиз сари, сизда илҳом ҳосил бўлишига ишонаман. Сизда аминлик пайдо бўлади. Менинг ҳаётимни ўзгартирган Худо Шоҳлигининг қонунлари, сизнинг ҳам ҳаётингизни ўзгартиради.

– Гари Киси

Аслида, бу “Ҳаётингиздаги молявий инқилоб” деб номланган бешта китобнинг тўртинчисидир. Сиз мен амал қиладиган қонунлар ҳақида ва Худо Шоҳлиги қандай ишлаши ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлишингиз учун мен сизга бундан бурунги учта китобни ўқиб чиқишни тавсия қиламан. Бу қуйидаги китоблар: *“Ҳаётингиздаги молявий инқилоб. Розиликнинг кучи”*, *“Ҳаётингиздаги молявий инқилоб. Оромнинг кучи”* ва *“Ҳаётингиздаги молявий инқилоб. Стратегиянинг кучи”*. Сиз бу китобларни GaryKeese.com ёки Amazon.com сайтларидан топишингиз мумкин.

1-БОБ

НУР ЗУЛМАТДА ПОРЛАЙДИ

Кириш бобида мен реал ҳолатимиз билан юзма-юз учрашимизга мажбурлаган адвокатнинг қўнғироғи ва ниҳоят, Худога хитоб қилганим ҳақида айтиб бердим. Мен шунингдек, тўшақда ётиб йиғлаганимда Раббий менга Унинг Шоҳлиги қандай ишлашини билиб олганим сабабли шундай алғов-далғовга тушиб қолганим ҳақида гапирганини айтиб бердим. Аммо бу қандай ишлайди? У менга нимани кўрсатмоқчи бўлди? Менда заррача ҳам тушунча йўқ эди, аммо мен билиб олиш шайида эдим.

Ёдинизда бўлса, мен суд даъвосидан қочиб-қутулишим учун уч кундан сўнг адвокатга 1 600 доллар беришим керак эди. Ўша пайтда бизнинг на пулимиз бор эди ва ушбу қарзни тўлаш учун на имкониятларимиз бор эди. Мен иложсиз ҳолатга тушиб қолдим, ҳарҳолда менга шундай туюларди. Бунинг ўрнига, мени Худо Шоҳлиги қандай ишлашининг биринчи дарсини ўтиш кутаётган эди.

Ўша пайтлар мен кўҳна “дож караванда” юрардим, у ҳаракатланиш вақтида паровозга ўхшаб тутарди. Ўша куни кечки пайт мен бир оила билан учрашув ҳақида келишиб олган эдим. Биз уларнинг суғурта эҳтиёжини муҳоама қилишимиз керак эди. Учрашув уларнинг уйида ўтиши керак эди. Уларнинг уйи менинг офисимдан чамаси ўн беш дақиқа масофада эди.

Ўша пайтларда мен машинамни атайлаб қўшни кўчада ёки мижознинг уйи бурчагининг ортида тўхтатардим. Сабаби

оддий эди. Мен ҳар сафар машинамни ўт олдирганимда ундан қуюқ тутун чиқарди ва бу менинг бизнесимни ривожига ҳисса қўшмайди деб ҳисоблардим, чунки мен инвестиция ва суғуртани харид қилиш масаласида ўз мижозларимга маслаҳат берадиган молиявий мутахассис эдим.

Ўша куни кечқурун мен одатга кўра машинамни мижозимнинг уйининг бурчаги ортида қолдирган эдим. Бизнесинг суҳбатимиз аъло ўтди ва мен мижоз билан хайрлашдим. Аммо мижоз мени машинамгача кузатиб қўйди, мен хавотирланиб ичимда: “ишқилиб у мен машинамни ўт олдирадиган пайтимгача қолмасинда” дедим. Афсуски у айнан шундай қилди. Мен у кетсин деб вақтни чўзиб, шошмасдан портфелимни ва бошқа нарсаларимни салонга жойладим, у эса сабр билан бир жойда кутиб турарди, мен машинани ўт олдиришимга тўғри келишини тушундим. Мен ўйлагандек кўча оқ тутунга тўлиб кетди.

Мен жойимдан қўзғалоқчи бўлганимда у моторни ўчиришимга ишора қилиб деразамнинг олдига келди. У автоустахонада қўшимча даромад учун ишлаб туришини ва капотни ичига бир назар солмоқчилигини айтди. Мен рози бўлиб капотни очдим. Мен у қандай носозликни топишининг аҳамияти йўқлигини билардим. Айти пайти бу шалоқ аравага пул сарф қилишим учун пулим йўқ эди.

Бир неча дақиқадан сўнг у қайтиб келиб: “Мен ўйлаганимдек қалпоқчанинг қистирмаси ёрилган экан. Машинани яна ҳайдашдан аввал бу муаммони зудлик билан бартараф этинг. Таъмирлашга 700 доллар кетади” деди.

Мен унга берган маслаҳати учун раҳмат айтиб, офисимга қайтиб бордим. Менинг миямда фақат битта ибора жаранглари эди: “Таъмирлашга 700 доллар кетади!” Ўша пайти 700 доллар мен учун миллион доллардек эшитиларди, мен эса адвокатга тўлашим учун 1 600 доллар топишим керак эди. Бундан ташқари мен тўлашим керак бўлган яна бир талай ҳисобварақларим бор эди.

Мен нима қилишни билмас эдим, лекин мен Дренда билан бундан олдин қилган ибодатим ёдимга тушди: “Раббий Сенинг Шоҳлигинг қандай ишлашни бизга ўргат ва бизга қандай қилиб қарзсиз яшашни кўрсат”.

Офисга бораётганимда йўл бўйлаб, мен Худо билан молиявий ҳолат ҳақида сўзлашишни бошладим: “Раббий Сен менга қанча пул кераклигини биласан. Сен мен ҳали манашу машинани пулини тўлашим кераклигини ҳам биласан, энди эса уни таъмирлаш учун 700 доллар керак. Раббий ростини айтсам, агар мен автомашина учун банкка тўлашим керак бўлган пулни ва таъмирлашнинг пулини санасак, ундан кўра бу машинани ёниб кетгани яхшироқ бўларди, ўшанда суғурта пули ҳамма ҳаражатни қоплаган бўлар эди!” Мен бу гапни гўё ибодатдагидек эмас, балки хира кайфиятда ва ҳазил қилиб айтдим.

Мен шу гапни айтганимдаёқ нимадир менинг диққатимни ўзига тортди. Капотнинг юқори қисмида кичкина пуфак пайдо бўлди. У илгари бўлганмиди йўқми билмайман. Мен пуфакка қараганимда у аста-секин каттариб кетди. Мен пуфакни кузатиб бордим ва чиндам ҳам унинг ҳажми каттариб кетаётганига ишонч ҳосил қилдим. Мен қотиб қолдим десам кўпиртирмаган бўламан. Мен ҳеч қанақа тутунни кўрмадим, фақат машинанинг орқасидан чиқадиган тутунни кўриб турардим, шунинг учун офисга қараб ҳайдаб боравердим.

Мен офиснинг парковкасига кирганимдан сўнг машинанинг олдги қисмида катта олов ёнишни бошлади! Моторнинг бўлимидан отилиб чиққан оловнинг бўйи олти фут эди. Шунда мен овоз чиқариб: “Раббий Сен бу гапни мен қандай айтганимни эшитдингми?” дедим.

Кейинги куни суғурта ширкати даъвомни қаноатлантирди ва мен адвокатга тўлашим керак бўлган 1600 долларни тўлишимга, шунингдек автомашина учун қолган қарзимни ҳам тўлишимга пул етди. Боз устига, озгина озиқ-овқат харид қилишга ҳам бироз

пул қолди. Биз ҳам бахтиёр эдик ҳам ҳайратда эдик, лекин олтовимизни ҳам ташиш учун зарур бўлган машинасиз қолдик.

Мен ўша пайтда нима содир бўлганини чиндан ҳам тушунтириб беролмайман, лекин машина ёниб кетишини исташимни овозда

ШУНДА МЕН ОВОЗ

ЧИҚАРИБ: “РАББИЙ,

СЕН БУ ГАПНИ МЕН

ҚАНДАЙ АЙТГАНИМНИ

ЭШИТДИНГМИ?”

ДЕДИМ.

айтаганим, менинг диққатимни ўзига тортди. Шу пайтгача менинг бирорта машинам ёниб кетмаган эди. Бошқа томондан мен ҳеч қачон машинам ёниб кетсин демаганман.

Бу Шоҳлик билан боғлиқ эдимми? Мен шу нарса содир бўлиши учун нимадир қилдимми, ёки бу шунчаки тасодиф эдимми? Биз аниғини билмас эдик. Гарчи биз

банк ва кредитор билан ҳисоблашиб бўлганимиздан сўнг ғалабани нишонлаган бўлсак ҳам, бизга ҳали ҳануз автомобил керак эди, аммо уни қайси пулга сотиб оламиз?

Янги автомобилни излаш

Менинг отам ҳол-аҳволимизни сўраш учун бизга қўнғироқ қилди ва ёниб кетган автомобилни ўрнига бошқасини харид қилишга ўз ёрданини таклиф қилди. Отамнинг пули бор эди ва мен отам бизга машина олиб беради деб ичимда умид қилардим. У бизга дилер марказларини айланиб чиқинглар ва ҳайдалган бўлса ҳам яхши машинани топинглар деди. Мен бу таклифни бажонидил қабул қилдим.

Биз бир нечта дилер марказларини айланиб чиқдик ва мен беками-кўст “дож караванни” топдим. Машина бор йўғи бир йил минилган эди. Мен отамга бу кетворган қирмизи автомобил Дрендага ёқиб тушган бўлар эди дедим. Отам менга: “Ажойиб! Қани юрчи уни харид қиламиз” дейди деб умид қилган эдим. Аммо отам: “Мен машина олишингиз учун 5000 доллар қўшаман”

деди. Ҳа, бу бағоят саҳий таклиф эди, аммо отам, аслида илк тўловни қоплашни, қолган тўловларни эса менинг зиммамда қолишини таклиф қилаётган эди.

Мен қўққисдан ўзимга келдим. Менинг кредит тарихимга қараб, бирорта ҳам банк менга кредит бермайди. Шу пайтгача мен молиявий аҳволимизни отамдан яшириб келаётган эдим. Бундан тақшари мен қарзимни кўпайтирмаслигим кераклигини ҳис қилардим.

Бироқ, бошқа ечимини кўрмасдан, мен кредит аризасини тўлдиришга тез қарор қилдим. Бундай ҳолда мен отамга аҳволим ҳақида айтиб беришимга ва отам аризани мен билан биргаликда тўлдиришига тўғри келишини билардим. Мен отамга бор воқеани истаксиз айтиб бердим, отам кредит бўйича кафил бўлишни таклиф қилди ва биз аризани топширдик. Дилер марказида чиқарилган қарор ҳақида кейинги куни маълум қилишларини айтишди.

Банк кредитни маъқуллашини аниқ билардим, чунки отамнинг кредит тарихи беками-кўст эди. Аммо мени хавотирга солаётган нарса бу эмас эди. Мен бу кредитни ололмаслигимни билардим. Менда бунга реал эҳтиёжим бор эди, лекин менинг пулим йўқ эди. Мен нима қилишим керак эди? Мен саросимада эдим, дилим ғаш эди.

Уйга келиб, Дрендага вазиятни айтиб бердим. У ҳам биз яна битта қарз ололмаслигимизни тушунарди, аммо бизнинг бошқа яна қандай чорамиз бор эди? Ўша кеча иккаламиз ҳам уйқуга киришимиз мушкул бўлди, лекин эрталаб, қарз олиш – биз қилишимиз керак бўлмаган иш деган аминлик билан турдик.

Шунинг учун мен отамга қўнғироқ қилиб, унинг таклифи учун раҳмат айтиб, биз автомобил харид қилиш учун яна битта қарз ололмаслигимизни маълум қилдим. Сўнг мен дилер марказига қўнғироқ қилиб, биз келмаслигимизни айтдим. Албатта, улар менга автокредит маъқулланди, машина ювиб қўйилган ва

юборишга тайёр дейишди. Мен уларга раҳмат, лекин мен автомобилни харид қилолмайман дедим.

Мен гўшакни илиб қўйганимдан сўнг кўнглим тинч бўлди, аммо бир вақтнинг ўзида мен олти кишидан иборат бўлган катта оиламиз сиғадиган катта машинани қандай харид қилишимизни тасаввур қила олмасдим. Менинг эски беш ўринли машинам бор эди, мен бу машинамда ишимга қатнардим ва биз бирор нарсани ўйлаб топмагунимизча шу билан қаноатланишимизга тўғри келган бўлар эди. Тахминан икки ҳафта ўтди, биз беш ўриндиқли автомобилдан фойдаланардик, бирор жойга ҳаммамиз боришимиз керак бўлганда бир неча марта қатнардик.

Кутилмаганда уйимизда телефон жиринглади, Дренда икки ой бурун учратган бир эркак кўнғироқ қилганди. Дренда ота-онасининг ҳар ойи ўтказадиган антиквар ким ошди савдосида сотиш учун бир нечта буюмларни излаётган эди. Унинг ота-онаси Атлантада яшарди ва улар ким ошди савдосини ҳам ўша ерда ўтказарди. Улар ойида бир марта Огайога келиб, ким ошди савдоси учун буюмлар харид қиларди ва Дренда ота-онасини қизиқтириши мумкин бўлган ҳар қандай нарсани қидириб чиқарди. Бу ҳар ойи озгина қўшимча даромад келтирарди, чунки улар Дренда топган нодир нарсалар учун унга иш ҳаққи тўларди.

Билишимча, Дренда ўша йигит билан қаердадир тўқнаш келиб, бир-биридан нима билан шуғулланиши ҳақида сўраб олишган. Дренда у йигитга агар унда сотиш учун бирор нарса бўлса, бу уни қизиқтириши мумкинлигини айтган. У йигит, ниҳоятда катта қариялар уйининг бошқарувчиси бўлиб чиқди ва гоҳида беморлар у жойга кўчиб ўтаётган пайтда, уйдаги нарсаларидан қутулишига тўғри келар экан. Агар қарияларнинг уй-рўзғор анжомларига қараб турадиган оиласи бўлмаса, у уларни бир жойга йиғиб аста-секин сотиб келган.

Мен уни танимас эдим, шунинг учун у кўнғироқ қилганидан сўнг мен унинг исмини ёзиб қўйиб, Дрендага уни кўнғироқ

қилганини айтдим. Дренда унга қайтиб қўнғироқ қилганида у мебел билан рўзғор анжомларига лиқ тўла учта хонаси борлигини ва хоналарни бўшатиши кераклигини айтди. У ҳамма нарсани ёппасига арзон нархга беришни таклиф қилди.

Биз Дренда билан сотиладиган нарсаларни баҳолаш учун ўша манзилга бордик. Гарчи биз хоналар полдан тортиб, потолоккача анжомлар билан лиқ тўлиқ бўлгани сабабли ҳамма нарсани кўра олмаган бўлсак-да, у ҳамма нарса учун сўраган нархни қоплайдиган бир нечта нарсаларни кўра олдик. Биз Дренданинг ота-онасига қўнғироқ қилдик ва улар бизга пул кўчиришди. Биз юк машинада келиб, ҳамма нарсани Атлантага ҳар ойги ким ошди савдосига олиб бордик.

Савдо катта муваффақият билан ўтди ва бизнинг хизмат ҳаққимиз учун унинг ота-онаси бизга “пежо универсални” беришга рози бўлди. Бу машина бир неча йил минилган эди ва у жуда яхши ҳолатда эди. Ҳозир мен тушунаманки, аксарият одамлар учун минилган автомобилни харид қилиш унчалик ҳам катта байрам эмас. Аммо бизнинг ҳаётимизда бу нарса илк марта содир бўлди, биз миниб юрган машина учун пул тўлашга мажбур бўлмадик. Машина эндигина қайта рангланган эди ва кўриниши яп-янги эди. Биз жуда хурсанд эдик.

Ва бу қандай ишлаши менга қўққисдан очилди. Мен нимага муҳтож бўлсам, Худо менга қарзга кирмасдан ёрдам беришига ишонишни ўргандим.

Тафаккурдаги тўнтарилиши

Биз ҳали Оклахомада яшаган пайтимизда, бир йил муқаддам Раббийнинг иштирокида содир бўлган воқеа мен учун энди тушунарли бўлди. Ортга қараб, Раббий менинг диққатимни Ўзига тортмоқчи бўлганини, лекин биз шунчалик қарзга ботиб кетганимиз ва қарзларнинг босими остида қолганимиз сабабли

Худо бизга ўргатмоқчи бўлган нарсани бехосдан кўрмаган эдик.

Мен ов қилишни, айниқса буғуларни ов қилишни ёқтираман. Менга буғунинг гўшти ёқади, шунингдек овдан уйга бирор нарсани олиб келишни ёқтираман. Охирги бир неча йил мобайнида овга борганимда, овда ҳам менинг омадим чопмади, гарчи мен жуда ғайрат қилган эдим. Мен овга чиқиб совуқда бир неча кун ўтирардим, аммо битта ҳам буғуни кўрмас эдим. Бу мени озгина гангитиб қўйган эди, ахир мен болаларни боқишим керак эди. Буғу гўшти бизга ҳалақит бермас эди. Ўтмишда бироз омадим келган бўлса ҳам, охирги марта уйга буғу гўштини олиб келганимга анча вақт ўтган эди.

Бир марта мен яқинда бўладиган ов мавсуми ҳақида ўйлаганимда Раббийнинг овозини эшитдим. У: “Бу йил қандай қилиб буғуни овлаш кераклигини Мен сенга кўрсатишимга ижозат берсанг бўлмайдими?” деди. Мен ҳайратга тушдим. “Буғуни қандай овлашни сенга кўрсатаман?” деб айтди Худо. Бу нима дегани?

Эшитган нарсам ҳақида ибодат қилаётганимда, Муқаддас Руҳ мени буғуни овлашни аниқ мақсад қилиб, молиявий уруғ ёки инъомни экишга руҳлантирди. Мен буғуни қўлга киритиш учун илгари ҳеч қачон пул экмаганман ва бошида бу менга озгина ғалати туюлди. Аммо Раббий мен шу уруғни экишим учун мени бошқараётганини аниқ ҳис қилдим. Боз устига, у менга батафсил қўлланмаларни берди. Менга буюрилган ҳажмда чек ёзиб бердим. Биз Дренда билан чекнинг устига қўл қўйиб ибодат қилдик ҳамда шу жойда ва шу вақтда мен ўзимнинг 1987-йилда туғилган эркак буғумни қўлга киритганимни эълон қилдик. Биз уни овлаган пайтимизда эмас, балки ибодат вақтида қўлга киритганимизга ишондик.

Гарчи мен масиҳий бўлиб, доим қурбонлик бериб ўз жамоатимни қўллаб-қувватлаб келган бўлсам-да, аниқ мақсад билан экиш, ибодат вақтида буни имон билан олиш мен учун янги нарса эди.

Шу боис, чекни олдимда, тўловнинг мақсади қаторида “Менинг

1987-йилда туғилган буғум учун” деб ёздим. Мен Дренда билан биргаликда чекнинг устига қўлимизни қўйдик, уни мен таянган хизмат учун почта орқали жўнатдик ва чекни жўнатиш вақтида, ҳозиргина буғумни қўлга киритдим деб эълон қилдим. Мен битта варақни олиб, унга ўз фикримча буғуни қўлга киритган кунни ва вақтни ёзиб қўйдим ва уни ов чопонимнинг чўнтагига солдим.

Ўша пайтда мен Оклахома штатининг Талса шаҳрида яшар эдим. Менинг ов қиладиган жойим йўқ эди, аммо жамоатдаги бир дўстим, мени Шукрона Кунида унинг бувисиникига қишлоққа келишни таклиф қилди. У ферманинг атрофида бир нечта буғулар яшашини айтди.

Шундай қилиб, Шукрона Куни эрта тонгда биз оиламиз билан ўша ерга жўнаб кетдик. Биз у ерда мазали таомлардан ва мулоқотдан баҳраманд бўлмоқчи эдик. Боз устига, буғуни овлаш имконияти бор эди. Дўстимнинг ҳудудида ўрмон билан чегара бўлган яйлов бор эди ва у менга яйловга бориб, ўша ерда ўсаётган бир катта дарахтнинг остида ўтириб ўлжани пойлашни таклиф қилди.

Энди манашу манзарани кўз ўнгингизга келтиринг. Қуёш аста-секин атрофни ярқиратишни бошлади, мен эса ўти ўрилган майсазорда ўтирган эдим, ўртада катта дарахт турарди. Мен мутлақо нотўғри жойда турганимни билардим, чунки мен майсазорнинг очиқ жойида ўтирганим учун ўзини ҳурмат қиладиган битта ҳам буғу кўзга кўринмас эди.

Мен ўрнимдан туриб, тахминан бир юз йигирма метр нарида бўлган ўрмонга қараб бормоқчи эдим. Шу пайти мен чап томонимда бўлган тўсиқ бўйлаб ўрмон ичидан ҳаракатнинг товуши келди. Мен узоқда баргларнинг шилдирашини эшитдим ва бу буғулар эканини тушундим.

Қўққисдан, тўсиқни ёқалаб ўрмоннинг ичида ҳаракатланаётган учта буғу кўринди. Улар буталар ичидан ўтиб кетаётган эди. Буғулар жуда узоқда эди, мен тўхтаб, ўрмонга боришдан аввал

бир неча дақиқа кутиб туришга мажбур бўлдим. Сўнгра афтидан (мен буни билмаган эдим) буғу менинг ортимдан тўғри мен ўтирган дарахтга қараб, дала бўйлаб югуриб келди.

Буғу дала бўйлаб менинг олдимдан ўрмонга қараб югуриб бораётганида, мен дарахтнинг бошқа томонида эдим, у мени кўрмади. У дарахтнинг олдига югуриб келиб, менинг ҳидимни сезганидан баланд пишқирди. Бу мени кўрқитиб юборди. Мен қўққисдан келган товушга қарасам, олдимда шоҳида олтита ўсиғи бор эркак буғу турган эди. Орамизда бор йўғи тўртярим метр масофа бор эди. Нима содир бўлаётганини зудлик билан пайқаб, у бор кучи билан ўрмонга қараб қочди. У сакраб-сакраб қочарди. Айтиш жоизки, бор кучи билан югуриб кетаётган оқ думли буғуни сойли милтиқнинг нишонига олиш осон иш эмас. Мен у ўрмонга етиб боргунича фақат бир марта ўқ узишим мумкинлигини тушунардим. Мен уни тиришиб нишонга ололмадим, чунки у баланд сакраб югурарди. Ўрмонгача йигирма дақиқа қолганда, мен тепкини босдим. Буғу йиқилиб, жойидан қимирламас эди. Мен ҳайратда эдим! Наҳотки, бу рост бўлса? Ҳаммаси жуда тез содир бўлди! Мен жойимдан аста туриб, буғу ётган жойга бордим. Чўнтагимдан хатни олдим у Худого буғу учун миннатдорчилик билдирдим.

Ўқ узишнинг товушини эшитган дўстим келиб, ерда ётган буғуни кўриб мени табриклади. Мен дўстимга, Раббий менга айтганларини айтиб ўтирмадим, фақат мен унга қараб: “Мен бу буғуни ўзимнинг овчилик маҳоратим билан қўлга киритмадим” дедим. Сўнг мен унга, Дренда билан манашу буғу учун ибодат қилган кунимиз ёзган қоғозни кўрсатдим. У ерда: “Мен Исо номи билан ибодат қилган манашу кунда ва манашу вақтда 1987-йил туғилган буғуни қўлга киритганимга ишонаман” деб ёзилган эди. Мен хатни дўстимга кўрсатдим, сўнгра унга Раббий менга нима қилишни буюрганини айтиб бердим.

Бу ҳодиса менга таъсир қилди. Бу Худодан бўлганига шубҳам йўқ эди. Аммо қандайдир сабабга кўра мен ҳали ҳам пазллардан

тўлиқ суратни йиғмаган эдим. Буғу билан бўлган ҳодисани Худо Шоҳлигининг қонунини тушуниш билан боғлаш, ҳали ҳам ҳаёлимга келмаган эди. Буғуни қўлга киритиш ҳайратомуз воқеа бўлди, бироқ бу такрорланармикан? Шоҳлик

қонунининг тушунчасисиз, мен қандай қонунлар буғуни қўлга киритишга олиб келганини билмаган бўлар эдим. Лекин мен буни текшириш учун келгуси ов мавсумини сабрсизлик билан кутардим.

**БУ ҲОДИСА МЕНГА
ТАЪСИР ҚИЛДИ. БУ
ХУДОДАН БЎЛГАНИГА
ШУБҲАМ ЙЎҚ ЭДИ.**

Имон ҳар доим ишлайди

Овнинг келгуси мавсуми янгиликларни олиб келди. Биз Талсадан Огайога кўчиб ўтдик. Бизнинг кўчиб ўтишимизга, мен югураётган пайтимда содир бўлган бир воқеа туртки бўлди. Муқаддас Рух менга Огайога кўчиб ўтиш вақти келди, у ерда сен ўз ишингни бажарасан деди.

Ўша кунгача мен Талсада ўн йил яшаган эдим ва мен бу шаҳарни севардим, лекин кўчиб ўтиш манзараси мени қувонтирарди. Бир йил олдин нефт соҳасининг пасайиши Талсага кучли зарба берди, чунки унинг иқтисодиёти асосан нефтга боғлиқ эди. Бизнинг маблағимиз сезиларли даражада камайиб кетди ва биз аранг кун кечирар эдик. Ҳамма нарсани бошқатдан бошлаш ғояси мени тетиклаштирди. Мен келажакдаги тўққиз йил янада кўпроқ молиявий зарбани олиб келишини билмас эдим. Биз Талсада бошимиздан кечирган мушкулотдан анча ўзиб кетади.

Биз Огайога ёзнинг бошида кўчиб ўтдик. Мен бизни нималар кутаётган экан деб сабрсизлик билан кутардим. Биз тез орада бизнесни янгидан бошлаш ва барча олдинги қарзларимизни кўтариб юриш ниҳоятда оғир эканини тушундик.

Албатта, буғуларни овлаш мавсуми яқинлашаётган эди. Биз шунингдек, учинчи фарзандимизни кутаётган эдик. Том ов

мавсумининг иккинчи кунда, Огайода туғилди, бола туғилгани ва янги бизнесни бошлаганим сабабли атрофдаги маҳаллий жойларни ўрганиб чиқишга вақтим бўлмади. Мен ов учун фақат битта жойни билар эдим.

Катта синфларда ўқиганимда, мен катта ўйимизнинг кўчасининг нариги томонида ов тузоғини ўрнатган эдим. Ота-онамнинг ерида ҳовуз бор эди. Ҳовуз қўшнининг фермаси орқали оқаётган ирмоқдан тўлиб турарди. Болалигимда кўп йиллар мобайнида ўша ирмоқнинг ёнида юрганман, лекин у ерда бирор марта ҳам буғуларни, уларнинг ҳаттоки изини ҳам кўрмаганман. Мен коллежда ўқиганимда акам менга қўнғироқ қилиб, ўша ерда бир марта буғуни кўриб ҳайрон қолганини ва келгуси кузда ўша ерда ов қилмоқчиман дегани эсимга тушди. Биз икковимиз ҳам ҳайратда эдик. Бу сўхбатимиз тўққиз ёки ўн йил муқаддам бўлган эди.

Мен ўша жойни яхши билганим учун, у буғуни аниқ қаерда кўрганини таърифлаб берганини эсладим. У буғуни ирмоқ иккига бўлинган жойда, катта заранг дарахтнинг ёнида кўрганини айтган эди. Сўнг у катта заранг дарахтнинг олдида кичичроқ заранг дарахт борлигини, шу кичик дарахтдан каттасига чиқиб олиб, буғуларни овлаш мумкинлигини айтган эди.

Хўш, акамнинг ўзи ўша ирмоқнинг олдида битта ҳам буғуни тутмаган эди, гарчи унинг айтишича, у бир марта уриниб кўрган экан, лекин у нишонга туширолмабди. Акам у ерда бир неча йилдан буён бўлмаган, шунинг учун ўша заранг дарахт жойида турибдими, йўқми, мен режалаштирган куннинг тонгги хиралигида ўша дарахтни топа оламанми, йўқми, билмас эдим.

Боз устига, Огайода фақат қўшоғиз милтиқдан ўқ узиш қонуни, вазифани мураккаблаштирар эди. Ов мавсумида сойли милтиқдан фойдаланиш таъқиқланган эди, буғуни фақат қўшоғиз милтиқ билан овлаш мумкин эди. Ўша пайти менинг фақат 20-чи калибрли қўшоғиз милтиғим бор эди ва мен у билан буғуни йигирма метрдан узоқ бўлган масофада тута олишимга ишончим

комил эмас эди. Аммо ўша пайти менинг бошқа чорам йўқ эди, шунинг учун режа оддий эди.

Биз Дренда билан уруғ экдик, бир йил бурун қилганимиздек, чек устига қўлимизни қўйдик ва Марк Хушхабари (11:24)га асосан мен буғуни овлай оламан деб, эълон қилдик. Қисқаси, Огайода ов мавсумининг тўртинчи кунда бир марта чиқиб, қирқ дақиқа ичида эркак ва урғочи буғуни тутдим. Иккала буғуни ҳам, етмиш метр масофадан тутдим. Бу менинг силлиқ дастали қуролимнинг имкониятидан юқори эди. Ўша пайти Огайода иккита буғудан ортиқ овлаш тақиқланган эди, шунинг учун ўша йили мен фақат иккита буғуни тутдим. Ҳа, худди шундай содир бўлди, мен қирқ дақиқа ичида иккита буғуни тутдим.

Мен қўлимдан нима келаётганини билардим. Аммо шундай ўлжани қўлга киритиш вақтида, бизнинг молиявий аҳволимиз жуда аянчли эди ва кайфиятимиз жуда бўғиқ эди. Аслида, бу қоидаларни бизнинг молиямизга ҳам қўллаш ҳеч қачон ҳаёлимга келмаган.

Ҳаддан зиёд “тасодифлар”

Огайодаги ўша биринчи қиш ва сўнги ўн икки ой даҳшатли бўлди, чунки мен ўта жиддий ҳиссий муаммолар билан, қўрқув ҳужумлари, тушкунлик билан курашдим. Мен бу ҳақда китобнинг кириш қисмида айтиб берган эдим.

Келгуси йили ноябр ойида, айнан ов мавсуми олдида, менинг автомашинам ёниб кетди. Мен илгариги икки йил мобайнида буғуларни овлаш мавсумида ғаройиб тарзда ўлжани қўлга киритган бўлсам ҳам, менда ҳали ҳануз Худо Шоҳлиги тўғрисида ваҳий йўқ эди.

Машина ёниб кетиб, Худо мен билан Шоҳлик ҳақида

**ОЧИҒИНИ АЙТСАМ,
ХУДО БИЗНИНГ
ДИҚҚАТИМИЗНИ ТОРТИШ
УЧУН ҲАММА НАРСАДАН
ФОЙДАЛАНАДИ.**

гаплашганида, бу учта воқеада, мен аввалига ўйлаган нарсдан кўра анча каттароқ нарса содир бўлганини тушундим. Мен жуда руҳландим, лекин ўша пайти ҳам, менда Шоҳликнинг қонунлари ҳақида умуман тушунчам йўқ эди.

Кейинги овмавсумикелди ва менянагўё вақти белгиланганидек, қирқ дақиқа ичида буғуни тутдим. Шоҳлик бизнинг молиявий соҳамизда ҳам, қандай қилиб ҳаракат қилаётганини кўришни бошладик. Мен бу ҳақда келгуси бобда айтиб бераман. Аммо мен шу бир неча, илк йиллар мобайнида ғаройиб нарсаларни кўрдим.

Албатта, буғуларни овлаш борасида Худо мени доим бирон янги нарсага ўргатарди. Бунинг сабаби буғуларни овлаш мавсуми – бу назорат қилинадиган ва жуда чекланган вақт оралиғида йиғиладиган ҳосилнинг йиғимига ўхшашлигида деб ўйлайман. Огайода ов мавсуми бор-йўғи икки ҳафта давом этади. Бундай қисқа мавсумда сиз вақтингизни бой беришни истамайсиз. Аксинча, буғуларнинг аксарият овчилари мавсумга аниқ мақсад ва ўта масъулият билан ёндашдилар. Уларнинг аксарияти жойларни ўрганишга ва шу икки ҳафталик имкониятга тайёрланишга сарфлайдилар. Бу қиролликни ўрганиш учун аъло даражадаги “лаборатория шароитини” яратади.

Шундай экан, буғуларни овлаш ҳақида бу барча воқеаларим учун узр сўрайман, лекин бу воқеалар мен учун жуда муҳим эди. Улар яширинган қонунларни очиб берди, акс ҳолда, мен уларни кўрмаган бўлар эдим. Очигини айтсам Худо бизнинг диққатимизни тортиш учун ҳар нарсани қилади. Луқо Хушхабарининг бешинчи бобида, У Петрус, Ёқуб ва Юҳаннонинг диққитини тортиш учун балиқ овидан фойдаланган эди, улар шунчалик кўп балиқ тутдиларки, уларнинг қайиқлари сал қолса, чўкиб кета бошлади. Худо менинг ҳаётимда буғулар овини ишлатди.

Худо менинг ётоқхонамда Худо Шоҳлиги ҳақида гапиришни бошлаганида, ёнаётган автомобилни кўрганимда ва буғуларни овлаганим ҳақида эслаганимда, шунингдек, Худо биз ажойиб минилган универсал машинани қарзга ботмай ишлаб топишимиз

учун эшикларни очиб берганида, қўққисдан, тушунишни бошладик. Дренда икковимиз бунга тўлиқ берилиб кетдик.

Мен Муқаддас Китобни мутлақо бошқача тарзда ўрганишни бошладим. Мен ўзимни руҳий олим деб атардим. Мен саволлар беришни бошладим. “Бу нима сабабдан содир бўлди? Бу эса, нима сабабдан содир бўлмади?” Мен диққат билан, Муқаддас Китобда ўқиган воқеаларнинг ортида турган руҳий қонунлар ҳақида имошоларни қидирдим.

Худо менга турли нарсаларни гапиришда давом этарди. У менга Худо Шоҳлиги ҳақида яна ниманидир тушунтириш учун яна буғулар овини ишлатди. Бу навбатдаги воқеа, чиндан ҳам менинг диққатимни тортди. Бу “Сен буни кўрдингми” деган лаҳзанинг яна битта серияси эди.

Хэллоуин кечаси эди ва мен жинлар руҳлантирган анъанавий байрамнинг тескариси бўлган, жамоатдаги байрамга оила бўлиб боришимизгача, қирқ беш дақиқа вақтим қолган эди.

Бундан икки ҳафта аввал, биз Дренда билан эркак буғуни тутиш учун уруғ эккан эдик. Биз чекка қўл қўйиб ибодат қилдик. Биз чекни Худо бизга кўрсатди, деб ишонган хизматга жўнатдик ва буни Марк Хушхабари (12:24)га мувофиқ амалга ошган факт деб атадик. Бу мазкур мавсумдаги менинг биринчи чиқишим эди ва мен ижарага олинган жойда камон билан ов қилдим.

Мен одатда буғуни қирқ дақиқа ичида овлардим, лекин Худо менга энди имон билан овлашни ўргатган эди. Шу боис, вақтим чекланган бўлса ҳам, буғуни тутишга вақт етишини ҳис қилган эдим. Ўша куни мен қарағайзорнинг ёқасида ов учун мўлжалланган пистирмали дарахтни топдим. У бизнинг кўҳна фермерлик ўйимизнинг ортида эди ва мен тепага чиқиб олдим. Мен у ерда ўн дақиқадан кўп ўтирмадим. Ўзимдан икки юз метр нарида, қўшнимнинг ўрмони томон қараб келаётган эркак буғуни кўриб қолдим. Бу менинг буғум эканини билардим, аммо у бошқа томонга кетаётган эди!

Мен бу камон билан бор-йўғи иккинчи йил овга чиққан эдим

ва бундай овнинг хусусиятларини унчалик ҳам яхши билмас эдим. Мен ниқоб кийим кийган эмасдим, овозни ўхшатиб чақиришни билмасдим ва буғуларни жалб этиш учун ҳидлардан фойдаланиш ҳақида, ҳаттоки эшитмаган ҳам эдим. Мен дарахта ўтирган пистирма тахтадан ясалган эди. Мен уни ердан тахминан уч ярим метр баландликда бўлган шохлар орасига қоқиб қўйдим, шундай экан, агар сиз дарахтнинг пистирмасида камон билан ов қилиш ҳақида бирор нима билсангиз, бу унчалик ҳам баланд эмас. Лекин бундан бир йил олдин, мен илк бора камон билан овга чиққанимда икки уриниш билан иккита буғуни тутган эдим. Мен овга имон билан чиққан эдим ва бу йил ҳам шундай бўлишини кутган эдим.

Буғу бошқа томонга кетаётганини кузатиб туриб, мен нима қилишни билмадим ва ибодат қилишни бошладим. Кутилмаганда, мен Муқаддас Рухнинг овозини эшитдим. У менга: “Буғуга олдимга кел деб айт” деди. Мен эсанкираб қолдим. Буғуга олдимга кел деб айт? Мен баланд овозда бақира олмаслигимни билардим, шу боис, оддий оҳангда: “Буғу, тўхта! Ўгирилиб, менинг олдимга дарахт остига кел” дедим. Телбаликка ўхшайди-я? Мен бунни айтганимдаёқ, буғу тўхтаб, икки томонга қаради, сўнг қайрилиб, мен томонга қараб икки юз метр масофани юриб ўтди. Мен турган ўрмоннинг эни тахминан уч юз эллик метрдан ташкил топган бўлишидан қатъи назар, у тўғри мен ўтирган дарахт томон қараб келиб, қотиб қолди.

Мен унга қаратиб ўқ уздим. Мана бунни ўлжа деса бўлади! Мен бунни ҳозиргина кўрдимми? Буғу менинг аниқ ўқ узишимдан қулаб тушди. Мен соатга қарадим ва агар байрамга улғуришни истасам, буғуни шу ерда қолдириб, кейин қайтиб келиб, уни ертулага олиб кетишим мумкинлигини тушундим. Шунини тан олишим керакки, мен билан бўлиб ўтган бу воқеа ҳақида бир неча ҳафта ўйладим. Аммо Худо менинг диққатимни тортишни тўхтатмади.

Биз ижарага олган ферма орқали ирмоқ оқарди ва унинг

ёқасида буталар ўсарди. Бу қуёнларни овлаш учун жуда яхши жой эди. Ўша кечаси қор ёғди, қор ёққан жойда қуёнларни топиш осон. Мен сабрсизлик билан овга чиқдим. Ўғлим Тим билан ирмоқнинг туби бўйлаб йўл очиб бордик, йўл-йўлакай бир талай наваларни тепиб юрдик, тўсатдан, буталар орасидан қирғовул учиб чиқди.

Огайода қирғовулларни овлаш мавсуми бўлиб ўтарди, аммо мен фермада деярли ҳеч қачон қирғовулни кўрмаганман, балки бир йилда бир дона кўрган бўлсам керак. Қирғовулни кўриб, мен уни ўққа тутдим. Ўқ узганимдан сўнг қуш ерга йиқилди, у ерга қулаши билан югуриб кетди. Мен ўқни унинг қанотига теккизганимни тушундим. Қирғовул ирмоқнинг қиялиги тепасига қараб бор кучи билан югуриб кетди. У тезликни соатига 55 километрга қадар ошириши мумкин. Албатта, қор устида унчалик ҳам тез югура олмасди.

Ирмоқ узун жарликнинг тубида бўлгани сабабли, тепалик қиясининг ҳар бир дюйми менга яхши кўриниб турарди. Ўтган йили тепалик чим етиштириш учун ишлатилган эди, шу боис, с у жуда равон эди, айрим жойларида ўт тутамлари чиқиб турарди.

Қуш бор кучи билан тепаликка учиб чиққанида, мен уни ушлаб олмаслигимни, у ўқ узиш масофасидан узоқлашиб кетганини тушундим. Бироқ қўққисдан, буғу ёдимга тушди. Мен уни чақирганимда у олдимга келган эди. Шунинг учун мен баланд овозда: “Қирғовул, ТЎХТА!” деб қичқирдим. Менга қор билан қопланган тепаликнинг қияси яхши кўриниб турарди. Айрим жойларда қор остидан ўтлар чиқиб турарди, лекин қуш кўринмай қолди. Тим: “Дада қуш қаерга ғойиб бўлди?” деб бақирди. Мен: “Мен билмайман” дедим.

Шунда биз қия бўйлаб, унинг изидан юқорига қараб бордик ва у ҳеч қаерга ғойиб бўлмаган экан, у миттигина бошини қорнинг ичига яшириб ўша ерда ўтирган экан. Мен: “Наҳотки, мен нишонга теккан бўлсам ва у ўлмагунча югурган бўлса?” деб ўйладим. Мен пастга эгилиб қушни маҳкам ушлаб олдим, қирғовул эса ёввойи

оҳангда қичқириб қанотларини қоқди. У ҳали жудаям жонли эди! Ўша куни кечқурун мен қушни сўйганимда уни синчковлик билан кўриб чиқдим. Унда ўқнинг излари йўқ эди, лекин мен унинг ўнг қанотига теккизган жойни чиндан ҳам кўрдим. Демак, қирғовул чиндан ҳам тирик бўлган, лекин мен “Тўхта!” деб айтган сонияда, у тўхтаган.

Ҳа, Раббий, менинг бор диққатим Сенда!

2-БОБ

ЯНГИЧА ТАФАККУР

Биз Дренда билан Худонинг Шоҳлиги ҳаётимизда қандай ҳаракат қилишини кўришни бошлаганимизда, одамларга бу ҳақда тўхтамасдан айтишни бошладик. Биз кашфиётларнинг ва эркинликнинг мароқли йўлида эканимизни билардик. Мен илгаригидек суғурта ва қиммат қоғозларни сотишни давом эттирдим, аммо нимадир ўзгараётганини ҳис қилардим. Мен нима содир бўлаётганини билмас эдим, бироқ мен буғуларни овлаганимга ва ўша минилган беназир машинага эга бўлганимга ўхшаб, молия соҳасида ҳам жавоблар борлигига ишончим комил эди. Менинг минилган универсал машинам борлигидан хурсанд эдим, бироқ менга анча аълороғи кераклигини билардим.

Бизнинг тарихимизнинг шу босқичида қарзларимиз ҳали кўп эди. Мен улардан қутулишни истардим, лекин нимани ўзгартириш кераклигини билмас эдим. Шунга қарамай мен жавобни топишимга амин эдим. Мен мақсадга яқин эканимни билардим, аммо мен Муқаддас Китобда кўрган мисоллар ҳаётимда мужассамланиши учун кўпроқ нарсани билиб олишим керак эди. Бизнесдан келадиган даромадим кундалик ҳаражатларимизни зўрға қоплар эди. Аммо бу биз ой сайин қарзга ботиб кетишимиздан кўра аълороқ эди.

Биз Дренда билан Муқаддас Китобни ўқишда давом этардик ва Худо Шоҳлигининг ишлаш усуллари ҳақидаги янги йўл-йўриқларини излар эдик. Шунингдек, бизга керак бўлган

маблағлар учун ўзимизнинг пулларимизни экардик.

Бир кун и кечқурун мен туш кўрдим. Тушимда ўсимликнинг толаси бўйлаб юқорига қараб эмаклаётган қуртни кўрдим. У ўсимликнинг чўққисига кўтарилиб пилла тўқиди. Қўққисдан, пилланинг ичидан жозибали капалак кўринди ва у учиб кетди. Сўнгра овоз деди: “Сенинг бизнесинг билан ҳам шундай бўлади”.

Мен уйғонганимдан сўнг бу тушнинг маъносини тушундим. Қурт фақат эмаклай олади ва ўз имкониятларида жуда чекланган, у одатда бутун умри давомида битта ўсимликда яшайди. Бироқ ушбу қуртнинг бутун ҳаётини ва имкониятларини ўзгартирадиган бошқа тусга кириш содир бўлади. У капалакка айланади ва истаган жойига уча олади. Уларнинг баъзилари, мисол учун монарх, шимолий ярим шарнинг қишги ойларини четлаш учун минглаб милларни учиб ўта олади.

Мен бу ўзгариш қандай содир бўлишини билмас эдим, лекин энди Худо бун и менга кўрсатаётганига амин эдим. Мен кўтаринки руҳда эдим.

Ҳайратомуз кашфиёт

Огайога кўчиб ўтгандан сўнг, кун ида эрталаблари тўқсон марта совуқ қўнғироқлар қилишни бошладим. Бунинг учун менда ажойиб тизим ишлаб чиқилган эди дейишни истар эдим, лекин ростини айтсам мен ҳар кун и телефон китобини қараб чиқардим (бу “Қўнғироқ қилинмасин” рўйхати пайдо бўлишигача давом этди).

Мен ширкатда туман президентининг ўринбосари бўлиб ишлардим, менинг асосий вазифам янги савдо вакилларини ёллаш ва уларга ўргатиш эди. Мен бизнинг ширкатимиз Огайодаги филиалини кенгайтирмоқда ва мен: “ширкатимиз шу туманда бу билан қизиқиб қолиши мумкин бўлган бирор кишини билмайсизларми, деб сўраш учун қўнғироқ қиляпман” дердим.

Кўпинча, мен автожавобергичга тушардим ва мен хабар қолдирардим. Агар одамлар қизиқиб қолишса, улар қайта

қўнғироқ қилар эдилар. Бир кунда тўқсон марта қўнғироқ қилиб, мен икки-уч киши билан суҳбат учрашувини ўтказишга умид қилардим ҳамда битта шартнома тузиш эҳтимоли туғиларди.

Айнан манашу жараёнда, мен Дэйв билан танишдим. Телефондаги суҳбат чоғида у янги соҳадаги фаолиятни топмоқчилигини ва мен нима таклиф қилишим мумкинлигини билмоқчилигини айтди. Мен унга кечқурун унинг уйига боришни таклиф қилдим, у рози бўлди. Мен у ва унинг турмуш ўртоғи билан стол олдида ўтирганимда, у ҳозир қаерда ишлаётгани, нима сабабдан фаолият турини ўзгартирмоқчи ва уларнинг ҳозирги молиявий аҳволи қанақа экани ҳақида одатий саволларни беришни бошладим. Одатда мен ҳар доим пичоққа илинадиган номзодлардан уларнинг молиявий аҳволи ҳақида сўрардим, чунки агар улар ширкатда ишлашга қизиқиш кўрсатмаса, мен суҳбатни уларга суғурта маҳсулотини сотиш нуқтаи назаридан қурар эдим. Шу боис, молиявий маълумотларни тўплаш, мен улар қанақа ҳажмдаги суғуртани кўриб чиқишлари кераклиги тўғрисида тасаввурга эга бўлишимга, шунингдек, уларда аллақачон қанақа бошқа суғурта маҳсулотлари борлигини билишимга имконият берарди.

Таажжубки, биз уларнинг айна пайтдаги молиявий аҳволини муҳокама қилаётганимизда, унинг аёли умидсизликдан йиғлашни бошлади. Уларнинг молиясида тўлиқ тартибсизлик ҳукм сурарди ва улар нимани ўзгартириш кераклигини умуман билишмас эди. Мен муаммо суғуртада эмаслигини тушундим. Улар пул оқимини кўпайтириши ва қарзлардан қутулиши керак эди, шу боис, мен Худо Шоҳлигини ҳам тилга олдим ва мен Дренда билан қандай қилиб унинг қоидаларини ўрганганимиз ҳақида айтиб бердим. Мен уларга ёрдам бериш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилишни ва эҳтимол, улар амалга ошириши керак бўлган барча ўзгартиришларни муҳокама қилиш учун, улар билан бир ҳафтадан сўнг яна учрашишим ҳақида ваъда бердим.

Учрашувдан сўнг офисга кетаётганимда йўлда мени хавотир босди. Эҳтимол, мен нимадир қила оларман!

Офисга қайтиб, мен ўз столим олдиға ўтирдим ва тўсатдан, менда ғоя пайдо бўлди. Мен улар фойдаланаётган ҳар битта маҳсулотнинг ёки хизматнинг муқобил услубларини ўрганиб чиқишим керак. Мен ўша маҳсулотни арзонроқ нарҳда топиш илинжида эдим. Менинг мақсадим улар қарзларини қисқартириши учун, қанча пулни тежай олишимни аниқлаш эди. У пайтларда интернет йўқ эди, шу боис, мен маълумотни телефон маълумотномалари ва қўнғироқлар орқали тўплардим.

Бир ҳафтадан сўнг мен улар фойдаланаётган барча маҳсулотларни ва хизматларни билардим ва мен аниқлаган нарсалардан ҳайратда эдим. Уларга ҳозир хизмат кўрсатаётган ширкатларни бошқа арзонроқ ширкатларга алмаштириб, мен ойида уларнинг 600 доллар пул оқимини тежаб қолдим. Сўнгра мен ўзимнинг молявий ҳисоблагичимни олдимда, тежалган пул оқимини ҳозирги қарз тузилмасига нисбатан қўлладим ва “ҳисоблаб чиқиш” тугмасини босдим.

Экранда рақамлар кўринганидан сўнг, мен довдираб қолдим. Албатта, мен қаердадир адашган бўлишим мумкин. Менинг ҳисобим бу оила етти йилдан камроқ бўлган муддат ичида қарзларидан, шу жумладан, уйнинг ипотекасидан, даромадмиқдорини ўзгартирмаган ҳолда тўлиқ қутулишини кўрсатди. “Бундай бўлиши мумкин эмас” деб ўйладим. Шунинг учун мен рақамларни қайтадан текшириб чиқдим ва яна ўша натижаларни олдим.

Сўнгра мен ҳужжатлар қуттисининг ёнига бориб, у ердан бир нечта бошқа мижозларимнинг ишларини олдим ва ўша ҳафта уларни ҳам ишлаб чиқдим. Менинг ҳозирги мижозим сингари, уларнинг ҳар бири ҳам беш-етти йил ичида қарзларидан, шу жумладан, уй ипотекасидан, даромадларини ўзгартирмасдан тўлиқ қутулиши мумкин экан. Мен аниқлаган нарсани уларга кўрсатиш учун фурсатни сабрсизлик билан кутардим. Бундан ташқари улар бу маълумотни қандай қабул қилишлари қизиқ эди.

Мен Дэйв ва унинг турмуш ўртоғи билан ўтирганимизда

пулларни қандай қилиб тежаш мумкинлигини тушунтириб, ҳар бир босқичнинг рақамларини ўқиб бердим. Мен пул тежаш мумкин бўлган ҳар бир босқични ўқиб тушунтирмагунимча атайлаб, якуний натижани яширдим. Менинг бутун тақдимотим мобайнида мижозларим деярли қотиб қолишарди. Уларнинг нуқтаи назарига кўра уларнинг пул йўқ, ҳеч қачон қарзларимиздан қутулолмаймиз деб ўйлашган. Мен улар қарзларидан, шу жумладан, ипотека қарзидан етти йилдан камроқ бўлган муддат ичида қутулишлари мумкин деган охириги варақни ўқиганимда оиланинг боши кўз ёшлари билан жойидан сакраб турди. У жуда ҳаяжонда эди. Улар яна ўкириб йиғладилар ва мен уларнинг олдига келганим учун қайта-қайта миннатдорчилик билдирар эдилар. Мен улар билан яна бироз вақт ўтириб, Худо менга ўша пайтга келиб, очган ҳамма ваҳийлар билан, Худо Шоҳлиги ҳақидаги ҳамма нарса билан бўлишдим. Улар буни бор диққати билан тинглашди!

Мен бу мижозда бир сўм ҳам ишлаб топмадим, лекин унга хизмат кўрсатиб умримдаги энг катта қаноатни ҳис қилдим ва энди менинг фикрларим, соатига бир миллион тезликда айланарди. Мен ҳозиргина қилган ишни ҳар битта мижоз учун қилишни истардим ва ушбу жараёндан қандай қилиб даромад қилиш ҳақида донолик сўрардим. Агар мен бундан қандай қилиб пул ишлашни тушуна олсам, бу менинг янги бизнес-моделим бўлишини билардим. Уринишлар ва хатолар орқали биздан ёрдам сўраган одамларга режаларимизни бепул таклиф қилиш, шу билан бир навбатда биз ишлаб чиққан тавсия тизими орқали даромад қилиш услубини топдик. Бу ҳақиқатга ўхшамайдигандек туюларди ва Дренда билан мен ҳаддан зиёд ҳаяжонда эдик.

Мен тушимда кўрган бошқа тусга айланиш манашу эканини билардим. Биз пилла босқичида эканимизни тушунган бўлсам ҳам, парвозга тайёр эдим! Мен чиндан ҳам ўсишим учун ҳали кўп нарсани ўрганишим керак эди, лекин мен тўғри йўлда эканимни билар эдим.

Биз ўзимизнинг янги ширкатимизни рўйхатдан ўтказдик ва

уни “Faith-Full Family Finances” (“Имонга тўла оилавий молия”) деб атадик, чунки сизнинг молиянгиз имон билан тўлиқ бўлиб қолишини билар эдик ва бу биз чиндан ҳам таклиф қилаётган молиявий муаммоларнинг ечимидан кўра кўпроқ тушунтирмоқчи бўлган мактуб эди. Биз бу номни йигирма йилдан ортиқ сақлаб турдик, сўнгра бу очиқчасига масиҳийча ном эканини тушундик, биз эса кўпроқ имонсизларни қамраб олмақчи эдик, шу боис уни “Forward Financial Group” (“Илғор молиявий гуруҳ) деб номини ўзгартирдик, унинг номи бугун ҳам шундай. (Айтганча, биз илгаригидек қарз билан ишлаш бўйича бўлган чизмаларни бепул тўзиб беряпмиз, шунингдек одамларга уларнинг нафақа жамғармаси учун хатардан қочишга ёрдам берамиз. “Forward Financial Group” билан 1-(800)-815-0818 рақам бўйича ёки Forwardfinancialgroup.com орқали уланишингиз мумкин).

Гарчи бизнинг ширкатимизни ишга тушуриш пайтида, ҳалихануз катта қарзимиз бўлса ҳам, биз тўғри йўлдан кетаётганимизни билардик. Ширкатимиз улкан муваффақият қозонди ва биз Дренда билан тахминан икки ярим йилдан сўнг қарзларимиздан қутулдик. Мен бу қанчалик ҳаяжонли эканини изоҳлаб беролмайман! Қутилмаганда, бизнинг ҳаётимиз энди кун кечириш эмас эди, бизнинг ичимизда мақсад шаклланишни бошлади.

Янги машинани нақд пулга сотиб олиш – бу ҳайратомуз эди. Огайодаги энг гўзал 22 гектар ерни нақд пулга сотиб олиш ҳиссини сўз билан изоҳлаб бўлмайди. Бизнинг 700 квадрат метрли орзуимиздаги уйимизни қуриш, бунинг қарзга кирмай, тўлиқ пулини тўлаш – ақл бовар қилмас эди! Бизнинг янги уйимизнинг пойдеворини қўйишаётганда Дренда билан туриб томоша қилганимизни ҳеч қачон унутмайман. Уй биз яшаган миттигина фермерлик уйимиздан катта эди. Биз туриб, бунинг барига кўз ёши билан қарардик. Биз тўққиз йиллик дўзах ортада қолганига қарардик, буюғига энди бошқа ҳеч қачон бундай бўлмаслигини билардик. Биз Худонинг Шоҳлигини кашф қилдик ва энди биз пайғамбар Ишаъё бунини нима сабабдан Хушхабар деб атаганини билардик.

Раббий Мени қашшоқларга хушхабарни воизлик қилиш учун мойлади.

– Ишаъё 61:1

Ростини айтсам биз Дренда билан ўзимизни қайта ва қайта чимчилашимизга тўғри келарди, чунки ақл бовар қилмас нарсалар содир бўларди. Қарзлардан тўлиқ озод бўлиш қачонлардир рўёбга чиқмайдиган орзу эди, энди эса бу реал бўлди!

Менга қаранг, мен унчалик ҳам зўр эмасман! Сиз менинг хизмат дафтарчамни кўрдингиз. Мен йиллар мобайнида ўзим билгандек қилишга уринганман ва жон-жаҳд билан меҳнат қилганман, аммо эвазига фақат жон изтиробини ва тушкунликни олганман. Мен Худога мақбул ҳаёт кечиришни ўргандим ва бу иш берди. Айнан шу сабабдан, сиз бу китобни ўқияпсиз, токи мен билиб олган нарсани, сиз ҳам билиб олинг. Аммо аввалига сиз мен ўзим учун янги тизимни, янги Шоҳликни ва мутлақо янги тарздаги ҳаётни кашф этганимни тушуниб олишингиз керак. Бу сиз учун ечимдир. Бу сиз муҳтож бўлган ечим. Бу сиз узоқ вақт мобайнида кутган хушхабардир. Биламан, биламан сизнинг жамоатингизда бунга ўргатишмайди. Менинг жамоатим ҳам менга ўргатмаган, лекин бунинг бари Муқаддас Китобда бор.

Худо ҳар доим эзгу

Мен сизга айтган нарсаларни тушунишнинг калитини беришимга ижозат беринг – динни улоқтириб юборинг! Бу диний масала эмас. Гап Худо ҳақида, У сиз нималарга эга бўлишингизни хоҳлаши ҳақида, шунингдек, У сизга Худонинг Шоҳлигини ато этиш учун Исо орқали қанақа нархни тўлагани ҳақида кетяпти. Шундай қилиб, келинг, Шоҳликка шўнғиймиз ва у қандай ишлашини билиб оламиз.

Биз Дренда билан Худонинг Шоҳлиги бизнинг ҳаётимизда қандай ишлашини кўришни бошладик, биз кўрган

нарсаларимиздан кўп марта ҳайратга тушган эдик. Биз аксарият имонлилар, бу қандай ишлаши ҳақида умуман тушунчага эга эмасликларини тушундик.

Масалан, ҳозиргина бодомсимон безни кесиб ташлаш бўйича ўтказилган жарроҳлик жараёнида, жарроҳлик столида вафот этган етти ёшлик бола ҳақидаги сарлавҳани ўқидим. Гарчи бу кенг тарқалган ва одатда хавфсиз жарроҳлик бўлса ҳам, қиз боланинг юраги жарроҳлик жараёнида тўхтаб қолди ва бу катта фожиа. Биз бу ҳодиса ҳақида фақат эшитганимизнинг ўзидан барчамизнинг юрагимиз чўчиб кетди. Бироқ бу ҳодиса қанчалик фожиали бўлмасин, ушбу ҳодисада бу оилага умрининг охиригача таъсир ўтказиши мумкин бўлган яна битта қисми бор. Қиз боланинг отаси репортерга айтган сўзларини эслатишимга ижозат беринг.

“Биз бундай нарсалар нима сабабдан содир бўлишини билмаймиз, лекин бу Худонинг режаси бўлганлигини тушунамиз. Бу биз бу вазиятдан ўтимишизга ёрдам бера оладиган ягона услубдир, чунки бунинг ортида Худо турганини биламиз”.

Мен “Грин-Бей-Пэкерс” квотербеки Аҳарон Рожерснинг сўзларини келтиришимга ижозат беринг. Унинг воқеаси 2020-йил 22-январ куни “People” журналида чоп этилди. Рожерснинг айтишича, у болалигида динга ишонмаган, ёши ўтган сари ўзини “бошқа турдаги руҳийликка” мансуб деб билган. “Мен билган аксарият одамлар жамоатга шунчаки қатнашишимиз керак деб ўйлардилар”. У яна: “Мен сайёранинг катта қисмини жаҳаннам оловига мубтало қилишни истайдиган Худога қандай қилиб ишониш мумкинлигини тушунмайман. Қандай қилиб севувчи, сезгир, ҳамма жойда бор бўлган, қодир мавжудот ўзининг жозибали бандаларини, охир-оқибат жаҳаннам оловига равона қилиши мумкин?” деб айтган.

Беъмани изоҳлар! Аммо улар Худо ҳақида шундай фикрласа, қайси одам унинг етти ёшли қизини “тортиб” олмоқчи бўлган Худога ишона олади ёки хизмат қила олади? Ҳеч ким! Ким

сайёранинг аксарият қисмини дўзахга мубтало қилмоқчи бўлган Худога хизмат қилади? Ҳеч ким! Аммо аксарият масиҳийлар айнан манашу нарсага ишонади. Сиз бу нарсани бутун умрингиз давомида эшитгансиз: “Худо бунга йўл қўйди”, “Худо буни қилди”, “Бу Худонинг режаси эди”, “Уларнинг кетиш вақти келган эди” ва бошқа кўпгина шунга ўхшаш баёнотлар. Аслида, гаров ўйнайманки, сиз ҳам шундай деб ўйласангиз керак. Шу боис, мен очиқ гапираман. Агар сиз чиндан ҳам Худони шунақа деб ўйласангиз, У Ўзининг иродаси бўйича болани ўлдириши мумкин ёки кимгадир саратон касаллигини ёғдириши мумкин деб ўйласангиз, биз жиддий гаплашиб олишимиз керак. Мен буни қуйидагича ифодалаб беришимга ижозат беринг:

СИЗ ҲЕЧ ҚАЧОН СУЯНМАГАН КИШИНГИЗГА ИШОНМАЙСИЗ!

Агар сиз Худога ишонмаслик керак, У беайбларнинг қотили деб ўргатилган бўлсангиз ва У коинотнинг қодир Яратувчиси эканига ишонсангиз, унда сиз бор кучингиз билан Унинг жаҳлини чиқармасликка ҳаракат қилишингиз керак. Ўтмишда ибтидоий даврларда одамлар айнан шундай қилишган. Улар Худонинг жаҳлини тинчитиш учун ҳар қанақа қурбонликлар келтиришган. Улар ўзларини турли йўллар билан чеклашган, ўзларига ҳатто турли туман оғриқлар етказишган. Улар Унга чиндан ҳам итоатли эканини кўрсатиш учун, бу ишларни Унинг қаҳридан қутулиш илинжида қилишган. Аммо Муқаддас Китобдаги Худонинг характери, чиндан ҳам шунақами? Биз Худодан қўрқиб яшашимиз керакми? Йўқ, албатта. Худо бизга қарши ёки У бизнинг ишончимизга арзимаёйди деган таълимот, Одам ва Ҳавога боғда берилган ёмон насиҳатлардан келиб чиққан.

*Раббий Худо яратган барча дала ҳайвонлари орасида илон энг айёри эди. Илон хотинга: – Ростдан ҳам Худо, боғдаги ҳеч бир дарахтдан еманглар, **деб айтдим**и? – деди.*

Хотин эса илонга деди: – Боғдаги дарахтларнинг мевасидан

ея оламиз-у, Худо: «Сизлар ўлмаслигингиз учун фақат боғнинг ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ҳам, унга тегманглар ҳам», – деди.

Илон эса хотинга деди: – Йўқ, аниқ ўлмайсизлар! Зеро Худо биладики, ундан еган куниеқ кўзларингиз очилади, шунда сизлар худолар каби яхшилик ва ёмонликни биладиган бўласизлар.

*Хотин дарахтнинг озиққа яхши, кўзга ёқимли ва **донолик бериши** учун ардоқли эканини кўриб, унинг мевасидан олиб еди. Кейин эрига ҳам берди, у ҳам еди.*

– Ибтидо 3:1-6

Шайтон бошидан Худонинг табиатини шубҳа остига қўяди. Ҳаво Худо билан муносабатга эга бўлгани учун доноликка эга эди, аммо бу унга камдек туюлгани ғалати. Шайтон Ҳавони унга нимадир етишмаяпти деб, Худо ундан бунни яшираяпти деб ишонтира олди. Одам ва Ҳаво Худо ҳақида ёлғонга ишондилар ва ўз ихтиёри билан бошқа шоҳликка эга бўлиш учун, Унинг Шоҳлигида ўз ўринларини қолдирдилар. Шайтон уларга яхшироқ келажак бера олади деб ишондилар. Албатта, уларнинг қарори фақат азоб, кулфат ва ўлим олиб келди.

Шайтоннинг услуби ҳеч қачон ўзгармайди, унинг асосий нишони жамоат экани таажжуб эмас. Жамоат шайтонни қулатиш ва уни барча жанг майдонларида мағлуб қилиш ҳоқимиятига эга бўлгани сабабли, унинг илгаригидек фақатгина битта қуроли бор, алдов ва ёлғон.

Худонинг табиати

Сизнинг келажакингиз ва таъминотингизга келсак, биз биринчи навбатда кўриб чиқишимиз керак бўлган муҳим мавзу – Худонинг табиатидир. Агар биз бу масалани ҳал қилмасак, сиз бу китобни, бой бўлишнинг йўлларини маслаҳат берадиган навбатдаги

китоб сингари улоқтириб юборсангиз бўлади. Мен сизни бунинг барчаси орқали олиб ўтказишимиз учун вақт ажратасиз деб умид қиламан. Мен сиз, чиндан ҳам молиявий эркин бўлишни истайсиз ва донолик билан билимга чанқоқсиз деб умид қиламан. Бу гал таълимот Одам билан Ҳавони алдаган ёлғончи шайтондан эмас, балки Худонинг Ўзи ҳақида бўлади.

Иккинчидан, мен Худо нима сабабдан бундай ёмон нарсалар содир бўлишига йўл қўяди деб ҳисоблашингизни тушунаман. Ахир, агар У Худо бўлса, демак У хоҳлагинини қилишга қодирку, шундайми? Шундай экан, агар етти ёшли бола ўлса, Худода эса буни тўхтатиш ҳокимияти бор экан, демак У буни содир бўлишига йўл қўйибди. Бу таъкидлов қисман тўғри. Худода буни тўхтатиш ҳокимияти бор эди, лекин Унинг бундай содир бўлишига йўл қўймаслик учун қонуний ваколати бўлмаган.

Мен қонуний ваколат масаласини кейинги бобда кўриб чиқаман, аммо мен ҳозир табиати масаласига тўхталишим керак, сўнг сиз Худо эзгу, Унинг Сўзи эса ҳақиқат эканини билишингизга ва бунга заррача ҳам шубҳаланмаслигингизга ишонч ҳосил қилишим керак.

Бу қанчалик муҳим эканидан ҳайрон қолишингиз мумкин. Сўнг бу бобда мен Худо Шоҳлигининг қонунлари ҳақида, улар қандай ишлаши ва манашу қонунлар қандай қилиб мен яшаган молиявий дўзахдан қутқаргани ҳақида айтиб бераман. Агар сиз Шоҳнинг Ўзига ишонмасангиз, Унинг қонунлари ҳам сиз учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Ёдингизда бўлсин, ушбу сафарда мен Худо Шоҳлиги ҳақида кашф этган биринчи нарсам – ҳукмронлик эди. Шоҳ ҳукм суради, У Шоҳликнинг қонунларини ўрнатган. Ушбу қонунлар Шоҳликда яшайдиган фуқароларга тегишли бўлган эзгуликларни ва уларнинг мажбуриятларини белгилайди. Улар Шоҳликнинг ҳар битта фуқаросини ҳимоя қилади ва Шоҳнинг унинг ҳаётига нисбатан бўлган режани ижро этилишини кафолатлайди. Шоҳнинг табиатини тушуниш, қонунларни тушуниш учун зарурий бўлган

шартдир. Мен айтган эдим, Худонинг Шоҳлиги – бу Шоҳликнинг ҳар бир фуқаросига тегишли бўлган қонунлар ва эзгуликлар билан бирга бўлган ҳукмронлик эканини тушунганимдаёқ руҳий олимга айландим. Шунда мен, Шоҳликнинг ҳар битта ҳаракати ортида руҳий қонун турганини тушундим. Ушбу қонун қонуннинг ҳаракатланишига олиб келади. Шунда менда умид пайдо бўлди. Мен бу қонунларни ўргансам бўлар экан! Буни ҳар бир киши ўрганиши мумкин! Кит ва Кэти ҳам манашуни билиб олишди.

Тўрт йил уларнинг ҳаётини ўзгартирди

Кит ва Кэти оддий ишда маош олишар ва оддий ҳаёт кечиришар эди. Улар эндигина, Кит ишсиз қолган пайтда янги уй сотиб олишди. Бироқ бир йилдан ошиқроқ аввал, Кит бизнинг “Пул масалаларининг ечими” телешоумиз ҳақида билиб олган ва менинг баъзи материалларим устида, Худо Шоҳлиги ҳақида ва ўзининг фуқаро сифатидаги қонуний ҳуқуқлари ҳақида фикр юритиш, ўрганиш билан вақт ўтказган.

У ишсиз қолганда ибодат қилган ва бошқа иш қидиришнинг ўрнига, юк ташиш бўйича хусусий ширкат очишни қарор қилган.

У тадбиркорлик ҳақида кам билишини тан олган, лекин ўрганиб олиши мумкинлигини ҳис қилган. У юк ташиш бизнесини битта юк ташиш машинасидан бошлаган ва машина ҳамда юк ташиш учун ўнг келган нарсани ташиган.

Кит ва Кэти ўрганишни давом эттиришган ва уларга янги имконият очилган – бу ёрдамга муҳтож бўлган миллий ширкат учун юк ташиб бериш. Бу Кит учун катта қадам эди, у хусусий яримтиркамининг соҳиби бўлишига ва юк ташиш билан боғлиқ бўлган яна кўплаб қонунларни ўрганишига тўғри келган, у бунга кўнган ва Худо уни етаклаётганига ишонган.

Ўша пайтдан бундан ширкат ривожланиб келмоқда. Ҳозирнинг ҳар куни тўлиқ иш тартибида ишлатилаётган саккизта яримтиркамаси бор. Кит илгари бегона ширкат учун ишлаб ҳафтасига 1500 доллар

даромад қилганини айтиб берди. Ўзининг шахсий автотранспорт ширкатида эса биринчи йили ҳафтасида қарийб 4000 доллар даромад қилган. Иккинчи йили эса Кит ҳафтасига 15000 доллар даромад қилган. Кейинги йили у ҳафтасига 25000 долларгача, яна бир йилдан кейин эса – ҳафтасига 38000 долларгача кўтарилган. Кит тўрт йил ичида йилига 78000 доллардан икки миллионгача бўлган масофани босиб ўтди!

Мен ушбу бобни ёзаётганимда менга Китдан хабар келди. У яна тўрт нафар ҳайдовчини ишга олганини, энди унинг пул оқими ҳафтасига 70 000 доллар ташкил этишини айтиб берди. Тўрт йил ичида йилида 78 000 доллардан, ҳафтасига 70 000 долларгача ўсди! Бу менинг диққатимни ўзига тортяпти! Кит ва Кэтини келажакда бундан-да буюкроқ бўлган ишлар кутмоқда, чунки улар яна иккита ширкат очишни режалаштирмоқда.

**КИМ ЁКИ НИМАДИР,
ХУДО ЭЗГУ ЭМАС
ДЕСА, БУ ЁЛҒОН
ЭКАНИНИ БИЛИНГ!**

Агар сиз Кит ва Кэтидан улар бунга қандай қилиб эришгани ҳақида сўрасангиз эди, улар Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини билиб олгани сабабли деб айтган бўларди.

Кит ва Кэти биринчи бўлиб, уларга умри давомида Худо ҳақида ва Худо қандай ҳаракат қилиши ҳақидаги бўлмағур гапларни миясидан чиқариб ташлашга тўғри келганини айтган бўларди. Улар диққатини жамлашига тўғри келган асосий нарсалардан бири бу Худо эзгудир, ҲАР ДОИМ ЭЗГУ ва У ҲЕЧ ҚАЧОН ёлғон гапирмайди. Кимки ёки нимаики Худо эзгу эмас деса, бу ёлғон эканини билинг!

*Севикли биродарларим, алданманглар! Ҳар бир эзгу эҳсон,
ҳар бир мукамал ҳадея юқоридан, нурлар Отасидан тушади.
Унда ўзгартиш йўқ, ўзгарувчан соя ҳам йўқдир.*

– Ёқуб 1:16, 17

Иккинчидан, улар янгидан қурбонлик қилишни ўрганишга тўғри келгани ҳақида айтиб берган бўларди. Худонинг хизматкорларини молиявий қўллаб-қувватлаш уларнинг муваффақиятининг муҳим калитидир.

Муқаддас Китобда ҳамма нарса жуда аниқ. Инсонлар билан содир бўлаётган даҳшатли нарсаларда Худони айблаш нотўғри. Муқаддас Китоб шайтон ўғирлаш, ўлдириш ва барбод қилиш учун келади дейди.

*Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш ва ҳалок қилиш учун келади.
Мен эса ҳаёт, тўла-тўқис ҳаётга эга бўлишлари учун
келганман.*

– Юҳанно 10:10

Этибор беринг, Исо: Мен ҳаёт тўла-тўқис ҳаётга эга бўлишингиз учун”, бошқа таржималарда “тўкин ҳаётга эга бўлишингиз учун ” келганман деяпти. Худо бизга душман эмас. Агар сиз Уни шундай деб ҳисобласангиз, сизни Ёқубнинг Мактубига (1:16) кўра кимдир алдаган. Сиз ўзингизга Худо ёлғон гапиради деб, ким айтди деб савол беришингиз керак. Ким сизга Худо етти ёшли болани ўлдирди деб айтди? Ким сизга Худо баъзида шифолайди, баъзида эса шифоламасликни маъқул кўради деб айтди? Менинча ким айтганини билсам керак. Бу гапдан тузикроғини ўйлаб тополмаган аллақандай воиз. Агар Худодан барака олишни истасангиз сиз мустаҳкам тутишингиз зарур бўлган таъкидлов қуйидагича: Худо ёлғон гапирмайди! Муқаддас Китоб Худо ёлғон гапира олмайди, дейди (Ибр. 6:18).

Одамлар Худо ҳар доим ҳам эзгу эмас деб ҳисоблашининг сабаби шундан иборатки, улар Худо Шоҳлигининг шу ерда, ер шоҳлигидаги ҳуқуқий тизимини тушунмайдилар. Мен айтганимдек, биз бунини келгуси бобда кўриб чиқамиз ва бу сизнинг кўплаб саволларингизга жавоб беради. Агар сиз Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини тушунишни истасангиз, сиз Худо эзгу ва ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигини билишингиз шарт.

Худо Шоҳлигининг ўзгармас сонлари

Мен мактабда ўқиганимда ўрганган дарсимни бу ерда ҳозир қўлласа бўлади деб ўйлайман. Бизга жисмоний табиатни ўрганаётганимда, ҳеч қачон ўзгармайдиган ва доимий бўлган табиат хусусиятлари борлигини ўргатишган. Сиз тўғри топдингиз! Физикада бу константа деб аталади! Масалан сув Цельсий бўйича 0 ҳароратда музлайди. Бу константа, у ҳеч қачон ўзгармайди. Худо ҳам эзгу экани – бу константа. Шу боис, сув билан боғлиқ бўлган барча тенгламаларда сиз сувни музлаш ҳароратининг константасидан фойдаланасиз.

Худонинг табиатини тушунишда ҳам худди шундай. Агар сиз Худо эзгу ва ҳеч қачон ўзгармасилигини билсангиз, Ёзувдаги парчаларни шу константа нурида талқин қиласиз. Мисол тариқасида, келинг, Чиқиш Китобининг бир лавҳасига қараймиз:

*Раббий эса унга деди: – Инсонга тил ато қилган ким?
Инсонни ким соқов, кар, кўрадиган ёки кўр қилади? Мен,
Раббий эмасми?!*

– Чиқиш 4:11, 12

Бир қарашда, Худо атайлаб инсонни кўр ва кар қиладигандек туюлади. Лекин биз бизнинг константамизни ёдда сақлашимиз шарт – Худо ҳар доим эзгу. Қани бу оятни бошқа таржимадан кўраимиз.

*Раббий унга деди: - Ким инсонга тил берган? Ким уни кар ёки гунг
қилади? Ким кўрадиган ёки уни кўр қилади? Мен, Раббий эмасми?*

– Чиқиш 4:11 (ЯРТ)

Ушбу матннинг мазмуни шундай: Худо Мусони ўз халқининг олдига, ибронийларга бориб, у фиръавндан ибронийларни озод қилишни талаб қилиш учун Худо томонидан чақирилганини айтишга даъват қилди. Лекин Мусо Худога: “Исроил ўғиллари гапимга қулоқ солмасдан: “Раббий сенга зоҳир бўлмаган”, – деб менга ишонмасалар, унда нима қиламан?” деди. Худо унга буни

исботлашнинг бир неча йўлини кўрсатади. Сўнгра Мусо Раббийга илтижо қилиб, мурожаат қилди:

Шунда Мусо Раббийга: – Ё, Раббий! Мен илгари ҳам ва ҳозир Сен қулингга гапира бошлаган вақтда ҳам, гапга чечан эмасман. Ахир, мен дудуқман ва қийналиб гапираман, – деди.

Раббий эса унга деди: – Инсонга тил ато қилган ким? Инсонни ким соқов, кар, кўрадиган ёки кўр қилади? Мен, Раббий эмасми?! Шундай экан боргин, Мен сенинг оғзингга яқин бўламан ва нима дейишингни сенга ўргатиб тураман.

– Чиқиш 4:10-12 (ЯРТ)

Худо Мусога нима деганини бошқача ифодалаб беришимга руҳсат беринг. Мен инсонга тилни у гапириши учун бердимми ёки гапирмаслиги учунми? Мен инсонга кўзни у кўриши учун бердимми ёки кўрмаслиги учунми? Жавоби аниқ. Оғиз гапириш учун, кўз эса кўриш учун яратилган. Худо Мусога манашуни тушунтирмоқчи бўлди. Худо: “Агар мен оғизни яратган бўлсам, Мен сенга уни ишлатишинг учун ҳам ёрдам бераман!” деяпти. Худо Мусога, Менга ишон, сен ибронийларнинг олдига борганингда Мен сенга ёрдам бераман деб тушунтиришга ҳаракат қияпти.

Аммо Худо ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлмасак, биз Унинг мақсадларини нотўғри талқин қилишимиз мумкин. Ўйлайманки, биз барчамиз Мусони гўёки дудуқ бўлган деб эшитганмиз. Аксарият одамлар буни юз фоиз шундай бўлган деб таъкидлашади, бироқ бу шундай бўлганми? Бунга жавобан сиз: “Бу мутлақо тўғри. Мусонинг ўзи яхши гапиролмайман деган” дейсиз. Ҳа, фикрингизга қўшиламан, лекин у нима сабабдан шундай деган? Агар Мусо яхши гапира олмаган бўлса, унда қуйидаги оятни қандай тушуниш керак?

Мусо мисрликларнинг ҳамма донолигига ўргатилган бўлиб, ўз сўзларида ва ишларида кучли эди.

– Ҳаворийлар 7:22 (ЯРТ)

Аслида, биз Мусо нутқида қийналган одам эканини кўрмаймиз. У нотиқ бўлган. Мусо қуйидаги: “Раббим, мен илгари нотиқ эмас эдим ва ҳозир ҳам Сен қулинг билан гаплашганингдан сўнг ҳам нотиқ эмасман. Мен аста ва тушунарсиз гапираман” деганларини қандай тушуниш керак?

Чиқиш Китоби 4-бобда Мусо калтафаҳм бўлган дейилганда, бу у қадимий иброний тилида яхши гапира олмаганини англатади. У ибронийлар орасида тарбияланмаган. У мирс фарзанди сифатида тарбияланган ва асосан, миср тилида гапирган. Худо Мусони ишонтиряптики, У инсоннинг оғзини яратган бўлса, У Мусога ибронийлар билан ҳам гапира олишига ёрдам беради. Лекин Мусо барибир иккиланган.

Мусо: – Ё, Раббий! Сендан ўтинаман, менинг ўрнимга бошқа бировни юборгин, – деди.

Шунда Раббийнинг Мусога ғазаби алангаланди ва деди: – Ахир Леви наслидан бўлган Аҳарон аканг эмасми? Биламан, у гапга чечан. Мана, унинг ўзи сенга пешвоз чиқади ва сени кўриб чин юракдан қувонади. Сен унга сўзлаб, айтиши керак бўлган гапларни унинг оғзига соласан, Мен эса сенинг оғзингга ва унинг оғзига яқин бўламан, сизларга нима қилиш кераклигини ўргатиб тураман. Аҳарон сенинг ўрнингда халққа сўзлайди. Шундай қилиб, у сенинг оғзинг бўлади, сен эса у учун Худодек бўласан.

– Чиқиш 4:13-16

Кўряпмизки, Аҳарон иброний тилини яхши билган, чунки у иброний сифатида тарбияланган ва Мусонинг ўрнида ибронийлар билан гаплаша олган. Мусо дудуқланмаган.

Шундай қилиб, Худонинг характери тўғрисида тўғри ва ўзгармас тасаввурга эга бўлиш қанчалик муҳим эканини кўряпсиз. У ҳар доим эзгу эканини билишимиз матннинг тахминий мазмунини шубҳа остига қўйишга ва тўғри талқинни топиш учун чуқурроқ қовлашимизга

имкон беради. Шундай қилиб, яна бир бора такрорлайман: сизнинг Худонинг Шоҳлигидаги асосингиз—бу Шоҳнинг табиатини билишдир. Агар бунини билмасак, шайтон, Худо бор ҳақиқатни гапирмайди, У хаттоки ёлғон гапирди деб Ҳавони алдаганидай, бизни ҳам алдай олади.

Худонинг ваъдаларини тушуниш

Муқаддас китобда 7 000 дан ортиқ ваъдалар бор, улар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бўлиб, улар сиз Худонинг фарзанди эканингизга ишора қилади. Ҳар бир ваъдани сизга Шоҳнинг Ўзи берган ва унга ишониш мумкин. Наҳотки? Агар Худонинг эзгулигига шубҳалансангиз, унда Унинг ваъдаларига ҳам шубҳаланасиз.

Бир мисол келтиришимга ижозат беринг. Айтайлик, мен сизга 1 000 долларга чек бердим. Сиз менга раҳмат деган ва онгингизда сизнинг 1 000 долларингиз бўлган бўлар эди. Сиз ўзингизни, сизда 1 000 доллар бордек тутган, сизда 1 000 доллар бордек гапирган ва 1 000 доллар учун менга яна раҳмат айтган бўлар эдингиз. Аммо гап шундаки, сизда 1 000 доллар эмас; балки фақат чек бор.

**МУҚАДДАС КИТОБДА
7 000 ДАН ОРТИҚ
ВАЪДАЛАР БОР, УЛАР
СИЗНИНГ ҚОНУНИЙ
ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ
БЎЛИБ, УЛАР
СИЗ ХУДОНИНГ
ФАРЗАНДИ
ЭКАНИНГИЗГА ИШОРА
ҚИЛАДИ.**

Чек — бу сиз менинг банк ҳисобимдан 1 000 доллар олишингизга қонуний ҳуқуқ берадиган шунчаки ваъдадир. Сиз чиндан ҳам пулни олишингиз учун, барибир уни нақд қилиб олишингизга тўғри келади! Аммо менинг сизга нисбатан бўлган мақсадим маълум бўлгани сабабли, мен сизга чекни ўз ихтиёрим билан берганим ва унга қўл қўйганим ва сиз менда 1 000 долларим борлигига ишонганингиз учун, сизда 1 000 доллар бор

деб гапирасиз, гарчи сизнинг қўлингизда фақат менинг ваъдам (чеким) бор, холос.

Худонинг олдида мен ким бўлибман?! Унинг Сўзи алдамайди. У бизга Ўзининг буюк ва қимматли ваъдаларини беради. Агар Худо сизга ваъда бераётган бўлса, демак, бу аллақачон амалга ошган! Ваъда амалга ошмаслиги учун шайтон қила олиши мумкин бўлган ягона нарса – бу сизни Худонинг Сўзига гумон билан қарашга мажбурлаш. Шундан, биз Худо эзгу эканини ва ёлғон гапирмаслигини билишимиз муҳим.

Яна бир мисол келтиришимга ижозат беринг. Биламан, кўп одамлар мўъжизалар ўтмишда қолиб кетган ва Худо Исо ерда юрган пайтида қилган ишларни бугун қилмайди деб эшитишган. Мен ўта анъанавий жамоатда катта бўлганман ва ростини айтсам бирор марта Худонинг қудратини намоён бўлганини кўрмаганман, агар хотирам менга панд бермаётган бўлса. Шундай экан, агар мен одамлар шифо топганини кўрмаган бўлсам, бу Худо бошқа шифо бермайди деганими? Бу саволга жавоб беришимиз учун биз ўзимизнинг тажрибамиздан фойдалана олмаймиз. Биз Муқаддас Китоб нима деяётганини, Шоҳликнинг қонуни шифо ҳақида нима деяётганини аниқлаб олишимиз керак.

*Яъни Худо Назарет шаҳридан бўлган Исони Муқаддас Рух ва қудрат билан **мойлади** ҳамда У эзгулик қилиб ва иблиснинг зулми остида бўлганларнинг ҳаммасини шифолаб юрди, **чунки Худо У билан бирга эди.***

– Ҳаворийлар 10:38

Кўряпмизки, шифолаш Исонинг хизматининг асосий пойдевори бўлган.

Матнда Исо барчани шифолар эди, чунки Худо У билан бирга эди дейилган. “Худо У билан бирга эди” ибораси – биз тушунишимиз лозим бўлган таъкидловдир. Албатта, Худо Исо ерда бўлган вақтида ҳар доим У билан бирга бўлган. Аслида, бу ибора Исо

сувга чўмган ва Муқаддас Рух Унинг устига кабутар қиёфасида тушган даврга мансуб. Шу пайтгача Исо битта ҳам мўъжиза яратмаган. Бизда Исо нонушта пайтида нонни кўпайтиргани ёки болалигида катта одамга шифо бергани тўғрисида маълумот йўқ. У Муқаддас Рух билан мойланганидан сўнги, Унинг хизмати бошланди. Худо Исонинг барча ишларида У билан бирга эди.

Сиз: “Ҳа, Исо шифо берган, лекин У энди ерда эмас” дейишингиз мумкин. Ҳа, гапингизга қўшиламан, аммо У бу топшириқни жамоатга берди. Кўряписми, Исонинг устига қўйилган ўша куч жамоатга берилди. Исо ерни тарк этаётганида Ўз шогирдларига деди:

Аммо Муқаддас Рух сизларнинг устингизга тушиб келганида, сизлар куч-қудрат оласизлар ва Йерусалимда, бутун Яҳудияда, Самарияда ҳамда ернинг ҳудудларигача Менинг гувоҳларим бўласизлар.

– Ҳаворийлар 1:8

Бу ўша кучнинг ўзи, Муқаддас Рух Исо қилган мўъжизаларни қилиш учун жамоатга келди.

Сиз бунга эътироз билдиrolмаймиз. Менинг қизим Эмининг қорнида 6 килоли ўсимта бор эди. Биз барчамиз Худонинг Сўзига таяниб, унинг соғайиши учун ибодат қилдик ва у ухлагга ётди, эрталаб уйғонганида, у тўлиқ соғайган эди. Йирик ўсимта батамом йўқ бўлди, унинг (сертугун ва қийшайган) бели эса тўлиқ тикланди. Сиз бу воқеани “Кечаси бўлган шифо” (“Healed Overnight”) китобида ўқишингиз мумкин.

Менинг келинимнинг қовурғасида апелсин ҳажмида ўсимта бор эди. Шифокорлар уни кесиб ташлаш керак дейишган эди. Улар ундаги саратон касаллиги камдан-кам учрайди, шунинг учун у бир ойдан икки ойгача яшайди дейишди. У Худонинг ваъдаларига ишонди ва эртаси куни тўлиқ шифо топди. Ўсимта ғойиб бўлди. Менинг турмуш ўртоғим Дренданинг белида ҳам, 50 тийинли танганинг ҳажмидаги катта ўсимта бор эди. Дренда

Ўсимтага қараб, ғойиб бўл деб буюришни бошлади ва икки ҳафта ичида ўсимта батамом йўқ бўлди.

Худо бу аёлларни шифолашга қарор қилдими? Худо танлов қилиши шартми? Бу уч аёл Унга сиздан кўра кўпроқ маъқул келдими? Улар Худо Шоҳлигининг қонунларини ва имтиёзларини тушундилар ва ўз ҳуқуқларини талаб қилдилар. “Унда нима сабабдан шунча кўп одам касал? Нима учун бизнинг жамоатларимизда одамлар жуда кам шифо топади?” деб сўрашингиз мумкин.

Мен бу саволни берганингиздан хурсандман. Қани бу нарсани келгуси бобда аниқлаймиз.

3-БОБ

ҚОНУНИЙ ВАКОЛАТ МАСАЛАСИ

Мен илгари айтаганимдек, Огайо ерида, шаҳар ташқарисидаги энг кўркам жойда, 24 гектарда яшайман. Бошида, менда 22 гектар ер бор эди, қўшнимиз менинг еримга чегара бўлган ерни менга сотди, энди менинг ер майдоним 24 гектаргача каттарди. Биз шубҳасиз, манашу ердан охирги йигирма икки йил мобайнида роҳат кўриб келяпмиз. Ов учун ўрмонинг, ўрдакларни тутиш учун ботқоқинг, қуёнлар ва қирғовуларни тутиш учун далаларинг бўлса, ҳамда квадроциклларда миниб юрсанг – бу катта бахт. Агар сиз менинг эгаликларимга диққат билан қарасангиз эди, ер майдонимнинг тўрт атрофида “КИРИШ ТАҚИҚЛАНГАН” деган белгиларни кўрган бўлар эдингиз. Бу белгилар одамлар менинг мулким қаердан бошланганини билишлари учун ўрнатилган.

Огайо штатининг қонунига кўра менинг еримга кирмоқчи бўлган одам, ўзи билан ёзма рухсатга эга бўлиши шарт. Агар унда ёзма рухсат бўлмаса, бу ноқонуний кириш деб аталади ва қонун бўйича уни ҳайдаб чиқариш мумкин, шунингдек, уни жаримага тортиш мумкин. Гап шундаки, менинг еримга менинг рухсатимсиз кирмоқчи бўлган ҳар қандай одамда бундай қилишга ҳаққи йўқ, чунки бу унинг ери эмас. Агар мен шундай одамга менинг еримдан чиқиб кет десам, унда танлов қолмайди!

Қисқаси, сизда қонуний ваколат бўлмаган нарсадан фойдалана олмайсиз.

Ноқонуний кириш ҳақидаги ушбу кўргазма мисол одамларда, нима сабабдан, Худонинг Шоҳлигида нимадир содир бўляпти ёки содир бўлмаёпти деган кўплаб саволларига жавоб бўла олади. Худонинг Шоҳлигидаги қонуний ваколат масаласини тушуниш Шоҳликда самарали ишлашнинг зарурий шартидир.

Нима учун улар шифо топмади?

Аминманки, сиз шунга ўхшаш воқеани эшитгансиз. Бир машҳур одам касал бўлиб қолади ва у учун ибодат қилишга чорлайдилар. Миллионлаб одамлар у одам шифо топиши учун ибодат қилишади, лекин у барибир ўлади. Нима сабабдан? Ёки кимдир сизга, гарчи улар бутун оиласи билан ибодат қилган бўлса ҳам, унинг бўвиси барибир ўлганини ва бунинг сабабини билмоқчи эканини айтиб беради. Ёки кимдир сизга, у молиявий муҳтожликлари учун экканини, лекин қарзлардан боши чиқмаётгани ҳақида айтиб беради. Бу саволларнинг жавоби борми?

Мен жавоб беришимдан аввал, биз Рўҳнинг соҳасида содир бўлаётган ҳамма нарсани билмаслигимиз билан рози бўлайлик ва мен бу нарса биламан деб мунофиқлик қилмайман. Бироқ, Худонинг Сўзига асосланиб, биз биламиз, агар кимдир касал бўлса, Исо унинг шифо топиши учун нарх тўлаган. Биз саҳий бўлсак ва қурбонлик қилсак, Муқаддас Китоб биз ўриб олишимиз ҳақида айтади. Бироқ биз ҳар куни кўрамизки, кўплаб одамларнинг ҳаётида Худонинг Сўзи Муқаддас Китобда ёзилганидек ишламайди. Худонинг бунда айби борми?

Биз олдинги бобда билиб олганларимизга ва муҳокама қилаётган мазкур бобнинг мавзусига қарасак, аниқ жавоб – йўқ. Агар айб Худода бўлмаса – унда муаммо нимада? Бу жиддий савол. Худо ҳар доим эзгу экани тўғрисида заррача ҳам тушунчага эга бўлмаган аксарият одамлар, фожиага Худонинг даҳли борми деган саволга ижобий жавоб беришади. Қайтараман, улар Худо ҳар қандай ёмон нарсани тўхтатишга қодир эканини билишади, У эса афтидан буни

тўхтатмади, демак, У бу нарсани содир бўлишига йўл қўйди деб ўйлайдилар. Агар сиз Худо эзгу эканини ва ёлғон гапирмаслигини тушунганингизда эди, муаммо бошқа нарсада эканини билган ва бунинг сабабини қидиришни бошлаган бўлар эдингиз.

Шогирдлар тобе бўлган йигитдан ёвуз руҳни қувиб чиқара олмаганида айнан шундай фикрлаш тарзини кўрсатдилар. Улар: “Нима сабабдан Худо бу ёвуз руҳни қувиб чиқармади?” дейишнинг ўрнига, улар Исога: “Нима учун биз уни қувиб чиқара олмадик” деб савол бердилар.

Вазиятлар Худонинг Сўзига зид бўлиб туюлган вақтда, бирданига бизнинг ҳам бошимизда манашу савол туғилиши шарт. Шундай қилиб, қайтараман, биринчидан, Худо эзгу, иккинчидан, У ёлғон гапирмайди. Айнан шу сабабдан, мен учун тушунарли бўлган нарсани ифодалаб бериш учун, шуқадар кўп вақтимни сарфладим, лекин таажжуб эмаски, аксарият жамоат олами учун бу жумбоқ бўлиб турибди. Агар сиз Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини билишни истасангиз, саволлар туғилганда Муқаддас Китобни ўқишингиз керак.

Ёдингизда бўлсин, бу барча библявий воқеалар бекорга ёзилмаган. Исо сизганиманидир кўрсатмоқчи. Шундай қилиб, қани кимдир Худонинг Сўзида айтилган нарсани, нима сабабдан қабул қилмагани масаласига ўтамиз. Самовий қонун ҳуқуқларининг ишлашига тўсқинлик қилаётган кўплаб муаммолар вужудга келиши мумкин. Айрим муаммолар бирдан кўзга кўринмайди, баъзилар эса шахсий ва пинҳон тусга эга.

Худонинг Шоҳлиги – бу қонунлари ва қоидалири ҳеч қачон ўзгармайдиган шоҳлиқдир. Бу қоидаларни ўрганса бўлади. Ушбу қоидаларни ер шоҳлигида экиш ва ҳосилни ўриш мавсуми қонунларини тушунадиган ва ушбу қонунларни фаровонлик учун

**ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ
– ҚОНУНЛАРИ
ВА ҚОИДАЛАРИ
ҲЕЧ ҚАЧОН
ЎЗГАРМАЙДИГАН
ШОҲЛИҚДИР.**

ишлатадиган фермерга ўхшаб ишлатиш мумкин. Шоҳлик ҳар бир фуқаро тушуниши ва ишлатиши мумкин бўлган қонунларга асосан ишлайди. Ҳар бир киши уни ўрганиши мумкин. Баъзан ушбу қонунлар қандай ишлашини билиш ҳаётни сақлаб қолиши мумкин.

Ҳаётинг муҳим бўлган қарор

Марк ва Ханна бизнинг жамоатга келганларида, улар фарзанд кўришни жудаям истаган эди. Шифокорлар Ханнага турли хил физиологик муаммолар туфайли у ҳомиладор бўлолмастганини ва ҳомилани кўтариб юролмастганини айтишган. Аммо “Имон ҳаёти” жамоатида Худонинг эзгулиги ҳақида эшитиб ва Шоҳликнинг қонунларини ўрганиб, у ҳомиладор бўлди. Ханнанинг боши осмонга етган эди. Лекин тез орада унинг қорни қаттиқ оғришни бошлади. Оғриқ шуқадар кучли бўлганидан у ҳушидан кетарди.

У шифокорни олдиға шошди. Шифокор иш жойида эмас эди, навбатчи шифокор нима содир бўлаётганини тушуниш учун УЗИ қилишни таклиф қилди. Ҳомиланинг юрак уриши эшитилмас эди, шифокор йирик қўйқа қонни кўриб бола тушганини қайд қилди. Шифокор унга ўлик болани қорнидан олиб ташлаш учун эртаси куни келишни таклиф қилди, лекин Ханна бош тортди.

Унинг эри Марк, Ханнани Худонинг Сўзи билан ҳамда Худонинг ваъдалари билан руҳлантирди ва уни болага нисбатан бўлган ишончини йўқотмасликка чақирди. Ўша дам олиш кунлари Ханна жамоатда ибодат қилди ва шифокорнинг гапларига қарамасдан, соғлом фарзанд кўришга ишончи комил эди.

Душанба куни у ўзининг шахсий шифокорининг олдиға кўрик учун борди. Шифокор яна битта УЗИ қилди. Ханнанинг сўзларига қараганда, шифокорнинг юзи қотиб қолган эди. У гоҳ экранга, гоҳ бир неча кун олдин қилинган суратларга қарар эди. Сўнг у Ханнага шундай деди: “Мен ўттиз йилдан буён ишлайман ва илгари бунақасини бирор марта ҳам кўрмаганман. Мен ўтган ҳафтанинг суратларида йирик қон қуйқасини ва юрак уриши тўхтаганини

кўряпман. Бугун сизга қарасам, қуйқа ғойиб бўлган ва қорнингиздаги бола соғлом, у тирик, юраги аъло даражада урмоқда”. Бир неча ойдан сўнг, Ханна соғлом қизни туғди, унга Эвелин деб исм қўйди. Бир марта у Эвелин исмининг маъноси билан қизиқиб қолди ва унинг маъноси “ҳаёт” деганини билиб ҳайратга тушди!

Бу ҳайратомуз воқеа, шубҳасиз Худонинг иши эди, аммо сиз руҳий олим сифатида ҳозирнинг ўзида, шунга ўхшаш саволлар устида зикр қилишингиз керак. Нима учун бу нарса содир бўлди? Ханна Худонинг суюклиларидан бири бўлгани учунми? Худо унинг фарзандини шифолагани тасодифми? Бу жавоби топилиши керак бўлган саволлар. Қайтараман, оддий масиҳийнинг ҳаётида мўъжиза содир бўлди. Лекин мен одамларни “мўъжиза” сўзининг маъносини бошқатдан тушунишга чорлайман, чунки у аллақандай нотабий нарсани англатади. Худонинг Шоҳлигида бу Шоҳлик қонунининг оддий вазифаларидан бири эди, холос.

Агар мен қўлимдан тошни тушириб юборсам, тош ерга тушганида мен: “Вожаб, сиз бунни кўрдингизми? Тош ерга йиқилди, бу мўъжиза” десам, сиз мени ақлдан озган деб ўйлаган бўлар эдингиз. Сиз бунни мўъжиза деб атамайсиз, чунки бунни амалдаги гравитация қонуни эканини биласиз ва бу қонун барча учун баробар ишлайди. Тош ҳар доим ерга қулайди. Шу боис, руҳий олим сифатида сиз содир бўлган воқеанинг сабабини тушунишингиз учун руҳий ёрдамчи ишораларни излашингиз керак, улар сизга ушбу ҳодиса ишлаган қонунни ёки Шоҳликнинг қонунларини очиб беради.

Топилган калит

Қани, шу саволлар билан боғлиқ бўлган Худонинг Шоҳлигининг ҳаракати ҳақида кўпроқ билиб олишимиз мумкин бўлган бошқа воқеага ўтамиз. Биз айрим жавобларни топишимизга ёрдам берадиган, Муқаддас Китобдан энг улў воқеалардан бири Луқо Хушхабарининг саккизинчи бобида ёзилган.

Исо бораётганида оломон Уни тобора сиқиб борар эди. У ерда ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекиб юрган бир аёл бор эди. У бор-йўғини шифокорларга сарф этиб, ҳеч биридан шифо топмаган эди. У Исонинг орқа томонидан яқинлашиб, Унинг кийимининг четига қўл тегизди ва ўша заҳотиёқ, ундан қон кетиши тўхтади.

Исо: – Менга ким қўл тегизди? – деди. Ҳамма буни инкор этаётганида, Петрус ва У билан бирга бўлганлар: – Устоз, оломон Сени ўраб, сиқиб турибди. Сен эса, Менга ким қўл тегизди, деб айтяпсанми? – деди.

Лекин Исо: – Кимдир Менга қўл тегизди, чунки Мен Ўзимдан куч чиққанини сездим, – деди. У аёл яширин қола олмаганини кўриб, титраб Исонинг олдига келди ва Унинг оёқлариغا ўзини ташлади. У нима сабабдан текканлигини ҳамда ўша заҳоти шифо топганини бутун халқ олдида Унга айтиб берди. Исо унга: “Дадил бўл, қизим! Сенинг имонинг сени қутқарди, хотиржам боравер”, – деди.

– Луқо 8:42-48

Биз бу воқеада кўп йиллар мобайнида оғир касал бўлган аёлни кўряпмиз. У Исонинг олдига яқинлашиб, Унинг кийимига тегиб, ўша заҳотиёқ шифо топди. Бу ерда Худо Шоҳлигининг ҳаракати ҳақида бир нечта жуда чуқур ёрдамчи ишоралар бор. Биз бу ишоларни бу воқеадан олишимиз мумкин. Улар биз излаётган баъзи жавобларни топишимизга ёрдам беради.

Авваламбор, Исони ўраб турган оломон Унга қўл теккизарди. Воқеага қарасак, оломон Уни сиқиб турарди деб ёзилган. Исо “Менга ким қўл тегизди?” деб сўраганида, Петрус бу саволдан ҳайрон қолган эди, чунки Унга ҳамма қўлини теккизарди. Лекин Исо айнан ўша одам Унга бошқача қилиб қўлини теккизганини айтди, чунки У Ундан Муқаддас Рухнинг кучини чиққанини ҳис қилган эди.

Ушбу воқеани ўқиб бўлганингиздан сўнг сизнинг руҳингизда турли хил сигналлар ишлаб кетиши керак. Бу сигналлар сизга тўхта, нима содир бўлгани ҳақида ўйлаб кўр деб айтади. Сизнинг онгингиз зудлик билан тадқиқот режимига ўтиши ва кўплаб саволлар бериши керак. Руҳий олимлар сифатида биз нима учун бошқа одамлар эмас, балки нима сабабдан айнан манашу аёл шифо топганини тушуниб олишимиз керак. Менимча, у ерда Исога жисмонан қўл теккизган кўплаб касал одамлар бўлган, лекин улар шифо топмаган. Шу боис, биз савол беришимиз керак: “Нима сабабдан мойланиш ўша пайтда Унга тегинган бошқа барча одамларга эмас, балки фақат манашу аёлнинг устига тушди?”

Анъанавий диний жавоб шундан иборатки, бу аёлни Исо шифолагани учун у шифо топди. Аммо Исо уни шифоладими? Исо атайлаб уни шифоладими? Исо атайлаб шу аёлга хизмат қилдими? Исо унга Ўзининг қўлини қўйдими? У касалликка, унинг танасини тарк этишни буюрдими? Жавоб – йўқ. Аслида, Исо у аёлнинг ўша ерда эканини, ҳаттоки билмаган эди. Хўш, у қандай қилиб шифо топди? Нима учун бу аёл шифо топди?

Руҳий олимлар сифатида биз у Худонинг махсус фарзандларидан бири бўлган ёки унинг Исо билан махсус алоқаси бўлган деган фикрни олиб ташлашимиз керак, чунки Ҳаворийлар (10:34)да Худо юзхотир қилмайди дейилган. Биз яна шуни тахмин қилишимиз мумкинки, Исо унинг ўша ердалигини билмагани сабабли, унинг шифо топиши учун У ҳеч қандай иштирок этмаган. Биз Исо мойланишнинг манбаи бўлганлиги билан розимиз, лекин У шифо тўғрисидаги қарорни қабул қилишда иштирок этмаган.

Исо бизга айнан шу аёл қандай қилиб Шоҳликнинг ҳоқимиятига ва қудратига тегингани ҳақида айтиб берапти. У деди: “Қизим, сени имонинг қутқарди. Тинчлик билан бор”. Бу сўзлар биз билишимиз керак бўлган ҳамма нарсани очмоқда ва аёл ўша кунни нима сабабдан шифо топгани ҳақидаги саволга жавоб берапти. Руҳий олимлар сифатида бу воқеани янада батафсил кўриб чиқамиз ва бу аёл нима сабабдан шифо олгани ҳақидаги ёрдамчи

ишораларни топишга уриниб кўрамиз.

Авваламбор, Исо уни қизим деб атапти, демак, у Исроил халқига мансуб бўлган, у Иброҳимнинг қизи бўлган. Иброҳимнинг қизи сифатида, у Худо Иброҳим билан тузган аҳднинг имтиёзларига, Иброҳимга берилган баракаларга эга бўлган.

У деди: “Агар Раббий Худойингизнинг овозига қулоқ солсангизлар, Унинг назарида маъқул бўлган ишларни қилсангизлар, Унинг амрларига диққат қилсангизлар ва Унинг барча низомларига риоя қилсангизлар, шунда Мен мисрликларни дучор қилган хасталикларнинг бирортасига ҳам сизларни дучор қилмайман, чунки Мен – сизларни шифоловчи Раббийингизман”.

— Чиқиш 15:26

Шу боис, Исо уни қизим деб атади, бу аёл, Худо Иброҳим билан тузган аҳдга қўшилган барча қонуний ҳуқуқларга эга дегани. Бироқ бу факт у Исодан шифо топганининг ягона сабаби эмас, чунки ўша кун Исога ёпишган ҳар бир кишида худди шунақа қонуний ваколат бўлган. Худо Шоҳлиги кучининг оқимини келтирган яна нимадир бўлган бўлиши лозим. Сўнгра Исо бизга яна битта сабаб ҳақида айтмоқда. Аслида, айнан шу сабабга кўра аёл шифо топди.

ИМОН – БУ

МАСИҲИЙЛАР

ҲАДДАН ЗИЁД ЭРКИН

ИШЛАТАДИГАН

АТАМАДИР.

У аёлга сени имонинг шифолади деди.

Шундай қилиб, энди биз аёл киши нима сабабдан шифо топганини биламиз. Юридик нуқтаи назардан у Иброҳимнинг қизи бўлгани сабабли шундай ҳуқуққа эга эди, иккинчидан, унинг имони

бу куч унинг танасига кириши учун ўтказгич ролини ўйнади.

Бу аёл Иброҳимнинг қизи бўлганлигини, сизнинг ўйингиз электр симини ўтказган энергетика ширкати билан солиштириш

мумкин. Электр токи уйда бор, лекин бу ҳали чироқ ёнади дегани эмас. Чироқ ёниши учун сиз ўтказгични “ёқиш” ҳолатига ўтказишингиз керак.

Шундай қилиб, Иброҳимнинг қонуний авлоди сифатида, бу аёл шифо олишга қонуний ҳақли эди. Бироқ, унинг ўз ҳаёти устидан ерда қонуний ваколатга эга бўлгани сабабли, бу куч чиқариш учун у шахсан ўзи қўшгични қўшиши зарур бўлган. Аммо бу қўшгич қаерда жойлашган? Уни қандай қилиб қўшиш мумкин? Буни аниқлаш учун биз атамаларни тушуниб олишимиз керак.

Имон бу нима?

Имон – бу масиҳийлар ҳаддан зиёд эркинлик билан ишлатадиган атамадир. Аминманки, агар аксарияти бўлмаса ҳам, жуда кўп одамлар имон нималигини, у нима учун кераклигини, сиз имонда эканингизни қандай билиш мумкинлиги ва қандай қилиб имонга эга бўлиш мумкинлигини билишмайди. Агар имон – бу мойланишни ўша аёлга қараб оқишга имкон берган ва уни шифолаган ўша ўтказгич бўлса, биз имонга жуда эътибор билан қарашимиз керак! Имоннинг таърифини биз Римликларга Мактубда кўраимиз.

У умиди қолмаганига қарамасдан, умид билан ишонди, токи “Сенинг уруғинг сон-саноксиз бўлади”, – деб айтилгани бўйича кўп халқларнинг отаси бўла олсин. Шундай экан, имонда заифлашмасдан, у юз ёшга яқинлашган бўлса ҳам, ўзининг танаси ўликдай бўлгани ва Соронинг бачадони ўлгани ҳақида ўйламади, имонсизлик билан Худонинг ваъдасидан ҳам шубҳаланмади, лекин Худони улуғлаб, имониди кучлироқ бўлди ҳамда Худо берган ваъдасини бажо келтиришга қодир эканлигига тўлиқ амин эди.

– имликларга 4:18-21

Ушбу воқеанинг вазиятларини ўрганиб чиқамиз. Иброҳимнинг ва Соронинг фарзанди йўқ эди. Улар қарийб юз ёшда эдилар ва улар фарзанд кўриш ёшидан ўтиб бўлган эдилар. Уларнинг танаси ҳомилани ҳосил қила олмасди, бу имконсиз эди! Шундай бўлса-да, Худо Иброҳимга ўғил ато қилишни ваъда берган эди, гарчи табиий нуқтаи назардан бу мутлақо имконсиз эди. Муқаддас Китоб Иброҳим Худонинг айтган сўзини амалга оширишга қодир эканига тўлиқ амин эди дейди. Гарчи бунинг тескариси ҳақидаги гувоҳлик берадиган табиий фактлар бўлган. Мана бу имоннинг таърифи: “Худо берган ваъдасини бажо келтиришга қодир эканлигига тўлиқ амин эди”. Мен буни қуйидагича ифодалайман: *“Сизнинг юрагингиз осмон билан уйғунликда”*. Бу Худо айтаётган нарса билан шунчаки фикран рози бўлиш эмас, бу тўлиқ аминлик.

Имон нима экани тўғрисидаги бизнинг таърифимиз

Сиз буни юрагингизга қабул қилганингизга ишонч ҳосил қилишим учун буни такрорлашимга ижозат беринг. Имон – бу Худо айтаётган нарсага тўлиқ амин бўлиш! Бу бизнинг юрагимиз ва онгимиз осмон билан уйғун, тўлиқ амин демақдир.

Нима учун имон керак?

Нега Худо Ўзи истаган пайтда касалхонадаги барча беморларни шифолай олмайди? Нега У урушларни тўхтата олмайди? Нега У бизга Хушxabарни воизлик қилиши учун фаришталарни юборолмайди? Мен сиз бундай саволларни эшитгансиз деб ўйлайман. Гап шундаки, Худо бу нарсаларни қилолмайди. Гап бу ишларни қилиш учун Унинг кучи йўқлигида эмас, бу ишларни қилиш учун Унинг ваколоти йўқ. Мен нима ҳақида айтаётганимни тушуниш учун биз Ибронийларга Мактубга мурожаат қилишимиз керак.

Аксинча, бир кимса бир жойда гувоҳлик бериб айтган эди: “Инсон нимадирки, Сен уни эслаяпсан? Ёки инсон ўғли нимадирки, Сен уни йўқламоқдасан? Сен уни фаришталардан бир оз паст қўйдинг, унга шўхрату шараф тожини кийдирдинг ва Ўз қўлларингнинг ишлари устидан қўйдинг. Ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг”.

Худо ҳамма нарсани одамнинг оёқлари остига бўйсундирган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарсани қолдирмади. Лекин ҳозир унга ҳамма нарсанинг бўйсунганини ҳали қўрмаяпмиз.

– Ибронийларга 2:6-8

Худо инсонни ерга жойлаштирганида унга бутун ер шоҳлиги устидан тўлиқ қонуний ваколатни берди. Унинг ваколоти остида бўлмаган бирор нарса йўқ эди. У бу шоҳлик устидан ҳукмронлик қиларди, у тўлиқ ҳокимиятга эга эди. Худо унга ҳукмронлик қилиш қобилиятини ва ваколатини берган эди. Аслида, у Худо Шоҳлигининг ваколатига эга бўлиб ҳукмронлик қиларди. У Худонинг шўхратини, мойланишини ва фахрий ўрнини ёки унга берилган ҳокимиятни гавдалантирадиган ҳуқуматнинг тожини кийиб юрган эди.

Албатта, у ҳақиқий тожни кийиб юрмаган, аммо унинг рамзий маънодаги тожи бўлган. Буни яхшироқ тушунишингиз учун, ҳақиқий шоҳ ҳақида йўлаб кўринг. Гарчи у оддий одам бўлса ҳам ва ўзининг табиий ҳаётида реал ҳокимиятга эга бўлмаса ҳам, тож кийиб юрган бўлса, бу тож у нафақат ўзини, балки бутун шоҳликни ва ҳуқуматни тақдим қилишини англатади. Унинг сўзлари кучга эга, чунки унинг сўзларининг ортида, у тақдим қилаётган ҳуқуматнинг ва шоҳликнинг бутун қудрати ва манбааси турибди.

Агар йўл ҳаракатини назорат қилувчи инспекторни ёдга олсак, у “Қонун номидан буюраман тўхта” деган сўзлар билан тиркамали улкан юк ташиш машинасини тўхтатишга қодир.

Ҳа, юк ташувчи машина инсондан анча катта, инсон юк ташиш машинасига бас келолмайди, лекин юк ташиш машинаси инсон туфайли тўхтамайди, балки у кўкрагида тақиб юрган, ҳукуматни тақдим қилувчи кўкрак нишони борлиги сабабли тўхтайди. Бу ҳолда ҳукумат кўкрак нишонасини тақиб юрган одамдан анча каттароқ. Юк ташувчи машинанинг ҳайдовчиси инсондан қўрқмайди, лекин бу инсон тақдим қилаётган ҳукуматдан қўрқади, бу юк машина ҳайдовчисини тўхташга мажбурлайди.

Бу ерда ҳам худди шу нарса содир бўлади. Одам ер шоҳлигида яратилган ҳамма нарса устидан ҳукмронлик қилган. Шўҳрат ва иззат тожи шаклида тақдим этилган Худонинг ҳоқимияти ва ҳукмронлиги инсонга, унинг сўзлари Худо Шоҳлигининг номидан гапирилаётганига аминлик берди.

Шуни қайд этиш жуда муҳимки, Одам хоинлик қилиб, Худонинг ҳоқимиятига қарши бориб, ерни бошқариш қобилятини йўқотганидан сўнг, ўз тожини, Худо Шоҳлигидаги бошқарувчилик ўрнини йўқотди, лекин ер шоҳлигига бўлган қонуний ҳуқуқларини йўқотмади. Инсон илгаригидек ерни қонунан бошқарарди. Худо унга ерни бошқаришни берди. Биз Ибронийларга Мактубга қайтсак, буни кўраимиз.

...аксинча, бир кимса бир жойда гувоҳлик бериб айтган эди: “Инсон нимадирки, Сен уни эслаяпсан? Ёки инсон ўғли нимадирки, Сен уни йўқламоқдасан? Сен уни фаришталардан бир оз паст қўйдинг, унга шўҳрату шараф тожини кийдирдинг ва Ўз қўлларингнинг ишлари устидан қўйдинг. Ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг”.

Худо ҳамма нарсани одамнинг оёқлари остига бўйсундирган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарсани қолдирмади. Лекин ҳозир унга ҳамма нарсанинг бўйсунганини ҳали кўрмаяпмиз.

– Ибронийларга 2:6-8

Бу парчада гап, Одам ва Ҳаво яратилган вақт ҳақида кетаётган бўлса-да, унда: “Ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг” дейилган.

Осмон – осмон Раббийники, ерни эса У инсон ўғилларига берди.

– Сано 113:24

Инсон Худони ҳайдади

Инсон ерни бошқариш учун қонуний ҳуқуқга эга бўлишига қарамай, у руҳан бошқариш ҳокимиятини йўқотди. Аслида, Одам Худони инсон фаолиятидан Адан боғидаёқ ҳайдаб чиқарди, гуноҳга йиқилишдан сўнг эса ер шоҳлиги булғанди ва ўзгарди. Ер шоҳлигига ўлим кириб келди ва шайтон энди инсонларнинг ишига таъсир ўтказиш учун қонуний ҳуқуқга эга эди. Аммо содир бўлган ҳамма нарсаларга қарамасдан, инсон илгаригидек ернинг қонуний соҳибидир. У йиқилган ҳолатида ҳам, барибир соҳиб бўлиб қолаверади. Ҳа, унда энди, Худонинг қўллаб-қувватловчи кўринишидаги бошқарувчилик тожи йўқ. Унда Худонинг қудрати ва шуҳрати билан бошқариш ҳокимияти йўқ, у ўзининг фахрий ўрнидан маҳрум бўлди. Лекин у илгаригидек ерда қонунан ҳукмронлик қилишга ҳақли бўлган ягона тирик мавжудот бўлиб қолади.

Шу сабабдан, Худо Ўзининг иродасини инсонларнинг ҳаётида амалга ошириш учун Руҳга тўла бўлган масиҳийларни ишлатишига тўғри келади. Худди шундай, шайтон ҳам, инсон ҳаётига ўзининг режасига мувофиқ тарзда таъсир ўтказиш учун, ер шоҳлигида ёвуз руҳлар билан илҳомланган одамлардан фойдаланади. Инсоннинг ер устидан эга бўлган қонуний ҳуқуқи Шоҳликнинг қонунини, айниқса Худо томонидан қонуний ҳуқуқни олиш учун, нима сабабдан у ёки бу вазиятда имон кераклигини тушуниш учун ҳаётий зарурдир.

Сиз: “Мен ер тўлиқлигича Худога тегишли деб ўйлаган эдим?” дейишингиз мумкин. Ҳа, бу шундай. Умид қиламанки,

**ШУ САБАБДАН, ХУДО
ЎЗИНИНГ ИРОДАСИНИ
ИНСОНЛАРНИНГ
ҲАЁТИДА АМАЛГА
ОШИРИШ УЧУН,
РУҲГА ТЎЛА БЎЛГАН
МАСИХИЙЛАРНИ
ИШЛАТИШИГА ТЎҒРИ
КЕЛАДИ.**

бу мисол мен сизга нима ҳақида айтаётганимни тушунишингизга ёрдам беради. Агар мен сизга ўзимга тегишли бўлган ўйни ижарага берсам, у юридик жиҳатдан менга тегишли бўлса ҳам, мен бу ўйга истаган вақтимда кириш ҳуқуқидан воз кечяпман. Аксарият ижара шартномаларида шундай банд бор, ижарага берувчи соҳиб ижарага берган ўйига қонуний кириш ҳолатлари кўрсатилади, - масалан, носозликни тўғрилаш

учун ёки таъмирлаш ишларини ўтказиш учун ва бунга қанча вақт сарфланиши ҳам кўрсатилади. Агар мен ушбу шартноманинг чегарасидан чиқиб, ўйга киришга уринсам, мен бу ўйнинг соҳиби бўлишимдан қатъи назар, бу ўйни бузиб кириш, ноқонуний кириш деб ҳисобланади. Агар мен ижара шартномасининг бандини бузсам, мен ўйнинг эгаси бўлсам ҳам, мени ўйни тарк этишга мажбурлашлари мумкин.

Бу шайтон ер шоҳлигига кира олиши учун, нима сабабдан Одам орқали ўтиши керак бўлганини кўрсатмоқда. Биргина Одамнинг қўлида калит бор эди! Шайтон эшик орқали кириши шарт эди ва у калитни унинг қонуний эгасидан олиб қўйиши шарт эди, акс ҳолда, у бу ерни тарк этишга мажбур бўларди.

Худди шундай, Одам ер шоҳлигини Худонинг ҳукмронлигидан маҳрум қилганидаёқ, Худо Ўзининг ер устидаги ҳукмронлигини қонунан қайтариб олиш йўлини топиши керак эди. У яна инсон орқали ўтиши керак эди. Бу сафар эшикни Иброҳим исмли инсон очди.

Раббий Ибромга деди: “Ўз ерингдан, она юртингдан, ўз отангинг уйидан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга боргин. Мен сендан буюк халқ яратаман. Сени дуо қилиб,

номингни улуғлайман. Сен дуо-баракали бўласан. Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сенда барака топадилар”.

– Ибтидо 12:1-3

Иброҳимни имонимизнинг отаси деб аташади, чунки айнан у Худонинг қаршисида ер шоҳлигининг эшигини очиб берди. Шу эшик орқали ернинг барча халқлари баракага эга. Албатта, гап Исо Масих ҳақида ва Худонинг инсониятни қутқариш режаси ҳақида кетяпти. Иброҳимнинг имони қонуний эшикни очди. Худо Иброҳим билан юридик шартнома тузиб, ушбу эшикни абадий очиқ қолдирди. Бу шартнома Иброҳимнинг уруғи учун ҳам шартли эди ва айнан шу нарса Ибтидо Китобининг 12-бобида назарда тутилган, у ерда шундай дейилган: *“Сенда ернинг барча қабилалари барака топади”*. *“Сенда барака топади”* сўзлари Исо Иброҳимнинг авлоди орқали келиб, Одам йўқотган барча нарсани тиклашини англатади.

Шундай қилиб, бу сўзларни бошқача ифодалашимга ижозат беринг. Ер шоҳлигида қонуний ҳуқуқга эга бўлган эркак ёки аёл осмон ер шоҳлигига қонунан кира олиши учун осмон билан келишув тузиши лозим эди. Осмон билан тузиладиган келишув имон деб аталади. Айнан анашу қоидага кўра шайтон калитнинг соҳиби Одам орқали ер шоҳлигига қонунан кириб олди.

Шунда иблис Исони баланд тоққа олиб чиқди-да, бир лаҳзада оламнинг барча шоҳликларини кўрсатиб, Унга: – Булар устидан барча ҳокимиятни ва буларнинг шуҳратини Сенга бераман, – деди, – чунки бу менга топширилган ва мен буни истаганимга бераман. Агар Сен менга сажда қилсанг, ҳаммаси Сеники бўлади.

– Луқо 4:5-7

**ИСО УЛАРНИ
ШИФОЛАЙ
ОЛМАДИ. ҚИЗИҚ
ХУЛОСА ТОПИЛГАН**

Бу оятда шайтон инсон шоҳликларнинг ҳокимияти ва шуҳрати (бойлиги) унга берилганини айтди. У инсонга даҳлдор бўлган ернинг устидан тўлиқ ҳокимиятга даъво қиляпти. Ким унга бу ҳокимиятни берди?

Бу ҳокимиятнинг соҳиби бўлмиш Одам! Шундай қилиб, Худо ноқонуний йўл билан инсонларнинг ҳаётига суқулиб киролмайди. Акс ҳолда шайтон ўйинда фирромлик бўляпти деб айтган бўларди. Йўқ, Худо ҳам шайтон кирган ўша эшик орқали кириши керак – ердаги эркак ёки аёл киши орқали.

Исо эса уларга: “Пайғамбар ўз ватанидан, ўз қариндошлари ва хонадонидан бошқа ерда ҳурмат-иззатсиз бўлмайди”, – деди. Бинобарин, У ўша ерда ҳеч қандай мўъжиза ярата олмади. Фақатгина бир неча беморларга қўл қўйиб, уларни шифолади. Шунда У уларнинг имонсизликларидан ҳайрон бўлди. Сўнг атрофдаги қишлоқларга бориб таълим берди.

– Марк 6:4-6

Агар мен кўчадаги одамлардан, Исо нимадир қила оладими деб сўрасам, улар эҳтимол ҳа деб жавоб берган бўларди. Агар мен Муқаддас Китобда Исо ҳаракат қилгану, лекин мўъжиза ярата олмаган деб ёзилган жой борми деб сўрасам, бу одамлар нима деб жавоб берган бўларди? Ишонтириб айтаманки, улар менга Муқаддас Китобда бунақа жой йўқ деб айтган бўларди. Шундай бўлса-да, сиз бундай жойлардан бирини ҳозиргина ўқидингиз. Исо уларни шифолай олмади. Руҳий олим сифатида, мен бунинг сабабини билмоқчиман. Бунинг жавоби оддий. У шифолай олмади ва энди сиз бунинг сабабини биласиз. Чунки уларнинг имони йўқ эди. Бу осмон билан келишув йўқлигини англатади, демак, бу ҳолда осмоннинг қонуний ҳуқуқи бўлмаган. Биз кашф

этган ҳақиқатни яхши тушунганингизга ишонч ҳосил қилинг.

Эркак ёки аёл ўз юрагида осмон айтган ИМОНга эга эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилмаса, осмоннинг ерда қонуний ҳуқуқи йўқ.

Агар биз ушбу бобнинг биринчи қисмида жавобсиз ибодатлар ҳақида берган саволларимга қайтсак, унинг жавобларини ҳозир кўряпмиз. Мен миллионлаб одамлар аллаким шифо топиши учун ибодат қилиши мумкин, лекин у барибир ўлиши мумкинлиги ҳақидаги вазият ҳақида айтганим ёдингиздами? Нега? Асосий сабаби имоннинг йўқлигида. Аксарият одамлар шовқинни имон деб ўйлашади.

Ибодат қилаётганингда, мажусийлар каби ортиқча гапиравермагин, чунки улар, кўп сўзласам ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар. Сизлар эса уларга ўхшаманглар, чунки сизларнинг Отангиз, сизларнинг сўрашингиздан олдин нимага муҳтожлигингизни билади.

– Матто 6:7, 8

Кўплаб одамлар қанчалик кўп одам ибодат қилса Худо эшитиб, ёрдам беришининг имконияти шунчалик кўпаяди деб ишоншади. Сиз бу мутлақо ёлғон эканини тушунишингиз учун мен етарлича гапириб бердим деб умид қиламан. Биз имон етишмади деганимизда, биз аввало Худодан мўъжиза олишга муҳтож бўлган одамнинг имонини назарда тутамиз.

Марк Хушхабарининг 6-бобидан ўқиган воқеамизга келсак, сиз Исонинг имони лиммо-лим бўлгани, бироқ У уларни шифолай олмагини билан рози бўлишингиз керак. Шу боис, агар биз миллионлаб одамлар ибодат қилаётган бемор дўстимиз ҳақида гапирсак эди, мен сизга шундай савол берган бўлар эдим: “Бемор нима деяпти?” Кўряпсизми, одамларнинг сони қанчалик кўп

бўлмасин, улар бошқа инсоннинг ҳаёти устидан руҳий ҳокимиятга эга эмас. Аллаким учун 20 миллиард одам ибодат қилиши мумкин, лекин бу одамнинг имони бўлмаса ва у ўламан деса, ўлади.

Келинг, биз ҳозиргина Марк Хушхабари 6-бобда ўқиган воқеани яна бир марта такрорлаб кўриб чиқамиз. Биз Исонинг шифо бериш учун имони бўлганини биламиз, лекин У имони бўлмаган одамларга ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмаган.

Менинг олдимга одамлар келиб, уларнинг буваси, бувиси ёки қариндоши касал эканини, улар учун ибодат қилаётганини, аммо улар соғаймаётгани ҳақида айтишади. Мен ҳар доим: “Бувинг нима деяпти? Буванг нима деяпти? Уларнинг имони борми?” деб сўрайман. Кўряпсизми, сизнинг бошқа инсонлар устидан руҳий ҳокимиятингиз йўқ. Сиз унга хизмат қилишингиз мумкин, лекин унинг ўзи ҳам иштирок этиши шарт. Шу боис, мен одамларга агар улар ўз хизматининг самарасини кўришни истасалар улар нима қилишлари кераклигини айтаман – улар аввал суратни ўзгартиришлари керак. Мен касал одам ўзининг шахсий вазиятига нисбатан қанақа суратни кўряпти. Унга бир талай диний оятларни бериш керак эмас, унга суратни чизиб беринг. Мен сизга нима ҳақида айтаётганимни кўрсатиб беришимга ижозат беринг.

Яҳёнинг шогирдлари унга буларнинг ҳаммаси ҳақида хабар қилдилар. Яҳё эса ўз шогирдларидан иккитасини чақириб, Исодан: “Келиши керак Бўлган Сенмисан ёки биз бошқасини кутайликми?” – деб сўраш учун Унинг олдига юборди.

Улар Исонинг олдига келгач, Унга дедилар: – Бизни Яҳё Чўмдирувчи Сенинг олдинга Сендан сўраш учун юборди: “Келиши керак Бўлган Сенмисан ёки биз бошқасини кутайликми?”

Исо эса шу вақтда кўпларни касалликлару хасталиклардан ҳамда ёвуз руҳлардан шифолаган ва кўп кўрларнинг кўзларини очган эди. Шундай қилиб, Исо уларга жавоб берди:

– Бориб, сиз кўрганларингизни ва эшитганларингизни Яхёга айтинглар: кўрлар кўрмоқда, чўлоқлар юрмоқда, моховлар покланмоқда, карлар эшитмоқда, ўликлар тирилмоқда ва қашшоқларга Хушхабар воизлик қилинмоқда.

– Луқо 7:18-22

Эйтибор беринг, Исо Ёзувдан гапирмади. У: «Яхёнинг олдига қайтиб бориб, Ёзувнинг у ёки бу оятини айтиб беринглар» демади. Йўқ, У Худо Шоҳлигида содир бўлаётган барча яхши нарсаларни айтиб берди. Сиз ҳам шундай қилишингиз керак. Касал ётган дўстингизга Исо бошқа инсонни қандай шифолагани ҳақида айтиб беринг.

Иложи бўлса, дўстингиз чалинган дардга ўхшаш касалликдан шифо топган бирор киши ҳақида айтиб беринг. Бу сурат дўстингизни руҳлантиради ва унда умид уйғотади. Умид ҳар доим маълум бир суратга эга ва сиз дўстингизга унинг дардидан халос бўлишнинг суратини кўрсатишни истайсиз.

Сизнинг дўстингиз шифо топиш мумкинлигини кўрганида, у сиздан бунинг қандай имкони бор деб сўрайди. Бу сиз кутган лаҳзадир. Энди у Худонинг Сўзига ва Худо Шоҳлигининг қоидаларига доир бўлган насиҳатларни қабул қилиш учун очиқ. Биринчи навбатда, агар у ҳали юқоридан туғилган бўлмаса, унга Худо Шоҳлигининг аъзоси бўлишига ёрдам беринг, сўнг унга шифо ҳақида айтилган Ёзувнинг бир нечта оятларини тушунтириб у билан вақт ўтказинг. Иложи бўлса, унга сўзларингизни мустаҳкамлайдиган материал қолдиринг.

Энди биз имон нима (осмон билан уйғунлик) эканини ва имон нима сабабдан қонунан муҳим эканини биламиз, лекин биз ҳали қандай имонга эга бўлиш мумкинлигини ва биз имондамизми

**ШУНДАЙ
ЭКАН, ИМОН –
ЭШИТИШДАН,
ЭШИТИШ ЭСА –
МАСИХНИНГ СЎЗИ
ОРҚАЛИДИР.**

– РИМЛИКЛАРГА 10:17

ёки йўқми, қандай қилиб билишимиз мумкинлигини билиб олишимиз керак.

Қандай қилиб имонга эга бўламиз?

Шундай экан, имон – эшитишдан, эшитиш эса – Масихнинг сўзи орқалидир.

– Римликларга 10:17

Имон Худонинг Сўзини эшитиш орқали қандай келади? Бу қанақа жараён? Инсоннинг руҳидаги имон ривожланиши учун Сўзни шунчаки эшитиш етарлими? Имон қандай келишини ва Римликларга Мактуби (10:17)да гап нима ҳақида кетаётганини тушунишимиз учун биз Марк Хушхабари 4-бобга мурожаат қилсак бўлади. Мен ҳар доим, агар сиз Муқаддас Китобни осмонга отсангиз у ерга Марк Хушхабарининг тўртинчи бобини очган ҳолда қулаши керак деб ўйлайман – бу шўқадар муҳим! Исо, агар сиз, У шу бобда нимага ўргатаётганини тушунмасангиз, сиз Муқаддас Китобдаги бошқа бирорта матални тушунолмайсиз деди. Бу жуда муҳим!

Бу боб нима сабабдан шунчалик муҳим? Чунки у бизга осмон қандай қилиб, ер шохлиги билан ўзаро ҳаракат қилиши, у қандай қилиб қонуний ваколатга эга бўлиши ва бу қаерда содир бўлиши ҳақида ҳикоя қилади. Сизнинг ҳаётингиз учун бу бобда гап нима ҳақида кетаётганини билишдан бўлак муҳимроқ нарса йўқ.

Исо бу ҳикояда бизга инсон руҳида, қандай қилиб имон ҳосил бўлиши ҳақида учта ҳикматни айтиб беряпти. Сиз энди биласизки, имон осмон ерда қонунан ишлаши учун зарурий шарт ҳисобланади. Бу бобдаги учта воқеа – бу уруғ экувчи ҳақидаги, уруғ сепувчи одам ҳақидаги ва хантал уруғи ҳақида ҳикматлардир. Келинг, Исо Марк Хушхабарининг 4-бобида айтиб берган иккинчи воқеадан, уруғ сепувчи инсонни кўриб чиқишдан бошлаймиз.

У деди: “Худонинг Шоҳлиги – бир одамнинг уруғни ерга ташлагани кабидир. У ухлайди, кечаси-ю кундузи туради ва қандай қилиб, уруғ униб-ўсиб чиққанини у билмайди. Зеро ер ўз-ўзидан ҳосил келтиради: олдин кўкат, кейин бошоқ, ундан кейин бошоқда тўла дон. Лекин ҳосил етилганида, шу заҳоти ўроқ солади, чунки ўрим вақти келди”.

Марк 4:26-29

Биз қилишимиз керак бўлган биринчи нарса атамаларнинг маъносини тушуниб олишимиз керак. Исо айтаётган уруғ ва ер нима? Исо ўша бобнинг ўзида деҳқон ҳақидаги олдинги ҳикматда шу иккита атаманинг маъносини тушунтирди. Уруғ – бу Худонинг Сўзи, ер эса – инсоннинг юраги ёки унинг қалби.

Шундай экан, бу ҳикматда Исо инсон Худонинг Сўзини ўз юрагида экиши ҳақида айтаяпти. Шунда ер ёки инсоннинг юраги ўз-ўзидан имонни ишлаб чиқаради ёки осмон билан келишув тузади. Бу табиий жараён ва сизнинг инсоний руҳингизнинг вазифасидир. Юракка эккан нарса ривожланади. Мен тақдим қилишимдан аввал, сиз имоннинг таърифини эслаб қолишингиз жуда муҳим: эркакнинг ёки аёлнинг юраги осмон гапираётганлигига бўлган тўлиқ аминлик. Шунини ёдда сақлаш муҳимки, осмон билан келишув – Худонинг Сўзи билан фикран рози бўлиш билан бир хил нарса эмас. Муқаддас Китобда Иброҳим тўлиқ амин эди дейиляпти.

Тўлиқ аминлик

Тўлиқ аминлик қандай тусга эга экани ва тўлиқ аминлик қандай туйғу экани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингиз учун, келинг, мен сизга Нью-Йоркдаги Эмпайр-стейт-билдингнинг чўққисидан сакранг деб айтганимни тасаввур қилайлик. Сизни бу ишни қилишга уриниб кўришга кўндириш учун, қўлингизни қаттиқ силтасангиз ерга омон қўнасиз деб айтган бўлардим. Сиз менинг юзимга қараб кулган бўлар эдингиз, чунки агар у жойдан

сакрасангиз, сиз билан нима содир бўлишини яхши биласиз. Сиз бунинг натижаси қанақа бўлишини аниқ биласиз. Сиз бошқа вариантлар йўқлигига аминсиз. Агар сакрасангиз сиз ўласиз.

Шундай қилиб, бошқа бир вазиятни олайлик ва бу ҳолда сиз қандай йўл тутишингизга қараб кўрайлик. Фараз қилайлик, сизнинг танангизда жуда сезиларли, йирик ўсимта бор ва шифокор сизга яна икки кун умрингиз қолди дейди: сиз саратон билан касалсиз. Боз устига, шифокор сизнинг саратон касаллигингизнинг тури шунчалик камдан-кам учрайдики, бундай ташҳиз билан тирик қолган бирорта ҳам одам йўқ дейди. Энди фараз қилайлик, сиз Петрус мактубининг Биринчи бобида нима ёзилганини биласиз.

*Биз гуноҳлардан қутулиб, ҳақликда яшашимиз учун,
Масих ўз танаси билан гуноҳларимизни хочга олди. Унинг
жароҳатлари билан сизлар шифолангансизлар.*

– 1-Петрус 2:24

Ёзув сизга жавобни кўрсатади, аммо бизда бир жиддий муаммо бор. Биз зулмат шоҳлигида ўсдик, бизнинг атрофимизда ёлғон ва ўлим бор. Биз қўрқув шоҳлигида катта бўлдик, биз қўрқувнинг овозига тўлиқ ишониб яшадик. Юқорида келтирилган мисолда саратон касаллиги бизни ўлдиришга қодир деб ўргатишган. ОАВнинг ҳар бир кўрсатувида биз бунини ҳақиқат эканининг далилини кўрамиз. Биз қандай қилиб бизнинг келишувимизни ўзгатирсак бўлади, Худо гапираётганлигига тўлиқ аминликни қаердан оламиз? Биз бунини мустақил равишда қилолмаймиз. Лекин Худонинг Сўзи тирик ва қудратли ва агар уни руҳимизга эксак, сизнинг руҳингиз ва Сўз осмон гапираётган нарсалар билан ўз-ўзидан келишувни тузишни бошлайди.

Осмон билан келишув

*У деди: “Худонинг Шоҳлиги – бир одамнинг уруғни ерга
ташлагани кабидир. У ухлайди, кечаси-ю кундузи туради*

ва қандай қилиб уруғ униб-ўсиб чиққанини у билмайди. Зеро ер ўз-ўзидан ҳосил келтиради: олдин кўкат, кейин бошоқ, ундан кейин бошоқда тўла дон. Лекин ҳосил етилганида, шу заҳоти ўроқ солади, чунки ўрим вақти келди”.

– Марк 4:26-29

Ер (сизнинг юрагингиз) ўз-ўзидан келишувни ҳосил қилади. Эътибор беринг, сиз имон ҳақида ибодат қилолмайсиз, бу сизнинг юрагингизнинг ва Сўзнинг вазифасидир. Бу парчани кўриб чиқиб тушунапмизки, бу биз юрагимиздаги осмон билан келишув тузиш – бу бир баҳяда содир бўладиган жараён эмас.

Бу мисол бизга, бизнинг юрагимиз Сўзни қабул қилганида аввалига эндигина экилган уруғнинг ўсаётган майсасига ёки куртагига ўхшаб ўсишни бошлаши ҳақида гапиряпти. Сўнгра у поя бўлиб ўсади, сўнг бошоқни ҳосил қилади. Бошоқ – бу уруғ ёки мева ҳосил бўладиган жойдир. Ўсимликнинг ҳаётининг ушбу босқичида, сиз учун озуқага ярайдиган ҳеч вақо йўқ. Ўсимликнинг ҳали етилган, пишган меваси йўқ, лекин у ўсмоқда.

Худонинг Сўзи билан ҳам шундай. Имон ўсаётганда, жисмоний дунёда кўринарли ўзгаришлар йўқ. Келишув ҳали йўқ, лекин ўсимлик ўсаётганига, имон мустаҳкам бўлаётганига ва келишув тузилишига ишончингиз комил бўлсин. Сўнгра Исо тушунтиряптики, уруғ бошоқда тўлиқ пишганида ҳосил бўлади, келишув тузилган бўлади ва энди имон ҳам бор бўлади.

Шундай қилиб, манашуни тушуниш зарур. Сиз ерга уруғ экканингизда у ўсишни бошлайди, лекин ҳосил ҳали кўринмайди. Ўсимлик ҳали тўғри муҳитда экан, ўсишда давом этади. У етилганида ҳосил келтиради. Айтайлик, сиз маккажўҳори етиштирасиз. Маккажўҳори сўта чиқаради, бироқ бу ҳали етилмаган ҳосилнинг кичкина тўпгули, уни еса бўлади. Лекин мавсум ўтиши сайин, жўҳори сўтаси етилади ва пишади. Буни тушуниш керак! Ерга экилган сўтанинг дони, жўҳорининг дони билан мос келган пайтда уларнинг ўртасида келишув ҳосил бўлади.

Ўсимликнинг бошоғидаги уруғ пишганида, у экилган уруғ билан БИР ХИЛ кўринади.

Жўхори экинг ва сўтадаги пишган уруғ, сиз эккан уруғ билан бир хил бўлади. Улар бир хил бўлади. Улар бир хил кўринади ва таъми ҳам бир хил бўлади. Сиз уларни бир-биридан фарқлай олмайсиз.

Исонинг сўзларини бошқача қилиб айтишимга рухсат беринг. Биз Худонинг Сўзини эшитганимизда (Рим. 10:17) аслида, Худонинг Сўзини ўз руҳимизга, юрагимизга экамик. Агар биз Сўзни юрагимизда сақласак, бизнинг юракларимиз осмон айтган нарсага тўлиқ амин бўлади. Осмон ва ер мос келган бўлади ва энди осмон ер шоҳлигида тўлиқ амин бўлган киши орқали қонуний ваколатга эга бўлади. Бизнинг фикрларимиз ва эътиқодимиз осмон айтаётган нарсаларга тўлиқ аминлик билан аниқ мос келади. Бу бир баҳяда содир бўлмайди. Энди бу нарса, биз чиндан ҳам ишонадиган нарсага айланади, яъни агар тошни қўлдан тушириб юборсак у ерга йиқилишига ишонганимиздек бўлади. Осмон ер шоҳлигига Сўзни экади, ер сўзни Худонинг иродасига ва келишувга олиб келади. Агар осмон сиз шифо топгансиз деса, бу Сўз юрагингизда пишганида, сиз фақат осмон гапираётган нарсани кўрасиз. Энди қўрқувдан асар ҳам қолмади. Сиз кўзингизни юмганингизда, ўзингизни шифоланган кўрасиз! Манашу сабабдан Ибронийларга Мактубида айтилган:

Имон умид қилинган нарсаларнинг моҳиятидир ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир.

– Ибронийларга 11:1

Эҳтимол, сиз ҳали бунини жисмоний дунёда кўрмаётгандирсиз, лекин сиз бунини ўз руҳингизда кўряпсиз ва бу гўёки бунини қўлингизда ушлаб тургандек реал бўлди. Бу келишув имон деб аталади ва бу имон ушбу сурат шу ерда, ер шоҳлигида, сизнинг ҳаётингизда мужассамланишига олиб келади!

Қайта қўшиш

Шошманг, Марк Хушхабарининг тўртинчи боби бу билан тугамайди. Бизнинг юракларимиз осмон билан қандай қилиб келишув тузиши ҳақида ва унда қандай қилиб имон ҳосили бўлиши ҳақида, бизга ўргатишганидан сўнг, ушбу ҳосилни қандай қилиб йиғиш кераклиги ҳақида ҳам қўлланма берилади.

Лекин ҳосил етилганида, шу заҳоти ўроқ солади, чунки ўрим вақти келди”.

– Марк 4:29

Эътибор беринг, агар юрак осмон билан келишувда бўлса ва имон бўлса ҳам, ҳали ҳеч нима содир бўлмайди. Нега? Биз шунча пайт айтганимиздек, сизда ерда, ер шоҳлигида қонуний ваколатингиз бор. Биз Луқо Хушхабари 8-бобдан муҳокама қилган, қон кетишдан азоб чекаётган аёлни эслайсизми? Исонинг: “Қизим, имонинг сени қутқарди” деган сўзлари ёдингиздами? Мен ўшанда сизга “қизим” сўзи осмон олдидаги қонуний ўринни назарда тутаяди деб айтган эдим. У Иброҳимнинг қизи бўлгани сабабли, унинг қонуний ҳуқуқлари бўлган.

Мен бунинг сизнинг уйингизга ўтказилган электростанциянинг сими билан таққосладим. Электр токи бор, ундан фойдаланса бўлади, лекин барибир, сиз ўзингиз чироқни ёқишингиз шарт. Бубирхил нарса. Имон бўлганида, қувватдан фойдаланса бўлади, аммо сиз қўшгични уламагунингизгача ҳеч нарса содир бўлмайди. Сиз Худо Шоҳлигининг кучини шу ерга, ер шоҳлигига чиқаришингиз керак, чунки фақат сиз, эркак киши ёки

**СИЗ ХУДО
ШОҲЛИГИНИНГ
КУЧЕНИ ШУ ЕРГА,
ЕР ШОҲЛИГИГА
ЧИҚАРИШИНГИЗ
КЕРАК, ЧУНКИ ФАҚАТ
СИЗ, ЭРКАК КИШИ
ЁКИ АЁЛ КИШИ БУНИ
ЕРДА ҚИЛИШГА
ҚОНУНАН ҲАҚЛИСИЗ.**

аёл киши бунни заминда қилишга қонунан ҳақлисиз. Римликларга Мактубга кўра, айнан шу қоида бўйича сиз нажот топгансиз.

Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади.

– Римликларга 10:10

Инсон Сўзга юраги билан ишонади ва асосда туради. Асос – бу қонуннинг ижросини англатадиган юридик атамадир. Шундай қилиб, эркакнинг ёки аёлнинг юраги осмон билан келишувда бўлганида, улар осмон гапиришига ишонганида, улар осмон ва ернинг олдида пойдеворга эга. Энди осмон уларнинг ҳаётига ёғилиш, уларнинг ҳаёти орқали Худо Шоҳлигининг номида ерга таъсир ўтказиш ҳуқуқига эга. Бу ғалати бўлиб туюлиши мумкин, энди ҳаммаси қонунан бўлса ҳам, улар имонда бўлса ҳам, ҳеч нима содир бўлмайди. “Аммо Гари, мен имонда бўлсам, бу менга шу ерда самонинг қонуний ваколатини беради деб айдинг, деб ўйлаган эдим”, дейишингиз мумкин. Ҳа, тўғри, лекин имон бўлган пайтда самовий ваколатни шу ерда амалга ошириш учун кимдир рухсат бериши керак. Қани, матнимизга яна бир марта қараймиз.

Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади.

– Римликларга 10:10

Сизга имонга ёки асосга эга бўлган лаҳзадан, осмон ерга ёпирилиб келиш ҳуқуқига эга, лекин эътибор беринг сўнгида нажот топиш учун айнан оғиз билан эътироф этиш керак дейилган. Сиз бу иккита қисмни кўряпсизми? Осмон Сўзни сизнинг юрагингизга олиб келади, юрак эса шу ерда, ер шоҳлигида келишувни ҳосил қилади. Келишув билан имон ҳосил бўлганидан сўнг, сиз шу келишувга мувофиқ ҳаракат қилишингиз керак ва сизнинг вазиятингизда осмоннинг ҳокимиятини ишлатишга рухсат беришингиз керак,

токи сиз осмон айтаётган нарсаларни чиндан ҳам олинг. Марк Хушхабаридоги (4:29) сизнинг мисолингизда ҳосил вақти келганида, инсон (ерда) қўлига ўроқни олади дейиляпти. Айнан шу одам имон пайдо бўлганида, ушбу ҳосилни йиғиш учун Худонинг Сўзига мувофиқ равишда ҳаракат қилиши керак.

Худонинг Шоҳлигида эга бўлиш

Марк Хушхабари тўртинчи бобдаги ўроқ ҳақида ҳикояга қайтиб, икки оғиз гапиришимга ижозат беринг. Мен ишонаманки, жамоат оламининг аксарият қисми ўроқдан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида ўргатилмаган, яъни улар муҳтож бўлган ҳосилни қандай қилиб йиғиш лозимлиги ҳақида ўргатилмаган. Мен ҳам Раббий мени Худо Шоҳлиги қандай ҳаракат қилиши ҳақида ўргатишни бошламагунгача буни билмас эдим. Шоҳликдаги ушбу ҳаётий муҳим бўлган жараён ҳақида олган ўзимнинг биринчи ваҳийим қуйидагича бўлди.

Мени Атланта жамоатида сўз айтишга таклиф қилишди. Бу чоршанба кунининг кечги хизмати эди, жамоат ўнчалик ҳам катта эмас эди, лекин бу менга маъқул эди. Менга одамларга Худо Шоҳлиги ҳақида таълим бериш ёқарди. Мен жамоатга етиб борганимда эшик ёпиқ эди ва у ерда ҳеч ким йўқлиги ғалати туюлди. Йиғин бошланишидан аввал тўққиз дақиқа қолган эди. Мен ортимдан тақар-туқурлаб келаётган юк машинанинг товушини эшитдим. Бу кўҳна пикап эди, у жамоатнинг хиёбонига чиқаётган эди. Мен бунга эътибор бермадим, қолаверса мен Атлантанинг марказида эдим.

Мен кутиб туравердим, кейин олдимга бир эркак келиб, ўзини чўпон деб таништирди. У кеч қолгани учун ўз сўради ва унинг кўҳна юк машинасининг ўлагичи бузилгани учун ўт олмаганини ва уни қияликдан думалатиб ўт олдиришга тўғри келганини айтди. У юк машинаси баъзида умуман ўт олмаслиги сабабли ва жамоатгача беш мил пиёда юришга тўғри келишидан зорланди. Очиғи айтсам, мен бироз ҳайратда эдим.

Сўнгра у бу жамоат биринчи навбатда ижтимоий хизматга йўналтирилганини ва у ҳар ойи минглаб одамларни озиклантириши, бир ойда 10 000 дан зиёд тушлик тарқатиши билан бўлишди. Чўпоннинг ҳикоясини эшитишим сайин менинг кайфиятим тушиб борарди. Мана ойида 10 000 кишига овқат берадиган Худонинг одами, унинг эса биттагина дуруст машинаси йўқми? Мен буни ҳал қилишим мумкин эди. Менинг 2 000 мил минилган янги машинам бор эди, мен уни унга совға қилишим мумкин эди. Мен унга бу истагимни изҳор қилдим ва менинг ходимларимдан бири машинамни Атлантага олиб келиб беришини айтдим. У роса хурсанд эди.

Ўша куни кечаси мен чўпонга ва унинг кичик подасига Худонинг Шоҳлиги ҳақида ва у молявий соҳада қандай ишлаши ҳақида таълим бердим. Мен улар Худо Шоҳлигига қанчалик муҳтож эканини, унинг суратини намоён қилишлари кераклигини тушунар эдим.

Уйга қайтганимда автомобилни Атлантага элтиб беришлари ҳақида келишдим. Менинг ишчим машинани олиб кетишга келганида мен осмонда руҳий битимни тузаётганимни билардим. Мен бу машинани Худонинг Шоҳлигига бераётиб, Худо агар менга керак бўлса, менга ҳам машина беришига ишона олишимни билардим. Мен машиналарнинг ашаддий ишқибози эмасман. Айрим одамлар машиналарнинг жинниси. Мен бунақа эмасман. Шунинг учун менинг ишчим машинамни олиб кетишга келганида мен унга қўлимни қўйиб, дедим: “Ота, мен бу машинани Атлантадаги хизмат учун қурбон қиляпман. Мен уни уруғ сифатида экаяпман ва мен ўриб олишимга ишонаман...” Мен қанақа машинани исташимни ўша пайти айтолмадим. Шунинг учун: “Мен бу масалада Сен билан яна гаплашаман!” дедим.

Сўнги бир неча ой мобайнида мен машина ҳақида деярли ўйламадим, лекин бир куни эрталаб, мен Дрендадан қанақа машинани истаётганини сўрадим. Бироз ўйлаб у: “Менга кабриолет маъқул” деди. Мен ундан қанақа кабриолетни

хоҳлаётганини сўрадим. Биз мавжуд бўлган моделларнинг биттасини ҳам эслолмадик. Мен машинани Дренда учун харид қилаётганим сабабли, у ўзига ёққан машинага эга бўлишига амин бўлмоқчи эдим. Мен унга Интернетда ёки атрофдан қидириб кўришни ва агар унга маъқул келган кабриолетни топса, менга хабар беришини айтдим. Биз янги машина сотиб олмоқчи эканимиз ҳақида ҳеч кимга айтмаган эдик. Бироқ биз шаҳар бўйлаб юриб, бизнинг этиборимизни тортиши мумкин бўлган автомобилни излаб, ҳар томонга қараб юрдик.

Бир кўни биз тушлик қилиш учун маҳаллий ресторанга бордик ва қўққисдан Дренда бақриб юборди: “Мана у! Мен ёқтирган автомобил!” У машиналар турар жойининг нариги томонига ишора қилди. Мен машиналар турар жойини айланиб ўтиб, 6-серияли “БМВ” кабриолетнинг ортидан тўхтадим, бу шубҳасиз жозибали машина эди, устига-устак қиммат эди. Мен унинг танловини мақтадим ва бу бағоят гўзал машина дедим.

Энди сиз, биз Дренда билан машиналар учун катта пул тўламаслигимизни билишингиз керак. Мен машиналарнинг жинниси эмаслигимни сизга айтгандим. Молия соҳасида ишлаб, мен машиналар жуда тез қадрсизланишини ва ҳар доим бир ёки икки йил минилган машинани харид қилиш афзал эканини билардим. Шунинг учун менинг режам қуйидагича эди: мен минилган аъло даражадаги машинани излайман.

Бир ҳафтадан сўнг жамотимиздан бир йигит қўнғироқ қилиб: “Мен Дренданинг машинасини топдим!” деди. Мен ҳайрон бўлдим, чунки биз ўша кўни тушлик вақтида кўрган “БМВ” ҳақида ҳеч кимга айтмаган эдик. Шунинг учун мен ундан бу қанақа машина деб сўраганимда, у бу 6-серияли “БМВ” кабриолет деб жавоб берди. У бу машина узоқ бўлмаган жойда тургани ва Раббий унга бу Дренданинг машинаси эканини айтганини айтди. “Яхши, менинг диққатим сенда” дедим. Машина бир йил минилган ва кўриниши зўр эди. Охир оқибат, машина учун мен нақд пул санаб бердим ва Дренда орзу қилган машинасига эришди, деди.

Қойил, бу қандай содир бўлди?

Келинг, бу воқеани биз имонда туриш ва ўроқни ишга солиш ҳақида билиб олганимиз билан таққослаймиз. Мен ўзимнинг машинамни қурбон қилаётганимда имонда турган эдим. Бироқ Дренда овоз чиқариб: “Мана у!” деганида, у ўроқни ишга солган эди ва бир неча кундан сўнг машина пайдо бўлди. Мен унинг овозда чиқариб айтган: “Мана у” сўзларини эшитган бўлсам ҳам, унинг сўзларини ҳеч қачон Марк Хушхабарининг тўртинчи боби ва ўроқ билан биргаликда боғламаган эдим. Лекин кейинги воқеа бунга тўлиқ ойдинлик киритди.

Сизнинг сўзларингизнинг кучи

Мен сизга менинг 24 гектар ерим борлигини, уларнинг тахминан икки ярим гектари ботқоқ эканини аллақачон айтган эдим. Мен кузда ов қилишни хуш кўраман ва гарчи мен мактаб ёшимдаёқ ўрдакларни ов қилган бўлсам ҳам, Огайода мен ўрдак овига чиқмаган эдим. Лекин ўша йили ер ниҳоятда ботқоқлашиб кетган эди ва ўша жойга ўрдаклар катта тўда бўлиб учиб келарди. Ҳар куни юзлаб қушлар у ерга тунашга келарди. Шунинг учун бир куни кечқурун мен милтиқни олиб, кечлик учун бир неча ўрдакларни овлаб вақтичоқлик қилдим.

Ўша кузда мен ва ўғилларим бир талай ўрдакларни овладик. Бироқ мен бир нарсага эътибор бердим: ўрдаклар энг узоқ ўқ узиш масофасида эди. Ўрдак овлашда қонунга кўра анъанавий қўрғошин эмас, балки пўлат сочма ўқ ишлатиш рухсат этилади. Қўрғошин сочма ўқ оғирроқ ва пўлат ўққа нисбатан ўзининг қувватини узоқроқ сақлайди, шунинг учун узоқ масофага пўлат ўқ билан ўрдакларни овлаш мушкулроқ.

Лекин ўша кузда мен ўрдак овлайдиган ўртоқларим билан гаплашганимда, улар менга ўрдак ови учун махсус ишлаб чиқарилган янги қурооллар ҳақида айтиб бердилар. Улар оғирроқ сочма ўқ билан отишарди. Мен шундай қуроолни харид қилишга

қизиқиб қолдим, лекин бу декабр ойи эди ва ўрдаклар ови мавсуми тугаётган эди ва бу ҳақда чуқур ўйлаб ўтирмадим.

Январнинг бошида мен қайсидир сабаб билан “Кабелас” (бизнинг спорт маҳсулотлари дўконимиз)га кирдим ва ўрдак ови қуроли эсимга тушди. Мен уларни кўришни истадим. Мен кўроллар дўкони ёнидан ўтиб кетаётиб, сув устида сузадиган қушларга ов қилинадиган янги қуроллар бўлимини кўрдим. Мен ўйлаб ўтирмай менга энг аъло кўринган қуролни қўлим билан кўрсатдим ва овозда: “Раббий, мен манашуни оламан” дедим. Бу менинг оғзимдан отилиб чиқди. Кейинги ўрдак ови мавсуми кузда очилди ва мен қуролни мавсум олдида харид қилишни режалаштирган эдим.

Икки ҳафтадан сўнг мени бизнес-анжуманда сўз айтишга таклиф қилишди. Мен чиқишимни тугатганимдан сўнг, бош директор менга ташаккур билдириш учун чиқди ва у мен учун совға тайёрлаб қўйганини айтди. Ақл бовар қилмайди, лекин у менга айнан ўша қуролни, айнан мен икки ҳафта олдин “Кабелас”да кўрсатган ўша моделни совға қилди. Албатта, мен бундай саҳий совғадан ҳайратда эдим, лекин мен бунга тасодиф эмаслигини билардим. Мен “Кабелас” дўконида айтган сўзларимни ва нима қилганимни эсладим. Мен ўроқни ишга солдим!

У деди: “Худонинг Шоҳлиги – бир одамнинг уруғни ерга ташлагани кабидир. У ухлайди, кечаси-ю кундузи туради ва қандай қилиб уруғ униб-ўсиб чиққанини у билмайди. Зеро ер ўз-ўзидан ҳосил келтиради: олдин кўкат, кейин бошоқ, ундан кейин бошоқда тўла дон. Лекин ҳосил етилганида, шу заҳоти ўроқ солади, чунки ўрим вақти келди”.

– Марк 4:26-29

Ўроқ ишга солиш биз илгари Римликларга Мактубининг парчасига асосан муҳокама қилган имонга мансуб бўлган ўша қоидани кўрсатмоқда.

*Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва
нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади.*

– Римликларга 10:10

Мен юрагим билан ишондим, оғзим билан эса Худонинг Шоҳлигининг ҳокимиятини ер шоҳлигига чиқардим. Мен ўттиздан зиёд қуроолларни тарқатиб бердим, лекин менимча мен илк бора: “Мен манашуни оламан” деб айтдим. Мен бу ҳақда чуқур ўйлаганимда, илгари ҳам шундай қилганимни эсладим, лекин ўша пайти мен Шоҳлик қандай ишлаши ҳақида мутлақо тушунчам йўқ эди.

Биз Дренда билан Оклахомада милтиқ билан буғуларни овлаб, Огайога қайтиб келдик. Лекин Огайода милтиқ ишлатиш ноқонуний эди, фақат ов милтиғи рухсат этилган эди. Ўша пайти менинг фақат 20-калибрли қўшоғиз милтиғим бор эди. Бу милтиқ билан мен кўчиб келганимизнинг биринчи йилида иккита буғуни тутган эдим. Мен эса буғуларни овлаш учун махсус ишлаб чиқарилган янги қуролим бўлишини истар эдим. Мен Огайода биринчи йилги буғуларни овлаш мавсумидан сўнг Дрендага, менинг буғуларни овлаш учун қўндоғи қора пластикли бўлган 12-калибрли 11-87 модели «ремингтоним» бўлишини жудаям истайман деганим ёдимга тушди. Бир неча ҳафтадан сўнг “Мавлуд” айёми кириб келди ва менинг отам менга айнан манашу қуроолни совға қилганидан таажжубда эдим. Мен отамга бундай қуроолни истаётганим ҳақида айтмаган эдим. Ичимда “Ғалати” деганим эсимда. Мен билмасдан ўроқни ишни солган эканман.

4-БОБ

НАҲОТКИ ЁДИНГИЗДА БЎЛМАСА?

Мен Худо Шоҳлиги қандай ишлашни эндигина ўрганишни бошлаганимни кўрганимдан ҳайратда эдим. Бу мен кўрган нарсаларни, менга ҳеч ким ўргатмагани сабабли содир бўлди. Аммо, мен китобнинг биринчи қисмида айтганимдек, афтидан Худо мен буғуларни овлашим орқали менга дарс берган кўринади. Аслида, мен жуда оддий одамман ва бу менинг диққатимни тортиш учун аъло услуб эди. Мен буғуларни овлай олишим учун экишни ва уларни тутишни бошлаганимдан сўнг – одатда мен овга чиққанимдан сўнг қирқ дақиқа ичида тутардим, - Худо менга Худо Шоҳлигининг ҳаракатини чуқур тушунишни берди, менинг маҳоратим ошишни бошлади.

Мен Оклахома штатида, Талсада эдим, у ерда Худо менга имон билан ўсиғи олтига бўлган буғуни овлашни кўрсатди. Келгуси йили биз Огайога қайтиб кўчиб кетдик. Огайода сони кўп буғулар бор эди ва иккитагача буғу овлаш руҳсат этиларди. Фақат битта эркак буғу овлаш мумкин эди. Шунинг учун Огайога келганимда мен ҳар йили иккита буғу учун, бири эркак, бири урғочиси учун экишни бошладим. Мен уларни жадвал бўйича олардим.

Лекин бир йили мени бир нарса ўйлантириб қўйди. Мен: “Бундай бўлиши мумкин эмас” деб ўйладим. Мен ов мавсумини тугатганимдан сўнг, буғулар мен уруғ экаётган пайтда чекда

ёзган тартибда келишни бошлади. Масалан, агар мен “эркак ва урғочи учун” деб ёзсам, аввал эркак буғуни, кейин эса урғочисини тутардим. Огайодаги охирги бир неча йилги мавсумлар устида фикр қилиб, бу ҳар йили шундай бўлганини эсладим. Мен аниқ билмас эдим, чунки ҳеч қачон бунга аҳамият бермас эдим, лекин бу шундай эканми деб қизиқиб қолдим.

Шунинг учун келгуси йили бунга аниқлашни қарор қилдим. Ҳа, тўғри бу беъмани фикрга ўхшайди, лекин бу айнан шундай ишласа керак деб ўйладим ва агар мен бир неча марта бунга синаб кўрмасам бунга ҳеч қачон билолмас эдим. Шу боис, мен ўша йили уруғларни экишнинг тартибини ўзгартирдим. Бу гал мен рўйхатга биринчи бўлиб урғочи буғуни қўйдим. Шу пайтгача мен ҳар доим биринчи бўлиб эркагини ёзардим. Шубҳасиз, улар айнан шу тартибда қўлга тушди. Келгуси йили мен бу тартибни қайтардим ва улар айнан мен ёзган тартибда келди. Мен ҳеч қачон шундай содир бўлади деб ўйламаган эдим. Мен Шоҳлик шунчалик аниқ ишлайди демоқчиман.

Бу тасофидан содир бўлмаётганини аниқлаш учун мен янада жиддий синов ўтказишни қарор қилдим. Мен ўсоғи учта бўлган буғу учун уруғ эдим. Мен нормал, оддий буғунинг ҳар бир шоҳида жуфт ўсоғи бўлишини билардим, шу сабабдан, мен тоқ сонни танладим. Шундай қилиб, биз Дренда билан ибодат қилдик ва ўсоғи еттита бўлган буғу учун уруғ эдик.

Имон қанчалик аниқ?

Ниҳоят, октябр кириб келди ва камон (арбалет) билан овлаш мавсуми очилди. Одатда мен ўрмонда камон билан овлаш пайтини сабрсизлик билан кутаман, лекин мавсум очилганидан сўнг ўзимни ғалати ҳис қилаётганимни сездим. Менинг умуман овга бориш истагим йўқ эди. Бу истак жуда кучли эди. Мен бу туйғу мавсум кириб келганида, барглар тушишни бошлаганида ўтиб кетади деб ўйлаган эдим. Мен: “Ёшинг ўтган сайин, сен билан шу нарса содир бўлар эканда, баъзи нарсаларни қилишга хушинг бўлмас эканда?”

деб ўйладим. Бу ғалати туйғуни тушуна олмасдим. Гўёки мен қачон бўлса ҳам, буғуларни овлашга бораманми ёки йўқми, фарқи йўқдек туюларди. Ноябрь кириб келди ва мен хавотирланишни бошладим. Мен ўрмондаги энг ажойиб вақтни қўлдан бой берган эдим, энг илиқ бўлган вақтни. Ноябрь ўртаси эди, менда эса ҳали ҳануз буғуларни овлаш истаги йўқ эди. Мен ўрмонга боришга иккиланардим. Ўзимни шундай ҳис қилдим.

Дренданинг ота-онаси бизникига икки кунга меҳмонга келишди. Биз меҳмонхонада суҳбатлашиб ўтирган эдик. Қўққисдан мен эртаси кунни ўрмонга боришим кераклигини тушундим. Бу қўшгични улашга ўхшайди. Мен ҳаммага эртага бориб, буғумни овлаб келаман дедим. Эрта тонг учун анжомларимни тайёрлаётганимда, қўққисдан ҳаяжонни ва қувончни ҳис қилдим.

Мен ўсоғи еттита бўлган эркак буғу мени кутаётганини билардим. Мен ўшанда тушундим: ҳойнаҳой, бу буғу октябрда ва яқинда ҳам, бу ерда бўлмаган бўлса керак. Балки шу сабабдан, менда овлаш истаги бўлмаган. Агар мен бир ярим ой мобайнида ҳар кунни дераза орқали термилиб қараб, бир ярим ой давомида ўрмонга боришни орзу қилиб кутган бўлсам эди, менга қанчалик оғир бўлган бўлишини тасаввур қиламан. Мен изтироб чеккан бўлардим. Ўша пайти бу фақат назария эди, лекин мен бунини эртаси кунни текшириб кўрмоқчи эдим.

Мен кечаси билан қайси дарахтдан ов қилай деб ибодат қилдим ва тонг отмасдан уйғондим. Менинг еримда пистирмали бир нечта дарахт бор ва ибодат қилаётганимда мен ботқоқдаги пистирмага боришим кераклигини ҳис қилдим. Биз бу пистирмани ботқоқли пистирма деб атаймиз, чунки у бир тарафдан тўрт гектар ботқоқ билан, бошқа тарафдан эса буталар билан чегарадош. Мен буғулар баъзан ботқоқнинг ёнидан ўтишини билардим. Пистирма ўтмишда, аллақачон иш берган эди ва мен буғумга ўша кунни яна уша пистирмадан ўқ узмоқчи эдим.

Белгиланган жойга бораётиб, Худо менга олдин ов орқали Унинг Шоҳлигига мансуб бўлган нарсани текширмоқчилигини

ва У мени кўпроқ нарсага ўргатмоқчилигини ҳис қилдим. Мен синовнинг натижасини кўришни сабрсизлик билан кутардим.

Кун аста-секин ёришишни бошлади ва кузги тонгнинг одатий товушлари ва ҳиди мен истагандек бир маромда ўзгарарди. Мен чиндан ҳам уларни соғинардим. Қарийб бир соат ўтди, буғулар эса кўринмас эди. Ўз еримда буғулар кетидан назорат қилаётиб, улар бу жойга тонгнинг кечки соатларида келишини билардим. Мен пистирмада, аллақачон чамаси бир соат ўтирдим ва ов учун рухсат этилган вақтгача қирқ дақиқа қолган эди.

Пистирмада ўтирганимда машинанинг эшиги қоқилганини эшитдим. Мен Дренданинг ота-онаси эрталаб, Алабамага қайтмоқчилигини билардим ва мен улар билан хайрлашим керак эди. Шунинг учун мен истамай пистирмадан тушдим. Мен ўсоғи еттита бўлган буғумни бошқа куни тутишимга тўғри келади деб ўйладим.

Мен уйга етиб бордим. Ҳамма уйғонган эди ва нонушта қилишга тайёр эди. Одатда оиламиз учун деярли ҳар куни мен, Дренда, ўзим ва болалар учун нонушта тайёрлайман. Шу боис, мен шошилиш билан нонушта тайёрлашни бошладим. Албатта, мендан буғу ҳақида сўрашди ва мен оилам билан нонушта қилиш учун бу режамдан воз кечишимга тўғри келганини айтишга мажбур бўлдим. Ҳа, менинг кўнглим бироз совуган эди. Мен қайнотам ва қайнонам кечроқ жўнаб кетишади ва мен эркак буғуни тутушим учун етарлича вақтим бўлади деб тахмин қилган эдим.

Мен плита олдида туриб, омлет пишираётиб, ошхонанинг деразаси орқали кўринадиган ўрмонга ва далага қарардим. Даланинг тўрида урғочи буғуни қуваётган эркак буғуни кўрдим. У тўғри менинг пистирмам турган жойга, ботқоққа қараб югураётган эди. Бу менинг буғум эканига амин эдим. Мен баланд овозда бақириб, кимдир менинг ўрнимда плитанинг олдига келсин, мен эркак буғумни кўрдим, уни тутмоқчиман дедим. Мен вақтим оз қолганини билар эдим.

Буғу мени сезмаслиги учун мен еримизнинг қарама-қарши томони бўйлаб айланиб ўтдим. Мен буғу менинг пистирмам

турган дарахтнинг йўлакчаси бўйлаб юрса керак деб ўйладим. Мен дала бўйлаб бор кучим билан югуриб, пистирмага етиб келдим ва хайрият, битта ҳам буғуни кўрмадим. Агар улар ростдан ҳам менинг йўлакчамдан ўтса мен улардан олдин келганимни тушундим. Мен тезда пистирмамга чиқдим. Менинг юрагим дук-дук урарди, юзимдан эса тер оқарди.

Ва мана, мен ҳали яхши жойлашиб олмасимдан улар кўринди. Урғочи буғу дарахтимнинг олдида юрди ва мен эркак буғу яқин атрофда эканини билганим учун тайёр турдим. Менда унинг ўсоғи чиндан ҳам еттитами йўқми текширишга вақтим йўқ эди. Мен тезда ўқ уздим. Мен нишонга текканимни билардим, аммо ўқ мўлжалдан сал пастроққа бориб тегди. Буғу ўтга қараб сакради. Мен пистирмада чамаси йигирма дақиқа кутдим ва нишонга қанчалик тўғри туширганимни текшириш учун ўқнинг изини қидиришга тушдим. Афсуски, ўқда ва ерда қон жуда кам эди.

Мен озгина эсанкираб қолган эдим ва буғу ўтнинг ичида яшириниб ётишини билардим ва уни сакратишни истамадим. Мен илгари ҳам эркак буғуларни бироз яралаган эдим ва буғуга бироз ўтиришига мухлат бериш афзаллигини билардим. Шунинг учун мен уйга қайтиб бордим, нонуштамни тугатдим, ҳаммага бўлган воқеани айтиб бердим, сўнг ўғилларимдан далага мен билан бориб, буғуни топишга ёрдам беришини сўрадим. Мен ўқни кўздан кечирганимдан сўнг, буғуни жиддий жароҳат билан топсак керак, балки у аллақачон, ўлган бўлса керак деб умид қилган эдим.

Икки соатлар кутиб, биз уччаламиз чиқиб бордик ва дала бўйлаб ҳар хил томонга тарқадик. Менинг камоним ҳар эҳтимолга қарши тайёр эди. Тўсатдан, Тим буғуни даланинг четида чўчитиб юборди. Буғу мени кўрмай, мен томонга қараб югурди. Югураётиб, у Томни кўриб тўхтади ва қайси томонга қочишни ўйлади.

Буғу мендан тахминан етмиш метр масофада эди, бу камқувват арбалетдан дуруст ўқ узиш учун анча узоқлик қиларди, лекин мен бу менинг ягона имкониятим эканини билардим. Мен камонимни тез кўтариб буғудан сал тепароқни нишонга олиб ўқ уздим.

**ҲА, ШОҲЛИК ШУ
ҚАДАР АНИҚ
НАМОЁН БЎЛДИ!
МЕНГА ҲЕЧ КИМ,
ҲЕЧ ҚАЧОН ШОҲЛИК
ШУНДАЙ ИШЛАШНИ
АЙТМАГАН. ШОҲЛИК
ШУНЧАЛИК АНИҚ ВА
ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ,
БИЗДА ШУНДАЙ
ҲОКИМИЯТ БОР.**

Таажжубки, ўқ дўға йўналишда учиб буғунинг бўйнининг қоқ марказига тегди. Буғу тепалиқдан пастга ёпирилиб кўздан ғойиб бўлди. Мен гангиб қолдим. Қойилмақом. Биз буғу қочиб кетган томонга қараб, аста-секин ҳаракат қилдик ва мен уни биздан тўқсон метрлар нарида ётган ҳолда кўрдим. У бошини кўтардида, лекин бизни кўрмади, шунинг учун ортга қайтиб, кечроқ келишга қарор қилдик.

Мен кун бўйи жамоатда бўлишим керак эди ва мен уйга фақат қоронғу тушганида қайтиб келдим. Биз Тим билан фонарни олдик ва буғунинг

кетидан бордик. Биз уни охириги марта кўрган жойдан бир неча метр нарида топдик. Мен тезда унинг шохига кўз тикдим ва мана олдимда ўсоғи еттита бўлган буғу ётарди. Мен иззат-икром туйғуси билан унга термилиб қарардим. Биз Тим билан Худога буғу учун шукрона айтдик ва уни уйга судраб боргунча Худо Шохлиги ҳақида ва биз гувоҳ бўлган воқеа ҳақида гаплашиб бордик.

Ҳа, Шохлик шуқадар аниқ намоён бўлди! Менга ҳеч ким, ҳеч қачон Шохлик шундай ишлайди деб айтмаган. Шохлик шуқадар аниқ ишлар экан ва бизда чиндан ҳам, бундай ҳокимият бор.

Яна битта кашфиёт

Мен ёш эркак буғуни тутишим учун уруғ экканимни эслайман. Бу шохлари жуда ҳам кичик бир ёшли буғу эди. Унинг шохлари кичик бўлгани учун узоқдан бунақа эркак буғу урғочидек кўриниши мумкин. Шунинг учун Огайо штатида шунақа ёш эркак буғулар урғочисига тенг ҳисобланади. Гап буғунинг боласи ҳақида кетмаяпти. Улар катта

буғулардек йирик эмас, лекин катталиги ўзига яраша.

Ўша куни мен дарахтдаги пистирмада ўтирган эдим ва шунда бир гуруҳ буғулар пайдо бўлди, улар тўққиз ёки ўн бош эди. Улар менинг камоним теккизадиган масофадан сал нарида эди, лекин аста-секин менга яқинлашиб келаётган эди. Кутилмаганда менинг қўшним ўзининг квадроциклини қўшди. Бу товушдан бутун сурув чўчиб, мендан қарама-қарши томонга қараб қочиб кетди. Мен овоз чиқариб: Бир ёшли буғу, мен сенга қайтишни ва дарахтимнинг остига туришни буюраман” дедим. Хуллас, манашу суратни кўз ўнгингизга келтиринг. Ўрилган жўхори даласида тўққизта буғунинг ҳаммаси мендан қочиб кетяпти. Менинг сўзим бўйича, битта буғу подадан ажралиб давра билан айланиб, қайтиб келиб, тўғри менинг дарахтимнинг остида тўхтади! Мен бу буғуни уйимга олиб келдим, ҳа, бу бир ёшли буғу эди.

Мен бундай воқеаларни қайта-қайта кузатдим. Худонинг Шоҳлиги шунчалик майда-чўйдагача ва аниқ ишлаши ҳақида шу китобда сал кечроқ айтиб бераман, ҳозирча келинг, ақл бовар қилмас нарсалар содир бўлаётганини шунчаки англаб етайлик.

Шоҳлик бизнинг ҳаётимизни ўзгартирди ва биз бу ҳақда одамларга бетиним айтиб берардик. Бизнинг воқеаларимиз жуда кўп, биз жуда кўп нарсаларни кўрдик. Биз ўликлар тирилганини, ўсимталар ғойиб бўлганини, ғаройиб молиявий қиссаларни кўрдик. Қанчалик кўп одамлар Шоҳликнинг кучини кашф қилиб янги ҳаёт бошлади. Худо Шоҳлигининг эзгулиги ҳақида айтиб беришни чанқаб, биз Дренда билан 1995-йили “Имон Ҳаёти” жамоатига асос солиш истагини ҳис қилдик. Биз одамларга Шоҳликни тушунишларига ёрдам бермоқчи эдик. Сўнгра Худо 2006-йили бизни “Faith Life Now” медиахизматини бошлашга ундади, у орқали бизнинг телевизион хизматимиз дунёнинг барча чеккаларигача ҳар куни узатилади. Биз барча жойдан бўлган одамлар қандай қилиб, Худонинг Шоҳлигида, эркинлик руҳида ва ғалабада яшаш мумкинлигини билмоқчи эканини кўрдик.

Худонинг Шоҳлиги барча учун ишлайди

Ушбу бобни ёзиш учун бугун эрталаб ўтирганимда, мен ўзимнинг электрон хатимни текширдим. Биз ҳар куни одамлардан Худонинг Шоҳлиги қандай қилиб, уларнинг ҳаётини ўзгартираётгани ҳақида мактублар оламиз. Мен сизга менинг ҳар бир куним қандай ўтишини кўрсатишга қарор қилдим, ахир, бу мактуб менга бор-йўғи бир неча дақиқа олдин келиб тушди.

Мен ким бўлибманки, У мени эсласа? Бир неча йил муқаддам мен сизнинг таълимотингизни тинглашни бошладим ва ўшандан буён мен мўъжизалар кўриб келяпман. Мен шифоланишни ва молиявий ёриб ўтишларни кўряпман. Ҳозир мен атрофга қарасам Унинг эзгулигини кўриб ақлим ҳайратда. Мен муҳтож бўлган одамларни ва Инжил ва ҳақиқат учун очиқ бўлган эшикларни кўряпман! Мени ҳайратлантирадиган нарса шуки, мен ўзимнинг ғазнамни ошиб-тошиб ётганини кўряпман. Худо мени бошқаларга ёрдам беришим учун бойитди, токи бошқалар Уни кўра олсинлар! Мен уй-жой соҳасида мустақил ишлайдиган инспекторман. Мен мунтазам равишда ёш инспекторларга насиҳат бераман. Мен масиҳийча бизнес-гуруҳга асос солдим. Бу гуруҳимизда саҳийлик ҳақида ва келгуси авлодни тарбиялаш ҳақида... Шоҳликнинг йўли – бу рақобат эмас, балки тўқинчилик экани ҳақида суҳбат олиб борамиз. Сизнинг таълимотингиз менинг ҳаётимни ўзгартирди ва бу энди бошқаларга ҳам етиб бормоқда; У мени мустаҳкамлагани учун, бошқалар энди Унинг шуҳратини кўрмоқдалар. У қилаётган ишларни кўриб, У дуо қилишни давом эттираётганини кўриб, ақл бовар қилмайди. Бу мени камтарликка ўргатапти. Сизнинг хизматингиз учун ташаккур!

Камтарлик ила,

Б.Ф.,

Теннесси штати, Ноксвилл

Бунга ўхшаш хатларни биз мудом оламиз. Лекин биз Шоҳликнинг ҳаракати ҳақида ҳам кўплаб саволлар оламиз. Одамлар Шоҳликда қандай иш тутиш кераклиги ва биз Дренда билан кўрган нарсаларни, қандай кўриш мумкинлиги ҳақида сўрашади. Менинг “Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб” китобимнинг тўртинчи сериясида, мақсадим шуни кўрсатиш. Агар сизда менинг бошқа китобларим бўлса, сиз илгариги китобларимнинг серияларида Шоҳликда ҳаракат қилишни истайдиган ҳар бир киши билиши шарт бўлган, бир нечта асосий тушунчаларни кўриб чиқишга вақт ажратганимни биласиз.

**СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН
ТАЪМИНОТНИ
ОЛИШИНГИЗ
УЧУН 5 ТА АСОСИЙ
ҚАДАМЛАР**

Лекин энди, мен бироз Шоҳликнинг вазифаларига шўнғимоқчиман ва сизга Шоҳликда қандай яшаш ва натижага эга бўлишни яхшироқ тушунишингизга ёрдам бермоқчиман. Худо менга ўргатганидек, Худо Шоҳлигидан керакли таъминотни олишингиз учун мен бешта асосий қадам деб атаган нарсаларни таърифлаб беришдан бошламоқчиман. Келинг, Муқаддас Китобдаги битта воқеадан бошлаймиз.

Шогирдлари ўзлари билан нон олишни унутган эдилар. Қайиқда битта нондан бошқа нон йўқ эди. Исо эса уларга амр бериб: “Қаранглар, фарзийларнинг ачитқисидан ҳамда Ҳироднинг ачитқисидан эҳтиёт бўлинглар,” – деди.

Шогирдлар эса ўзаро мулоҳаза юритиб: “У бизнинг нонимиз йўқлиги учун шундай деяпти”, – дедилар.

*Исо бунга англаб уларга деди: – Нега сизлар: “**Нонимиз йўқлиги учун**”, – деб мулоҳаза қилиясизлар? Ҳануз англамадингизларми, ҳануз тушунмадингизларми? Ҳануз юракларингиз тошми? Кўзларингиз бор бўлиб*

кўрмайсизларми? Қулоғингиз бор бўлиб эшитмайсизларми? Эсингизда йўқми? Мен бешта нонни беш минг одам орасида бўлиб берганимда, қолган бўлақлардан нечта тўла сават йиғиб олдингизлар?

Улар Унга: – Ўн иккита, – дедилар.

– Еттита нонни тўрт минг одам орасида бўлиб берганимда-чи, қолган бўлақлардан нечта тўла сават йиғиб олган эдингизлар?

Улар эса: – Еттита, – дедилар.

Шунда У уларга: – Ҳали ҳам англамайсизларми? – деди.

– Марк 8:14-21

Исо уларга: “Ҳой, йигитлар, наҳотки эсингизда бўлмаса? Биз буни аллақачон ўтган эдик, сизлар нон етишмаганида бунинг ечимини қандай топганимизни кўрган эдинглар” деди. Аммо шогирдлар бунинг маъносини тушунмадилар. Шунда Исо уларга ўтмишда бўлган нарсаларни эслашни буюрди. У уларга жиддий кўмакчи ишорани берди: “Охирги марта биз шундай вазиятга тўқнаш келганимизни эсланг, шунда бунинг жавобини топасизлар”. Мен бу биз учун ҳам жавоб деб ўйлайман. Ҳа, биз нон ва балиқ кўпайганини кўряпмиз, буни ҳар бир киши кўриши мумкин, лекин руҳий олимлар сифатида биз чуққуроқ кўришни истаймиз. Бу қандай содир бўлди? Шунинг учун келинг, Исо келтирган воқеаларга қайтамиз ва у ерда кўмакчи ишораларни излаб кўрамиз.

Анча вақт ўтганидан сўнг шогирдлари Унинг олдига келиб, Унга: – Бу ер овлоқ жой, кун эса кеч бўлди, – дедилар, – уларни қўйиб юбор, токи улар атрофдаги жойларга ва қишлоқларга бориб, ўзларига нон сотиб олсинлар, зеро уларнинг ейишлари учун ҳеч нарсалари йўқ.

Исо уларга жавоб бериб: – Сизлар уларга овқат беринглар!

– деди. Улар эса Унга: – Наҳот биз бориб, икки минг динорга нон сотиб олиб, уларга ейишга берсак? – дедилар.

У уларга: – Қанча нонингиз бор? Бориб кўринглар, – деди. Улар билганларидан сўнг: — Бешта нон ва иккита балиқ, – дедилар.

Шунда Исо шогирдларига ҳаммани яшил ўт устига гуруҳ-гуруҳ қилиб ўтирғизишни буюрди. Улар юз нафардан ва эллик нафардан қатор бўлиб ўтирдилар. У бешта нон ва иккита балиқни олиб, осмонга қараб дуо қилди ва халққа беришлари учун шогирдларига бўлиб берди. Шунингдек, иккита балиқни ҳам ҳаммага бўлиб берди. Уларнинг ҳаммалари еб тўйдилар. Шогирдлари эса ўн икки сават тўла нон ва балиқнинг қолганини йиғиб олдилар. Нон еганларнинг сони чамаси беш минг эркак эди.

– Марк 6:35-44

Мен аминманки, шогирдлар Исога одамлар бориб, ўзига озуқа топиши учун уларни қўйиб юбор дейишганда, У шогирдларига қайрилиб: “Сизлар уларга овқат беринглар” деганида ҳайрон қолишган. Одамларнинг сони 5000 кишидан ортиқ эди. Муқаддас Китоб у ерда 5000 та эркак бор эди дейди. Шунинг учун мен у ерда аёллар ва болалар ҳам бўлган ва одамларнинг сони 15-20 000 киши бўлган деб ўйлайман. Ўйлайманки, бунча одамни, даставвал тайёрлик кўрмасдан ва огоҳлантирмасдан овқатлантириш жуда кўплик қилади.

Шубҳасиз, Исо одамларга овқат беришни истаган эди, лекин ўйлайманки, У кўпроқ Ўз шогирдларига бундай вазиятда дарс бермоқчи бўлмаган. Айнан шу сабабдан, У уларга: “Сизлар уларга

**ИСО УЛАР ҲАЁТГА
БОШҚА НУҚТАИ
НАЗАРДАН, ХУДО
ШОҲЛИГИНИНГ
НУҚТАИ НАЗАРИДАН
МУНОСАБАТДА
БЎЛИШИНИ
БИЛИШЛАРИГА
ИШОНЧ ҲОСИЛ
ҚИЛМОҚЧИ ЭДИ.**

овқат беринглар” деди. Улар Исо қай тарзда, кўплаб мўъжизалар яратганини кузатишган эди, энди эса уларнинг навбати келди. Охир-оқибат, У яқин орада ерни тарк этмоқчи эди ва улар ҳаётга бошқа нуқтаи назардан, Худонинг Шоҳлигининг нуқтаи назаридан муносабат қилишни билишларига ишонч ҳосил қилмоқчи эди.

1-қадам: Сизда нима бор?

У уларга: – Қанча нонингиз бор? Бориб кўринглар, – деди.

Улар билганларидан сўнг: — Бешта нон ва иккита балиқ, – дедилар.

Бу асосий калит. Исо: “Қани тошларни нонга айлантирайлик” демади. Бу руҳан ноқонуний бўлар эди. Бунинг ўрнига, У нимангиз бор деб сўради. Аниқроғи, У керакли бўлган ҳажмдан қанчаси сизларда бор деб сўради. У бундай оломонни тўйдириш учун нон ва балиқ етишмаётганини биларди ва У бу саволни бундай мақсад билан бермади. Оддий вазиятда бунча одамни овқатлантириш манзараси ақлга сиғмас эди. Шогирдлар текшириб ўтирмай, озуқа 20 000 кишини овқатлантириш учун етмаслигини билар эдилар. Исо уларга бориб нечта нон ва балиқ борлигини кўриб келинглари деганида, шогирдлар нима деб ўйлаганини тасаввур қила оласизми? Улар эса бешта нон ва иккита балиқ борлигини аниқлаб келишганиничи? Бу беъманилик, тўғрими?

Бу сўхбатнинг манзарасини тасвирлаб беришимга ижозат беринг. Чўпон сифатида мен илгари ҳам молявий танг вазиятга тушиб қолган оилаларга ёрдам берганман, масалан уларга бир ойлик ипотека пулини ёки ижара ҳақини, бир нечта коммунал ҳисобварақларни тўлаб берганман ёки озуқа сотиб олиб берганман. Лекин мен чинакам жавоб бу хайр-эҳсон эмас, балки Худо Шоҳлиги эканини билганман деб фараз қилайлик.

Сўхбат тахминан шундай тусда боради. “Чўпон Гари, шундай ой бизнинг пулимиз жуда оз ва бизни уйимиздан ҳайдаб чиқаришлари

мумкин. Жамоат бизга ёрдам бера оладими?” “Албатта, мен сизга ёрдам беришим мумкин. Сизга уйни харид қилишни ва бошқа тўловлар ҳақида ғам чекмасликни маслаҳат бераман”. Улар менга тикилиб қараб: “Чўпон, сиз бизни тушунмаган кўринасиз. Бизнинг уй сотиб олиш у ёқда турсин, ҳатто кейинги ой учун ипотекани тўлашга пулимиз йўқ” дейишади. “Биламан – шу сабабдан, мен сизлар уй учун тўловлар қилмаслигингиз учун сизга, уйни сотиб олинглар деяпман” деб жавоб берган бўлардим.

Агар мен уларга қарзни тўлаш учун бориб, қанча пули борлигини кўриб келишни айтганимда эди, улар мени ақлдан озган деб ўйлаган бўларди. Лекин улар менга қулоқ солиб, чиндан ҳам бориб кўриб келиб: “Чўпон, биз бориб текшириб келдик, бизда 20 доллар бор, лекин ипотека учун яна 360 000 доллар тўлаш керак” деб айтган бўлар эди. Сиз гап нима ҳақида кетаётганини тушуняпсиз деб ўйлайман. Улар мени ақлдан озган деб ўйлаган бўларди, тўғрими?

Шогирдлар ҳам ўша куни ўзларини шундай ҳис қилган бўлсалар керак, улар ўзларини йўқотиб қўйган бўлса керак. 20 000 кишини овқатлантириш учун бешта нон ва иккита балиқ нима бўлади?

НИМАНИ ЭКСАНГ, ШУНИ ЎРИБ ОЛАСАН

Бу воқеага ботинишимиздан аввал, мен Шоҳликнинг яна битта қонунини очиб бериш учун бироз чалғишим керак, у ушбу воқеада ўз ролини ўйнайди. Нон нон бўлиб кўпаяди, балиқ эса балиқ бўлиб кўпаяди. Шундай экан буни ёзиб олинг.

СИЗ МУҲТОЖ БЎЛГАН НАРСАНИНГ БИР ҚИСМИНИ ШОҲЛИККА ЭКИШИНГИЗ КЕРАК, ШУНДА У КЎПАЯДИ!

Менга Муқаддас Китобдаги бошқа бир мисолга ўтишимга ижозат беринг, сўнгра мен Марк Хушхабаригаги 6-бобдаги воқеамизга қайтаман.

Пайғамбарлар ўғилларининг хотинларидан бири Элишага фарёд қилиб: – Менинг эрим, сизнинг қулингиз ўлди; сиз эса қулингиз Раббийдан қўрқадиган киши бўлганини биласиз; энди қарз берган киши иккала ўғлимни ўзига қулликка олиш учун келди, – деди.

Элиша унга деди: – Мен сен учун нима қилай? Менга айт-чи, уйингда нима бор? – деди. У: – Қулингизнинг уйда бир кўза мойидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ, – деди. Шунда у: – Боргин, ташқаридан, ҳамма қўшнилариңдан ўзинга бўш идишларни сўраб олгин, кам олмагин. Ичкарига кириб, ўзингнинг ва ўғилларингнинг ортидан эшикни беркит; сўнг бу барча идишларга мойдан қуйгин, тўлганларини четга қўй». Шундай қилиб, унинг олдидан кетиб, ўзининг ва ўғилларининг ортидан эшикни беркитди. Улар унга идишларни узата бошладилар, у эса қуя бошлади. Идишлар тўлганида, у ўғлига: – Менга бошқа идишни узатгин, – деди. У унга: – Бошқа идиш йўқ, – деди. Шунда ёғ тўхтади. У келиб, буни Худонинг кишига айтиб берди. У: – Бориб, ёғни сотгин ва қарзингни тўлагин, қолганига эса ўзинг ўғилларинг билан бирга яшайсизлар, – деди.

– 4-Шоҳлиқлар 4:1-7

Эътибор беринг, пайғамбар: “Қани бориб, ғазнамизни кўрайликчи, бизда нима бор экан” демади. Йўқ, у бу муаммони ечишнинг аъло йўлини биларди. У: “Мен сен учун нима қилай?” деди. Аёл балким бироз хижолат бўлиб жавоб берди: “Менга қандай ёрдам бера оласиз? Менга пул керак!” деди. У аёлни камситишга уринмади. У аёлга жуда муҳим саволни берди, у бу савол бу жавобга олиб келишини билар эди. Бу сизни ҳам жавобга олиб келадиган ўша саволдир.

“Мен сен учун нима қилай? Менга айт-чи, уйингда нима бор?”

Сенда нима бор?

Уйингда нима бор? Аминманки, аёл бу саволдан биров гангиб қолган, чунки у аллаёқачон ўзининг шароитини тушунтириб берган эди. У: – Қўлингизнинг уйида бир кўза мойидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ, – деди.

“Ҳеч нарса йўқ” деган сўзга урғу берилаётганига эътибор беринг. Лекин чиндан ҳам у аёлнинг ҳеч нарсаси бўлмаганми?

Йўқ, техник жиҳатдан унинг гаплари нотўғри эди. Аёл бир кўза мойи борлигини айтди. Баракалла! Пайғамбар айнан шу жавобни кутган эди.

Сиз ҳам ўзингиздан шу нарсани сўрсангиз кифоя. Худо сизга қонунан тегишли бўлган бирор нарсангиз устида ишлаши керак.

Шундай қилиб, биринчи қадамни кўриб чиқайлик. Сиз Худога муҳтож бўлган нарсангизни бир қисмини беришингиз шарт. Сиз бу нарсани Худонинг Шоҳлигига бераётганингизда, у қонунан Худонинг қонуний ҳукмронлиги остига ўтиб кўпаяди. Кўпайиш биз бу воқеада кўргандек бўлмаслигини эсимизда сақлайлик, гарчи мен жавонда ётган нонни кўпайганини ҳам кўрганман. Худо одатда нонни бошқа одамлар билан ўзаро ҳаракат қилиш орқали кўпайтиради. Кимдир сизга саҳийлик кўрсатиши мумкин ёки сизга каттароқ лавозимдаги ишни беришлари мумкин, ёки кутилмаганда сизга товон бўлиб пул келиши мумкин. Худода сизнинг нонингизни кўпайтириш учун беҳисоб услублар бор.

**СИЗ БУ НАРСАНИ
ХУДОНИНГ
ШОҲЛИГИГА
БЕРАЁТГАНИНГИЗДА,
У ҚОНУНАН
ХУДОНИНГ ҚОНУНИЙ
ҲУКМРОНЛИГИ
ОСТИГА ЎТИБ
КўПАЯДИ.**

Сиз ўз пулларингизга ном беришингиз мумкин

Мен пул билан боғлиқ бўлган жуда бир муҳим нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Пул уруғ сифатида исталган нарса учун ишлатилиши мумкин.

Сиз нимадир харид қилаётганингизда ҳаётингизнинг хар бир кунинда пулларингизга ном берасиз. Масалан, озиқ-овқат дўконинда нон сотиб олаётганингизда, сиз пулингизни шу нонга алмаштирасиз, ёки чиндан ҳам пулларингизни “*нон*” деб атайсиз. Келинг, мен нимани назарда тутаётганимни таҳлил қиламиз. Сизга нон керак ва сиз энди “экиш ва ўриш” деб аталадиган Худонинг Шоҳлигининг қонунини тушунасиз.

Ушбу қонунни қўллаб, сиз нон экканингизда, нон ўриб олишингизни биласиз. Лекин фараз қилайлик сизга нон керагу лекин экиш учун нонингиз йўқ. Сиз нима қилган бўлар эдингиз? Сиз ноннинг ўрнига пул эксангиз бўлади. Пул экангизда бунинг нон деб атанг. Ёдингизда бўлсин пул – бу шунчаки алмашинув тизимидир. Биз ҳар кун пулни нимагадир алмаштирамиз: сут, ижара ҳаққидан тортиб, то пойабзалу озуқагача.

Шу боис, сиз пулни экангизда унга ном берсангиз бўлади.

Сиз пулни экангизда унга ном берсангиз бўлади.

Биз Дренда билан Огайо штати, Нью-Олбанидаги “Имон ҳаёти” жамоатига йигирма беш йил муқаддам асос солдик. 2008-йили биз “Now” марказини қурдик, бу кампусда бизнинг “Имон ҳаёти” жамоатимиз бор. Ўша пайтда бу 6,5 миллион доллар нархдаги йирик лойиҳа эди, унинг реализациясида 550 киши қатнашди.

Охириги ўн йил ичида биз бу бинони одамлар билан максимал даражада тўлдирдик. Дам олиш кунлари энг кўпи билан 3 000 киши йиғилади. Мен ҳар ҳафта дам олиш кунлари тўртта илоҳий хизмат ўтказаман. Бундан ортиғига кучим етмайди. Шу боис, биз

ҳозирги биномизга қўшимча қурилиш қилишни қарор қилдик. Бу бизнинг залимизни ва болалар учун майдонни каттартириш йўли билан кенгайишимизга имкон берган 10 миллион долларлик лойиҳа эди. Шу билан биргаликда, биз пул йиғиш, сўнгра бинонинг қурилиши кўп вақт олишини билар эдик. Бу биз қўшимча майдонлардан фойдалана олишимиз учун икки ярим йил кутишимиз кераклигини англатарди.

Шуларни инобатга олиб, биз қурилиш лойиҳасини реализация қилишга, шу билан бир навбатда кампус учун жой қидиришни бошлашга қарор қилдик. Биз уни тахминан ярим йилдан сўнг ишга тушириш ниятида эдик. Биз бу асосий кампусга тушаётган оғирликнинг бир қисмидан халос қилади, лекин шу билан бир вақтда жамоат ўсади деб ҳисоблаган эдик. Шу боис, биз кампусни қидириш учун жамоа туздик. Аҳоли яшайдиган кўрсаткичларни ўрганиб чиқиб, бизнинг назаримизда аъло бўлган шаҳарнинг бир туманида тўхталдик. Биз кўп қидирдик ва у ёки бу бинони ижарага олишга энди тайёр бўлиб, бизга керак бўлган бино айнан шуми деб муҳокама қилишга ўтирганимизда, ҳамма нимадир етишмаётгани билан рози бўларди. Биз руҳимиз чўкишни бошлаганини сездик.

Энди келинг, олти ой олдинга кўчиб ўтамиз. Биз кампус учун янги жойни биринчи куни қидирганимиздек, ҳали ҳануз тополмадик. Очиғини айтсам, биз Дренда билан янги жойни топиш умидимиз деярли сўнган эди. Биз танланган тумандаги барча вариантларни кўриб чиқдик, лекин бизга чиндан ҳам тўғри келадиган биноларни топмадик. Ҳа, биз йўлнинг бошида уруғ эккан эдик ва Худода биз учун аъло бино борлигини билар эдик, лекин биз бу кўп вақтни олади деб ўйламаган эдик. Сизга бир ёрдамчи ишорани айтаман: баъзан аъло нарса учун кўпроқ вақт керак!

Шу пайт бизнинг янги телевизион тармоғимиз учун пул йиғиш телемарафонида иштирок этишимиз керак эди. Бу уч кун давомида эрталабки ва кечки тўғри эфирдан узатилиши лозим бўлган уч кунлик тадбир эди. Адашмасам, учинчи куни мен суратга олиш

майдончасида ўтирганимда Раббий менга гапирди. У: “Кампус билан бўлган жумбоқдан чиқишинг учун, бу телевизион лойиҳага, хизматингдан 100 000 доллар чек ёзиб қурбонлик қил. Бу чекни тўртта хизматнинг ҳар бирига олиб бор, жамоат шу қурбонлик устида ибодат қилсин. Кампус учун жой қидириш якунига етди деб эълон қилинглари” деди. Яна Худо менга, шайтонни фош қилгин ва унга чалкаштиришни ва кечиктиришни тақиқлагин деб айтди. Хўш, биз келгуси дам олиш кунисидаги шанба ва якшанба кунги хизматларда шундай қилдик.

Эртаси куни душанба эди. Менинг кампусни танлаш бўйича жамоам, кўчмас мулк агенти қўнғироқ қилганини ва ҳозиргина хусусий мактаб ўз кампусини сотувга қўйгани ҳақида маълум қилибди. Улар уни кўриб келишга қарор қилишди. Улар жойига боришганда бу К-12 тўлиқ кампус бўлиб, унинг мактабгача таълим бериш иншоати ҳам бор экан. Унинг нархи биз сарфламоқчи бўлмаган маблағдан анча баланд экан, чунки биз янги бинони ижарага олиб, асосий кампусимни қурилиши учун пул тежамоқчи эдик. Кампуснинг нархи бизнинг имкониятимиздан баланд бўлса ҳам, биз Дренда билан, уни сешанба куни бориб кўриб келишга қарор қилдик.

Биз 8 000 квадрат метрли ҳайратомуз бинони кўрдик, унинг қўшимча тўртта бинони бор эди, югуриш майдончаси, машқ қилиш зали, тўртта теннис корти, санъат устахонасига мослаштирилган бино, илмий лабораториялар ва К-12 мактаб кампуси учун муҳим бўлган деярли ҳамма нарса бор эди. Бу бино ҳамма нарса билан жиҳозланган эди. Биз Дренда билан ҳайратга тушдик, лекин бундай ҳашаматни харид қилиш имкониятимиз йўқ эди.

Ўша куни кечқурун, йиғилиб кетган масалаларни муҳокама қилиш учун ҳамкорларимиз билан учрашувимиз бор эди. Охириги икки ой давомида биз ушбу учрашувни адашмасам уч ёки тўрт марта кечиктирган эдик, чунки ҳамма банд эди. Лекин ўша куни кечқурун учрашув бўлди. Кечлик устида, биз суҳбатни бош жамоатимиз учун қўшимча қурилиш қилишдан бошладик. Бу

оила биздан ишимиз қандай кетаётганини сўради. Биз айрим рухсатномалар ва чизмалар билан жиддий кечикиш бўлаётгани ва бошқа муаммолар ҳақида айтиб бердик. Биз ишимиз қандай кетаётганига баҳо берсак, тақама бино 2022-йилнинг охири ёки 2023-йилнинг баҳоридан аввал битмаслигини айтдик.

Улар шу заҳоти, сиз қачондир кампусни ишга тушириш ҳақида ўйлаганмисиз деб сўради. Биз, ҳа, деб жавоб бердик. Биз охириги олти ой давомида тўғри келадиган жойни қидирганимизни, аммо тополмаганимизни тушунтириб бердик. Сўнгра биз уларга ўша куни эрталаб кўрган ҳайратомуз бино ҳақида айтиб бердик. Бу аъло бино эканини, лекин унинг нархи миллионлаб туришини айтдик.

Ҳамкорларимиз юзини жилолаб: “Агар кампус бепул бўлсачи?” деб савол бердилар. Биз улар нима деяётганини тушунмай, улардан: “Агар кампус бепул бўлса?” дедингизми, деб қайта сўрадик. Биз улар ҳазил қиляпти деб ўйладик, лекин бу сафар эркак киши: “Дренда, агар кампус бепул бўлсачи?” деб тўғрилади. Биз: “Сиз нимани назарда тутяпсиз?” деб сўрадик. Улар: “Биз чек ёзиб берамиз!” дейишди. Бизни гўё момоқалди роқ ургандек бўлди. Қисқаси, улар шундай қилишди.

Биз кампусимиз учун уруғ экканимиздан сўнг, Худо бизни аъло жойга йўналтирди. Энди биз нархи 12 миллион доллар турадиган кампусга эгалик қиляпмиз! Ким шундай бўлади деб ўйлабди ёки очиғини айтсам, бу кимнинг ҳаёлига ҳам келибди? Биз Дренда билан шундай воқеанинг гувоҳи бўлганимиздан сўнг ҳам кенг фикр қилишимиз кераклигига рози бўлдик. Худо мутлақо ғаройиб ишларни қилишга қодир!

Менимча, биз ҳам шогирдлар 20 000 кишини бешта нон ва иккита балиқ билан тўйдирганида ҳис қилган нарсани ҳис қилган бўлсак керак. Улар: “Вожаб, сиз бунни кўрдингизми?” деб айтган бўлса керак.

5-БОБ

ЎЗ ТАЪМИНОТИНГИЗНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИНГ

Ўтган бобда биз сизнинг таъминотингиз учун Шоҳликнинг қонунини жалб этишдаги биринчи қадам ҳақида гапирган эдик.

Мен сизга ушбу таъкидловга доир бир неча саволларга жавоб бераман, деб айтган эдим. Ушбу саволларнинг бири: “Кўпайиш келиши учун ниманидир Шоҳликка бериш кераклиги нимани англатади?”

Бунга аниқлик киритиш учун келинг, Марк Хушхабари 6-бобдаги воқеамизга қайтамиз.

*Анча вақт ўтганидан сўнг
шогирдлари Унинг олдига келиб,
Унга: – Бу ер овлоқ жой, кун эса кеч
бўлди, – дедилар, – уларни қўйиб
юбор, токи улар атрофдаги
жойларга ва қишлоқларга бориб,
ўзларига нон сотиб олсинлар,
зеро уларнинг ейишлари учун ҳеч
нарсалари йўқ.*

Исо уларга жавоб бериб: – Сизлар

**СИЗ ЎЗИНГИЗ
МУҲТОЖ БЎЛГАН
НАРСАНИНГ
БИР ҚИСМИНИ
ШОҲЛИККА
БЕРИШИНГИЗ ЛОЗИМ,
ШУНДА БУ КЎПАЙИБ
ҚАЙТАДИ!**

уларга овқат беринглар! – деди. Улар эса Унга: – Наҳот биз бориб, икки минг динорга нон сотиб олиб, уларга ейишга берсак? – дедилар.

У уларга: – Қанча нонингиз бор? Бориб кўринглар, – деди. Улар билганларидан сўнг: — Бешта нон ва иккита балиқ, – дедилар. Шунда Исо шогирдларига ҳаммани яшил ўт устига гуруҳ-гуруҳ қилиб ўтириштиришни буюрди. Улар юз нафардан ва эллик нафардан қатор бўлиб ўтирдилар. У бешта нон ва иккита балиқни олиб, осмонга қараб дуо қилди ва халққа беришлари учун шогирдларига бўлиб берди. Шунингдек, иккита балиқни ҳам ҳаммага бўлиб берди. Уларнинг ҳаммалари еб тўйдилар. Шогирдлари эса ўн икки сават тўла нон ва балиқнинг қолганини йиғиб олдилар. Нон еганларнинг сони чамаси беш минг эркак эди.

– Марк 6:35-44

Мен сиз бу воқеада кўздан қочиришингиз мумкин бўлган бир нечта нарсага эътибор беришингизни истар эдим. Исо: “Сиз уларга овқат беринглар” деганида, Унинг берган жавоби, таъминотга доир Худо Шоҳлигидаги тушунчанинг энг асосий калитларидан бирини кўрсатяпти. Шогирдлар Исога жавоб бериб, бундай оломонни овқатлантириш учун ярим йиллик маош керак бўлади дедилар. Улар бундай муаммо билан тўқнаш келганида, уларнинг онги зарурий таъминотни меҳнат билан боғлаганига эътибор беринг. Аслида, барчамиз шундай қиламиз. Аммо вақтни пулга алмаштириш тафаккури доим ҳам инсон онгини бўлаги бўлмаган. У Одам гуноҳ қилганидан сўнг пайдо бўлди. Мен сизни Одам гуноҳ қилишидан аввалги даврга қайтаришим керак, биз у ерда бу қандай содир бўлаётганини яққол кўришимиз мумкин.

“Вақт учун пул” тафаккури

Одамга эса деди: “Сен хотинингнинг сўзига қулоқ солганинг учун, Мен сенга: “Ема”, – деб буюрган дарахтдан еганинг

учун ер юзи сен туфайли лаънатланди. Бутун умринг бўйи ундан азобланиб озиқланасан. Ер сенга тикану янтоқ ўстиради, сен эса дала ўтлари билан озиқланасан. Сен ўзинг олинган ерга қайтгунингча пешана теринг билан нон ейсан, чунки тупроқдирсан ва тупроққа қайтасан.

– Ибтидо 3:17-19

Ёдингизда бўлса, Одам ва Ҳаво Худо Шоҳлиги номидан ер устида ҳукмронлик қилиш учун жойлаштирилган эдилар. Улар берилган ваколат доирасида ҳукмронлик қилар эдилар. Шайтон аллақачон ерда эди ва у одамларни менсимади ва уларнинг ҳокимиятига кўз олайтирди. Гарчи Одам ва Ҳаво унинг устидан тўлиқ ҳокимиятга эга бўлса ҳам, у уларни, Худо уларнинг ишончига лойиқ эмас деб ишонтирди. У уларга гўёки, аълороқ келажакни таклиф қилди ва улар Худонинг ортидан эмас, балки унинг ортидан эргашишга қарор қилдилар. Улар Худога қарши исён кўтариб, Худо Шоҳлигидаги ўзининг қонуний ўрнини йўқотдилар, моҳиятан улар Худони ўз ҳаётидан қувиб чиқардилар, инсониятга мансуб бўлган бутун ер устидаги қонуний ваколатни шайтонга топширдилар. Павлус Коринфликларга мактубида, шайтонни бу дунёнинг худоси деб атапти.

Худо тасвири бўлган Масиҳнинг шуҳрати ҳақидаги Хушxabарнинг нури имонсизларга порламаслиги учун бу дунёнинг худоси уларнинг онгини кўр қилиб қўйган.

– 2-Коринфликларга 4:4

Худо Одамнинг қилган гуноҳини кўриб: “... ер юзи сен туфайли лаънатланди. Бутун умринг бўйи ундан азобланиб озиқланасан... пешана теринг билан нон ейсан” деди.

Худо Одамга унинг исёни дастидан ер озуқани илгаригидек етиштирмайди деди. Энди Худонинг қўллари боғлиқ, Одам энди ўз пешана тери ва азобли меҳнат билан кун кечиради. Эътибор

беринг, Худо эмас, айнан Одамнинг ўзи ерга лаънат олиб келди. Одам ер устидан тўлиқ қонуний ваколатга эга эди, у Худога қарши исён қилганидан сўнг Худонинг баракаси ишлашдан тўхтади. Шу боис, Худо Одамга: *“Ер сен туфайли лаънатланди”* деди. Одам яшаши учун озуқага тўла бўлган боғ ғойиб бўлди. Одам исён кўтаргунига қадар ҳеч қачон таъминот, озуқа ҳақида тавшиш қилмаган ва ғам чекмаган эди, қаерга қарамасин озуқа мўл-кўл эди. Энди эса у азоб билан меҳнат қилиб, пешана тери билан озуқа топишга мажбур эди. Мен бунини пешана тери билан бўлган азобли меҳнат тизими деб атайман.

Энди эса таъминотга эга бўлиш учун, пешана тери билан қилинган азобли меҳнат талаб қилинади!

Биргина замин ўзгармади. Одам ва бутун инсоният ҳам ўзгарди. Одам ўзининг шахсиятини, мақсадини, таъминотини йўқотди ва кун кечиришнинг қулига айланди. Сиз билан мен ҳам пешана тери билан азобли меҳнат тизимида катта бўлдик.

Ушбу ер лаънатининг тизимидаги ҳар битта қарор – бу кун кечириш ҳақидаги қарордир ва бу одатда пул қидиришга ёки молиявий масалаларни ҳал қилишга асосланган. Бизнинг фикрларимизни ва ҳаётимизни, зарур бўлган таъминотни, қаердан топсам экан деган ташвиш бошқаради. Қачонлардир, Худо томонидан буюк мақсадлар учун яратилган шахсимиз ўғирланди ва унинг ўрнини кун кечириш учун зарур бўлган пулни топиш эҳтиёжи эгаллади, биз ҳар куни эртанги кунимиз учун пул қидирамиз.

Қуллик тизими

Мен яқинда ўтказилган тадқиқотга эътибор бердим. Унда АҚШ даги 70 фоиз одамлар ўзининг ишини ёқтирмаслиги ҳақида айтилган. Сиз: *“Агар уларга ўз иши ёқмаса, унда нега улар ишга боряпти”* деб сўрашингиз мумкин. Қисқача қилиб айтсам, улар навбатдаги маошнинг қулидир!

Ердаги лаънатнинг юки остида пешана тери билан азобли меҳнат қилиб, ҳар бир киши миллионер бўлишни орзу қилади, каламушга ўхшаб юругишни бас қилишни ва кун кечиришдан қутулишни истайди. Одамлар лотерея ютишни, улар қилиши шарт бўлган нарсаларни эмас, балки эркинлик билан ўзлари истаган нарсаларни қилишига имкон берадиган бойликни орзу қилишади. Одам ва Ҳаво давридан бошлаб, одамлар тирикчилик қуллигида яшамоқдалар. Улар таъминот кетидан югуришади, пулни йиғишади, чунки пул – каламушга ўхшаб югуришдан қутулишнинг ягона йўлидир.

Бу тизим қандай қилиб, биз барчамиз шундай ўйлашимизга ўргатганининг мисолини келтираман. Агар мен сизга, келгуси ўн икки ой мобайнида барча қарзларингиздан қутулишингиз керак десам, сиз бунга эришиш учун янада кўпроқ пешана тери билан азобли меҳнат қилиш ҳақида ўйлашни бошлаган бўлар эдингиз. Сиз иложи бўлса иккита, агар керак бўлса учта ишда ҳам ишлашга ҳаракат қилган бўлар эдингиз. Сиз янада кўпроқ азоб билан, пешана тери билан меҳнат қилишингизга тўғри келарди. Пешана тери билан, азоб билан меҳнат қилиш – бу ҳар бир орзуда инobatга олинадиган махраждир. Агар сизга янги машина керак бўлса, сиз унинг нархини пешана терингиз орақали қиладиган меҳнатингиз билан чамалайсиз: “Йўқ, бизни унга қурбимиз етмайди. Каттарoқ уй? Йўқ, бизнинг иложимиз йўқ” дейсиз.

Худо имконсиз нарсаларда имкониятни кўради

Ердаги лаънатли тизимда орзуларнинг ўрнини, “Волмартга” қилинган сафар, сўнгра уйга қайтишда гамбургер эгаллайди. Орзунни амалга ошириш учун вақт ёки меҳнат етишмаса, сиз орзуингиздан воз кечиб, бошқаларга ўхшаб, сиз нафратланадиган ишингизга боришни давом эттириш кераклигини тан оласиз. “Пешана тери билан қилинган азобли меҳнат” тенгламасида, аксарият одамлар учун баробардан сўнг, одатда “имконсиз” деган сўз туради.

Шогирдлар ўз вазиятига айнан шундай қарашган: “20000 кишини овқатлантириш керакми? Бунинг имкони йўқ! Бунга олти ойлик маош ҳам етмайди!” Маош эҳтиёжни қаноатлантириш имкониятидан кўра, кўпроқ азобли меҳнатни англатарди. Қайтараман, улар учун таъминотнинг ягона йўли меҳнат бўлган.

Ер шоҳлигида ҳамма нарса манашундай содир бўлади. Бунга ҳамма билади, лекин Исо уларнинг янги тарздаги ҳаётни, қонунлари янги бўлган янги Шоҳликни кўрсатмоқчи. Ҳа, пешана тери билан, азоб билан меҳнат қилиш тизимидан чиқиш йўли бор. Ростдан ҳам бор!

Биз шогирдлар, бу оломонни овқатлантиришнинг имкони йўқ дейишганида, Исо уларга қандай жавоб берганига қайтамыз. Эҳтимол, Исо, шогирдлари бунга қандай қилишганини кўрсатмоқчи бўлганини унутмаслигиниз учун, сиз ИҚНҚ (“Исо Қилган Нарсани Қил” – *таржимоннинг изоҳи*) деб ёзилган чармли билагузук ясашингиз керакдир. Исо шогирдларининг хулосаси билан рози бўлишнинг ўрнига, масъулиятни ўз зиммасига олиб, уларга кўрсатма берди: “Қанча нонингиз бор? Бориб кўринглар”. Шогирдлар кўриб келишдан аввал оломонни овқатлантириш учун овқат етмаслигини биларди. Айнан шу сабабдан, улар Исонинг олдига келиб, одамлар ўзларига овқат топишлари учун Исодан уларни қўйиб юборишни сўрадилар. Аммо улар итоатли эдилар ва овқат излаб, бор-йўғи бешта нон ва иккита балиқчани топиб келдилар.

Бу ерда сиз кўришингиз шарт бўлган яна битта кўмакчи ишора бор! Аммо бунга кўриш учун, бу воқеага Маттонинг ҳикояси орқали назар солиш керак.

Лекин Исо уларга: – Улар кетишлари керак эмас, сизлар уларга овқат беринглар, – деди.

Улар эса Унга: – Бу ерда бизда фақат бешта нон ва иккита балиқ бор, – дедилар.

Исо: – Уларни бу ерга, Менга олиб келинглар, – деди. Ухалққа ўтга ёнбошлашни буюрди. Сўнг бешта нон ҳамда иккита

балиқни олиб, осмонга қаради-да, шукрона билдириб, нонларни синдирди ва шогирдларига берди, шогирдлари эса халққа тарқатдилар. Уларнинг ҳаммалари еб тўйдилар ва шогирдлар ортган бурдалардан тўла ўн икки сават териб олдилар. Еганларнинг сони эса аёллар ва болалардан ташқари чамаси беш минг киши эди.

– Матто 14:16-21

Эътибор беринг, Исо 18-оятда шогирдларидан нонни ва балиқни Унга олиб келишларини сўраяпти. Сўнг 19-оятнинг охирида, У нон билан балиқни шогирдларига қайтариб берганини кўряпмиз. Ёзувнинг ушбу иккита парчасининг ўртасида, сизнинг диққатингизни тортган ва савол беришингизга сабаб бўлган қандайдир нарса бор: “Агар Исо нон билан балиқни шогирдларига ўша заҳотиёқ қайтариб бермоқчи бўлган бўлса, нега Исо улардан нон билан балиқни олиб келишни сўради?” Исо бирор нарсани шунчаки виждон амри бўйича қилмайди, шу боис, У нон билан балиқни сўраганининг сабаби бор. Руҳий олимлар сифатида, биз Исо шогирдларидан нон билан балиқни олган пайтда нима содир бўлганини тушунишимиз керак.

Сўнг бешта нон ҳамда иккита балиқни олиб, осмонга қаради-да, шукрона билдириб, нонларни синдирди ва шогирдларига берди, шогирдлари эса халққа тарқатдилар.

Муқаддас Китобда У дуо қилди дейилган. Бошқа таржималарда эса, У шукрона айтди дейилган. Бу нима дегани? Бу ерда шукрона учун ёки дуо қилиш учун ишлатилган юнонча сўз, бирор нарсани муқаддас қилиш, шу нарса ўстига Худонинг дуосини сўраш ёки инсон бирор нарсани ўзи учун ишлатиши учун Худодан дуо сўрашни англатади. Агар олдинга яна қадам ташласак, муқаддаслаш, бу нарсани муқаддас деб расман илоҳий мақсад учун бағишланган деб эълон қилишни англатади.

Шундай қилиб, Исо балиқни ва нонни дуо қилганида, нон билан балиқ ер шоҳлигининг қонуний ваколлатидан осмоннинг қонуний ваколлати остига ўтди.

У нон билан балиқни дуо қилганида, нон билан балиқнинг шоҳлиги ўзгарди.

Янги қонуний юрисдикция остига ўтказиш

Илгари нон билан балиқ ер шоҳлигида инсонларнинг қонуний ваколлати остида эди ва Худо улар билан ҳеч нарса қила олмас эди. Энди эса биз кичкина ўғил боланинг саҳийлиги туфайли, нон билан балиқ Исога тақдим қилинди ва улар Худо Шоҳлигининг қонуний ваколлати остига ўтганини кўрдик. Биз шунини ҳам тушунишимиз керак, агар нон билан балиқ, ер шоҳлигининг ваколлати остида қолганида эди, улар ҳеч қачон кўпаймас эди.

Руҳий олимлар сифатида биз, майда нарсаларга разм солишимиз керак. Бу нарсалар қачон, бир шоҳлиқдан бошқасига ўтди? Аввалига, сиз ўғил бола нон билан балиқни шогирдларга олиб келиб берган пайда ўтказиш содир бўлди, деб ўйлашингиз мумкин. Албатта, бу ўша жараённинг бир қисми эди ва ўғил бола бунини ўз ихтиёри билан қилганини ҳам, биз инобатга олишимиз керак. Аммо ўтказув нон билан балиқ, шогирдларнинг қўлига ўтган пайтда содир бўлмади. Аслида, қонуний ўтказув айнан Исо нон билан балиқ устида сўз айтган пайтда, У уларни дуо қилган пайтда содир бўлди. Мен таъкидлаб ўтаман, ҳатто Исо нон билан балиқни қўлида ушлаб турган тақдирда ҳам, Исо аниқ кўрсатма айтмагунича, улар кўпаймаган бўлар эди.

Келинг, бунини илгари биз ўтган имон дарси орқали кўриб чиқамиз. Агар сизнинг юрагингизда, осмон ерга таъсир ўткази олиши учун қонуний йўл очиб берадиган имонингиз бўлса ҳам, токи сиз осмонга сизнинг ваколлатингизни ишлатишига рухсат бермагунингизча ҳеч нарса содир бўлмайди.

*Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва
нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади.*

– Римликларга 10:10

Гарчи Муқаддас Китобда Исо нон билан балиқни дуо қилиш вақтида айтган сўзлари ёзилган бўлмаса ҳам, мен У тахминан шундай сўзларни айтганига аминман: “Ота, ёрдаминг учун Сендан миннатдорман ва Мен ушбу нонни ва балиқни Сенинг Шоҳлигингга, Сенинг шўҳратинг учун қабул қиламан. Энди бу нон билан балиқ бундай катта оломонни овқатлантириш учун, улар кучга тўлиб хотиржам бўлишлари учун ва Сенинг шўҳратингни кўришлари учун кўпайиши керак”. Ҳа, мен Унинг сўзлари ёзилмаган деб айтган эдим. Аммо мен Исо нон билан балиқ қўлига тушганидан сўнг, У уларга буйруқ берганига аминман. Буни қаердан биламан? Чунки Унинг олдиндан режаси бор эди ва у одамларни гуруҳларга бўлди.

Лекин Исо уларга: – Улар кетишлари керак эмас, сизлар уларга овқат беринглар, – деди.

Улар эса Унга: – Бу ерда бизда фақат бешта нон ва иккита балиқ бор, – дедилар.

Исо: – Уларни бу ерга, Менга олиб келингллар, – деди. У халққа ўтга ёнбошлашни буюрди. Сўнг бешта нон ҳамда иккита балиқни олиб, осмонга қаради-да, шукрона билдириб, нонларни синдирди ва шогирдларига берди, шогирдлари эса халққа тарқатдилар.

Матто 14:16-19

Эътибор беринг, У нон билан балиқни дуо қилишдан аввал, яйлов устига ўтиришни буюрди. Унинг режаси бор эди. У нон билан балиқни қўлига олганидан сўнг, нон билан балиққа буйруқ берди. Уруғ қайтадан ўсиб чиқиши ҳақида кўрсатма бериш – бу янги уруғ ўсиб чиқиши ҳаётий зарурдир. Мен “ҳаётий зарур” дедим. Ҳа,

шундай экан, эътиборли бўлинг. Сиз уруғ экаётганингизда, қандай кўрсатма беришга озгина вақт ажратишингиз керак.

Уларга: – Лекин сизлар Мени ким деб ҳисоблайсизлар? – деди.

Шимон Петрус жавоб бериб: – Сен Барҳаёт Худонинг Ўғли – Масиҳсан, – деди.

*Исо эса унга жавобан деди: – Эй, Йонаҳ ўғли Шимон, сен бахтлисан, чунки бунини сенга тана ва қон эмас, балки Осмондаги Менинг Отам очган. Мен сенга айтаман: сен – Петъор, Мен мана шу тош устида Ўз жамоатимни қураман ва дўзахнинг дарвозалари уни енга олмайди. **Осмон Шохлигининг калитларини сенга бераман. Сен ер юзида нимани боғласанг, шу осмонда боғланган бўлади. Сен ер юзида нимани ечсанг, шу осмонда ечилган бўлади.***

– Матто 16:15-21

Муқаддас Китобнинг бу парчаси бизга, Исо Масиҳ орқали Худо Шохлиги номидан ерда ҳукмронлик қилиш қобилияти тиклангани ҳақида яққол гапирмоқда. Бизга шайтонни боғлаш ва осмоннинг иродасини ерда амалга ошириш ҳокимияти берилган. Энди мен кўплаб масиҳийлар “шайтонни боғлаш” нима деганини билишларига ишончим комил. Бу жуда оддий: шайтонни боғлаш – унинг ёвуз режаларини амалга оширишига тўсқинлик қилиш демақдир.

**БИЗГА ШАЙТОННИ
БОҒЛАШ ВА ЕРДА
ОСМОННИНГ
ИРОДАСИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ
УЧУН ҲОКИМИЯТ
БЕРИЛГАН.**

Сиз одамлардан жинларни қувиб чиқарасиз, касалларга қўл қўйганингизда улар шифо топади, ёки “Исо номи билан тўхта!” деганингизда бу нарса амалга ошади.

Сиз Худо Шохлигида ҳокимиятингизни оласиз ва Исо шайтон устидан қозонган ғалабасига эришишингиз учун ундан фойдаланасиз.

Ўз ҳокимиятингизни ишлатиш

Менинг кузатувимга кўра, камдан-кам одамлар, қандай қилиб осмонни ерга олиб кириш ҳақида билдилар. Мен аллақачон, Юҳаннонинг Биринчи мактубининг парчасидан самарали ибодатнинг мисолини келтирган эдим.

Мана, Худога нисбатан биз шундай дадилликка эгамизки, Унинг иродаси бўйича Ундан нимаики сўрасак, У бизни тинглайди. Агар Худо барча сўраётганларимизни тинглаётганини билсак, Ундан сўраётган нарсаларни олишимизни ҳам биламиз.

– 1-Юҳанно 5:14, 15

Юрак билан ишониш ёки имонга эга бўлиш – бу ҳали тенгламанинг яқуни эмас. Осмон гапирганига ишонганимизда, биз асосга эгалгимизни кўрдик. Энди осмон ер шоҳлигига кириб келиш ҳуқуқига эга, аммо сиз ушбу ҳокимиятни ер шоҳлигига чиқармасангиз ҳеч нарса содир бўлмайди. Сиз Масиҳ билан Отанинг ўнг қўлида ўтқизилгансиз. Сизнинг сўзларингиз – бу шоҳнинг сўзларидир ва осмон сиз гапирмагунингизча, ўзининг ваколатини ерда ишлата олмайди! Бу ибодатда айтилган баёнот ёки келишув бўлиши мумкин, лекин Шоҳликнинг калитлари сизнинг қўлингиздадир. Худо бунингиз сизсиз қилолмайди!

Гап фақат нарса амалга ошиши учун қандай ибодат қилишни билишда эмас, сиз бунингиз қилаётганингизда, қанақа кўрсатмалар бериш кераклигини билишингиз керак. Ёдингиздами, агар сиз осмонни ерга киритмасангиз бу амалга ошмайди. Шу боис, осмоннинг иродасини ҳаётимизга ва бизнинг дунёимизга қандай қилиб киритишни тушуниш жуда муҳим.

Кўрсатмаларни ўтказишнинг энг аъло мисолларидан бири “Бизнинг Осмондаги Отамиз” ибодатида бор. Унда сиз билишингиз зарур бўлган бир нечта нарсалар бор.

Биринчидан, матнда, Худо сизга нима кераклигини аллақачон билади, шунинг учун сўраб ўтирманг дейилган. Тиламчилик – бу имон эмас, у Худо Шоҳлиги қандай ишлашига ва сиздаги, Шоҳликнинг фуқаросининг ҳуқуқларига доир билимсизликни кўрсатади. Ибодатда кўрсатма бериш – бу талабнома ёзиш демақдир. Талабномада сизга керакли бўлган барча нарсанинг рўйхатини батафсил ёзасиз. Сиз бу нарсаларни сўрамайсиз, балки ушбу нарсаларга бўлган ҳуқуқингизни билдирасиз.

“Ибодат қилаётганингда, мажусийлар каби ортиқча гапиравермагин, чунки улар, кўп сўзласам ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар. Сизлар эса уларга ўхшаманглар, чунки сизларнинг Отангиз, сизларнинг сўрашингиздан олдин нимага муҳтожлигингизни билади. Шунинг учун шундай ибодат қилинглар: “Бизнинг Осмондаги Отамиз, Сенинг исминг муқаддас бўлсин! Сенинг Шоҳлигинг келсин! Осмонда бўлгани каби ерда ҳам Сенинг ироданг бажо бўлсин! Бугун бизга кундалик нонимизни бергин...”

– Матто 6:7-11

Исо шундай сўзлар билан бошляпти: “Бизнинг Осмондаги Отамиз, Сенинг исминг (Унинг ҳукмронлиги ва ҳоқимияти ҳақида зикр қилиб) муқаддас (ҳурмат ва иззатда) бўлсин!” Исо ушбу биринчи гапда ибодатнинг юридик ўрнини белгиляпти. Келинг, унинг биринчи гапини, суд залидаги биринчи гап билан солиштириб кўрамиз.

Суд нозири туриб, шундай дейди: “Ҳамма ўрнидан турсин. Суд келяпти...” Бу Франклин округининг умумий тортишувлар Суди ёки округ судининг иккинчи Суди, жиноий бўлим ёки бошқа ҳар қандай номдаги суд бўлиши мумкин. Аммо бошида, у ерда бир нечта нарса содир бўлади. Суд нозири шундай дейди: “Барча ўрнидан турсин”, шу йўсинда у судга, шунингдек, суд раисига ҳурмат кўрсатади. Суднинг номи тегишли қонуний ваколатни

белгилаш учун эсга олинади, токи сиз, сизнинг ишингиз устидан қонуний ваколатга эга бўлган суд залида эканингизни билинг.

Келинг, суд нозири айтган сўзларини ўрганиб чиқамиз. “Ҳамма ўрнидан турсин. Мажлисни Франклин округ умумий тортишувлар Суди ўтказмоқда, раислик қилувчи ҳурматли судья, Смит”.

Бу “Бизнинг Осмондаги Отамиз! Сенинг исминг муқаддаслансин” ибораси, бу ишни олиб борадиган Зотни ва биз шу жойда туриш ваколатимиз борлигини билдиради. У бизнинг Отамиз ва биз бу судга киришимиз учун қонуний ҳуқуқимиз бор. Бу биринчи гап, шунингдек, осмон судининг ваколатини, яъни олий босқичдаги суднинг ваколатини белгилайди.

Сўнгра “Отамиз” ибодатида яна шундай дейилган: *“Сенинг Шоҳлигинг келсин; Сенинг ироданг бажо бўлсин”*.

Бу иборада, суддан Шоҳлик қонунига мувофиқ тарзда ҳукм суриш талаби мавжуд. Сиз судга илтимоснома билан мурожаат қилмоқчисиз ва Судьядан ушбу ишга нисбатан Унинг иродаси (қонунига) кўра қарор чиқаришни сўрайсиз. Давомида шундай дейилган: *“Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам”*. Сиз яна самовий қарор ерда ҳам, самода бўлгани каби ижро этилишини иштаингизни баён қиласиз. Шундай қилиб, бунинг ҳаммаси ҳам сизнинг, ҳам суднинг қонуний ваколатини белгилаш учун қилинади. Ҳали ҳеч нарса сўралгани ёки тақдим қилингани йўқ. Сўнгра кейинги сўров келади.

“Бугун бизга кундалик нонимизни бергин”. Агар сиз нонга муҳтож бўлмасангиз, бу таъкидловнинг нон билан умуман алоқаси йўқ. Ноннинг ўрнига фикрингизда, сиз муҳтож

**АММО АКСАРИЯТ
МАСИҲИЙЛАР
ТАХМИНАН ШУНДАЙ
ДЕГАН БЎЛАР
ЭДИЛАР: “ХУДО
МЕНГА БЕРГАН ҲАР
ҚАНДАЙ НАРСА УЧУН
ХУРСАНД БЎЛАМАН.
У ЯХШИРОҚ БИЛАДИ”
БУ НОТЎҒРИ,
НОТЎҒРИ, НОТЎҒРИ!**

бўлган нарсани тасаввур қилинг. Ёдингизда бўлсин, бу гап Исо шогирдларига ўз эҳтиёжларини қаноатлантириш учун қандай ибодат қилиш кераклигини ўргатганидан бошланди.

Айнан шу ерда сиз сўровнома берасиз, аммо мен аввал айтганимдек бу ерда талабнома сўзи кўпроқ тўғри келади. Албатта иккала сўз ҳам тўғри келади ва Филиппиликларга 4-бобда айнан сўраш ҳақида айтилган. Лекин шуни айтмоқчиманки, илтимоснома – бу батафсил ёзилган талабномадир. Ҳамма нарсани икир-чикири билан айтиш керак. Сиз ибодатда кўрсатма берасиз, у аниқ ва батафсил бўлиши шарт. Павлус ҳам айнан анашу нарса ҳақида гапиряпти.

Ҳеч нарса ҳақида ташвиш қилманглар, лекин ибодат, илтижо ва миннатдорчилик билан ҳамма нарсада ўз истакларингизни Худога билдиринглар. Шунда ҳар қандай тушунчадан юқори бўлган Худонинг тинчлиги сизларнинг юракларингизни ва фикр-мулоҳазаларингизни Исо Масиҳда сақлайди.

– Филиппиликларга 4:6, 7

Ибодат ва сўровнома ҳар хил нарса эканига эътибор бериш лозим. Бизнинг ибодатларимиз бизнинг сўровларимизни ўз ичига олади, лекин ибодат бизнинг сўровномаларимизни Отага етказиб берувчи ўтказгичдир. Қайтараман, сўровнома жуда батафсил ва аниқ бўлиши керак. Аммо аксарият масиҳийлар тахминан шундай деган бўлар эди: Худо менга берган ҳар қандай нарса учун хурсанд бўламан. У яхшироқ билади”. Бу нотўғри, нотўғри, нотўғри!

Худо СИЗГА Худо Шоҳлигининг калитини берди!

Агар сиз менинг кўплаб ишларимни ўқиб чиққан бўлсангиз, сиз Худо Шоҳлиги ҳақида беҳисоб батафсил воқеаларни кўргансиз. Бу китобда шунчалик кўп воқеалар борки, улар сизга Худонинг Шоҳлигини икир-чикиригача ва сизнинг сўзларингиз, қанчалик

батафсил бўлиши кераклигини кўришингизга ёрдам беради деб умид қиламан. Ўз фикримни тушунтириб беришим учун, эҳтимол сизни чарчатиб қўйиши мумкин бўлган ва балки сиз, аллақачон эшитган бир жуфт эски воқеаларни келтиришимга рухсат беринг. Аммо мен Худо Шоҳлиги, қанчалик аниқ эканини яхши тушунишингиз учун қанча керак бўлса, шунча вақт сарфлашим кераклигини ҳис қиляпман. Биз аллақачон гапириб ўтган бир неча воқеани эслатишимга рухсат беринг.

Амалдаги Шоҳлик

Мен овоз чиқариб: “Раббий, бу машина ёниб кетса яхшироқ бўлар эди” деб айтганимдан сўнг, менинг фургоним ёниб кетгани ҳақида, аллақачон ўқидингиз. Бу тасодифми? Келинг, давом этамиз. Мен сизга буғулар ҳақида айтиб берган эдим. Раббий менга уларни овлашим учун уруғ экишим кераклигини кўрсатган эди, мен тутилиши учун уруғ эккан буғуларим пистирма остига, менинг олдимга келган эди. Ҳар сафар мен мўлжаллаб эккан уруққа мос бўлган буғу келарди. Сўнгра мен сизга буғулар, мен эккан тартибда келгани ҳақида айтиб берган эдим. Сиз аввал шунга ўхшаш нарсалар ҳақида эшитганмисиз? Шахсан мен эшитмаганман. Мен буни ўз кўзларим билан кўрдим. Шоҳлик шуқадар аниқки, мен ўсиғи еттита бўлган ва Тим ўсиғи олтита бўлган буғу учун уруғ экиб, тажриба ўтказганимиз ҳақида айтиб берган эдим. Мен сизга Худо, қандай қилиб мени ишонч билан гапиришни ўргатгани ҳақида ва мендан икки юз метр масофага узоқлашган буғу, мен гапирган соняда тўхтаб, менинг дарахтим остига келгани ҳақида айтиб берган эдим. Мен сизга, буйруқ берганимда, жойида қотиб қолган қирғовул ҳақида айтиб берган эдим.

Мен сизга спорт маҳсулотлари дўконида кўрсатган қурол ҳақида: “Мен шу қуролга эга бўламан” деганимни ва бир неча ҳафтадан сўнг, менга айнан анашу қуролни совға қилишганини айтиб берган эдим. Мен сизга шунингдек, б-моделли “БМВ”

кабриолет ҳақида айтиб берган эдим. Дренда уни машиналар турар жойида кўриб: “Мана ўша!” деган эди. Биз ҳеч кимга, ҳеч нарса демаган эдик, лекин икки ҳафтадан сўнг жамоатимиздаги бир эркак кўнғироқ қилиб: “Мен бугун Дренданинг машинасини кўрдим” деб айтди. Мен ҳайрон қолиб, ундан сиз нимани назарда тутяпсиз деб сўраган эдим. У шаҳар бўйлаб кетаётганда, сотувга қўйилган, кўриниши аъло бўлган “БМВ” кабриолетни кўрганини ва Раббий унга бу Дренданинг машинаси деганини айтиб берди. Бу менинг диққатимни тортди, бу худди ўша машина эди!

7-бобда, айнан мен уруф эккан самолетни, умуман кутилмаган манбадан, қандай қилиб олганимни ва уни сотиб олиш учун пулни қандай топганим ҳақида айтиб бераман. Менда Худонинг Шоҳлиги шуқадар аниқ ишлашини кўрсатадиган беҳисоб воқеалар бор.

Мен энг йирик ўсоғи йигирма олтита бўлган буғуни тутганимни эслайман. Бу ноябрнинг илиқ куни эди. Мен ўша куни буғуни кун давомида осиб қўйдим, кейинги куни уни ҳайвонлар терисининг устасига, унинг бошига ишлов бериши учун элтиб бердим. У буғуга қараб: “Кечирасиз, афтидан илиқ ҳаво мўйнани айнитган кўринади. Унга ишлов бериб бўлмайди деб ўйлайман, лекин мен уриниб кўраман, балки уддалай оларман” деди. Мен ҳалол меҳнат билан овланган илва буғу кабинетимни безамаслигига кўниш ниятим йўқ эди. Уста буюртма бланкини олиш учун офисга кетган пайтида, мен эркак буғуга қўлимни қўйдим-да, мўйна беками-кўст ва тулум қойилмақом чиқади деб айтдим. Бир ойдан сўнг мен буғунинг калласини олиб кетиш учун борганимда таксидермист: “Биласизми, мен сизга мўйна аяниб қолган бўлса керак деб айтган эдим, аммо у қойилмақом чиқди. Мўйна беками-кўст” деди.

Мен сизга шундай кайфиятда, яна соатлаб гапиришим мумкин эди, аммо гапнинг моҳияти шуки, сиз гапиришингиз керак! Сиз ҳар бир сўзингиз билан руҳий қонунни ҳаракатга келтирасиз! Эҳтимол, сиз буни билмагандирсиз. Мен буни аниқ билмас эдим, аммо бу рост. Худонинг Шоҳлиги ўта аниқ.

Бу китобнинг қолган қисмида, сизни ҳали яна кўп воқеалар кутмоқда, улар менинг сўзларимни тасдиқлайди. Мен буни сизга етказишга қанчалик уринаётганимни тушунаётгандирсиз.

Руҳий қонунни ҳаракатга келтириш

Бу Дренда ўтказаетган аёллар анжуманининг бирида содир бўлди. Биз шаҳримизга хизмат сафари билан келган бир аёл меҳмонни ташиб юриш учун “кадиллак эскалейд”ни ижарага олдик. Анжуман тугаганидан сўнг, автомобилни келгуси куннинг тонгига қадар қайтармаса бўлар эди, шу боис, биз Дренда билан ўша куни кечасини уни синаб кўриш учун ҳайдашга қарор қилдик. Биз илгари ҳеч қачон “эскалейд”ни ҳайдамаган эдик. Уни ҳайдаш, биргина лаззат эканини тасаввур қилишингиз қийин эмас. Эртаси куни автомобилда жамоатга қайтиб бораётганимизда, биз айнан шунақа машинага эга бўлмоқчи эканимизни тушундик. Биз иккаламиз ҳам бизга узун эмас, балки қисқа моделли, ранги гавҳару оқ бўлгани ёқишини тушундик.

Шу воқеадан чамаси бир ой ўтгандан сўнг, мен кўчага рўзнома билан чиққанимда, менга жамоатимнинг бир аъзоси қўнғироқ қилди. У: “Мен сизга “кадиллак эскалейд” олиб бермоқчиман, сизга қайси ранг ёқади?” деди. Мен ғафлатда қолдим-да, гавҳару оқ рангли дедим. Бироқ калта моделли деб айтиш ёдимдан кўтарилибди. Бир ойлар ўтди, мен бу одам автомобилни эсидан чиқариб юборган бўлса керак дедим, лекин шу пайти у қўнғироқ қилиб, машинани харид қилганини айтди. Биз унинг ўйига бордик ва кўз олдимизда беками-кўст калта моделли ранги гавҳару оқ “эскалейд” турарди. Биз саломлашганимиздан сўнг у: “Шунча кўп вақт ўтиб кетгани учун ўз сўрайман, лекин мен узун моделини тополмадим” деди. У биз узун моделини истамаслигимизни билмас эди. Унинг ўзи узун моделни ёқтирар эди, шунинг учун у биз ҳам, айнан шунақасини хоҳлаймиз деб ўйлаган экан, лекин у фақат калта моделини топишга муваффақ бўлибди. Бу беками-

кўст, айнан биз келишиб олган машинанинг худди ўзи эди.

Охирги бир неча йил ичида мен бизнесда бу мисолни бир неча марта кўрган эдим. Сиз билсангиз керак, ёки билмаслигингиз ҳам мумкин, мен ҳали ҳануз молявий хизматлар кўрсатадиган ширкатнинг соҳибиман. Йигирма беш йил муқаддам чўпон хизматини бошлашдан аввал, менинг 5 000 кишидан иборат энг муваффақиятли бўлимим бор эди. Бу бўлим менинг таъминотчиларимнинг бири билан ишлар эди. Мен жамоат очганимдан сўнг, бандлигим сабабли етакчи ўринни сақлаб қололмаслигимни билар эдим, кейин шундай ҳам содир бўлди. Мен ишлайдиган соҳада таъминотчилар ўзининг сотувчиларига, мувофиқ йилда эришилган натижалар кўрсатгичи учун рағбатлантирувчи сафарларни таклиф қилардилар.

Мен ишлаган таъминотчиларнинг бири ҳар йилги анжуманда, энг аъло бўлимларнинг ҳар бирига 100 000 доллардан совға қилди. Бу 10 миллион доллардан ортиқ сотув қилган бўлимлар эди. Улар шунингдек, 3 миллиондан ортиқ сотув қилганлар учун, ҳар йили ажойиб анжуман сафарини қоплаб беришар эди. Мен ушбу ширкатда йилида 4 миллион доллар пул кирим қилар эдим, шу боис мен бепул сафарга ноил бўлардим ва натижада, ҳар йили энг аъло ўн кишига 100 000 лик чек беришларини ўтириб, томоша қилишимга тўғри келарди. Бу ўн саккиз йил давом этди! Ҳа-ҳа, ўн саккиз йил. Мен ҳеч қачон чўпон бўла туриб, шу мақсадга эриша оламан деб ўйламаган эдим, шунинг учун мен имонимни шу оқимга ҳеч қачон йўналтирмаганман.

Лекин бир сафар анжуманда, энг аъло ўнлик ўзининг 100 000 долларлик чекини олаётганини томоша қилиб ўтирганимда, Раббий менга мурожаат қилиб сўради: “Нега сен уларнинг орасида йўқсан?” Мен ҳали жавоб беришга улгурмаган эдим, У менга: “Мен сени уларнинг орасида бўлишингни истайман. Мен бу ердаги одамлар Менинг исмимни кўришини истайман” деди. Бу аллақачон, март ойи эди, охирги ўн саккиз йил ичида биз бу ширкат учун йилида 4 миллион доллар кирим қилар эдик.

Табиийки, мен бу мақсадга қандай қилиб эришишни билмас эдим, лекин мен бу учун ибодат қилдим ва биз Дренда билан 10 миллион доллар қийматга етиш учун уруғ экдик. Раббий менинг ширкатим олаётган буюртмаларга ишлов бериш учун нималарни такомиллаштириш мумкинлигини кўрсатди, бу сезиларли даражада вазиятни ўзгартирди. Қисқаси, биз биринчи ўнликка кирдик ва 100 000 долларлик чекни олдик. Мен сизга бир нарсани айтмоқчиман. Биз бунга эришишимиз учун битта сотув ўтказиш кифоя бўлди!

Келгуси йили ширкат 100 000 долларик чекни олишни истайдиганлар учун маррани 12 миллионгача кўтарди. Шундай қилиб, биз уруғ экдик ва ўша йили ҳам биз бунинг уддасидан чиқдик. Сиз тўғри топдингиз: биз битта сотув ёрдамида муваффақият қозондик. Келгуси икки йил давомида дастур бекор қилинди. Лекин ўтган 2019-йили улар дастурни яна 10 миллион доллар даражасида йўлга қўйишди. Биз яна уруғимизни экдик ва биринчи ўнликка тушдик. Сиз тўғри топдингиз биз битта сотув ёрдамида ўнликка кирдик. Биз ҳар йили битта сотув орқали биринчи ўнликка тушганимиз тасодиф эдимиз? Йўқ, биз 100 000 долларлик чекни қўлга киритишни берадиган энг кам натижага эришиш учун уруғ экдик. Биз айнан шундай қилдик. Биз бунга фақат битта қабул ёрдамида эришишни истаган эдикми? Йўқ, албатта. Биз бутун йил давомида ғайрат қилдик ва ойнинг охиригача кунига қадар, шундай бўлишини билмаган эдик. Бу нарса иш беришининг, яна бир гўзал манзараси.

Кўрсатма беришнинг муҳимлиги

Бу йили “Таъминот” анжуманида, Худо менга одамларга биз Дренда билан қандай қилиб, кўрсатма беришни ўрганганимиз ҳақида дарс беришимиз кераклиги ҳақида гапирди. Муқаддас Рух буни айнан шундай – кўрсатма деб атади. Шу боис, мен бу дарсларни ўтиш учун маълум бир вақт сарфладим, чунки жуда

кўп одамлар бу ҳақда деярли ҳеч нарсани билмайдилар. Луғатга кўра кўрсатма – бу расмий ёки буйруқ қўлланмасидир. Эътибор беринг, бу ерда гап илтижо қилиш ҳақида, раҳмдиллик ҳақида, “Ҳолимга вой” каби баёнотлар ҳақида кетмаяпти. Йўқ, бу буйруқ қўлланмаси! Шундай экан, қани олдинга бир қадам босамиз. Агар мен руҳий кўрсатма берсам, ким уни бажаради? Ҳа, уни кимдир бажаради, қани, бунинг кимлигини аниқлаймиз.

Исо жавоб бериб, уларга деди: “Худонинг имонига эга бўлинглар. Чунки сизларга ростини айтаман, агар кимки бу тоққа: “Кўтарилиб, денгизга отил”, – деса ва ўз юрагида шубҳаланмасдан, унинг айтгани амалга ошишига ишонса, унда унинг айтганларининг ҳаммаси амалга ошади. Шунинг учун Мен сизларга айтаман, ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва сизлар оласизлар.

– Марк 11:22-24

Бу парчанинг иккита жиҳати бор, мен шуларга алоҳида тўхталмоқчиман. Эътибор беринг, бу ерда: “Агар кимки... деса” дейилган. Биз Дренда билан манашу нарсани кўриб қолдик. Бизнинг сўзларимиз шу ерда, ер шоҳлигида осмоннинг иродасини ифодалайди.

Иккинчидан, мен бу парчанинг навбатдаги қисмига тўхталмоқчиман.

... ўз юрагида шубҳаланмасдан, унинг айтгани амалга ошишига ишонса, унда унинг айтганларининг ҳаммаси амалга ошади.

Эътибор беринг, бу ерда: “унинг айтганларининг ҳаммаси амалга ошади” дейилган. Худо учун эмас, балки шу ерда, ерда гапираётган одам учун амалга ошади.

Вожаб! Ҳозир нима қилаётган бўлишингиздан қатъий назар,

тўхтанг. Сиз бу ҳақида бир дақиқа ўйлашингиз керак! Бу фикр мустаҳкам бўлишига имкон беринг, бу ерда сиз ҳақингизда айтилмоқда.

Шундай қилиб, ким буни улар учун қилади? Келинг, буни билиб олиш учун Ибронийларга Мактубининг парчасига назар соламиз.

*Фаришталарнинг ҳаммаси нажот меросхўрларига **хизмат қилиш** учун юборилган **хизматчи** руҳлар эмасми?*

– Ибронийларга 1:14

Эътибор беринг, бу ерда фаришталарни таърифлаб берадиган иккита ҳар хил сўзлар бор. *Хизмат қилиш* ушбу матн доирасида бошқа инсонга, яъни сизга нисбатан ўз вазифасини бажариш ёки хизмат кўрсатишни англатади. Хизматчи сўзи ушбу матн доирасида давлатнинг олий мансабдор шахсига мансубликни англатади. Бу мансабдор шахсга давлат фаолиятининг маълум бир бўлимини бошқариш топширилган. Агар бошқа сўзлар билан айтадиган бўлсак, фаришта Худо Шохлигининг номидан, бизнинг манфаатимизни кўзлаб ҳаракат қилишга ваколатланган самовий суднинг вакилидир! Эътибор беринг, биз фаришталарга буйруқ беролмаймиз, чунки улар бизга бўйсунушмайди, лекин биз самовий судга, бизга керак бўлган нарса учун мурожаат қилсак бўлади ва улар сафарга чиқади.

Ақл бовар қилмайди!

“Мен нимадир дейишим керакми? Мен буни билмас эдим”. Худо менга навбатдаги воқеада берган дарс шундай таърифга эга.

Ўша йили мен бир ёшли буғу учун уруғ экдим. Таърифланаётган воқеалар вақтида, мен истаганимни қўлга киритаман деб ўйлаган эдим. Шунинг учун мен одатдагидек ўз буғумни қўлга киритаман деб ўйлаб, овга чиқдим. Мен дарахтдаги пистирмада ўтирганимда, чиндан ҳам бир ёшли буғуни кўрдим, у ўрмон аро ўтиб кетаётган эди, лекин мен уни камоним билан тутушим учун жуда узоқда эди. Мен унга олдимга кел деб буйруқ бердим, лекин бу натижа

бермади. Ўша куни мен буғуларни бошқа кўрмадим. Мен эртаси куни ҳам овга чиқдим, лекин битта ҳам буғуни кўрмадим. Шу пайти мен нимадир етишмаётганини тушундим.

Иккинчи куни ўрмондан чиқиб келаётганимда, мен Худодан жавоб олиш учун ибодат қилишни бошладим. Муқаддас Рух менга, тезда нима етишмаётганини кўрсатди. Мен буғум учун уруғ экаётганимда, шунчаки чекни ёзиб хат билан жўнатдим. Мен чекка қўлимни қўймадим ва унинг устида одатдагидек сўз айтмадим. Сўнгра Муқаддас Рух менга, Исо қандай қилиб нон билан балиқни кўпайтиргани ҳақидаги воқеани эслатди ва Исо улар кўпайишидан аввал, уларни дуо қилганини кўрсатди. Менинг фикрларим эсимда: “Мен нима қилишим керак?” Илгари мен ҳар доим конверт устига қўлимни қўйиб, унинг устидан сўз айттардим, лекин бу йил конвертни жўнатиш куни мен жуда банд эдим ва сўз айтишни шунчаки унутибман. Мен буғуни Шоҳликнинг ваколлатига ўтиши учун биргина уруғнинг ўзини эксам кифоя деб ўйлагандим.

Нима ҳам дердим, мен ҳақ эканимни синаб кўриб, ўз хатоимни тез тўғриламоқчи эдим, мен ўзимнинг Шоҳлик ҳақидаги янги тушунчамни текшириб кўрмоқчи эдим. Шунинг учун мен, яна бир ёшли буғу учун уруғ экдим, лекин бу гал мен унинг устидан дуо ўқидим. Мен қандай ибодат қилишимнинг мисолини келтиришимга ижозат беринг: “Ота, бугун Исо номи билан мен бир ёшли буғуни қўлга киритаман, чунки мен манашу уруғни экаяпман. Мен буни Марк Хушхабарига (11:24) биноан, амалга ошди деб атайман ва мен Сендан бу учун миннатдорман. Муқаддас Рух бу бир ёшли буғуни, ўқни аниқ нишонга тушириш масофасига олиб кел, Исо номи билан, Омин”. Кўряпсизми, бу баландпарвоз гаплар эмас, лекин мен шу навбатда буғу бер деб сўрамаяпман. Мен ўз талабимни баён қиляпман, овозда айтяпман. Армиядаги олдинги қатордагилар қурол беринглар деб ўтинишмайди, улар шунчаки буюртма беришади. Бошқача сўз билан айтганда, улар ўзларига керак бўлган ҳамма нарсани олишлари мумкин, улар сўрашлари керак эмас, улар шунчаки: “Қурол-аслаҳаларни узатинглар” деса кифоя.

Эртаси кунни эрталаб, мен дарахтдаги пистирмада қоронғу пайти ўтирган эдим, ўрмон ёришишни бошлади. Шу пайт, мен томонга қараб келаётган битта буғуни кўрдим. Ўқ узиш учун ҳали қоронғу эди, лекин буғу тўғри менинг дарахтимга қараб келаётганини кўрдим. Буғу яқин келиб тўхтати-да, ўн беш дақиқа давомида аста-секин менинг дарахтимнинг атрофида изғиб юрди. Мен ҳайрон қолдим. Буғу дарахтимдан йигирма метр нарида турган эди ва дарахт атрофида секин айланиб юрди.

Ўрмон ёришганида мен бу ўсиғи йўқ буғу эканини кўрдим. Аслида, бу шохсиз буғу эди, чунки унинг бошида умуман ўсиқлари йўқ эди. Ҳали кун яхши ёришган эмасди, лекин ўқ узиш мумкин эди, чунки Огайода эрта тонгда ўқ узиш рухсат этилган. Мен бу бир ёшли буғу эканига амин эмас эдим, лекин кўп ҳолатларда митти шохлар мўйна остида яширинган бўлади. Мен унинг ғалати ҳаракатлари туфайли, бу менинг буғум бўлиши керак деб ўйладим ва ўқ уздим, буғу қулади. Мен унинг олдига борганимда унинг митти ўсиқларини кўриб хурсанд бўлдим, бу чиндан ҳам менинг буғум эди. Мен буғуни қулаган жойида қолдирдим, чунки пичоқ олишни унутган эканман ва уйга қайтиб кетдим.

Буғунинг олдига қайтаётганимда, Тим мен томонга қараб келаётганини кўрдим. У мендан бирор нимани кўрдингизми деб сўради. Мен унга эрталаб содир бўлган воқеани айтиб бердим. Биз бир ёшли буғу ётган жойга келганимизда у охириги уч кун ичида битта ҳам буғуни кўрмаганини айтди. Тим мен билан уч кун мобайнида юрган эди ва у бу гапни айтганидан сўнг, мен гап нимада эканини тушундим. Мен у менинг офисимга кириб, буғу учун эккан чекини жамоат учун берганини эсладим. Мен у ҳам эккан уруғини дуо қилмагинини эсладим. Мен унга бироз вақт ажратиб, Худо менга экиш пайтида уруғ устидан нима дейиш кераклигини кўрсатгани ҳақида тушунтириб бердим.

Ўша кунни кечқурун мен Тим билан Колубмусга бир иш билан борган эдик ва уйга қайтаётганимизда, биз жамоатнинг ёнидан ўтиб кетаётган эдик. Тим жамоатга кириб, бошқатдан уруғ экиш

ва бу сафар уни дуо қилмоқчи бўлгани учун тўхтаб ўтишни сўради. Биз офисда ўтирганимизда, у ўсоғи олтита бўлган буғу учун уруғ экаётганини кўрдим. Мен бу жуда дадил ва аниқ баёнот деб ўйладим.

Кейинги куни эрталаб Тим мен яқинда ишлатган дарахт устига борди. Тонг ёришидан аввал буғу тўғри дарахтнинг олдига бориб, дарахт атрофида изғиб юрди. Тим ўқ узди ва у нишонга тегдим деб ўйлади. Афсуски, буғу қочиб кетди ва гарчи биз уни икки соат мобайнида қидирган бўлсак ҳам, биз уни топа олмадик. Ўша куннинг ўзида кечроқ, биздан чамаси ярим километр нарида яшайдиган бизнинг дўстимиз бизга унинг қўшниси шу куни эрталаб туриб, ўзининг кўчасида ўсоғи олтита бўлган ўлик буғуни топганини айтиб берди. Буғуда ўқ бор эди. Бу қўшнининг ўйи, айнан буғу қочиб кетган йўналишда эди. Менинг дўстим унинг қўшниси буғуга ким ўқ узганини билмасдан, ўша куни эрталаб ўзи нимталаганини айтиб берди. Ҳа, тўғри бу ҳайратомуз ҳодиса, лекин биз бундан дарс олдик.

Уруғ экаётганингизда, уни Исо қилгандек дуо қилинг.

Айтганча, Тим янги уруғни экди ва келгуси ҳафтаси бориб, ўзининг буғусини тутиб келди.

Гапираётганингизда, аниқ гапиринг.

Мен ўсиғи олтита буғу – бу жуда аниқ эканини биламан, лекин биз аниқладикки, Худо Шоҳлиги ҳам жуда аниқ! Бунга ишонч ҳосил қилиш учун табиатга қаранг.

Зеро дунёнинг яратилишидан бошлаб Унинг кўринмас хусусиятлари, абадий қудрати ҳамда илоҳийлиги Унинг ижодлари орқали очиқ кўринмоқда ва англаймоқда. Шунинг учун уларга узр йўқ.

– Римликларга 1:20

Муқаддас Китоб Худонинг кўринмас хусусиятларини табиатда кўрсак бўлади дейди. Сизга савол беришимга рухсат беринг: “Табиат қанча қисмлардан иборат?” Ниҳоятда кўп қисмларга бўлинган! Агар мен сизга, машина харид қилмоқчиман десам, сиз мендан: “Қанақа машина?” деб сўрайсиз, тўғрими? Мен “машина” деганимда, сиз хира-шира машинани тасаввур қилмайсиз. Сиз аниқ бир машинани тасаввур қиласиз, масалан “форд” ёки “шевроле”, муайян модели ва муайян рангли машинани тасаввур қиласиз. “Автомобил” сўзини эшитганингизда, сизда ноаниқ сурат пайдо бўлмайди: бу ҳар доим аниқ бир автомобил бўлади. Бизнинг ибодатимиз ҳам худди шундай аниқ бўлиши керак.

Сиз қачон бўлса ҳам, юридик ҳужжатларни ўқиганмисиз? Аминманки, ҳа. Улар жуда ҳам батафсил тузилади. Шундай экан, сизда истак бўлмаса ҳам, гапларни сўзлар орқали овозда чиқариб айтишингиз керак. Исо қандай хизмат қилганига қаранг. У сўзларнинг муҳимлигини тушунган.

Исо тоғдан тушганида кўплаб халқ Унинг ортидан эргашди. Шунда бир мохов киши келди-да, Унга сажда қилиб: – Ҳазратим, агар истасанг, мени поклай оласан, – деди. Исо қўлини узатди ва унга тегиб: – Истайман, пок бўлгин, – деди. Шу лаҳзада, у моховдан покланди.

– Матто 8:1-3

Эътибор беринг, то Исо: «Пок бўлгин!» демагунича, ҳеч нарса содир бўлмади.

Исо нариги қирғоққа, Гергесин юртига келганида, жин чалган икки киши қабристондан чиқиб, Унга дуч келди. Улар ўта ваҳший бўлганликлари учун ҳеч кимнинг у йўлдан ўтишига юраги дов бермас эди. Улар: – Бизга нима ишинг бор, эй, Худонинг Ўғли Исо? Бизни вақтидан олдин қийнаш учун келдингми? – дедилар. Улардан узоқроқда катта тўнғиз подаси ўтлаб юрар эди.

Жинлар Исога ёлвориб: – Агар бизни қувиб чиқарадиган бўлсанг, унда бизни тўнғиз подасига юборгин, – дедилар.

У уларга: – Боринглар, – деди. Шунда улар чиқиб, тўнғиз подасига кириб олдилар. Шу онда, бутун тўнғиз подаси тиккаликдан денгизга ташланиб, сувда ҳалок бўлди.

– Матто 8:28-32

Эътибор беринг, жинлар Исо билан гаплашгандан сўнг, қочиб кетмади! Улар чиндан ҳам гаплашишди! Жинлар Исо: “Боринглар!” деганидан сўнг кетишди. Сиз бу ерда бошсиз, калит сизнинг қўлингизда, лекин сиз гапиришингиз керак! Ниманидир деб айтинг.

Қайтараман, Шоҳлик – бу ҳокимият тўғри тақсимлаб берилган қонунлар Шоҳлигидир.

**СИЗ БУ ЕРДА БОШСИЗ,
КАЛИТ СИЗНИНГ
ҚЎЛИНГИЗДА, ЛЕКИН
СИЗ ГАПИРИШИНГИЗ
КЕРАК!**

Биз давом эттиришимиздан аввал, қани ўрганган нарсаларимизни эслаймиз. Исо нон билан балиқни дуо қилганида, улар ўз шоҳлигини ўзгартирди. Сиз Исо каби ўз уруғингизга кўрсатма бериб, қўйиб юборасиз. Уруғни қўйиб юбораётганингизда сиз нимани

кутасиз? Ҳар битта уруққа аллақандай сурат қўшилади. Ҳар битта ваъда ҳам, ўз суратига эга. Биз бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз, лекин мен муҳокама қилмоқчи бўлган кейинги савол – бу сиз ўз уруғингизни экишингиз лозим бўлган жойдир.

Уруғни қаерга экиш керак?

Мен сиз уруғни авваламбор, Худо Шоҳлигида ерлик нарсага эймоқчисиз деб тахмин қилишим мумкин. Эътибор беринг, гап сизнинг одатий ҳаёт тарзингиз ҳақида эмас, балки муҳтожларга нисбатан саҳий бўлиш ҳақида кетаяпти.

*Қашшоққа мурувват қиладиган одам Раббийга қарз беради
ва У уни эзгу иши учун тақдирлайди.*

– Ҳикматлар 19:17 (ЯРТ)

Бу ҳақиқат. Сиз саҳий бўлганингизда Худо сизни мукофотлайди!

Шуни айтиб қўяйки, хасислик билан экадиган хасислик билан ўриб олади: саҳийлик билан экадиган эса саҳийлик билан ўриб олади.

Ҳар ким қайғу ёки мажбурият билан эмас, балки юрак хоҳиши билан берсин, чунки Худо қувониб берувчини севади.

Сизлар ҳамиша ҳамма нарсада ҳар қандай қаноатга эга бўлиб, ҳар қандай хайрли ишларга бой бўлишингиз учун Худо сизларни ҳар қандай инояти билан бой қилишга қодирдир. Ёзилганидек: “Сарфлаб, камбағалларга берди; унинг ҳақлиги абадий туради”.

*Уруғ экувчига уруғ, озуқа учун эса нон берадиган **Худо сизларнинг экканингизни ҳам мўл қилади ва ҳақлигингизнинг ҳосилларини кўпайтиради, токи сизлар ҳар қандай саҳийлик учун ҳамма нарсада бой бўлинглар.** Саҳийлигингиз эса биз орқали Худога миннатдорчилик келтиради.*

*Чунки бу хизматнинг ижро этилиши нафақат муқаддасларнинг эҳтиёжларини қондиради, балки кўпчиликда **Худога** мўл-кўл **миннатдорчиликни** келтириб чиқаради. **Улар** бу хизматингизнинг ишончилигини кўриб, сизлар эътироф қиладиган Масихнинг Хушхабарига итоаткорлигингиз учун, уларга ва ҳаммага нисбатан **самимий саховатингиз** учун **Худони улуглайдилар.** Шундай қилиб, улар сизларга кўнгул қўйиб, сизларда тўлиб тошаётган Худонинг инояти учун ибодат қилмоқдалар. Худонинг тил билан ифодалаб бўлмайдиган инъоми учун Унга шукроналар бўлсин!*

– 2-Коринфликларга 9:6-15

Афтидан, Худо сахий бўлганларни мукофотлайди. Лекин мен айтаётган қурбонликнинг тури – бу аниқ ният билан қилинган мақсадли қурбонликдир. Эсингиздами, мен ўз уруғимга, мен назарда тутган қурбонлик турида ном бераман. Сахийлик – бу мурувват ҳаракатидир ва мен одатда сахийликни қурбонлик деб атамайман, бу аниқроғи, биз ҳозиргина Коринфликларга иккинчи Мактубда ўқиганимизни, яъни Худо менга сахий бўлишим учун уруғ беришини ва агар мен сахий бўлишда давом этсам, У менинг қурбонлигимни кўпайтира олишим учун бойлигимни кўпайтиришини тасдиқлайман.

Мақсадли қурбонлик

Мен эккан пайтим, мақсадли қурбонлик деб аталган нарсада иштирок этишимни эсга олган эдим. Қайтараман, бу қурбонлик аниқ мақсадга эга. Исо Марк Хушхабари 6-бобда айнан манашу нарсани амалга оширди. У жуда аниқ бир муҳтожликка тўқнаш келди ва у аниқ бир жавобга муҳтож эди. Унга 20 000 кишини овқатлантириш учун овқат керак эди ва шу сабабли, У иш учун аниқ бир уруғни экиши керак эди. Унинг вазиятида У уруғ экмади, У буни қабул қилди. Бу эркин танлов эмас эди, бу истаган нарсангни келтириш ҳақида таклиф эмас эди. У аниқ бир уруғни экадиган кишини топиши керак эди, токи бу уруғ Худонинг қўлида кўпайсин. Шунинг учун У: “Боринглар, кимда қанча нон борлигини кўриб келинлар” деди. Исога шу пайт ўтин ёки чопон эмас, балки айнан нон ва балиқ керак эди.

Сиз уруғ экаётганингизда, тўлиқ ишонч билан ўзингизнинг муайян эҳтиёжингизни қаноатлантирадиган кўрсатма беринг. Менга маълум бир аниқ нарса керак бўлганида, мен одатда айнан шундай ҳаракат қиламан, менга нима кераклигини аниқ тасаввур қиламан ва уруғни экаётганимда унга ном бераман. Мен одатда чек воситасида ёки онлайн-банк орқали қурбонлик қиламан. Агар чек билан қурбонлик қилсам, мен шу номни чекда

ёзаман. Агар онлайн-банк орқали қурбонлик қилсам – мен ўз кундалик дафтаримда нимани қурбонлик қилганимни, берган кўрсатмамни, қурбонликка мен берган номни ҳамда унинг санасини ва вақтини ёзиб қўяман. Эсингизда бўлсин, сиз ибодат қилган ёки талаб қилган нарсангизни келажақда эмас, балки сиз буни аслида, ибодат вақтида оласиз!

Шунинг учун Мен сизларга айтаман, ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва сизлар оласизлар.

– Марк 11:24

Ушбу мақсадли қурбонликлар Худо ер шоҳлигида амалга оширадиган Шоҳлик ишлари учун экилади. Одатда бу Худо эркак кишига ёки аёл кишига берган топшириқ учун молиялаштириш зарур бўлган хизмат. Бу камбағалларга ёки муҳтожларга кўрсатиладиган оддий ёрдамдан фарқ қилади, албатта бу ҳам Худонинг режасига киради ва Худо бундай турдаги қурбонликларни аниқ тақдирлайди. Биз мақсадли қурбонликлар ҳақида гапираяпмиз. Албатта, сиз бундай турдаги қурбонликларга ўз маҳаллий жамоатингизга экишингиз мумкин ва чиндан ҳам, сизнинг мақсадли қурбонликларингизнинг кўп қисми сизнинг маҳаллий жамоатингизга йўналтирилиши лозим.

Агар сизнинг она жамоатингиз ҳақида гапирсак, сизнинг ушурингиз сизнинг маҳаллий жамоатингизга тегишли бўлиши шарт. Кўплаб одамлар мендан, агар улар бизнинг онлайн-жамоатимизнинг бир қисми бўлишса, улар бизнинг хизматимизга ушр берсак бўладими деб сўрашади. Мен уларга: “Ҳа, албатта” деб жавоб бераман. Лекин мен уларни ўз туманида жойлашган катта жамоатни топишга ҳам чорлайман. Бироқ агар биз уларнинг асосий ўй жамоати бўлсак, ҳа, улар бизга ушурларини беришлари мумкин. Лекин чўпон сифатида биламанки, агар одамлар яхши бир маҳаллий жамоатнинг аъзоси бўлсалар, улар тезроқ ва жадалроқ ривожланадилар. Бошқа томондан, агар сиз шубҳа

қилишга ва ишонмасликка ўргатадиган жамоатга қатнасангиз – сиз бундай жамоатга қатнамаслигингиз керак, уни қўллаб-қувватламаслигингиз керак.

Шу боис, маълум бир мақсад учун экканингизда, сиз имонни тушунадиган ва розилик нима эканини биладиган бирор бир аниқ инсонга ёки жамоатга розилик билан экишингиз шарт. “Агар сиз экмасангиз биз таназзулга учраймиз” дейдиганлардан эҳтиёт бўлинг. Бу таъкидловда имон йўқ. Муқаддас Китоб мажбурият юзасидан экиш мумкин эмас деб аниқ айтаяпти. Агар Худонинг хизматкорларидан бирортаси, сиз экмаётганингиз туфайли ўзингизни айбдор ҳис қилишга мажбур қилса, сизга босим ўтказса, сиз пулларингизни сақлаб қолинг. Имон босим ўтказмайди ва мажбурламайди.

Агар сиз экишни истасангиз, лекин аниқ бир жойга экишни билмасангиз, унда сизнинг фикрингизча, Худо айтган натижани берадиган ва имонга ўргатадиган ишга экинг. Ҳеч қачон Худо одамларни бирор нарсага ўргатиш учун, одамларни ўлдиради ёки саратон касаллигига йўлиқтиради дейдиган, ёки шунга ўхшаш бўлмағур нарсаларни ўргатадиган жамоатга экманг. Бунинг ўрнига, Худонинг Сўзини ўргатадиган хизматга экинг.

Бундан ташқари, қурбонлик қилаётганингизда эътироф этишни ва ўз уруғларингиз устида дуо айтишни унутманг. Раббий менга ўша биринчи йили қандай қилиб буғуни тутишни ўргатганидан бошлаб, биз Дренда билан шундай қиламиз. Албатта, бир йили ўз уруғим устида дуо айтмаганим учун оқибати нима бўлгани ҳақида ушбу бобда айтиб бердим. Кўп йиллар мобайнида биз ўз уруғларимиз учун ибодат қилмаган эдик, биз бу ҳақда ўйламаган эдик ва ҳатто, бу экишнинг ҳаётини зарур бўлган қисми эканини билмас эдик. Мен қурбонлик қилишнинг ўзи – менинг қурбонликларим Шоҳликнинг ваколоти остига ўтиши учун талаб этилган нарса деб ўйлардим ва бу чиндан ҳам шундай. Аммо аниқ кўрсатмасиз, нишонга тушолмаймиз, аниқ ҳосил ҳам бўлмайди; агар сиз аниқ ҳосилни кўрмасангиз, терим мавсумини ҳам ўтказиб юборасиз.

Мен буғуларни овлаш вақтида кўп дарс олдим ва ушбу бобнинг яқунида қандай қилиб имонни ишга солиш ҳақидаги яна битта воқеани кўшимча қилмоқчиман.

Мен имон билан ов қилишни ўрганганимга бир неча йил бўлган эди. Бир йили мен уруғ экмайман деб қарор қилдим. Мен турмуш ўртоғим билан бу ҳақда гаплашмаган эдим, ов мавсуми яқинлашаётганда, мен экиш ёки буғулар учун ибодат қилиш мавзусини кўтармадим. Олдинги икки йил мобайнида буғуларни овлаш ғаройиб воқеалар тусини олган эди, мен Худо менга ўргатган нарсаларни қўллардим. Лекин мен бунинг бари, мен учун янги нарса бўлгани учун содир бўляпти деб ўйладим. Мен буғуларимни тутиш учун имоним етарли ва имонни ишга солиш таомилини бажаришим шарт эмас деб ўйладим. Нима бўлганда ҳам, оқибати нима бўлганини топган бўлсангиз керак.

Овнинг биринчи куни эрта тонгда, мендан уч юз метр нарида югуриб юрган буғуни кўрдим ва воқеа шу билан ниҳоясига етди. Кечки ов ҳам омадсиз ўтди. Мавсум очилган куни мен уйга қуруқ қўл билан келганимда, Дренданинг дугонаси меҳмонга келган эди ва мен унга буғулар ови унчалик яхши кетмаяпти дедим. Мен Худо буғуларни овлашга доир берган қўлланмаларга риоя қилмаганимни айтиб бердим. Дренда: “Сиз кетаётганингизда шу нарса ҳаёлимга келди” деди. Нима дейман, мен ўз хатоимни тан олдим ва улардан мен билан ибодат қилишларини сўрадим. Мен чек ёздим, уни буғу учун экдим, чекка буғунинг жинсини кўрсатмадим. Биз барчамиз чекка қўл қўйдик, ибодат қилдик ва ўша буғуни имон билан қабул қилдик.

Эртаси куни мен овга чиқолмадим, шунинг учун овга кечқурун бордим. Мен жуда зўр пана бўладиган бир катта заранг дарахтни кўз остимга олдим ва дарахт томонга қараб бордим. Бу декабр ойининг жудаям илиқ кечаси эди, адашмасам ҳарорат 20 градус эди, шамол эсарди. Кечки ов бошидан атиги бир неча дақиқа ўтгандан сўнг ўрмон ичидан йирик урғочи чиқиб келиб, марказида қаддини баланд тутиб турган заранг дарахт турган далага қараб

келди. Урғочи буғу менга ёни билан турган эди. Бу мен ўқ узишим учун ажойиб имконият эди. Ҳолатни баҳоладим, мен буғу мендан чамаси етмиш метр нарида турганини тушундим ва ўқ узиш учун масофа тўғри келишига амин эмас эдим, чунки 12-калибри стволи силлиқ бўлган қуролни ишлатаётган эдим. Лекин мен буғуни диққат билан нишонга олиб ўқ уздим ва урғочи буғу қулади. Мен бу зарбадан жуда мамнун эдим. Мен кеч тушмасдан уйга етиб бордим. Дренданинг дугонаси ҳам уйимизга қайтиб келди. Биз барчамиз Шоҳликнинг қонунларидан қувондик, мен эса дарс олганимни ҳис қилдим.

Бу бобда биз Шоҳликдан олишнинг иккинчи қоидасини кўриб чиқдик.

2-қадам. Ўз уруғингни Худо Шоҳлигига қўйиб юбориш

Биз Худо Шоҳлигига уруғ экканимизда, у шоҳликни алмаштириши ҳақида билиб олдик. Биз шунингдек, уруғни қандай экишимиз кераклигини муҳокама қилдик: *сўз* ва *кўрсатма* билан экамиз. Биз эртанги кун учун эслаб қолишимиз шарт бўлган яна бир нечта нарсалар бор.

1. Биз пулларга ном беришимиз мумкин.
2. Биз аниқ муҳтожликларга экишимиз мумкин.
3. Биз ушрларимизга ном беролмаймиз.
4. Қурбонлик формула эмас, у имон билан амалга оширилиши лозим.
5. Муайян қурбонликлар, муайян натижаларни келтиради.

Биз уруғни сўз билан экамиз.

6-БОБ

ИМОН – БУ КАЛИТ

Бизнинг жамоатимиз асос солинганидан бир неча йилдан сўнг, мен уйимизга машинада кетаётган эдим ва эски фермамизга яқинлашиб қолганимда, полициянинг милтиллаётган чироқларини кўрдим. Мен кимдир тезликни оширгани учун тўхтатилган бўлса керак деб ўйладим. Мен секинлашганимда, полиция машинасининг олдида турган бошқа машина аста-секин қўзғалиб, йўл бўйлаб кетаётганини кўрдим. Мен полиция машинасининг ёнига етиб келганимда, бир нарса менинг диққатимни ўзига тортди. Йўлнинг ёқасида ўсоғи саккизта бўлган чиройли буғу ётар эди. Мен нима содир бўлганини дарров тушундим. Буғуни ҳалиги машина уриб юборган экан.

Мен машинани тўғри буғунинг олдида тўхтатдим ва полиция машинасининг олдида бориб, офицердан буғуни нима қилмоқчисиз деб сўрадим. Менинг уйимга олиб борадиган йўл катта кўчадан бор-йўғи уч юз эллик метр масофада бўлгани учун ва болаларимга овқат керак бўлгани учун, буғуни олиб кетсам бўладими деб сўрадим. Полициячи афтидан, буғуни кимдир олиб кетмоқчи эканидан хурсанд бўлди. У менинг исмимни ва манзилимни ёзиб олиб, буғу учун ёрлиқ берди.

Биз хайрлашишимиздан аввал, у одамлар доим буғуларни уриб кетишини ва агар менга қизиқ бўлса, у менинг исмимни уриб кетилган буғуларга даъвогар бўлмаган ҳолда алоқага чиқиш учун рўйхатига киритишини айтди. Мен ўзимча бу жуда зўрку

деб ўйладим. Ўша пайти эрта куз эди ва мен ҳали овга чиқмаган эдим. Бу мен камон билан овга чиқишимдан аввал содир бўлди, қурол билан ов қилиш мавсуми эса декабрнинг биринчи ҳафтасида бошланар эди, шунинг учун мен буғу гўштини ғамлаб қўйсам жуда зўр бўларди деб ўйладим. Кўп вақт ўтмай, полиция бошқармасидан менга қўнғироқ қилиб, бошқа буғу ҳақида хабар беришди. Шундай қилиб, мен қурол билан ов қилиш мавсуми бошланишидан аввал тўртта ёки бешта буғуни нимталадим. Нечта буғуни нимталаганим аниқ эсимда йўқ, лекин уларнинг сони камида тўртта эди. Натижада, ов мавсумининг очилиш вақтига келиб, менинг музлаткич камераларим лиқ тўла эди.

Ғалати, лекин Дренда бир ҳафтага шаҳардан жўнаб кетмоқчи эди. У нима учун кетгани эсимда йўқ, лекин ёлғиз қолиш, боз устига, бир ҳафта биз учун ноодатий эди. Шу сабабли, мен у билан буғуларни овлаш учун ибодат қилмадим ва ҳатто, уруғ ҳам экмадим. Балки мен буғу тутаманми, йўқми менга фарқи йўқ, ахир, музлатгичим лиқ тўла-ку деб ўйлаган бўлсам керак. Аммо мен овга бордим, бундан шубҳа қилманг. Қисқаси, ов мавсумида мен бир ҳафта овладим ва ҳаттоки, бир марта ҳам ўқ узмадим. Дренда уйга қайтиб келганида, Худо мен буғуларимни қўлга киритишим учун мени уруғ экишга ва биргаликда ибодат қилишга доир ўргатган нарсаларни эслатди.

Келгуси йили мен бу хатони такрорлашни истамадим. Бизга полиция бошқармасидан бир-икки марта қўнғироқ қилишган эди, мен фақат битта буғуни олишни қарор қилдим, чунки буғуларни кўп қисмини шахсий овимда қўлга киритмоқчи эдим. Бу сафар биз Дренда билан уруғ экдик ва уни жўнатишдан олдин ибодат қилдик. Биз эркак буғуни тутмоқчи эдик. Биз унинг ҳажмини кўрсатмадик. Мен эрталабки соатларда овга боролмадим, шунинг учун кеч киришини муштоқлик билан кутардим. Афсуски, буғулар яна йўқ эди. Мен ўрмонда бекор ўтириб, кеч кирганда уйга бораётганимда ҳовлиқиб қолган эдим.

Мен кечлик қилиш учун ўтирганимда қўнғироқ жиринглади.

Полиция бошқармаси қўнғироқ қилибди. Менга уларда уриб кетилган буғу бор дейишди. Мен қизиқиб қолдим. Мен уни қаерда уриб кетишди деб сўраганимда, улар менга манзилни айтишди. Мен қулоқларимга ишонмадим. “Бу манзилни яна бир марта такрорлай оласизми?” деб сўрадим. Менга манзилни такрорлашди ва бу менинг манзилим эканини тушундим! Мен ҳайратда эдим. Мен деразамнинг олдига борсам менинг йўлакчамнинг охирида қизил милтиллаётган чироқни кўрдим, шунинг учун ҳозир бораман дедим. Бизнинг йўлакчамиз катта кўчадан уч юз эллик метр масофада эди ва мен йўлни бундай бўлиши мумкин эмас деб юриб ўтдим. Мен буғунинг олдига етиб бордим. Бу бир ёшли йирик ва кўриниши аъло даражадаги буғу эди. Мен бир нечта қоғозларни тўлдирдим, офицерга раҳмат дедим, кейин буғуни йўлакча бўйлаб саройга ташиб келдим. Менинг миям гангиб қолган эди! Мен келгуси йилнинг сентябр ёки октябр ойигача буғуларни ов қилиш ҳақида умуман ғам чекмадим.

Бизнинг манбамиз қаерда?

Бу қайси ой экани ҳозир эсимда йўқ, ер майдончамда югураётган эдим, мен жисмонан кучли бўлиш учун вақти-вақти билан югуриб тураман. Югуриш вақтида мен охирги икки йил давомида содир бўлган нарсалар ҳақида ибодат қилдим. Мен ҳеч нарсани тушунмай қолган эдим. Кутилмаганда, миямга “полиция рўйхати” сўзи келди. Мен бир баҳя ўйланиб қолдим. Худо менга бирор нима демоқчи эдими? Сўнг менинг имоним Худонинг Сўзига ёки Унинг Шоҳлигига, балки полициянинг рўйхатига суянган эканини тушундим. Мен агар буғуни ўзим овлай олмасам, полиция департаменти мени буғу билан таъминлашини билардим.

Шунда мен буғуни нима сабабдан, қуролимнинг оғзининг охирида эмас, балки йўлакчамнинг охирида олганимни тушундим. Мен полиция рўйхатига имон билан суянганим рост. Биз ўша йили буғуни қўлга киритиш учун Дренда билан эканзимизда, у илк

бора ўз вақтида пайдо бўлди. Лекин тўғри жойда пайдо бўлдими, ёки нотўғри жойдами? Муқаддас Руҳ менга бунини ҳаммасини аниқ қилиб тушунтирганида, мен эҳтиром билан турардим. Мен буғу айнан менинг имоним суюнган жойда – полиция рўйхатида пайдо бўлганини тушундим. Мен бунини тушунган заҳотим, уйга югуриб бориб, зудлик билан полиция бошқармасига қўнғироқ қилиб, исмимни рўйхатдан ўчиртирдим. Мен заҳира режа – ҳақиқий режа эканини тушундим! Ўша вақтдан эътиборан, мен ҳар сафар овга чиққанимда буғуларни кўраман.

Аммо бизнинг юрагимиз жуда адашиши мумкин. Бизнинг аминлигимиз табиий нарсаларга жуда осон ўрганиб қолади. Биз бунини билишимиз керак ва ҳар доим бунга эътибор беришимиз керак. Имон заҳира режага муҳтож эмас. Мен ҳозиргача бу буғу ўша кунини қандай қилиб йўлакчамнинг охирида пайдо бўлганидан ҳайронман, гарчи менинг имоним полиция рўйхатига боғлиқ эди. Шу нарса мени Худо менга кўрсатган учинчи қолида олиб келди.

3-қадам. Сиз имонда бўлганингизда уруғингизни экин!

Бу муҳим масала, биз илгари шогирдлар жинга чалинган боладан жинларни қувиб чиқара олмаганини кўрган эдик. Исо бу уларнинг имонсизлиги ёки имоннинг етишмаслиги сабабли содир бўлди деди. Имон нима экани ва қандай қилиб унга эга бўлиш ҳақида илгари гапирган эдик, аммо сизда имон борлигини ёки йўқлигини аниқлашни ўрганишингиз жуда муҳим. Шунинг учун мен сиз ишонингизни ёки ишонмаслигингизни тушуниш учун мустақил равишда оддий тест ўтказишни таклиф этишимга ижозат беринг. Агар кўзингизни юмсангиз, нимани кўрасиз?

Имон умид қилинган нарсаларнинг моҳиятидир ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир.

– Ибронийларга 11:1

Имон умид қилинган нарсаларнинг моҳиятидир. Кутилган нарса ҳар доим қандайдир суратга эга. Агар мен сизга сурнай музқаймоқни ваъда берсам, сиз бирданига сурнай музқаймоқни кўз ўнгингизга келтирасиз. Агар сиз мен ўз таклифимда ростгўй эканимга ва мен музқаймоқ учун тўлай олишимга ишонсангиз эди, сиз ўзингизни ўша сурнай музқаймоқ билан тасаввур қилган ва музқаймоқнинг лаззатини олдиндан ҳис қилган бўлар эдингиз.

Худонинг Сўзи ҳақида ҳам худди шундай деса бўлади. Сиз Худонинг ваъдасига ишонганингизда ва Худо Ўз ваъдасини бажармоқчи эканига ва У Ўз ваъдасини бажариши учун манбаси борлигига тўлиқ ишонсангиз, ўзингизни ваъда қилинган нарса билан кўрасиз. Агар шу пайтнинг ўзида, ваъда қилинган нарса сизда бўлмаса ҳам, сиз ўзингизни гўё ўша нарса сизда бордек тутасиз, чунки қайсидир маънода, у аллақачон сизда бор.

Сиз Худонинг ваъдасига ишонганингизда ва Худо Ўз ваъдасини бажариш ниятида эканига ва У уни бажариш учун манбаси борлигига тўлиқ ишонсангиз сиз ўзингизни ваъда қилинган нарса билан кўрасиз.

Шундай экан, Худонинг ниятига ва ҳокимиятга тўлиқ ишониш, сиз учун ваъданинг моҳиятидир. У яна кўринмас нарсада аминлик беради.

Сиз ҳали чекни ҳам нақд қилиб олишингиз керак, бу юридик жараён. У ҳам руҳий, ҳам жисмоний дунёда қўлланилади. Шунинг учун мен: “Кўзингизни юминг. Нимани кўряпсиз?” деганимда, мен қуйидагини айтмоқчиман. Агар сиз муҳтож бўлган нарсангизни

**СИЗ ХУДОНИНГ
ВАЪДАСИГА
ИШОНГАНИНГИЗДА
ВА ХУДО ЎЗ
ВАЪДАСИНИ
БАЖАРИШ НИЯТИДА
ЭКАНИГА ВА УНИ
БАЖАРИШ УЧУН
МАНБАСИ БОРЛИГИГА
ТЎЛИҚ ИШОНСАНГИЗ,
СИЗ ЎЗИНГИЗНИ
ВАЪДА ҚИЛИНГАН
НАРСА БИЛАН
КЎРАСИЗ.**

кўрмасангиз, сиз бунга эришолмайсиз. Мен буни оддий таъкидлов ёрдамида мисол келтиришимга рухсат беринг. Агар сиз касал бўлсангиз, лекин кўзингизни юмиб ўзингизни шифоланган – яъни сиз ўзингизни соғлом, қўрқмас, шифо топганингизни тўлиқ ишонч билан кўрсангиз – бу имон ҳисобланади. Бироқ сиз кўзингизни юмганингизда ҳали ҳам ўзингизни касал, шифоланишни кутаётган ҳолда кўрсангиз, демак сиз ишонмаяпсиз. Агар сизга пул керак бўлса ва сиз Худонинг ваъдасига ишонсангиз, сиз пул ҳақида бошқа хавотир қилмайсиз, сиз ўзингизни таъминланган ҳолда кўрасиз.

Қўрқув – бу имоннинг тескарисидир

Сизда кучли имон бўлганда, қўрқув бўлмайди. Агар сиз натижа борасида ҳали ҳам асабийлашаётган бўлсангиз, демак сиз имонда эмассиз. Имонга келсак, сиз имондамисиз ёки йўқми, буни аниқлашни билишингиз керак. Агар сиз имонда бўлмасангиз муҳим қарорларни қабул қилманг, чунки агар сизда имон бўлмаса, унинг ўрнида қўрқув бор. Қўрқув ҳар доим хавфсизликка интилишни ва имонсизликни англатади. Шу сабабдан, мен уруғни имонингиз бор бўлган пайтда экишингиз керак дедим. Уруғни формула бўйича экиш керак эмас, шунчаки қурбонлик таомилларини бажариш, ҳеч қандай натижани бермайди. Сиз Худо гапираётганига амин бўлишингиз керак, сиз кўзингизни юмганингизда фақат ўзингизни ва шу ваъдани кўришингиз керак. Сиз унга аллақачон эгасиз, сиз унинг соҳибисиз, у сизники ва ҳар қандай турдаги ўтмишдаги хавотирларнинг ўрнини хотиржамлик эгаллайди.

Ҳеч нарса ҳақида ташвиш қилманглар, лекин ибодат, илтижо ва миннатдорчилик билан ҳамма нарсада ўз истакларингизни Худога билдиринглар. Шунда ҳар қандай тушунчадан юқори бўлган Худонинг тинчлиги сизларнинг юракларингизни ва фикр-мулоҳазаларингизни Исо Масиҳда сақлайди.

– Филиппиликларга 4:6-7

Сиз имонда бўлганингизда, вазиятларга эмас, балки ваъдага асосланган хотиржамлик келади. Шунингдек, сиз ўзингизни руҳий судда ҳимоя қила олсангиз бу имонингиз борлигидан далолат бўлади. Имон Худонинг Сўзига асослангани сабабли, сиз ишонган нарсага, нима сабабдан ишонишингизни билишингиз шарт. Фараз қилинг, сиз судда турибсиз, сиз адвокатсиз. Прокурор сизнинг мижозингиз, унинг мижозининг уйида ноқонуний яшамоқда, уй сизнинг мижозингизга тегишли эмас, бу уй унинг мижозининг хусусий мулки дейди. Бунга нима дейсиз? Сиз минг бор узр, менинг мижозим уйни тарк этади, дейсизми? Агар сизда имзоланган далолатнома бўлса, аминлик қўрқувнинг ўрнини босади ва сиз судьяга бу муғомбирларни суд залидан улоқтириб юборинг дейсиз. Имон айнан шундай ҳаракат қилади. Ҳақиқатни шу тарзда билиш, бундай аминлик деярли кибр-ҳавога ўхшаб кетади. Хўш, сиз ўз ўрнингизни ҳимоя қила оласизми?

Бир кўни Сора тасодифан жамоатимизга келиб қолди. У қаерга келиб қолганини ўзи билмаган эди, чунки улар янги шаҳарга келган эди ва у эри билан шаҳарни машинада айланиб юрган эди. Уларни Колумбусга кўчиришган эди ва улар янги жамоат топиш учун ибодат қилишган экан. Улар шаҳарни айланиб юрган чоғда бизнинг жамоатимизнинг биносини кўриб, киришга қарор қилишган экан.

Натижада, улар жамоатимизда қолишди.

Сора бутун умри давомида кўксовдан азоб чеккан. У болалигида нуқул шифохонага тушиб юрган ва шу касалликнинг тутқуни бўлиб келган. У кўксовни чақирадиган муайян муҳитлардан қочишни ўрганган ва ҳар ерда ўзи билан ингаляторни олиб юрган.

“Имон Ҳаёти” жамоатида у – шифо унинг қонуний ҳуқуқи эканини, шунингдек, қандай қилиб руҳан ҳимояланишни билиб олди. Илоҳий йиғинларнинг бирида у бизнинг жамоат аъзоларимиздан бири ҳаёт учун хатарли бўлган касалликдан шифо топганини эшитганидан сўнг, қарор қабул қилди. Худо

юзхотир қилмайди. У сумкасидаги ингалляторни чиқариб, ўрнига Каломнинг карточкаларини солиб қўйган. Бу карточкаларда ундаги шифога доир қонуний ҳуқуқлари таърифланган эди. У уларни ҳар куни ўқир эди. Ҳар сафар кўксов яқинлашганида, у ингалляторнинг ўрнига Каломнинг оятларини олиб ўқиган. Ўшандан буён уни кўксов умуман безовта қилмайди!

Менинг холам олдимга оилавий учрашувга келди. У мендан у учун ибодат қилишимни илтимос қилди. Унинг ўпкаси саратон касал эди ва бир ярим ҳафтадан сўнг, унинг ўсимтасини жарроҳ кесиши керак эди. Холам, шифокорлар унинг ўпкасида грейпфрут ҳажмида бўлган ўсимтани бир ярим йилдан буён кузатиб келаётганини айтди. Кутилмаганда ўсимта катталаша бошлаган ва шифокорлар уни олиб ташлаш керак деган. Унинг ҳикоясини эшитиб, мен унинг ҳаёти ҳақида зикр қилдим. У бутун умри мобайнида ашаддий чекувчи бўлган. Мен у кўп йилдан бери жамоатга бормаслигини билардим. Мен у учун ибодат қилишни ваъда бердим, лекин ўша дамда мен холам ибодатга тайёр эмаслигини ҳис қилдим. Мен ундан у учун ибодат қилишимдан аввал, шифо ҳақида кичик китобчани ўқиб чиқасизми деб сўрадим. Мен холамга келаётган якшанба куни йиғиндан сўнг, сиз учун ибодат қилсам хурсанд бўлардим дедим. У рози бўлди.

Мен у киши кўп йил аввал юрагини Раббийга берганини билардим, лекин у Раббий учун яшамас эди. Мен Худонинг шифо ҳақидаги ваъдалари устидан зикр қилиш, унинг имонини мустаҳкамлашидан умид қилар эдим. Мен шунингдек, агар биз лангаримиз ва умидимиз сифатида сўянган Худонинг Сўзига биноан ибодат қилсак, ижобий натижани кўришимизнинг имкониятини анча кўпайишини билардим.

Шундай қилиб, келгуси якшанба куни холам ваъда берганидек, жамоатга келди. Илоҳий йиғиндан сўнг мен у кишидан, олдинга чиқишини сўрадим ва сизга берган китобчани ўқидингизми деб сўрадим. Холам, ҳа, деди ва шунда мен: “Мен сизга қўлимни қўйсам, шифо топишингизни қаердан биласиз?” деб сўрадим.

Холам Каломдан бир неча оятларни ёддан айтди ва унинг ишончи Худонинг Сўзига асосланганини айтди. Шу дамда, мен холам ибодат учун тайёр эканини тушундим. Мен унга қўлимни қўйиб ибодат қилдим ва у шифо топганини ва саратондан озод эканини эълон қилдим. Мен ибодат қилаётганимда, Худонинг мойланиши унинг устига қўйилди ва у Худонинг қудрати таъсири остида полга йиқилди. У ўрнидан турганида қалтираб кетиб: “Мен шифо топдим!” деб ҳайқирди.

Сешанба кuni холамини ўсимтасини операция учун ётқизишди, лекин ўпкани очишганда у ерда ҳеч нарса йўқ эди. На ўсимта, на чандиқ, на унинг асорати ҳам йўқ эди. Одамлар ўз ҳаётини қандай яшаб ўтаётганини кузатиш ўта ғалати. Менинг холам шифо топганидан сўнг Худога шукур қилиши ва умрининг охиригача жамоатни бир кун ҳам қолдирмаслиги керак деб ўйлайсан. Лекин бундай бўлмади. Менимча, ўша якшанбадан сўнг мен холамини бор-йўғи бир марта кўрдим. У тахминан олти ёки етти йилдан сўнг бошқа саратондан вафот этди. Лекин бу сафар холам мендан бир марта ҳам у учун ибодат қилишимни сўрамади.

Имонни ишга солган паллада маҳкам туринг

Мен одамларга “Омин” ва “Мана бу” сўзларининг орасида доим вақт борлигини эслатаман. Шу боис, имонни ишга солган вақтингизни ёдда тутиш ва уни маҳкам тутиш ўта муҳим. Мен сизга буни ўзингизга эслатиб туриш учун кундалик дафтарингизга ёзиб қўйишни маслаҳат бераман. Мен сизга бу ҳақда илгари айтган эдим, лекин буни жуда ҳам муҳим деб ҳисоблайман. Мен сизга шундай ёзувнинг мисолини келтираман: “12-ноябрь кuni соат 13.30 да, мен Марк Хушхабари (11:24)га асосан (аниқ сўровингизни ёзинг) Худодан жавоб олганимга ишонаман ва мен буни ибодат қилганимда олганимга ишонаман”. Сиз бошқа эслатмаларни, масалан, сиз билан рози бўлиб ибодат қилган кишини, Худонинг қайси хизматига ва қанча эканингизни қўшиб

қўйишингиз мумкин. Бу бор-йўғи бир мисол, лекин шундай ёзувингиз бўлиши жуда муҳим, чунки у кураш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Вазиятлар сизни қўрқиб, чекинишга васваса қилган пайтда, сиз жавоб олган кунингизнинг санасини ва вақтини ўзингизга эслатсангиз бўлади. Қўрқув мени қамраб олишга уринган пайтда, мен манашу ёзувни олиб, эълонни ўқигандек овозда ўқидим. “Йўқ, қўрқув сен ёлғончисан. Мен буни Ёзувга (шу ерда сиз таянган Ёзувнинг оятини ёзиб қўйинг) биноан ўша кун ва ўша соатда олдим”.

**“ОМИН” ВА “МАНА
БУ” СЎЗЛАРИНИНГ
ОРАСИДА ДОИМ
ВАҚТ БЎЛАДИ. ШУ
БОИС, СИЗ ИМОН
ИШГА СОЛИНГАН
ВАҚТНИ ЁДДА
ТУТИШИНГИЗ ВА
УНИ МАҲҚАМ
ТУТИШИНГИЗ ЖУДА
МУҲИМ.**

Баъзан мен совуққон ва хотиржам қолиш учун бу хатни бир неча бор ўқишимга тўғри келган. Омадсизлик бўлиб туюлган нарсалар имонингиздан чекинишингизга мажбурлашига йўл қўйманг. Бу қоида шунчалик муҳим эдики, менинг болаларим ҳали каттараётганида, ҳар ҳафта оилавий йиғинларда, биз нималар ҳақида ибодат қилганимизни, ишонганимизни, олган жавобларимизни оилавий журналга ёзиб қўярдик. Биз уни “Ёқубнинг 4-ёндафари” деб атардик.

Баъзан Рўҳда сиз билмаган нарсалар содир бўлади. Худо ҳамма нарсани жой-жойига қўйиш устида ишлайди, лекин бунга вақт керак бўлади. Бошқотирманинг қирралари қўп бўлиши мумкин, уларнинг ҳар бирини ўз жойига қўйиш керак бўлади. Масалан, агар Худо молиявий эҳтиёжни қаноатлантириш керак бўлса, эҳтимол, У буни ҳал қилиб берадиган бирор кимса билан гаплашиб олиши керак бўлади

ёки сиз муҳтож бўлган пулни олишингиз учун имконият яратиб бериши керак бўлади. Нима бўлса ҳам, бунга вақт кетади.

У эса менга деди: “Дониэл, қўрқма. Сен тушунишга эришиш учун ва Худонинг олдида ўзингни бўйсундириш учун ўз юрагингни мойил қилган биринчи кунданоқ сенинг сўзларинг эшитилган эди. Мен ўша сўзларинг бўйича келган бўлар эдим. Аммо Форс шоҳлигининг сардори йигирма бир кун менга қарши турди. Бироқ, мана, бош ҳокимлардан бири Микоил менга ёрдам бериш учун келди. Мен эса Форс подшоҳлари олдида қолдим. Энди сенинг халқингга охириги вақтларда нималар бўлишини сенга хабар қилиш учун келдим, чунки бу ваҳий анча узоқ кунларга тегишлидир”.

– Дониэл 10:12-14

Келинг, мен илгари айтиб берган кампус воқеасига яна қайтамыз. Биз турли хил биноларни кўриб чиққан эдик ва бир нечта биноларнинг биттасини ижарага олиш ҳақида ўйлар эдик, лекин уларнинг биттаси ҳам бизда ижара ҳақида музокара олиб бориш истагини уйғотмади. Биз кампусни излашни бошлаганимизда, Худо бизга беками-кўст жойни кўрсатиши учун уруф эккан эдик. Биз ҳар сафар бирор жойни кўрганимизда руҳимиз чўкарди ва умидимиз деярли сўнган эди. Биз кампусимизни жойлаштириш учун тумандаги барча биноларни текшириб чиқдик, лекин бизга маъқул келадиган битта ҳам вариант йўқ эди.

Болаларга билим олишига ёрдам бериш ва оилаларга ғамхўрлик қилиш бизнинг жамоатимизнинг асосий қадриятларига киради. Биз кўп маротаба бир куни келиб мактабимиз, болалар боғчаси, ўқувчилар учун дастуримиз ва жамоатларимизга хизмат қилиш учун бошқа кўплаб дастурларимиз бўлиши ҳақида гапирардик. Ўша пайти бизнинг биттагина биномиз лиқ тўла эди. Шу боис, биз қўшимча бирорта лойиҳамизни амалга оширишимизга имкон йўқ эди.

Бу худди, Худо Шоҳлиги келмаётганга ўхшарди, лекин биз

беками-кўст кампус учун, аллақачон уруф экканимизни ёдда тутитишингиз керак. Худо охири, биз харид қиладиган мактаб қарзга олинишини билар эди. У бутун суратни кўриб турган эди. Биз бино қидиришни бошлаганимизда бу кўчмас мулкнинг ўзи йўқ эди.

Бундан ташқари, У мактаб бизнинг беками-кўст кампусимизга айланишини У билар эди, шунингдек бу учун биз қандай тўлашимизни ҳам билар эди. Биз учун кампусни харид қилган оила билан кечлик устида ўтадиган учрашувни, мен камида тўрт мартаба режалаштирган эдим. Турли хил вазиятлар сабабли, биз иккала томон ҳам учрашувни кечиктиришимизга тўғри келган эди. Натижада, биз эндигина мактаб биносини кўрганимиздан сўнг, ўша куннинг ўзида кечлик устида учрашдик.

Бу мактабни харид қилмоқчи бўлган бошқа кўпчилик ҳам бор эди, лекин биз биринчи бўлиб шу истагимизни изҳор қилдик. Ҳаммаси беками-кўст ҳисоб-китоб қилинган эди. Биз кечликдан икки кун аввал Муқаддас Рухнинг кўрсатмасига кўра, ўша 100 000 долларни экканимизда, мен шайтон биздан шу мактабни яширишга ёки биз уни кўра олмаслигимиз учун бошқа ҳийлани қўллашга уринган деб ўйлайман. Худо менга бу пулларни экишни ва биз ўзимизга кампусни топишимизга шайтон ҳалал беролмаслиги учун уни фош қилишни айтганида, мен Худо шайтоннинг қандайдир режасини бузганига ишонаман.

Бизга кўчмас мулкни харид қилган оила ҳам, ўз дўсти учун бошқа кўчмас мулкни сотиб олиш ҳақида ўйлаб юрган экан, улар бизнинг биномизга сарф қилган бўш пуллар, ўша ерга кетиши мумкин эди. Улар ўша кечқурун бизнинг ҳикоямизни эшитганидан сўнг, нима сабабдан ўз дўсти кўчмас мулк харид қилиш қароридан тинчлик топа олишмагинини энди тушуниганини айтиб беришди. Шундай экан, ёдингизда бўлсин: сиз имон билан ибодат қилганингизда, ибодатнинг жавобини олишингизни билиб, “Омин” ва “Мана бу” сўзларининг орасида яна қанчадир вақт ўтади. Шундай экан, руҳда чўкманг ва сабрли бўлинг.

Ўз имонингизда қаттиқ туринг

Сабр-тоқатингиз эса амалда мукаммал бўлсин, токи сизлар ҳамма нарсада камчиликсиз, етук ва комил бўлинглар.

– Ёқуб 1:4

Анашу сабабдан, мен сиз имонингизни ишга солган санани ва вақтни ёзиб қўйинг дедим, чунки сиз бунга таянишингиз керак.

Менинг қизимнинг қорнида 6-килоли ўсимта пайдо бўлган эди. Бу уни соғлигига катта зарар етказиб ҳолдан тойдирди: жигарида нуқул инфекция бўларди, бели бетиним оғрир эди ва ошқозон ҳазм қилиши қийин эди. У етар деб, ўттиз кун мобайнида Худонинг Сўзи устида ва Худонинг шифога доир ваъдалари устидан зикр қилишни бошлади. Шу даврнинг якунида у мен билан Дрендадан унга қўл қўйишимизни сўради, чунки у шифо топганига ишонарди. Жамоатимизнинг оқсоқоллари, унинг онаси ва мен унга қўлимизни қўйдик ва Ёқуб Мактуби (5:14-16) га биноан, у шифо топганига ишондик.

Агар сизлардан бирор киши касал бўлган бўлса, у жамоабошиларни чақирсин. Улар эса Раббийнинг номидан уни мой билан мойлаб, у учун ибодат қилишсин. Шунда имон ибодати беморни соғайтиради ва Раббий уни қайта тиклайди. Агар у гуноҳ қилган бўлса, унинг гуноҳлари кечирилади. Бир-бирингизга гуноҳларингизни эътироф этинглар ва шифо топишингиз учун бир-бирингиз учун ибодат қилинглар. Ҳақ одамнинг ғайратли ибодати кўп нарсани амалга оширади.

– Ёқуб 5:14-16

У ўша куни кечқурун уйга илгариги ҳолатида қайтиб келди, ўсимта ҳалиям қорнида эди. Лекин у: “Мен шифо топганман”

деди. Унинг оғриғи кўпайишига ва ҳеч қандай ўзгаришлар содир бўлмаганига қарамай, у икки ҳафта давомида ўз эътирофини маҳкам ушлади. У менга шу оғриқли икки ҳафта мобайнида шайтонга: “Сен менга оғриқ етказишинг мумкин, лекин мен шифо топганман” деганини айтиб берди.

Икки ҳафтадан сўнг, у ўсимта билан уйқуга ётди, аммо тўлиқ шифо топиб ўйғонди. Уйқу вақтида у 6 килога озайди, бели эса 23 сантиметрга кичрайди, илгари ғадир ва букчайган бели, энди равон бўлди.

Сиз Худонинг ваъдасига қаттиқ ишонганингизда, шайтон сиз шифо топганингизга, ёки Худо сизга берган ҳар қандай ваъдага доир ёлғон гапиришига йўл қўйманг.

Кристина бизнинг жамоатимизга мутлақо руҳий тажрибасиз ҳолда келди. У учун ҳамма нарса янги эди. Кристина кўп йиллар мобайнида қулоқ аппаратини тақиб юрган ва шу вақт ичида, эшитиш қобилиятининг аксарият қисмини йўқотган. Унинг онаси ҳам худди шу касаллик билан оғриган, у ҳам деярли эшитмайди.

**ҚАЙТАРАМАН,
ЭРКИНЛИКНИНГ
КАЛИТИ – ХУДОНИНГ
СЎЗИГА ҚАТТИҚ
ТАЯНИШДИР.**

Кристина бизнинг жамоатимизга келганида, у ўз юрагини Раббийга берди ва Худо унинг ҳаётини тубдан ўзгартирди. У руҳланиб кетган эди ва Худо Шоҳлиги ҳақида иложи борича кўпроқ билмоқчи эди. Бизнинг жамоатимизда янги имонлилар учун танишув курслари бор ва Кристина шу курсларни

интизорлик билан кутарди. Машғулотларда турли хил мавзулар ўрганилади. Кристина қатнашган биринчи машғулот шифога бағишланган эди. Дарс якунида етакчилар шифога муҳтож бўлган одамлар учун ибодат қилишни таклиф қилдилар. Кристина шунчалик ҳаяжонга тўла эдики, у ибодат учун олдинга чиқди. У учун ибодат қилишганида, кутилмаганда қулоқлари очилди. У илк

бора аъло даражада эшитишни бошлади.

Ўша куни у хизматдан кетаётганида, мен уни шайтоннинг қарши ҳужуми ҳақида огоҳлантириш кераклигини ҳис қилдим. Ҳа, эртаси куни унинг қулоғи яна оғирлашди ва унда яна хавотирга тушиш васваси пайдо бўлди. Лекин мен унга шундай содир бўлиши мумкин, шундай содир бўлган пайтда у шифо топганини эълон қилиши, шайтонни фош қилиши кераклигини айтдим. У айнан мен унга айтгандек қилди. У Худони улуғлашни бошлади ва душманни боғлаб, шифо топганини эълон қилди. Бир неча дақиқадан сўнг унинг қулоғи яна тикланди ва ўша вақтдан у бери яхши эшитаяпти. Бу ҳодисага тўрт йил бўлди.

Қайтараман, эркинликнинг калити – Худонинг Сўзига қаттиқ таянишдир.

Мен буни яна қайтараман – аниқ гапиринг

Имонни ишга солишга келсак, мен сизга яна эслатишимга рухсат беринг: аниқ гапиринг! Худо менинг сўзларим қанчалик муҳим эканини кўрсатган бир воқеани айтиб бераман. Мен бу воқеани кўп йилдан бери айтиб келяпман, лекин у бугун ҳам ўша содир бўлган вақтдагидек кучли таъсир ўтказмоқда.

Бу оддий буғуларни овлаш мавсуми эди ва мен бир талай ишларни қилиб бўлиб, ўрмонга боришга тайёр эдим. Шу йили мен иккита эркак буғу учун, бири камида ўсоғи тўртта бўлган, иккинчиси эса бир ёшли бўлган буғу учун уруғ экдим. Мен Дренда билан розилиқда ва имон билан уруғ экдим. Биринчи овга мен тонг ёришишидан аввал бордим. Осмон эндигина гулоб бўлишни бошлаганида, мен ўсоғи саккизта бўлган буғуни тутдим. Мен пистирмада бор-йўғи ўн беш дақиқа бўлдим! Бу жуда қизиқарли ўтди! Шунинг учун мен бир ёшли буғуни овлаш учун икка ҳафтадан сўнг овга чиққанимда жуда хотиржам эдим. Бу яна эрта тонг эди ва овга чиққанимдан тахминан йигирма дақиқа ўтгандан сўнг, чамаси уч юз метр масофада ўсоғи саккизта бўлган буғуни

кўрдим. У тўғри менинг дарахтимга қараб келаётган эди.

Огайода йилида фақат бир дона шохли буғуни овлаш мумкин. Иккинчи буғу урғочи ёки бир йиллик эркак буғу бўлиши шарт. Бир ёшли эркак буғулар урғочи буғуларга тенглаштирилади, чунки уларнинг шохи шуқадар кичикки, уларни узоқдан кўриб бўлмайди. Шу боис, мен далада юрган буғуни кўрганимда у дарахтимгача келмасдан қайрилиб кетади деб тахмин қилдим. Лекин бундай содир бўлмади. У тўғри менинг дарахтимга қараб келиб, пистирмамнинг тагида чамаси йигирма сониялар турди. Мен фақат кузатиб турдим, чунки уни ўлдириш ноқонуний бўлган бўлар эди. Йигирма сониялар туриб, келган йўлакчадан қайтиб кетди. Ғаройиб, у дала бўйлаб яна ўша уч юз метрни юриб ўтиб ғойиб бўлди. Мен ҳайрон қолиб ўзимни йўқотиб қўйдим.

Илгари бирор марта ҳам, мен тутилиши учун уруғ экмаган буғу пистирмамнинг остида пайдо бўлмаган эди. Мен саросимага тушиб қолдим ва уйга қайтаётиб, йўлда Рухда ибодат қилдим. “Раббий, бу буғу у ерга нима учун келди?” Мен қўққисдан, Муқаддас Рухнинг овозини эшитдим: “Уруғингни текшириб кўр”. Уруғимни текшириб кўрай? Бу беъманиликку, мен нима учун экканимни биламан. Шундай бўлса-да, банк ҳар ойги кўчирма билан бирга тўланган чекларнинг нусхасини юборади. Мен кўчирмани тезда олиб, чекиمنى топдим. Чекнинг пастги қисмида мен: ўсоғи камида тўртта бўлган буғу, битта бир ёшли буғу деб ёзганимни кўрдим. Бу нечта буғу дегани? Мен иккита буғуни, биттасининг ўсоғи камита тўртта ёки кўпроқ бўлган, иккинчиси эса бир ёшли бўлган буғуни тутишни назарда тутган эдим. Аммо мен ёзган нарса эса ўсоғи камида тўртта ёки ундан ортиқ бўлган иккита буғуни ва битта бир ёшли буғуни назарда тутарди. Мен қотиб қолдим. Бу иккинчи буғу, мен уруғ экканим учун келди. Шу сабабдан, у дала бўйлаб юриб келиб, дарахтимнинг остига турди. У ўша ерга келиши шарт эди.

Мен буни тушунганимдан сўнг, бақирнишни ва ўй бўйлаб югуришни бошладим. Мен ҳаяжонда эдим, лекин шу вақтнинг

Ўзида, бу мени қўрқитиб қўйди. Мен неча марта ўзим истамаган нарсани гапириб, шу нарсани ҳаракатга келтирган эканман? Бу мен Ёқуб Мактубидаги оятни ёдга олишимга туртки бўлди.

Мана, отлар бизга бўйсуниллари учун биз уларнинг оғизларига сувлуқ солиб, бутун танасини бошқарамиз. Мана, кемалар ҳам, қанча улкан бўлмасин ва қандай кучли шамоллар билан юргизилмасин, жуда кичик бир рул билан уларни кемачи хоҳлаган томонига йўналтиради.

– Ёқуб 3:3, 4

Ёқуб бизнинг сўзларимиз жуда катта кучга эга экани ҳақида гапирмоқда. Агар биз бир нарсани гапирсақда, лекин бошқа нарсани кўришни истасак, бизнинг ҳаётимиз бузилганини кўрамиз ва бу нима сабабдан содир бўлганини билмаслигимиз кўриниб турибди.

Шунинг учун Худо Шоҳлиги жуда аниқ эканини ёдда сақланг. Сизнинг сўзларингиз, сиз қаерга боришингизни ва қаерга туришингизни белгилайди!

Розиликнинг муҳимлиги

Биз ҳали ҳануз сизнинг уруғингизни экиш ҳақида гапиряпмиз. Сиз имонда бўлганингизда буни ёдда сақлашингиз лозим. Агар сиз уйланган бўлсангиз турмуш ўртоғингиз билан розилиқда бўлинг. Агар сизнинг турмуш ўртоғингиз бўлмаса, мен бу ҳақда бир дақиқадан сўнг айтиб бераман, лекин келинг, сизни уйланган деб тасаввур қиламиз. Қайтараман, ўз турмуш ўртоғингиз билан розилиқда қолинг.

Мен турмушимнинг бошида, Дрендадан овга чиқишимга розилигини олишни умуман ёқтирмас эдим. Бунинг сабаби шунда эдики, мен ов ҳақида гапирганимда, у олиб чиқиш керак бўладиган чиқинди, алмаштириш керак бўлган лампочка, ёки

қилиниши лозим бўлган бошқа ишлар ҳақида гап очишини билардим. Ўшанда мен етук эмасдим, мен худбин эдим. У кун бўйи болалар билан эди, мен эса уйга келганимдан ўрмонга боргим келар эди. Худо бундай муносабатни дуо қилади деб ўйламайман. Ҳа, мен худбин инсон эдим. Бундан аввал мен имон билан ов қилишни ўрганган эдим, мен овга саноқсиз кунларни сарфлар эдим, аммо бу бефойда эди. Хотиним ов мавсумидан қўрқиши бежизга эмас эди.

Лекин мен турмуш ўртоғимни биринчи ўринга қўйишни ўргандим. Мен биз бир бутун эканимизни ва бир-биримизга керак эканимизни тушунишимга тўғри келди. Мен унинг эҳтиёжларини биринчи ўринга қўйганимда, у буғуларни овлаш масалаларида қизиқиш билан кўнардди. У менинг муваффақиятларимни кўриб, ўзига хос тарзда қувонарди.

**БИЗ ЭР ВА ХОТИН
СИФАТИДА, РУҲАН
БИР ЭКАНИМИЗНИ
ВА БИЗ РОЗИЛИҚДА
БЎЛИШИМИЗДАН
КЎРА КУЧЛИРОҚ
НАРСА ЙЎҚ ЭКАНИНИ
ТУШУНИШИМ КЕРАК
ЭДИ.**

Мен биз эр ва хотин сифатида, руҳан бир эканимизни ва биз розилиқда бўлишимиздан кўра кучлироқ нарса йўқ эканини тушунишим керак эди. Гап биргина буғуларни овлашда эмас эди. Мен агар биз бир бутун бўлиб биргалиқда ҳаракат қилсак, бу ҳаётнинг барча соҳасида ишлашини кўрдим.

Шунингдек, эрлар, сизлар ҳам хотинларингизга жуда нозик идишга бўлгандек оқилона муносабатда бўлинглар. Сизларнинг ибодатларингизда тўсқинликлар бўлмаслиги учун хотинларингизни ҳурмат қилинглар, чунки улар ҳам абадий ҳаёт иноятининг ҳамворисларидирлар.

– 1-Петрус 3:7

Эркаклар эътибор беринглар, агар сиз ўз хотинингизга эътиборли бўлмасангиз, сизнинг ибодатингиз ижобат бўлиши қийинлашади! Хотинга нисбатан сезгир бўлиш, сиз уни тенг кўришни, у билан ҳар бир қарорда яқдил эканингизни англатади. Ҳа, руҳий маънода никоҳда эр киши бош ҳисобланади. Лекин эр диктатор сиймосида эмас, балки ўз хотинини севадиган, у учун ўз ҳаётини берадиган хизматкор сиймосида бош бўлиши лозим.

Агар сизнинг эрингиз имонсиз бўлса, нима қилиш керак?

Мен турмуш ўртоғи Раббийга хизмат қилишни истамайдиган одамлардан мактублар оламан. Улар биз нима қилайлик, қандай қилиб турмуш ўртоғимиз билан розиликда ҳаракат қилишимиз мумкин деб сўрайдилар. Сиз розилик тушунчасини нотўғри тушунасиз. Айтайлик, сиз Раббийга хизмат қилмайдиган одам билан никоҳдасиз. Сиз икковингиз ҳам, сизга янги машина кераклиги билан рози бўлгансизлар. Бу нима дегани? Демак, сизда розилик бор! Агар икковингиз ҳам сизга озиқ-овқат кераклиги билан рози бўлсангиз, демак сизлар розилиқдасизлар. Муқаддас Китоб агар турмушдагилардан ҳеч бўлмаса бир киши Худонинг Сўзига ишонса, Худонинг Шоҳлиги оилада ҳаракат қилиши учун қонуний ваколоти бор деб аниқ айтяпти!

Чунки имонсиз эр имонли хотини орқали муқаддасланади ва имонсиз хотин имонли эри орқали муқаддасланади. Акс ҳолда, сизларнинг фарзандларингиз нопок бўлар эди, энди эса муқаддасдир.

– 1-Коринфликлар 7:14

Мен бу оят имонсиз эр, имонли хотини орқали нажот топиши ҳақида тахминий гапираяпти деб ўйламайман. Мен ҳар бир киши ўзи шахсан Исонинг номини чақирishi шартлигига ишонаман.

Бироқ мен турмушдаги эр ёки хотин Худонинг Сўзига ишонса, унинг имони бутун оиласини муқаддаслайди ёки Худо Шоҳлигининг дуоси остига олиб келади деб ўйлайман. Албатта, яхшиси имонли одам билан турмушда бўлиш керак. Муқаддас Китоб оилали имонлининг имони унинг имонсиз жуфтини Худонинг Шоҳлигига олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги ҳақиқат билан далда беряпти.

Агар сиз ўйланмаган ёки турмушга чиқмаган бўлсангиз, сиз билан ибодатда рози бўладиган инсонни қидиришингиз керак эмас. Сўзга шунчаки ишонинг ва Шоҳлик қай тарзда ҳаракат қилишини кузатинг!

Биз имон ҳақида гапирар эканмиз, кейинги бобда уруғ экиш ҳақидаги энг кенг тарқалган саволлардан бирини ва кўплаб одамлар содир этадиган хатолардан бирини муҳокама қиламиз.

7-БОБ

ОГОҲЛАНТИРИШ: РИВОЖЛАНГАН ИМОН ДОИРАНГИЗДА ҚОЛИНГ

“Мен 400 килоли найза балиқни тутмоқчиман!” Бу гапни бизнинг офисимизнинг жамоаси билан Гавайи оролидаги Мауига бормоқчи бўлган ходимларимдан бири айтди. Бизнинг бизнес таъминотчиларимизнинг бири билан ҳамкорлигимиз натижасида сафарга бориш чипталарини олишда ғалаба қозондик. Сафар барча ҳаражатларни ўз ичига оларди. Мауига жўнашдан аввал, биздан уч киши кўк рангли найза балиқни тутушни қарор қилишди, чунки Мауи кўк найза балиқни овлаш учун жаҳон пойтахти экани ҳеч кимга сир эмас. Биз бу ҳодисадан бир неча ой аввал имон ҳақида гапирган эдик, мен йигитларга имон қандай ишлаши тўғрисида таълим берган эдим. Дэн имон масаласида ҳали янги инсон эди. Мен бу у учун Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини ўз кўзи билан кўриши учун, уриниб кўришнинг ажойиб имконияти деб ўйладим. Шу боис, мен унга: “Дэн, сен биз Гавайига борганимизда, кўк найза балиқни тутишингда тўлиқ амин бўлиш мумкинлиги ҳақида билар эдингми?” деб айтдим. Бу гап унинг диққатини тортди ва биз Мауига жўнашдан аввал, бир неча соат гаплашиб имон ҳақида муҳокама қилдик. Дэн мен ўргатганимдек уруғ экди. У ўзининг орзуси – кўк найза балиқни кетидан бораётганидан ўта ҳаяжонда эди.

Бошқа ёрдамчим менинг жамоатимнинг аъзоси эди, у имон қандай ишлашени яхши тушунарди ва Худо унинг ҳаётида ғаройиб ишларни қилаётганини кўрарди. У ҳам найза балиқни, боз устига, оддийсини эмас, балки 400 килолигини тутиш учун уруф экди. Мен: “Вой-вой, бунча катта балиқ!” деб ўйлаганим эсимда. Мен дўстим тутиш учун уруф эканлигини балиқнинг ҳажмидан озгина хавотирда эдим, лекин мен унга бу ҳақда ҳеч нима демадим.

Бошқа томондан, Дэн муайян бир ҳажмда балиқ учун экмаган эди. Қисқаси Дэн 75 килоли кўк найза балиқни тутди, менинг бошқа дўстим эса бирорта ҳам найза балиқни тутмади. Нима сабабдан, Дэн ўзининг найза балиғини тутди-ю, бошқа дўстим эса тўтолмади? Бу яхши савол ва аксарият одамлар, ҳаттоки аксарият масиҳийлар бунни эшитиб ҳайрон қолган бўларди. Улар қаҳқаҳа қилиб: “Балиқ ови шунақаки – баъзан тута оласан, баъзан тута олмайсан” дейишарди. Лекин мен Худонинг Шоҳлиги жуда аниқ ва ишончли эканини билиб олдим.

Бир куни Исо Геннисарет кўли ёнида турганида, халқ Худонинг Сўзини тинглаш учун Унинг олдида сиқилиб келар эди. Исо кўл қирғоғида турган икки қайиқни кўрди. Балиқчилар эса қайиқдан чиқиб, тўрларини юваётган эдилар. Исо Шимоннинг қайиғига тушиб, қирғоқдан бир оз нарироқ сузишини илтимос қилди. Кейин ўтириб, қайиқдан халққа таълим бера бошлади.

У таълимотини тугатганидан сўнг Шимонга: – Чуқур жойга сузиб бориб, балиқ овлаш учун тўрларингизни ташланглар, – деб айтди.

Шимон эса Унга жавобан: – Устоз! Биз тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тута олмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман, – деди.

Шундай қилганларида, улар жуда кўп балиқ овладилар, ҳатто тўрлари йиртилиб кетди. Улар бошқа қайиқдаги шерикларига ёрдам беришлари учун имо-ишора қилдилар.

Улар келиб, иккала қайиқни шундай тўлдирдиларки, ҳатто чўка бошладилар.

Шимон Петъор бун кўриб, Исонинг оёқларига тиз чўкиб, деди: – Ҳазрат! Менинг ёнимдан кет, чунки мен гуноҳкор одамман. Чунки улар тутган бундай кўп балиқ овидан унинг ўзи ҳамда у билан бирга бўлганларнинг ҳаммаси ваҳимага тушган эдилар. Шимоннинг шериклари Забадийнинг ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно ҳам бундан ваҳимага тушган эдилар. Исо эса Шимонга: – Қўрқма, бундан буён инсонларни овлайсан, – деди.

– Луқо 5:1-10

Мен буғуларни овлаганимдек, Петрус ҳам ўзи учун балиқ овлашнинг янги услубини кашф этди. У балиқ тутишга уринди, лекин Исо балиқни қаерда тутиш кераклигини айтмагунча, битта ҳам балиқ тутолмади. Исо чуқур жойга бор деди. Ўша ерда у шунчалик кўп балиқ тутдики, қарийб иккита қайиқ ҳам чўкиб кетишига сал қолганди. Мен одамларга: “Агар Исо сизга қерда ва қандай қилиб овлашни айтса, ҳар бир киши балиқни овлай олади” дейман. Шундай қилиб, ўзининг катта найза балиғини тутта олмаган дўстимга келсак, ҳа, Худо билан ҳамма нарса имконли экани ҳақиқат. Лекин агар сиз найза балиқни ўзингизни ваннангизда тутаман деб ишониб, уруғ эксангиз эди, сиз бу иш бермаслигини билар эдингиз. Агар сиз кўк найза балиқни тутишни истасангиз эди, сиз уруғ эккан бўлар эдингиз ва Муқаддас Руҳ сизни найза балиқни тутиб бўладиган жойга, яъни океанга олиб келган бўларди. Лекин океаннинг айнан қаерига?

Эсда тутинг: ҳар бир ҳосилнинг ўзига хос жойи ва терим вақти бор! Агар сиз рекордли катта кўк найза балиқ учун эсмоқчи бўлсангиз, сиз шунчаки: “Мен океанга бораман” дейишингиз камлик қилади. Сиз океандаги муайян бир жойга боришингиз керак бўлади. Нега? Чунки кўк найза балиқ кўчиб юради ва унинг ҳар йили юрадиган йўналиши бор. 400 килоли найза балиқни тутиш бу камдан-кам учрайди. Масалан, Флорида штатининг

Мирамарида ўн саккиз йилдан буён балиқ овининг Emerald Coast Marlin Classic мусобақаси бўлиб ўтади. Шу давр ичида тутилган энг катта кўк найза балиқнинг вазни 399 кило эди. Мауига қилинган сафар чоғида 400 килоли кўк найза балиқни тутса бўлармиди? Балки, чунки Гавайида тутилган энг катта кўк найзанинг оғирлиги 624 кило эди, лекин бир нарсани ёзиб олинг.

Сизнинг имонингизнинг мўлжали қанчалик аниқ ва ноёб бўлса, жой, услуб ва мавсумга шунчалик кўп эътибор бериш керак.

Қайиқ капитани ўша куни Мауида бизга у ерда кўк найза балиқ йўқ эди деди. Унинг иккита қайиғи кунда саккиз соатдан охиригитўрт ой мобайнида ишлаган, лекин фақат бир дона йўл-йўл найза балиқни тутган. Кўк найза балиқ ойнанинг охирида пайдо бўлиши керак эди. Ҳа, биз шу мавсумда биринчи кўк найза балиқни тутдик. Лекин менинг дўстим ўзининг режасини олдиндан аниқ белгилаганида, айниқса рекордли найза балиқни тутишни қарор қилганида, овлаш жойини ва вақтини белгилаши жудаям долзарб эди. Мен ўша пайтда бу атрофда рекордли ҳажмдаги марлин (найза балиқ) йўқ эди деб ўйлайман. Биз шунингдек, менинг дўстим катта балиқни тутишига унчалик ҳам ишонмаган бўлиши мумкинлигини ҳам тушунишимиз шарт. Лекин у чиндан ҳам 400 килоли марлинни тутишга жиддий қарор қилган бўлса, мен биламан, агар у ўз уруғини экса, жой ва тўғри вақтга доир масалада Муқаддас Рухга қуроқ солса, у ўзининг 400 килоли кўк марлинини олади.

Жой ва вақт аҳамиятга эга

Сиз аниқ уруғни экканингиз сингари ҳосилни йиғиш жойи ва вақти ҳам жуда муҳим. Мен ўсоғи еттита бўлган буғу билан эксперимент ўтказганимда бу қандай содир бўлганини кўрган эдингиз. Менда овга чиқиш учун истак пайдо бўлишини

кутишимга тўғри келди ва мен буни ов мавсумида бир ойдан ортиқ кутдим. Нега? Ҳойнаҳой, менинг ҳудудимда ҳали буғу бўлмагандир, балки менинг омадимга ҳалақит бериши мумкин бўлган бошқа омиллар бўлгандир, жумладан об-ҳаво ва шамолнинг йўналиши.

Муқаддас Рух аниқ ҳосилнинг вақтини билар эди ва айнан ўша буғуни тутиш учун У мени керакли кунда, керакли вақтда, керакли пистирмага йўналтирди.

Мен тез-тез шу хатони эшитаман ва кўраман. “Эй, Гари, агар сиз таърифлаётган Шоҳлик буғуларни олиб келса, нега сиз бориб шунчаки рекордли буғуни ўлдирмайсиз?” Яхши, бу жуда яхши савол ва биз бу саволга жавоб беришимиз шарт. Бу баёнот мен 500 000 долларлик ипотека кредитини ёпишни истайдиган одамлардан олаётган мактубга ўхшайди. Улар менга бу нарса етти кундан сўнг содир бўлиши учун уруғ экканини айтишади. Етти кундан сўнг пул пайдо бўлмагани учун, улар ғамга чўкишади ва мендан нима учун пул келмади деб сўрашади.

Мен эшитадиган яна бир кенг тарқалган савол: “Нима учун мен уруғ экиб, лотерея ютолмайман?”

Яхши, келинг, аввал рекордли буғу ҳақида гапирамиз. Ҳа, бу менинг орзуим бўлганида эди, мен рекордли эркак буғуни тутган бўлар эдим, лекин бу бундай эмас. Мен одатда гўшт учун ов қиламан ва менинг рекорли ҳайвонни овлаш ниятим йўқ. Мен шундай эркак буғуни овлашни истамаслигимнинг сабабларидан бирини сизга ҳозиргина тушунтириб бердим: сиз ваннангизда китни тутолмайсиз. Жаҳоннинг рекордли буғуси менинг ҳудудимда йўқ. Агар мен чиндан ҳам шу эркак буғуни тутмоқчи бўлганимда,

**МЕН БУНИ ЯНА БИР
БОР АЙТИШИМГА
ИЖОЗАТ БЕРИНГ,
СИЗ БУНИ ЯНА
ЭШИТИШИНГИЗ
КЕРАК – ХУДОДА
СИЗНИНГ РЕЖАНГИЗ
БОР!**

мен бошқа жойда овлашимга тўғри келишини биламан. Балки мен янги тактикани ўрганишимга тўғри келар, чунки энг йирик эркак буғулар одатда тунги ҳаёт кечиришади ва ўзининг ноёб одатларига эга. Мен бундай ҳайвонни учратишим учун кўп тадқиқотлар ўтказишимга ва ибодат қилишимга тўғри келади. Лекин менга бунча оворагарчилик керак эмас. Мен ўзимнинг ўрмонимда овлашни ёқтираман. Мен ўзимнинг ҳовлимнинг орқа томонига ўтиб, ўз ўрмонининг шинамли муҳитида ўзимнинг мазали буғумни овлашни ёқтираман. Лекин сизнинг саволингизга жавоб берадиган бўлсам, мен инсон манашу буғу учун Худого ишониши мумкин деб ўйлайман, лекин мен айтган нарсаларни ёдда сақланг. Сизнинг ўлжангиз қанчалик ноёб ва аниқ бўлса, жой, вақт ва услуб шунчалик муҳим бўлади.

Одатда, нима учун беш кундан сўнг менда бир миллион доллар пайдо бўлмади, деб сўрайдиган кишидан мактуб олсам, мен, ҳойнаҳой (ҳар доим эмас) имон билан ўзига ишонишнинг фарқига бормайдиган одам билан гаплашаётганимни тушунаман.

Бу бир воқеага ўхшайди. Бир куни мен бир оиладан мактуб олдим. Мактубда улар ўттиз кун ичида ўн миллион доллар учун уруғ экиши ҳақида айтилган эди. Шу вақтнинг ўзида уларнинг, ҳаттоки озуқаси йўқ эди, улар уч ой мобайнида ижара ҳаққини тўламаган эди, улар ишсиз эди. Улар ўзларининг шакланган имон доирасидан чиққан эдилар.

Шундай қилиб, мен, Худо кимгадир ўн миллион бера олмайди демоқчи эмасман. Йўқ, У албатта, бера олади. Худого ҳамма нарса имконли. Гап Худонинг имкониятлари ҳақида кетмаяпти. Бунга эришиш учун чиндан ҳам сизда имон борми? Агар сизнинг ўйингизда сизнинг оилангиз муҳтож бўлган овқат бўлиши учун имонингиз етарли бўлмаса, мен ҳаётингизнинг шу босқичида, сизда ўн миллион доллар пайдо бўлиши учун имонингиз етишига шубҳам бор. Аммо сиз бунга эришингиз мумкин! Сиз ҳозир турган жойингиздан бошлашингиз керак, имон қандай

ишлашини ўрганишни бошлашингиз керак, шунинг учун сиз ҳозир бошқараётган нарсадан кўра каттароғини бошқариш учун, ўз имкониятларингизни ҳам кенгайтиришингиз керак.

Лотерея ютуш учун ишониш мумкинми?

Лотерея ҳақида нима деса бўлади?

Хўш, қани бу масалага ўтамиз. Powerball жекпотлари охириги йилларда жуда катта бўлиб кетди. Ўтган йили жекпот суммаси қарийб бир миллиард долларга етди! Мен умримда бирор марта ҳам лотерея чипталарини харид қилмаганман, лекин бу сафар у бир миллиардга етканидан сўнг, офисимиздаги бир нечта одамлар: “Эҳ, қани ҳеч бўлмаса, бир-иккита чипта харид қилайлик” деб таклиф қилишди. Мен бунга унчалик ҳам аҳамият бермадим, шунинг учун икки доллар қўшсам бўлади дедим. Мен ўз имкониятларимни билар эдим – мен ютиш мумкинлигига унча ишонмасдим, лекин пул қўшиб умумий ишга ўз ҳиссамни қўшаман деб қарор қилган бўлсам керак. Ҳамма бирор ким ютуши керак деб таъкидларди, мен бу нарса содир бўлса, мўмайгина пулни олиш имкониятини қўлдан бой берганим ҳақида ўйланишни истамаган бўлсам керак. Мен тан олишим керак, мен чиндан ҳам шу нарсага учдим.

Тунда Раббий тушимда менга гапирди. У: “Менинг барча ваъдаларим – сеники!” деди. Мен: “Ҳа, Раббий, мен Сени аниқ-тиниқ эшитяпман. Мен тушуняпман” деб жавоб бердим. Ҳа, У мени тўғрилаб, далда ҳам берди. У менга бу лотереяни кераги йўқлигини, агар менга бир миллиард доллар керак бўлса, У менга бунни, керак бўлганда беришини тушунтирди. Мен қонуний ҳуқуқим бўлган 7000 та ваъдага эгаман, булар менга ошиғи билан етади!

Энди лотереяда ёки бошқа ҳар қандай мусобақада ютиш учун уруғ экиш ҳақидаги саволнинг жавобига қайтамиз. Сизда бу борада қонуний ваколатингиз йўқ. Мен буғу учун экишим мумкин, чунки буғулар инсонга бўйсунди. Менда уларнинг устидан

қонуний ваколатим бор. Лекин менда лотерея устидан қонуний ваколатим йўқ, бу ҳодиса тасодифан рўй бериши мумкин.

Сиз имонда эмаслигингизни қандай аниқласа бўлади?

Агар сиз имонда турганингизни аниқлашни ўргансангиз бу сизга қарорлар қабул қилишга ва сиз қўрқувни ҳис қилаётган бўлсангиз, қарор қабул қилмаслик кераклигини тушунишингизга ёрдам беради. Ёдингизда бўлсин, имон – бу аминлик, кутиш ва хотиржамликдир. Аминлик – бу менда бўлмаган нарсада амин бўлишдир, бу мен ўзимнинг биринчи буғумни овлашга борганимга ўхшайди. Ўшанда мен имонда эмас эдим. Сиз имонда турмаган вақтингизни аниқлай оласизми? Аниқлай оласиз деган умиддаман.

Мен Дренда билан ўрмони бор, ботқоқлари бор ва яёловлари бор 24 гектар ерга эгалик қилишимни биласиз. Бу буғуларни овлаш учун беками-кўст жойдир. Ер майдонимизнинг атрофида буғдой экинзорлари бор, ўрмон билан ботқоқ буғуларнинг табиий тортишув жойи ҳисобланади. Мен гараж устида ўзим учун офис қурдим. Ичида тахтали китоб жовонлари ва газли камини бор. Бу сокин, қулай хона. Мен у ерда ишлашни яхши кўраман. Бу жой эркак айиқ инига ўхшайди. У ерда етишмайдиган биттагина нарса – бу столим устида чиройли буғунинг боши эди. Ростини айтсам, мен ҳеч қачон катта ҳайвонларни овлаш билан қизиқмаганман, чунки мен гўшт учун ов қилганман ва мен ҳеч қачон тулум яшаш учун йирик буғуларга ўқ узмаганман. Лекин мен бу ҳақда қанча кўп ўйласам, мен Дренданинг фикрига шунчалик кўп қўшилар эдим, чунки айнан у менинг офисим учун катта буғуни овлаб келишимда туриб олди.

Биз ўз еримизда беш йилдан буён яшар эдик, мен у ерда ҳеч қачон катта буғуни кўрмаганман. Мен ҳар мавсумда овга чиқардим. Мен бир жуфт яхши эркак буғуларни тутдим, уларнинг

Ўсоғи саккизта эди, лекин ўйлашимча, улар безакли бош учун ярамас эди. Бироқ ўша йили мен Дрендага девор учун катта эркак буғуни танлаш ҳақида ўйлаётганимни айтиб бердим. Ошхонамизнинг деразаси ўрмонга ва далага қараса ҳам, мен ҳеч қачон уларни кўрмаганман.

Лекин биз Дренда билан катта эркак буғу учун экдик. Мен чекда ўсоғи ўнта ёки кўпроқ бўлган эркак буғу учун экаяпман деб ёздим. Биз бу уруғ устида ибодат қилдик, мен уни стол устига қўйдим. Мен уни тез орада жўнатмоқчи эдим. Ковнерт у ерда уч кун ётди, мен уни жўната олмадим. Мен бундай катта ҳажмдаги буғу учун имоним етишмаслигини билардим.

Лекин мен учун: “Мен овга чиққанимда ўсоғи ўнта ёки ундан ортиқ бўлган буғуни тутишимни биламан” деб, аминликда айтадиган имон билан, шунчалик йирик ҳайвонни тасаввур қилиш мушкул бўлди. Мен имонда эмаслигимни тушунишим учун Шоҳлик билан етарлича ўзаро ҳаракат қилиш тажрибам бор эди. Шунинг учун мен чекни йиртиб юбориб, унинг ўрнига “ўсоғи тўртта ёки кўпроқ бўлган буғу учун” деган ёзувли чекни почта орқали юбордим.

Мен кечқурун кетиш арафасида, Дрендага бу ҳақда айтиб бердим. Мен унга: “Мен йирик ҳайвонни тутишимга имоним етарли эмас” дедим. У менга қарадида: “Сиз буғу учун ишонинг, мен эса катта буғу учун ишонаман. Худо биз сўрагандан ёки ўйлагандан кўра анча каттароғини қилишга қодир” деди.

Тонг одатдагидек, ўрмондаги олмохонларнинг ва қушларнинг шитирлаши билан бошланди,

**ДЎСТИМ БУНИНГ
БАРИ, ЯЪНИ
БУТУН ШОҶЛИК,
АЛЛАҚАЧОН
СИЗНИКИ. ХУДО
СИЗГА БЕРГАН
НАРСАНИНГ
УСТИГА БОШҚА ҲЕЧ
НАРСАНИ ҚЎШИБ
БЕРОЛМАЙДИ.
СИЗДА, АЛЛАҚАЧОН
ҲАММА НАРСА БОР!**

сўнгра баргларнинг кузги ҳиди менинг фикрларимни буғуларга қилган сон-саноксиз овларимга қайтарди. Мен пистирмада узоқ эмас, балки йигирма дақиқалар ўтирдим. Мен ўрмон аро юриб ўтаётган буғунинг товушини эшитдим. У худди соатга қараб келаётгандек, тўғри менинг дарахтимнинг олдига келди. Мен ўқ узишга тайёрландим. У яқин келганида, бу ўсоғи тўртта бўлган эркак буғу эканини кўрдим. Мен одатда айнан шунақа буғуларни танлайман, чунки уларнинг гўшти жуда мазали. Буғу чамаси йигирма беш метр бўлган масофага очиқ жойга чиқди ва мен ўқ уздим. Мен ўқ жуда юқори ва узоқ учиб борганини кўрдим ва мен бу буғуни қувишимга мажбур эканимни тушундим. У ўрмон орқали югуриб кетди, кейин ўрмон билан чегарадош бўлган жўҳори даласига югуриб чиқиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен уни жўҳори орқали югуриб кетаётганини ҳали ҳам эшитардим ва у тез югургани учун мен орқасидан анча кузатиб юришим кераклигини тушундим.

Мен пистирмада тахминан йигирма дақиқа кутдим, кейин ўқни кўздан кечириш учун дарахтдан тушишга қарор қилдим. Мен буғуга ўқ теккизганимни тушундим, чунки қон изларини кўрдим. Из ортидан юраётганимда, мен кўтаринки руҳда эдим, чунки из жуда тиниқ эди. Лекин тахминан юз метрдан сўнг қонли из ғойиб бўлди. Мен қидирдим, яна қидирдим, лекин бошқа битта ҳам томчи тополмадим. Икки соат қидирганимдан сўнг эркак буғуни йўқлигини тушундим. Менинг ҳафсалам пир бўлди.

Биринчидан, мен бирор марта ҳам буғуни жароҳатлагандан сўнг, уни йўқотишни истамаганман, иккинчидан, мен ўқни яхши узмаганимдан кўнглим совуган эди.

Жўҳори даласида бироз туриб, уйга қараб кетдим. Тўсатдан, мен бирнарсанитушундим. *Менинг ҳалишмкони ятим бор. Мен жўҳори даласи орқали, сўнгра ботқоқ орқали уйга кетаётганимда, буғуга тўқнаш келишим мумкин.* Мен арбалетимни ўқладим. Мен аста-секин жўҳори даласидаги чакалакзор билан ўсиб кетган чуқурлик устидан юриб бораётганимда, буғу қўққисдан, сакраб

туриб, мени олдимни кесиб ўтди. Ким ёки нима уни қўрқитганини билмай туриб, буғу тўхтадида орқага қаради. Менинг устимда ниқоб кийим бўлгани учун буғу ивирсираб қолди, чунки мени кўриб кимлигимни тушунмади.

Ҳаммаси кўз юмиб очгунча содир бўлди. Мен шохларни кўрдим, лекин улар қанчалик катталигини ва ўсоғи нечталигини билмас эдим. Мен қарор қабул қилишим учун сонядан ҳам камроқ вақтим борлигини билардим. У мен камондан ўқ узишим учун одатий масофамдан узоқда эди, у чамаси эллик метр узоқликда эди ва менга орқаси билан турган эди. Мен камонни тезда тортиб, унинг орқасининг юқори қисмини нишонга олиб ўқни уздим. Буғу шу заҳоти қулаб, жойида ётиб қолди. Мен қотиб қолдим. Наҳотки, бу чиндан ҳам содир бўлган бўлса?

Мен буғунинг олдига борганимда биринчи айтган гапим: “Бу Дренданинг имони!” эди. У жуда йирик эди! Унинг ўсоғи йигирма олтита эди ва яна қўшимча ўткир ўсоғлари ҳам бор эди. Мен бунга ўхшаган йирик буғуни умримда кўрмаганман. Агар мен қойил қолган эдим десам, кам бўлади. Бу буғу энди менинг хонамда столимнинг устида осиқ турганини тушунган бўлсангиз керак. Лекин мен шу буғу ҳақида бироз гапирмоқчиман.

У қандай қилиб ёки нима сабабдан пайдо бўлди?

Ўсоғи тўртта бўлган буғу ўз вақтида пайдо бўлди, гарчи мен чала ўқ уздим. Лекин Дренда йирик буғуни тутишимга ишонишини айтган эди. Энди у менинг олдимда имтиёзга эга эди. У буғуларни овламайди ва у йирик буғуни тутиш, ўсоғи тўртта бўлган буғуни тутиш каби осон деб ўйлаган. У учун буларнинг ҳаммаси шунчаки буғулар. У овчи бўлмагани сабабли, унда бундай ўлжани қўлга киритишнинг имкони йўқлигини исботлайдиган суратнинг тасаввури бўлмаган. Мен еримизда ўсоғи, ҳаттоки саккизта бўлган йирик буғуни учратмаганман, лекин унинг имони нима борлигига ёки йўқлигига асосланмаган эди. У буғуни Худо олиб кела олишига ишонган.

Бу ов буғуларнинг куйиқиш даврида содир бўлди. Эркак буғулар урғочини қидириб, кўп мил юриши мумкин. Шу боис, куйиқиш даврида одатда ўзингнинг ер майдонингда учратмайдиган эркак буғуларни кўриш имконияти бор. Биз билан айнан шундай содир бўлди.

Имонда ҳамкорлик

Дренданинг имони бу буғуни олиб келди, гарчи менда йирик буғуни тутишга имон йўқ эди. Мен сиз бунга яна бир марта ўқишингизни истайман. Мен йирик буғуни тутишимга ишонмас эдим! Мен сиз нима деб ўйлаётганингизни биламан. “Гари, тўхтаб туринг. Мен чалкашиб кетдим. Агар сиз бу буғуни тутишингизга ишонмаган бўлсангиз, унда у нега пайдо бўлди?” Мен сизга бунинг сабабини кўрсатишимга ижозат беринг.

Бир кун Исо Геннисарет кўли ёнида турганида, халқ Худонинг Сўзини тинглаш учун Унинг олдида сиқилиб келар эди. Исо кўл қирғоғида турган икки қайиқни кўрди. Балиқчилар эса қайиқдан чиқиб, тўрларини юваётган эдилар. Исо Шимоннинг қайиғига тушиб, қирғоқдан бир оз нарироқ сузишини илтимос қилди. Кейин ўтириб, қайиқдан халққа таълим бера бошлади.

У таълимотини тугатганидан сўнг Шимонга: – Чуқур жойга сузиб бориб, балиқ овлаш учун тўрларингизни ташланглар, – деб айтди. Шимон эса Унга жавобан: – Устоз! Биз тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тута олмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман, – деди.

Шундай қилганларида, улар жуда кўп балиқ овладилар, ҳатто тўрлари йиртилиб кетди.

Улар бошқа қайиқдаги шерикларига ёрдам беришлари учун имо-ишора қилдилар. Улар келиб, иккала қайиқни шундай тўлдирдиларки, ҳатто чўка бошладилар.

– Луқо 5:1-7

Мен биз бу воқеани олдин ҳам кўриб чиққанзимизни биламан, лекин мен бу ерда сизнинг саволингизга жавоб бўладиган бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шундай қилганларида, улар жуда кўп балиқ овладилар, ҳатто тўрлари йиртилиб кетди. Улар бошқа қайиқдаги шерикларига ёрдам беришлари учун имо-ишора қилдилар. Улар келиб, иккала қайиқни шундай тўлдирдиларки, ҳатто чўка бошладилар.

Мен сизга савол бермоқчиман. Ёқуб билан Юҳанно қайиқни балиқ билан тўлдириш учун қанча имонни ишлатишди? Ҳеч қанча! Эсингизда бўлса, Петруснинг ҳам, Ёқуб билан Юҳаннонинг ҳам қайиқлари соҳилда эди, Исо уларни четлаб ўтаётганида улар тўрларини юваётган эдилар. Исо воизлик қилиш мақсадида Петрусдан қайиғини тақдим қилишини сўради, сўнгра балиқ тутиш учун тўрни чуқур жойга ташлашни айтди. Натижада, Петрус шуқадар кўп балиқ тутдики, унинг тўрлари йиртилишни, қайиғи эса чўкишни бошлади. Петрус соҳилдаги ҳамкорларини келиб, балиқларни соҳилга чиқаришга ёрдам беришлари учун чақирди.

Ҳам уларнинг қайиғи, ҳам Петруснинг қайиғи лиқ тўла эди. Савол: “Ёқуб билан Юҳанно қайиқларини тўлдириш учун қанча имонини ишлатишди?” Ҳеч қанча. Унда нега уларнинг қайиғи, худди Петрусникидек тўла эди? Матнда бу саволнинг жавоби бор, у ерда улар ҳамкор эдилар дейилган. Коллинзнинг инглиз тили луғатида “ҳамкор” сўзининг қуйидагича таърифи келтирилган: “Бошқа шахс билан қандайдир ҳаракат ёки ташаббус билан боғланган шахс; у

**МЕН ХУДОНИНГ
СИРЛАРИ СИЗДАН
ЭМАС, БАЛКИ СИЗ
УЧУН ЯШИРИНГАН
ДЕБ ДОИМ АЙТАМАН!
ШАЙТОН ЗУЛМАТДА
ЮРАДИ ВА ХУДОНИНГ
РЕЖАЛАРИНИ
БИЛМАЙДИ.**

одатда унинг хавфини ва даромадларини баҳам кўради”.

Ўртоқлик – бу ҳамкорлар, тадбиркорликдаги хавфларни, харажатларни ва даромадни бўлишадиган юридик шахсдир. Шу боис, Петруснинг имони Исонинг кетидан борганида, у чиндан Исога нафақат қайиқни, балки юридик маънодаги тадбиркорликни ҳам бериб турди. Ёқуб билан Юҳанно ҳам, техник жиҳатдан Петрус Исога фойдаланиш учун берган қайиқнинг соҳиблари эди, шу боис, иккала қайиқ ҳам бир маромда тўлиб борди. Шундай қилиб, кимнинг имони шу ҳосилни келтирди? Петруснинг имони экани яққол кўриниб турибди. Айнан Петрус: “Устоз! Биз тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тута олмадик. *Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман, – деди.*

Шундай қилиб, Ёқуб билан Юҳанно худди Петрусникига ўхшаш ҳосилни йиғиб олдилар, гарчи улар бу ҳолатда имонини кўрсатмаган эдилар. Дренда билан ҳам шундай бўлди. Биз ҳамкормиз ва биз бир бутунмиз. Ўша кунни ўша буғуни Дренданинг имони олиб келди. Сиз ҳамкорлик моҳияти – бу кучли руҳий қоида эканини кўришингиз мумкин. Биз бунини ҳозиргина юқоридаги воқеада кўрдик. Павлус ушбу ҳамкорлик қоидаси ҳақида Филиппиликларга Мактубида айтган эди.

*Сизларни ҳар сафар эслаганимда, Худойимга миннатдорчилик билдираман. Мен доимо ҳар ибодатимда ҳаммаларингиз учун қувонч билан ибодат қилмоқдаман, чунки сизлар биринчи кундан то ҳозирга қадар Хушхабарга иштирок этмоқдасизлар. Сизларнинг ичингизда яхши ишни бошлаган Худо бунини Исо Масихнинг кунигача амалга оширишига аминман. Менинг ҳаммаларингиз ҳақингизда шундай фикр юритишим тўғридир, чунки кишанбандлигимда ва Хушхабарни ҳимоя қилишимда ҳамда тасдиқлашимда сизлар менинг юрагимдасизлар. **Сизларнинг ҳаммаларингиз менинг иноятимга шериксизлар.***

– Филиппиликларга 1:3-7

Павлус Филиппидаги имонлилар унинг хизматига доим шерик бўлганлари учун, уларни қувонч билан эслаётганини айтяпти. Улар шериклик қилганлари учун, энди унинг хизматига ёғилган Худонинг иноятини биргаликда баҳам кўряптилар. Иноят – бу Худо Павлусга берган топшириқни бажариши учун берилган Худонинг кучи ёки Худонинг қобилиятидир. Филиппидаги жамоат бу топшириқ учун ҳаражатларни кўтарган ва Ёқуб билан Юҳанно сингари, улар ҳам шу топшириқда бўлган мойланишни ва иноятни баҳам кўришган. Келинг, 4-бобга ўтамиз, у ерда сиз ҳамкорлик берадиган ғаройиб натижани кўрасиз.

Бироқ менинг қайғуларимда иштирок этиб, сизлар яхши иш қилдингизлар.

*Филиппиликлар, сизлар биласизларки, мен Хушхабарни воизлик қилишни бошлаб Македониядан чиққанимда, сизлардан бошқа ҳеч қайси жамоат менга эҳсон ва меҳмондўстлик билан хизмат қилмаган эди. Сизлар Салоника шаҳрига ҳам бир-икки марта менинг муҳтожликларимни қондириш учун менга ёрдам юборган эдингизлар. Мен ҳадяни изламаяпман, лекин сизларнинг ҳисобингизга кўпаядиган ҳосилни излаяпман. Мен ҳамма нарсага эгаман ва мўлчиликда яшамоқдаман. Сизларнинг хушбўй тутатқингизни, яъни Эпафродит орқали юборган Худога маъқул бўлган ёқимли қурбонлигингизни олиб, мен тўқ бўлиб юрибман. **Менинг Худойим эса Исо Масих орқали сизларнинг ҳар қандай муҳтожликларингизни Ўз шуҳратининг бойлиги билан қондиради.***

– Филиппиликларга 4:14-19

Эътибор беринг, Павлус Филиппидаги жамоат ҳақида шундай дейди: “Менинг Худойим сизларнинг ҳар қандай муҳтожликларингизни қондиради”. Павлус: “Худо сизларнинг муҳтожликларингизни қондиради, чунки сизлар менга нисбатан саҳий эдингизлар” дегани йўқ. ЙЎҚ! У: “Менинг Худойим

сизларнинг ҳар қандай муҳтожликларингизни қондиради” деди. Кўряпсизми, филиппиклар Павлус билан ҳамкор эдилар ва ҳамкорлар сифатида, улар Павлуснинг топшириғига йўлланган иноятни биргаликда баҳам кўришган. Петруснинг имони туфайли балиқ тутган Ёқуб ва Юҳанно каби, Павлус уларнинг муҳтожликлари унинг имони туфайли қондирилиши ҳақида баён қиляпти! Сиз ушбу қонданинг имтиёзини кўряпсиз деб умид қиламан.

Фараз қилайлик, сизга автомашина керак ва сиз бизнинг хизматимизда ҳамкорсиз. Яна фараз қилайлик машина 30 000 доллар туради. Сиз Garykeese.com га қурбонлик қилганингизда бу ҳамкорлик эканини тушуняпсиз. Сиз бизнинг хизматимизнинг мойланишини ва иноятини баҳам кўрасиз. Бизнинг хизматимиз 30 000 долларга осонлик билан рози бўлади, чунки биз 30 000 долларга муҳтож бўлган босқичдан ўтганимизга анча бўлди. Биз 30 000 доллар учун осонлик билан ишонамиз, чунки ҳозир ҳар йили миллионлаб пулларни сарф қиляпмиз. Аммо мен Худодан 30 000 доллар олишим учун имонда турган вақтларимни эслайман, бу ўша пайти йирик сумма бўлиб кўринарди. Шундай экан, агар сиз мендан Худодан 30 000 доллар олиш учун имонда тура олишимни сўрасангиз, мен: “Албатта” деб жавоб бераман. Шу боис, Павлус сингари мен (агар биз рози бўлсак ва ҳамкор бўлсак) сизнинг муҳтожлигингиз сизнинг эмас, балки менинг имоним туфайли қондирилди деб айта оламан.

Сиз 30 000 долларни олишингиз учун уруғ экаётганингизда, шубҳасиз имонда туришингиз керак ва сиз нафақат Худонинг Сўзига, балки менга ишончингиз комил бўлиши шарт. Сиз менга ишонишингиз керак, мен Худо томонидан мойланганимга ва даъват қилинганимга, мен ҳалол ҳаракат қилаётганимга ишончингиз комил бўлиши керак ва сиз менинг ҳаётимда ва хизматимда кўрсатилган натижаларни кўра олишингиз керак. Агар сиз биз нима қилаётганимизни ва қанақа йўлни босиб ўтганимизни ўрганиб чиққан бўлсангиз, менда 30 000 доллар учун имоним борлигини биласиз! Сизда 30 000 доллар учун имонингиз

бўлмаслиги мумкин, лекин биз ҳамкорликда ишлашимиз ва ғаройиб нарсаларни кўришимиз мумкин. Ўша йирик буғу билан ҳам, худди шундай содир бўлди. Дренда мен овга чиқишимдан олдинги кечаси: “Сиз буғу учун ишонасиз, мен эса йирик буғу учун ишонаман” деди. Ҳамкорлик шундай ишлайди.

Стратегик ҳамкорликни танлаш

Сизга бир нечта асосий қоидаларни белгилаб, савол беришимга ижозат беринг.

Агар сиз компьютер ширкати очмоқчи бўлсангиз, сиз информатика курсининг биринчи босқичини тугаллаган, пули йўқ йигит сизнинг ҳамкорингиз бўлишини истар эдингизми ёки сизнинг ширкатингизни юргизишга ёрдам бериш учун кўп миллионли компьютер бизнесини қурган, пулдор киши бўлишини истар эдингизми? Шубҳасиз, ўзгарувчан нарсалар кўп ва бу бир мисол, холос. Лекин менинг фикримча, биринчи қарашдан танлов тажрибаси бор, обрўси синалган ва инқирозга юз тутмайдиган йигитга тушади!

Хизматда ҳамкорлик қилиш учун уруғ экомқчи бўлганингизда ҳам, худди шундай. Илтимос, мен айтган нарсаларни, Худо бирор ким билан ҳамкорлик қилишни, тўғридан-тўғри бошқариш билан адаштирманг. Бундай бошқарув мен айтаётган нарсадан устундир. Кўп ҳолларда, Худо сизни Ўзининг топшириқлари орқали ҳамкорликка йўналтиради, лекин баъзида бунини сиз ўзингиз танлайсиз. Мен уруғни қаерга экишни ўз ихтиёрингиз билан амалга оширишингиз, сиз янги босқичга ўтишни истаган пайтингизда, уруғ экишингиз ҳақида айтяпман. Мен ўз ҳаётим учун муҳим бўлган воситаларни қўлга киритишни тезлаштириш аниқ мақсади билан бўлган вазифаларга экаётганимга ишонишимни биламан. Мен бир қоидани бузмайман: мен ҳар доим имонни ва розиликни ўз ичига оладиган мақсадга экаман. Камбағаллар ёки муҳтожлар бундан мустасно. Албатта, камбағаллар ва муҳтожлар

имон масалаларини яхши тушунади деб ўйламаймиз. Биз уларга севги экамиз, Худо бизни бу учун тақдирлайди. Камбағалларга экиш – бу биз бу ерда гапирган экиндан фарқ қиладиган бошқа турдаги экиндир. Мен экаётганимда эътибор берадиган яна бир нарса – бу ҳосиллар келтирадиган Худонинг топшириғидир. Мен бу топшириқни бажаришда ўзимни Худога ишониб топшираман.

Масалан, менинг ширкатимда иккита самолёт бор. Уларни харид қилишимдан аввал, мен Худонинг ишига, яъни кўплаб қиммат самолётларни хизматкорларга олиб берган хизмат жамғармасига эқдим. Мен “кўп” деганимда, айнан “кўп” сўзини назарда тутяпман, улар унинг барчасини нақд пулга олиб беришган. Агар самолётлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг нажитаси кўзга ташланиб турарди. Улар мен билан самолётим бўлиши учун осонликча рози бўлишларини ва бу амалга ошиши учун мен билан имонда туришларини билардим. Мен самолётлар ҳаддан зиёд қиммат, уларга эгалик қилишга арзимамайди дейдиган масиҳий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни истамас эдим. Бу розиликка умуман ўхшамайди. Йўқ, мен қайси босқичда эканимни тушунадиган, мен самолётга эга бўлишим учун Худога таянаётганимни тушунадиган ва бунинг тасдиғи сифатида, аниқ ҳосиллари бор бўлган масиҳий ташкилот билан розилиқда туришни истардим.

Мен ўн икки ёшимдан самолётни бошқаришни биламан ва шаҳар ташқарисидаги минг метрли шағал учиш-қўниш йўлида самолётни кўтаришни ўрганганман. Мен бутун умрим давомида самолётларни ижарага олганман. Бир куни келиб, мен: *“Биласизми нима? Мен уруғ экишим керак ва ўзимнинг шахсий самолётим бўлиши учун Худога таянишими керак”* деб ўйладим. Хўш, мен шундай ҳам қилдим. Мен айнан қанақа самолёт учун экиш кераклигини билардим. Шунинг учун мен чекимга айнан ўша самолётнинг номини ёздим ва биз Дренда билан бу масалада рози бўлдик. Сўнгра биз мен ҳозиргина эсга олган масиҳий ташкилотга чекни жўнатдик.

Бир ойлар ўтгандан сўнг мен шифокорнинг қабулига бордим.

Шифокор билан гаплашаётганимда, у кутилмаганда, мендан: “Сиз мабодо самолёт сотиб олишни истайдиган бирор кишини билмайсизми?” деб сўради. Мен бусаволдан ҳайрон қолдим, чунки умримда ҳеч ким мендан самолёт сотиб олишни истамайсизми деб сўрамаган. Мен бу қанақа самолёт деб сўраганимда, бу биз уруғ эккан, айнан ўша самолёт бўлиб чиқди. Нима дейман, мен таажжубда эдим. Мен самолётни кўриш учун учрашув ҳақида келишиб олдим ва мени самолётда учиринди. Самолёт бекамикўст эди. Фақат битта муаммо бор эди. Ўша пайтда самолёт учун тўлашга менинг пулим йўқ эди. Лекин Худонинг режаси бор эди.

Қарангда, ўтган йилги кузда – ҳозир эса март ойи – отам менга уйини берган эди, баҳорда мен уни офисли бино қилиб, қайта қурмоқчи эдим. Отам менга қишки мавсумдан олдин сув ўчириб қўйдим, дегани учун мен уйни текшириб ўтирмадим. Мен самолётни кўрганимдан бир неча ҳафтадан сўнг, акам менга қўнғироқ қилиб, уй аянчли аҳволда эканини айтиб берди. Уйнинг гипсокартонлари бузилиб, девордан қўпорилган эди. Афтидан сувни ўчиришмагани учун у қишда музлаган. Энди март ойида эса ҳаво илиб, сув бир неча ҳафта давомида уйга оққан.

Менинг акам мен қурилиш ширкати билан уйнинг бутун ташқи қатламини ва гипсокартонни демонтаж қилиш ҳақида, аллақачон шартнома тузганимни билмас эди. Бу уйни янги офисли мажмуамга айлантириш учун қайта қуриш жараёнининг бир қисми эди. Манашу ерда, энг қизиғи содир бўлди. Суғурта ширкати сувдан бўлган барча зарарларни қоплади ва айнан шу пулларни мен самолётимни харид қилишга сарфладим. Мен самолётни нақд пулга сотиб олдим!

Шундай экан, ҳамкорлик – бу кучли бўлган руҳий қоида эканини унутманг, сиз буни билишингиз ва ўз фойдангиз учун ишлатишингиз керак.

Шу ерда, сиз имонда бўлганингизда уруғ экиш тўғрисидаги музокарамизни тугаллаймиз. Шундай қилиб, сиз уруғ экдингиз,

бундан кейин нима қилиш керак? Аксарият одамлар, уруғ эккан, лекин қилган қурбонлигининг самарасини ёки ҳосилини кўрмаган кўплаб масиҳийларга, қандай ўрнатилган бўлишни билмайдилар. Наҳотки, ҳозир лимонад ичиб, ҳосил пишишини кутиб ўтиришнинг мавруди бўлса?

Бундай қилмаган яхши! Биз келгуси бобда нима қилишингиз кераклигини муҳокама қиламиз.

8-БОБ

СИЗГА РЕЖА КЕРАК!

Брэд ва Черити илк бора жамоатга келишганида мен уларни умуман билмас эдим. Мен вақти-вақти билан улар билан саломлашганимни ва икки оғиз гап айтганимни эслайман. Улар Дренданинг аёллар анжуманида, руҳий маънода илк бора менинг диққатимни тортдилар. Анжуман пайшанба куни кечқурун бошланиб шанба куни кундузи тугар эди. Кўплаб иштирокчилар шанбанинг кечки илоҳий йиғинига қолар эди. Айнан шу хизматда Брэд ва Черити хизматдан сўнг илтимос билан келишди. Улар бизнес бошламоқчи эди ва мендан бизнинг хизматимизга уларнинг қурбонлигини қабул қилишимизни ва уларнинг янги бизнеси учун ибодат қилишимни сўрашди.

Сал ўтиб, мен Черити аёллар анжуманида қора танлиларнинг жингалак сочларини даволаш учун, ўз қўли билан ясаган айрим воситаларини сотиш учун жой ижарага олганини билиб олдим. У анжуманда 150 долларга столни ижарага олган ва 350 долларга ўзининг маҳсулотларини сотиб 200 доллар фойда кўрган.

Улар шанба куни кечки илоҳий хизматда 200 доллар билан келишди ва бу пулни ўзларининг бизнеси ривожланиши учун бизнинг хизматимизга уруғ қилиб экмоқчи эди. Мен: “Бажонидил” деб ибодат қилдим. Мен бу ҳақда чуқур ўйлаб ўтирмадим, лекин уларнинг кўзида иштиёқни кўрдим ва улар уруғ экаётган пайтда имонда туришганини кўрдим.

Сиз Брэд ва Черити ҳақида озгина тасаввурга эга бўлишингиз учун улар ҳақида қисқача айтиб бераман. Ўша пайтда Брэд бир ширкатда IT-менежер бўлиб ишлаган, Черити эса иккита ишда ишлаб, соатига 10 доллар топган. Бу маошдан маошгача яшаган оила эди. Анжумандан сўнг улар ўзининг маҳсулотини дўстларига ва Интернет орқали бироз сотишни давом эттиришган, лекин бизнес унчалик ҳам ривожланмаганини айтиб беришди. Лекин Худо парда ортида уларга ўсиш бериш учун меҳнат қилган.

Улар ихтиро қилган формуланинг асосий таркибий қисми туяқушнинг мойи эди. Мойни Калифорнияда туяқушларни етиштирадиган фермердан сотиб олиб келишган. Улар, фермер ўзининг ширкатини сотмоқчи эканини билиб қолишган. Нархи 40 000 доллар эди. Черити бу уларнинг ширкатининг ривожланиши учун аъло имконият эканини билар эди, лекин Брэд билан Черитининг 40 000 доллар пули йўқ эди. Уларнинг пули фақат Калифорнияга бориб, ўша ширкатни кўриб келиш учун авиачипта сотиб олишга етарди. Брэд Калифорнияга қанчалик кўп яқинлашса, шунчалик кўп асабийлашган. У ширкатнинг эгасига нима дейди? Ахир, уларнинг бошқа пули йўқку? Улар бир-бирига, бошқа ҳеч кимдан қарз олмаймиз деб ваъда беришган. Улар Калифорнияга етиб келишганида, фермер уларга ҳамма нарсани кўрсатган, лекин ширкатини сотиб оладиган одамни аллақачон топдим деб айтган. Иш ҳал бўлмайдигандек туюлган. Лекин ширкатнинг эгаси Брэددан ахборот технологияси соҳасида унга баъзи бир ишларни қилиб беришни сўраган, Брэд рози бўлган.

Шу вақт ичида Брэд ва Черити ферманинг эгаси билан яхши муносабат қуриб олишган. Бир куни у бизнесини уларга сотишни қарор қилганини айтган. Натижада, у бизнеснинг тўлов пулини қисм-қисм билан олишга рози бўлган ва Брэд билан Черитининг туяқушлар мойини ишлаб чиқарадиган хусусий ширкати пайдо бўлди. Айнан шу пайтда Брэд билан Черити биз “Имон ҳаёти” жамоатининг қурилиш лойиҳасини бошланганимиз ҳақида эшитишган, бу уларнинг ичида ниманидир чертган. Улар илгари

эккан биринчи уруғ, уларнинг бизнесини тўлиқ ўзгартирганини кўрдилар ва улар энди катта уруғ экиш орқали бизнесни янги босқичга кўтариш вақти келганини билар эдилар. Брэд ва Черити мен билан жамоатга кириш жойи олдида учрашдилар ва ўзларига мақсад белгилаб, ўзларининг бизнеси учун уруғ экидилар. Улар ўзларига даромад қилиш учун эмас, балки қурилиш лойиҳасига йўналтиришни истаб, олтита сонли суммага экидилар.

Қисқаси, улар ўз маҳсулотига жиддий такомиллаштириш киритдилар ва Худо уларга янги бирикма берди. Бу янги бирикма маҳсулотни шунчалик ўзгартирдик, у қора танлиларнинг жингалак сочи учун беками-кўст восита бўлди. Маҳсулот катта муваффақият қозонди. Улар жуда тез орада қурилиш лойиҳаси учун олтита сонли чекни ёзиб беришга муваффақ бўлдилар. Улар ҳозирги кунда бутун Африка бўйлаб бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар, уларнинг пул оқими эса еттита сонли суммадан ошиқ. Бунинг барчаси уч йилнинг ичида содир бўлди. Ақл бовар қилмас ҳодиса – уч йил ичида соатига 10 доллардан ўн миллионгача бўлган йўлни босиб ўтиш! Қойил!

Бу эътиборга лойиҳа ҳодиса ва Худо сизнинг таъминотингизни йўлга қўйиш учун ва сизнинг таъсир ўтказишингизни ривожлантириш учун, Худо сиз билан қандай иш олиб боришининг мисолидир.

Менинг кўзимга ташланган биринчи нарса бу Худо Шоҳлиги учун уларнинг кўзлари ярқираши эди ва уларнинг ширкатининг мақсади – Худо Шоҳлигини молиявий қўллаб-қувватлаш эди.

Иккинчидан, улар Худо билан иш олиб бориб, ширкатнинг тузилишини, маҳсулотини ва режасини деярли ҳеч нарсадан ишлаб чиқардилар. Бу бирор-бир аҳамиятли нарсани қилишни истаган ҳар бир кишини руҳлантириши керак. Бу сиз бирор ишни бошлаётганингизда сизнинг қанча пулингиз борлигига ёки ниманидир билишингизга боғлиқ эмас. Худо сиз билан бутун йўл давомида ишлайди.

Бу Худо менга ўргатган Шоҳликнинг тўртинчи қоидасига олиб келади, жумладан: сиз экиб, имонни ишга солганингиздан сўнг, режани билиб олишингиз керак.

4-Қадам. Сиз экканингиздан ва имонни ишга солганингиздан сўнг, сизга режа керак.

Исо уларга жавоб бериб: – Сизлар уларга овқат беринглар! – деди. Улар эса Унга: – Наҳот биз бориб, икки минг динорга нон сотиб олиб, уларга ейишга берсак? – дедилар. У уларга: – Қанча нонингиз бор? Бориб кўринглар, – деди. Улар билганларидан сўнг: — Бешта нон ва иккита балиқ, – дедилар. Шунда Исо шогирдларига ҳаммани яшил ўт устига гуруҳ-гуруҳ қилиб ўтирғизишни буюрди. Улар юз нафардан ва эллик нафардан қатор бўлиб ўтирди. У бешта нон ва иккита балиқни олиб, осмонга қараб дуо қилди ва халққа беришлари учун шогирдларига бўлиб берди. Шунингдек, иккита балиқни ҳам ҳаммага бўлиб берди. Уларнинг ҳаммалари еб тўйдилар. Шогирдлари эса ўн икки сават тўла нон ва балиқнинг қолганини йиғиб олдилар. Нон еганларнинг сони чамаси беш минг эркак эди.

– Марк 6:37-44 (ЯРТ)

Исо балиқ билан нон кўпайишидан аввал, шогирдларига ҳаракатлар режасини берди. Шундай экан, сиз буни тушунганингизга ишонч ҳосил қилинг. Сиз имон уруғини экканингизда Муқаддас Рухдан режа олишингиз керак. Буни қилишнинг энг яхши услуби – бу Рухда маълум бир вақт ибодат қилишдир. Токи Худони эшитмагунингизча ҳеч қанақа қарорлар қилманг ва мустақил равишда ҳаракат қилишни бошламанг. Бунинг бир нечта сабаблари мавжуд.

Биринчидан, сиз буни ўз кучингиз билан қилишга ҳаракат қиласиз ва жуда тор фикр юритасиз. Иккинчидан, сиз аллақачон билган нарсангизга асосланиб режалаштиришга уринишингиз мумкин, Худо эса шу пайтда

сизни бошқа йўналиш билан олиб бормоқчи бўлиши мумкин. Сиз аллақачон, ўз билимингизни синаб кўрдингиз ва натижани, ўзгартириш учун сизга янги ғоя ва режа керак. Шу боис, Раббийдан янги ғоялар ва режалар кутинг. Улар ҳар ердан келиши мумкин. Сиз эълонни кўришингиз, инсонни учратишингиз ёки шунчаки менга ўхшаб туш кўришингиз мумкин.

Худо сизнинг диққатингизни тортади ва сизга янги режа тузишга ёрдам беради. Бу қанчалик муҳим эканининг мисолини келтиришимга ижозат беринг.

Режанинг кучи

Мен бу мисолни, менимча “Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб” китобларимнинг ҳар бирида келтирган бўлсам керак, аммо бу мисол такрорга арзийди. Агар мен сизнинг барча молиявий муаммоларингизни қўйидаги бир нечта сўзлар ёрдамида ҳал қилиб бераман деганимда эди, аминман, сиз тафсилотларини эшитишни истаб қўлингизга қалам олган бўлар эдингиз. Хўш, тайёрланинг, чунки мана бунинг жавоби. Сиз шу йили соф 10 миллион доллар фойда кўринг. Ҳа, мен йилнинг охиригача 10 миллион соф фойда кўринг, дедим. Аксарият одамлар учун бу барча тўловларни қилиш учун ишончли манбаа бўлган бўлар эди.

Нима? Мен кимдир қиқирлаётганини эшитяпманми? Сиз куляпсизми? Мен ўз чиқишларим вақтида одамларга бу таклиф билан мурожаат қилганимда, бутун аудитория бўйлаб одамларнинг қиқирлашини эшитаман. Сўнгра мен нима учун куляпсизлар деб сўрайман. Улар буни ҳазил ва имконсиз нарса деб ўйлайдилар. Сўнгра мен йил давомида даромад бўйича мақсадни пасайтирсам, қайсидир пайтда улар кулишни тўхтатишини: “Мен буни қила оламан” дейишини айтаман.

**СИЗ ИМОН
БИЛАН УРУҒНИ
ЭККАНИНГИЗДАЁҚ,
МУҚАДДАС РУҲДАН
РЕЖА ОЛИШИНГИЗ
КЕРАК.**

Шундай қилиб, сиз қайси жойда кулишни тўхтатасиз – йилида 600 000 доллардами? Сиз ўзингизни қаерда кўряпсиз – йилида 200 000 ёки 100 000 дами? Балки сизнинг рақамингиз анча камроқдир, масалан, йилида 45 000 дир. Тахминан йилида 10 миллион доллардан 0 долларга бўлган оралиқда сиз: “Менимча, мен буни қила оламан” дейдиган сўмма келиб чиқади. Чатоғи шундаки, сиз айнан шу даражада қолиб кетасиз. Тушунинг, ҳеч ким бу имконсиз деб ўйлаган нарсани амалга ошириш учун бирор нарсани қилишга уринмайди. Шундай қилиб, муаммо шундаки, сиз ўз фикрларингиз билан боғлиқсиз ёки чеклангансиз.

Энди мен сизга режанинг кучини кўрсатишимга ижозат беринг. Агар шу йили сиз 10 миллион доллар ишлаб топсангиз, сизнинг барча молиявий муаммоларингиз ечилади деган таъкидловни яна олайлик. Лекин бу сафар мен сиз пул ишлашингиз учун шартнома таклиф қилмоқчиман. Мен сизга, сиз коробкага тўпни жойлаб, скотчлаб, почта билан жўнатиладиган манзилни коробкага ёзиб, четга олиб қўйсангиз, ҳар бир коробка учун 500 доллар тўлайман. Фараз қилайликки, сиз бир соатда 100 та коробка тайёрлай оласиз, яъни бир соатда 50 000 доллар даромад қила оласиз. Фараз қилайлик, сиз бир кунда мунтазам равишда 10 соат ишлайсиз ва бир кунда 500 000 доллар даромад оласиз. Энди мен, қани, йилнинг охиригача 10 миллион доллар даромад қиламиз десам, сиз нима дейсиз? “БЕМАЛОЛ! Бу учун бор-йўғи йигирма кун ишласа етади”. Яхши, лекин нима ўзгарди? Фақат бир нарсга ўзгарди, энди сизда режа бор, агар шу режага эргашсангиз, сиз ўз мақсадингизга – йилида 10 миллион доллар даромадга эришасиз.

Тушунарлими? Агар сиз ўз ихтиёрингизга топшириб қўйилганингизда эди, эҳтимол сиз ҳеч қачон мақсадингизга эриша олишингиз ҳақида ўйламаган бўлар эдингиз ва СИЗ имконли деб ҳисоблаган нарсанингиз билан кифояланган бўлар эдингиз. Лекин сизнинг фикрингиз керак эмас, сиз жуда узоқ вақтдан буён бу чекланган дунёда яшаб келяпсиз. Йўқ, сиз орзу қилишингиз учун сизга Муқаддас Рух керак.

Худода сиз учун режа бор

Ушбу китобнинг бошида мен сизга бизнинг даҳшатли молиявий аҳволимиз ҳақида ва қўрқув ҳужумлари ва тушкунлик ҳақида айтиб берган эдим. Молиявий муаммолар дастидан мен азоб чекардим. Мен Худонинг Шоҳлиги бўйича бўлган ҳаёт тарзини ўрганишни бошлаганимда, менда Худодан бошқа мурожаат қиладиган жойим йўқ эди. У менга гапирди ва мен одамларга молиявий танглиқдан чиқиб кетишига ёрдам беришим учун менга Forward Financial Group молиявий ширкатини очишим бўйича режа берди. Бу беъманилик! Мен ўша пайти уйда ўтириб, У менга қилишни буюрган нарса устида фикр юритиб савол берганимни эслайман: “Худойим, нега Сен бу нарсани менга илгарироқ айтмадинг?” Лекин У мен режани амалга оширсам, қарзларимдан қутулишимни айтди.

Худо бизга берган режани амалга ошириш учун Дренда билан бел боғлаганимизда бизнинг на жиҳозларимиз, на компьютеримиз бор эди, бизнинг ҳеч воқоимиз йўқ эди. Лекин биз режани кўрганимизда, мен у иш беришини тушундим, мен буни имконли эканини тушундим. Режа деганда мен У режани амалга ошириш учун берган стратегияни ва майда-чуйда ишларни назарда тутяпман. Мен буни қила оламан! Мен чиндан ҳам бу ишни қилгим келди.

Брэд ва Черитининг ҳолатида ҳам, Худо ишни бошлаш учун ҳамма керакли нарсани берди. Бир куни дадам компьютер харид қилмоқчи эканини ва мени унга ҳамроҳ бўлишимни сўради. Бу жуда ғалати, чунки дадамнинг пицца дўкони бор ва унга компьютер керак эмас эди. Биз бориб компьютер ва матнни таҳрир қилиш дастурини харид қилдик. Дадам менга улардан фойдаланишимга рухсат берди. Тушунинг, мен компьютерлар ҳақида ҳеч нарсани билмас эдим. У мендан бир мил нарида яшар эди ва мен бу компьютерда ва дастурда ёзишни машқ қилишни бошладим ва натижада, бир куни мижозлар учун қандай қилиб қарзлардан қутилиш ҳақида аъло даражадаги тақдимотни ёзишга муваффақ бўлдим.

Ширкат ўсиб борарди ва мен савдо вакилларини ёллашни бошладим. Ўша кунлари биз ташиб юриладиган молявий калькуляторларни ишлатар эдик. Унинг ёрдамида биз ҳар бир оиланинг режаси бўйича барча математик ҳисоб-китобларни ишлаб чиқарар эдик. Сўнг биз ушбу маълумотларни андазага солдик, мен уни ўзимнинг таҳрир қилиш дастуримда ишлаб чиқардим. Бу андазани мен савдо вакилларим учун чоп этардим, улар эса ўз навбатида, бунини ўз мижозларига элтиб берар эдилар. Матрицали принтер кун давомида шовқин чиқарар эди. Тез орада, менинг котибим ишда улгурмай қўйди ва мен бу барча ҳисоботларни мижозлар учун ёзиб чоп этишда ёрдам бериши учун яна бир кишини ёллашимга тўғри келди.

Мен бизнесимга самаралироқ бошқарув услуби кераклигини тушундим. Менга ҳар бир мижоз бўйича барча молявий тенгламаларни ҳисоблаб берадиган ва чоп этиб бўладиган компьютер дастури керак эди. Биз Дренда билан биргаликда Раббийдан ёрдам сўрадик, бизнинг ширкатимиз учун шундай дастурни ёзиб берадиган ҳамёнбоп бўлган дастурчини юборишини сўрадик.

Биз ибодат қилганимиздан сўнг бир неча ой ўтди. Мен бир мижозникига оддий ташриф билан бордим. У чопламани кўриб, мендан: “Сизлар бунини қўлда қиласизларми?” деб сўради. Мен: “Ҳа, лекин бизнинг ўрнимизда бу ишни қиладиган компьютер дастурига ўтишни жуда ҳам истаяпмиз” дедим. У менга қараб, ишида тўлиқ бандлик режимида ишлаб компьютер дастурларини ёзишини, лекин кечқурунлари бўш вақтида, биз учун дастурни бажонидил ёзиб бериши мумкинлигини айтди. У хизмат ҳақини айтди ва мен унинг хизмати учун келгуси йил мобайнида имконимга қараб тўлаб келишимга рози бўлди.

Бу дастур ҳамма нарсани ўзгартирди ва кўпроқ одамларни ёллашимга имкон берди. Тез орада АҚШнинг кўпроқ шарқий регионларида 300 та вакилимиз фаолият юритишни бошлади. Биз бир неча буюртмачилар билан ҳамкорлик қилар эдик. Бир

буюртмачи билан 5000 га яқин бўлинма ишлар эди. Биз бу 5000 та бўлинманинг орасида биринчи ўринга кўтарилдик.

Ўз ширкатимизни йўлга қўйиб ва Муқаддас Рухга эргашиб, қарзларимиздан тўлиқ қутулдик, унинг давоми эса бутун бир қиссадир. Агар сиз Худодан сўрасангиз ва У буни амалга оширишига йўл берсангиз, У сизга режа беради. У сиз ўйламаган жойга олиб келади.

Шундай қилиб, мен такрорлайман, сизга режа керак. Худода сизнинг муваффақиятингиз учун режа бор. Аслида, Унда сизнинг муваффақиятингиз учун кўп режалар бор. Унинг ғоялари ва донолиги чексиздир.

Фақат Мен сизлар ҳақингиздаги мақсадларимни биламан, – дейди Раббий, – булар сизларга келажак ва умид бериш учун ёвузликка эмас, эзгуликка бўлган мақсадлардир.

– Йермияҳ 29:11

Худонинг режасини қандай қилиб эшитиш мумкин?

Хўш, қандай қилиб режани эшитса бўлади? Мен буни аллақачон айтган эдим, эшитишнинг энг зўр услуби – бу Рухдаги ибодат. Мен Рухдаги ибодат ҳақида батафсил айтиб ўтирмайман, чунки “Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб. Стратегиянинг кучи” китобимда, Муқаддас Рухни қандай қилиб эшитиш мумкилиги тўғрисида батафсил айтилган. Лекин қисқача, қуйида тўхталаман.

Доноликни эса биз баркамол бўлганларнинг орасида воизлик қилмоқдамиз, лекин бу дунёнинг ва бу ўткинчи дунё ҳокимларининг донолигини эмас, балки Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шухратимиз учун тайин қилган. Шу доноликни бу дунё

Ҳокимларидан ҳеч ким англамади. Буни англаганларида эди, шуҳрат Раббийсини хочга михламас эдилар. Лекин ёзилганидек бўлди: “Худо Уни севганларга кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон юрагига ҳам келмаган нарсаларни тайёрлаб қўйган”. Бизга эса Худо буни Ўз Руҳи билан ошкор қилди. Чунки Руҳ ҳамма нарсани, ҳатто Худонинг теранликларини текшириб кўради. Зеро инсоннинг ичида нима борлигини унинг ичида бўлган инсоннинг руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худоникини ҳам Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди. Биз эса бу дунёнинг руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилганларини билишимиз учун Худодан бўлган Руҳни қабул қилдик.

– 1-Коринфликларга 2:6-12

Ёзувнинг бу жойида, Муқаддас Руҳ бизга, биз эшитмаган, кўрмаган ва ўйламаган нарсаларни очиб берганлиги тўғрисида айтилмоқда. Мен учун бу буюк эзгуликдек жаранглапти, мен бундан фойдалансам бўлади. Сиз масиҳий бўлганингизда, Муқаддас Руҳ ичингизда маскан қурди ва У сизнинг ҳаётингизни бошқаришни бошлади.

Аммо Исо Жамоатга берган Муқаддас Руҳнинг бошқа ўлчами ҳам бор, бу Муқаддас Руҳга чўмиш деб аталади. Бу Элликлик кунида содир бўлди. Исо Ўрдун дарёсига кирганида, Муқаддас Руҳ Унинг устига қўйилгани каби болохонада йиғилган шогирдлар билан ҳам худди шундай содир бўлди. Айнан ўша пайтда Исо Ўзининг хизматини бошлади. Айнан ўшанда, Худонинг кучи Унинг устига қўйилди, токи У Худонинг Шоҳлиги ҳақида гувоҳлик берсин. Исо болалигида мўъжизалар яратмаган. У оиласининг овқатини кўпайтирмаган ва сув устида юрмаган. Муқаддас Руҳ билан чўмишни тушуниш учун, сиз юқоридан туғилиш (Худонинг Руҳи ичингизга кириши) билан, Муқаддас Руҳга чўмиш (Муқаддас Руҳ устингизга тушиши)нинг орасида фарқ борлигини тушунишингиз керак.

Ўша кунни кечқурун, ҳафтанинг биринчи куннда, шогирдлар йиғилган уйнинг эшиги яҳудийлардан қўрққанликлари туфайли берк бўлганида, Исо келиб уларнинг ўртасида турди-да, уларга: “Сизларга тинчлик бўлсин”, — деди. Исо шундай деб, уларга қўлларини ва биқинини кўрсатди. Шогирдлар Раббийни кўриб қувониб кетдилар. Шунда Исо яна уларга: “Сизларга тинчлик бўлсин, Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юбораяпман”, — деди. У шуларни айтиб пуфлади ва уларга деди: “Муқаддас Рухни қабул қилинлар.

— Юҳанно 20:19-22

Шогирдлар юқоридан туғилган эди, бу ҳақда Юҳанно Хушхабарининг 20-бобида аниқ айtilган, лекин Исо уларга, улар ҳали Муқаддас Рухга чўмишни кутишлари кераклигини, бу улар Худо Шоҳлигининг шоҳидлари бўлишига имкон бериши ҳақида айтди.

... уларга Ўз азоб-уқубатидан кейин Ўзини тирик намоён қилди. У қирқ кун давомида қўп аниқ далиллар билан ҳаворийларга зоҳир бўлиб, уларга Худонинг Шоҳлиги ҳақида сўзлади. Сўнгра уларни йиғиб, уларга буюрди: — Йерусалимдан кетиб қолманлар, лекин Мендан эшитганларинг, Отам ваъда қилганни кутиб туринлар. Зеро Яҳё сувга чўмдирган эди, аммо сизлар бир неча кундан кейин Муқаддас Рухга чўмдириласизлар.

— Ҳаворийлар 1:3-5

Аммо Муқаддас Рух сизларнинг устингизга тушиб келганида, сизлар куч-қудрат оласизлар ва Йерусалимда, бутун Яҳудияда, Самарияда ҳамда ернинг ҳудудларигача Менинг гувоҳларим бўласизлар.

— Ҳаворийлар 1:8

Худонинг ушбу мойланиши Худонинг кучини келтиради ва Унинг ишларини амалга оширишга имкон беради. Эътибор беринг, бу ичингизга эмас, устингизга келади. Яна шу эсингизда бўлса керак,

**ХУДОНИНГ БУ
МОЙЛАНИШИ
ХУДОНИНГ КУЧЕНИ
КЕЛТИРАДИ ВА УНИНГ
ИШЛАРИНИ АМАЛГА
ОШИРИШГА ИМКОН
БЕРАДИ.**

Элликлик кунда Йерусалимда болохонада кутган барча шогирдлар Муқаддас Рухга чўмдилар. Бунинг далилларидан бири нима бўлди? Уларнинг ҳаммаси бошқа тилларда гапиришни бошлади. Коринфликларга Биринчи мактубининг 12-бобида ноъмалум тилларда гапириш, жамоатга берилган тўққизта инъомлардан бири сифатида айтиб ўтилган.

Сиз бу инъомлар ўтмишда қолиб кетган дейишингиз мумкин, лекин мен бу билан қатъиян рози эмасман. Муқаддас Рух билан чўмиш барча тўққизта руҳий инъомларни олиб келади, лекин мен фақат битта инъомда – ноъмалум тилларда гапиришда тўхталмоқчиман.

Аввалига, бу фойдасиз бўлиб туюлиши мумкин, чунки бу бошқа тилда гапирадиган одамларга, Хушxabарни воизлик қилмоқчи бўлган ҳолатдагина керак бўлиши мумкин деб тахмин қилиш мумкин.

Лекин ноъмалум тиллар ҳеч қачон, чет тилида гапирадиган одамларга хушxabар айта олиш маҳорати сифатида кўрилмаган. Бу инъом нақадар бебаҳо эканини ва у сизнинг фаровонлигингиз учун қанчалик муҳим эканини кўрсатиб беришимга ижозат беринг.

Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Рух билан сирларни гапиради. Ким пайғамбарчилик қилса, у барпо қилиш, насиҳат қилиш ва юпатиш учун одамларга гапиради. Номаълум тилда гапирувчи ўзини барпо қилади, пайғамбарчилик қилувчи эса жамоатни барпо қилади. Сизларнинг ҳаммангиз номаълум тилларда гапиришингизни хоҳлайман, лекин пайғамбарчилик қилганингиз афзалроқдир. Агар тилларда гапирувчи жамоатни барпо қилиши учун ўша

тиллерни талқин қилмаса, унда пайғамбарчилик қилувчи номаълум тилларда гапирувчидан буюкроқдир.

– 1-Коринфликларга 14:2-5

Биз бу ерда Павлус мактубининг мазмун доирасини тушунишимиз зарур. У жамоат йиғини қандай ўтиши лозимлиги ҳақида гапиряпти. У ноъмалум тилларда жамоат йиғинида гапиришнинг фойдаси йўқлигини, чунки уни эшитган одам гапираётган киши нима ҳақида гапираётганини тушунмаслигини айтяпти. Павлус жамоатда пайғамбарчилик қилган яхшироқ, чунки пайғамбарчилик одамлар тушунадиган умумий тилда гапирилади ва бу самаралироқ бўлади деяпти.

Аммо инсон бир ўзи алоҳида номаълум тилларда ибодат қилиши умуман бошқа вазият. Ноъмалум тилларда гапириш ибодат қилувчининг ўзига катта фойда келтиради. Муқаддас Китоб бундай инсон руҳи билан сирларни айтади дейди. Бу сирлар – сиз ҳали билмаган, лекин билиб олишингиз лозим бўлган нарсалардир. Сўнгида, Павлус ноъмалум тилларда гапирадиган инсон ўзини барпо қилади дейди. “Барпо” қилиш сўзи “насиҳат” деган маънони билдиради. Агар сиз бирор нарсани билиб олишингиз керак бўлса, демек бу айна пайтда, сиз учун сир бўлади. Бироқ ноъмалум тилларда гапириш, гапирувчига насиҳат беради. Агар бизга маълум бўлган чизиқлардан ўзиб кетадиган режаларни ишлаб чиқишни истасак, бу бизга аниқ керак. Муқаддас Китобда ёзилганидек:

Лекин ёзилганидек бўлди: “Худо Уни севганларга кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон юрагига ҳам келмаган нарсаларни тайёрлаб қўйган”. Бизга эса Худо буни Ўз Руҳи билан ошкор қилди. Чунки Руҳ ҳамма нарсани, ҳатто Худонинг теранликларини текшириб кўради.

– 1-Коринфликларга 2:9-10

Мен бу ёрдамга муҳтожман, сиз ҳам муҳтожсиз. Сизнинг навбатдаги саволингиз: “Агар сиз ноъмалум тилда гапирсангиз-у,

лекин гапираётган нарсаларни тушунмасангиз, гапираётган нарсалардан қандай фойда кўрасиз?” Сир манашунда. Муқаддас Рух сизнинг инсоний руҳингиз орқали гапирганида, сизнинг онгингиз сиз орқали ўтиб кетаётган баъзи фикрларни илғашни бошлайди. Биз буни ваҳий деб атаймиз, бу сўз “очиш” сўзидан келиб чиқади. Шундай қилиб, Муқаддас Китобда ноъмалум тилларда гапириш ҳақида айтилганидек, сиз Рухда ибодат қилиб, сиздан бўлмаган ғояларни ва фикрларни илғашни бошлайсиз.

Мен сизда бу борада бир талай саволлар борлигини биламан, шунинг учун мен сизга “Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб. Стратегиянинг кучи” деб номланган китобимни сотиб олишни маслаҳат беришимга руҳсат беринг. Ўша китобдан сиз барча саволларингизга жавоб топасиз.

Тўхтанг ва стратегия ҳақида ибодат қилинг

Келинг, ҳозирча сиз имон билан уруғ экканингиздан сўнг, сизнинг навбатдаги қадамингиз ва Муқаддас Рухдаги ибодат қилиш кераклигини шунчаки тушуниб олайлик, зеро сизга режа керак. Карла айнан шундай йўл тутди.

Карла ва Тодд оддий америкача ҳаёт тарзи билан яшар эдилар. Улар маошдан маошгача кун кечириб, қарзга ботиб келишган. Бир куни Карла оинаи жаҳондан “Молиявий масалаларнинг ечими” кўрсатувини кўриб, молиясини тартибга солиши кераклигини тушунган. Мен Карладан хат олганим эсимда. Карла ўз хатида уларнинг ҳеч қанақа молиявий режаси йўқлигини айтган эди. Улар ҳаттоки, икки ой олдинга қарай олмас эдилар, уларнинг молиявий аҳволи кучли сиқувда бўлган. Уларнинг бюжетдаги ҳар қандай етишмовчилик кредит (қарз олиш) картаси ҳисобидан қопланиб келинган.

У қарзларидан қутулиши кераклигини билган, лекин буни қандай қилса бўлади? У менинг китобимни ўқиб, ўз эри билан бизнес ғояга уруғ экдилар, устига-устак, уйда машғул бўлиши мумкин бўлган бизнесга экдилар. Тодд маҳаллий мактабдаги иши билан тўлиқ банд бўлган, шунинг учун Карла нима иш қилсам экан деб ўйлаб юрган. Улар

Ғоя учун уруғ экканидан сўнг, Карла ҳар куни эрталаб Раббий билан хилват жойда вақт ўтказиб, Муқаддас Рухдан йўналиш олишни кутган.

Бир куни эрталаб, у ўз руҳида “ит болалари» деб эшитган. Аввалига, у сал эсанкираб қолган. Ит болалари? Ит болаларини етиштиришми? Бир пайтлар уларнинг ити бўлган, лекин ит болаларини етиштириш ҳақида ҳеч ҳам ўйламаган. Карланинг турмуш ўртоғи кечқурун уйга келганида, Худо гапирган нарсани айтиб бермоқчи бўлган. Кутилганидек, Тодд бу ғояга эҳтиёткорлик билан қараган, лекин Карлага имкониятларни ўрганиб чиқишни таклиф қилган. Тез орада, Тодд ва Карла иккита нар голдендудль зотидан ит болаларини сотиб олиб, кичкина ит болаларини етиштириш бизнесини бошлашган. Тўғри, улар аввалига ит болаларини катта қилиши, сўнгра уларни кўпайтиришни бошлаши керак эди.

Бу масофада улар бир нечта омадсизликларни бошдан кечиришди, лекин биринчи йили уларнинг итлари 13 та бола туғди. Ҳар битта ит боласини 1500 долларга сотишди. Карла Муқаддас Рух ит болалари ҳақида айтган сўзларини тўғри эшитганини тушунганидан сўз, кўзидан ёш оққанини айтиб берди. Ўша йили Тоддни маҳаллий мактабнинг директори лавозимига кўтаришди.

Ит болаларини етиштириш бизнеси ўсиб борди ва ўша пайтда улар 300 та ит боласига эга эди, ҳар битта ит боласининг нархи тахминан 2 500 долларга етди. Уларнинг молиявий ҳаёти 180 градусга ўзгарди! Ўтган йили улар уйининг пулини тўлашди ва энди улар қарзсиз яшаб келяпти. Улар бошқа давлатларга ғаройиб сафарларга бориб туришади ва Худо уларнинг оиласида шуқадар буюк ишларни қилаётганини кўраётгани учун одамларга Худонинг Шоҳлиги ҳақида айтиб беришга мажбур. У эндигина ўзининг “Фаровонлик режаси: Худо бизга қандай қилиб ит болалари орқали молиявий эркинликни берди” (Plans to Prosper: How God Gave Us Financial Freedom Thriough Peppies”) деб номланган илк китобини чиқарди.

Тодд ва Карла Шоҳликка мувофиқ ҳаёт кечиришмоқда, бу одамларнинг диққатини ўзига тортмоқда ва улар тўхтаб, Худо ҳақида фикр юритишларига мажбурламоқда. Ўзининг

мактубининг охирида пайғамбар Ишаъё, жамоат асри ҳақида гапирган. У Худо биз ҳали ерда яшаётган пайтимизда ҳаётимизда нима қилмоқчилиги ҳақида гапирган.

... Уларни ҳақликда кучли бўлган, Раббийнинг шуҳрати учун ўтқазилган дарахт деб атайдилар.

– Ишаъё 61:3

Тол – жуда мустаҳкам дарахт ва одатда вазмин бўлади. Муқаддас Китоб бизнинг ҳаётимиз толга ўхшаган бўлади дейди: у мустаҳкам, турғун ва тебранмас бўлади. Бу дарахтнинг ҳосили ҳақлик бўлади, бу Худо тўғри деб атаган ҳаёт қандай кўринишга эга бўлишини кўришларини англатади. Биз Раббийнинг дарахтларимиз, демак, Худо Ўзи зарур деб ҳисоблаган жойга жойлаштиради, ҳар хил касбларда ва маданиятларда. У шу орқали Ўзининг буюк ҳашаматини кўрсатади. Худо сизга одамларнинг диққатини тортмоқчи! У одамлар сизнинг ҳаётингизга Унинг ҳаракатининг эзгу ҳосилларини кўришларини истайди. Ўзининг маззали ҳосиллари билан кишини ўзига тортадиган мевали дарахтлар сингари, Худо сизнинг ҳаётингиз ҳам ердаги жаннатга ўхшаш бўлишини истайди.

Тодд билан Карла бунга қандай эришдилар? Тўғри, улар бу ит болаларини етиштириш учун оз меҳнат қилишмади, лекин эркинликка эришиш учун шунча куч ишлатишга арзир эди. Бу эркинлик у Худонинг сўзини, режасини эшитганидан бошланди. У бор-йўғи битта оддий сўз: “Ит болалари!” ни эшитди. Аммо шунинг ўзи етарли эди. Худо сизга ҳам гапирди. У сизни 22-Санода айтилган ям-яшил яйловларга ва сокин сувларга олиб боради.

Аммо тушунган бўлсангиз керак, шунчаки режани эшитиш етарли эмас. Мен 5-қадамни келгуси бобда муҳокама қилмоқчиман ва бу эҳтимол, барча бобларнинг орасида энг муҳими бўлиши мумкин, чунки айнан бешинчи қадамда аксарият одамларнинг омади чопмайди. Лекин сиз билан бундай бўлмайди, чунки сиз бу китобда ўқиган воқеалардагидек Худонинг эзгулигида юрасиз! Тайёрмисиз? Қани 5-қадамга ўтамиз.

9-БОБ

ҲОЗИР МАВРУДИ!

Ҳар бир фермер ҳар қандай ҳосил ноёб ва аниқ муддатга эга эканини билади. Муайян экин-текиннинг ҳосилини йиғиш учун тўғри мавсумни билиш – омад билан, омадсизликка ўхшаб фарқ қилади. Шунинг учун аниқ тушуниш керак: сиз ҳосил теримини ўтказиб юборишингиз мумкин. Шундай экан, бу жуда катта ва муҳим мавзу. Сиз бирор марта дўконга бориб чиройли олмани кўрганингизда: *“Бу жуда зўр олма”* деб ўйлаб, ўйга келганингизда бир тишлам олганингиздан сўнг: *“Вой, бу олманинг таъми йўқку”* деганмисиз? Бу айнан тўғри вақт масаласидир.

Мен қанчалик кўп молиявий фожиалар ҳақида эшитганимни ва қанчалик кўп ғоядан тутиниб, вақтини ўтказиб юборган одамлар билан иш олиб борганимни айтолмайман. Ҳамма нарсани ўз вақтида қилиш кераклиги ҳақида менинг сеvimли оятим – Матто Хушхабари (13:44).

Яна Осмон Шоҳлиги далада яшириб қўйилган хазинага ўхшайди. Уни топган одам сир сақлади ва ундан қувонганидан бориб, бор-йўғини сотиб, ўша далани сотиб олди.

Бу воқеадаги инсон ўта доно бўлган. У ўша пайтда хазинага эгалик қилолмаслигини тушунган. У бориб ерни сотиб олишга тайёрланиши керак бўлган.

Масалан Карла “ит болалари” сўзини эшитганида, бу энди у ит

болаларини сотилиши тўғрисида эълон осиб қўйиши кераклигини англатмас эди. Уларда ит болалари ҳали йўқ эди. Кўп нарсани тайёрлаб қўйиш керак эди. Аввалига, иккита ит боласини сотиб олиш керак эди. Уларни қандай хонада ушлаш, кўпайтириш ва боқишга доир кўплаб саволларни ўрганиб чиқиши керак эди ва ҳоказо.

Шунингдек, лицензия олиш, маркетинг, банк ишлари, солиқ ва бошқа кўплаб масалалар ҳам бор. Бунинг барчаси сиз бизнес ғоянгиизнинг ҳосилларини йиғишдан аввал ўрганиб чиқилиши зарур.

Агар сиз ҳамма нарсани пухта ўйлаб чиқдингиз деб фараз қилсак, энг қийини ҳали олдинда. Сиз Раббий нима деяётганини кўришингиз керак. Ҳа, бу ғоя сизга нисбатан катта бўлади, шу сабабдан, маълум бир қўрқув пайдо бўлиши мумкин. Лекин қўрқув сизнинг ўтмишдаги шахсингизда бўлган. Сиз энди янги инсон эканингизни унутманг.

Худо мен билан менинг хусусий бизнесим ҳақида гапирганида, мен бу борада жудаям асабийлашганман. Мен ҳамма нарсани нолдан бошлаганман. Худо мен ўз бизнесимни бошлашим ҳақида тушимда гапирганига қарамай, мен ҳамма нарсани синчковлик билан ўрганиб чиқдим, лекин мен барибир ҳаяжонланганман. Энди ҳамма нарса менга, яъни мен чиндан ҳам шуни амалга оширишга қарор қилишимга боғлиқ эди. Сизнинг бир ишни қиламан деб нуқул гапирган, аммо умрида шу ишни қилмаган дўстларингиз ёки танишларингиз қачондир бўлганми? Мен шунақа бўлган жуда кўп одамларни билганман! Мен аллақачон, ўттиз йилдан бери сотувчиларга таълим бериб келаётганимни унутманг.

Мен ўз бизнесимни бошлаганимда кўз ўнгимда ҳеч қанақа мисоллар бўлмаган. Мен фақат даромаднинг фоизи ҳисобидан яшаганман ва бир ўзим ишлаганман. Лекин менда бир нарса бўлган – бу иштиёқ. Худо мени одамларга қарзлардан қутулишга ёрдам берадиган ширкатни яратишга ундаганида мен жасоратга тўла эдим. Менинг аксарият ҳаётим молиявий муаммолар

туфайли азоб билан ўтган ва энди мен Худонинг Шоҳлида бунинг ечимини топганимдан сўнг, ҳаммага бу ҳақда айтиб беришни истардим. Бундан ташқари, Худо менга режа ишлаб чиқаришда ёрдам бергани учун ва беш-етти йил ичида барча қарзлардан, шу жумладан, ўз бюджетини ўзгартирмасдан ипотека кредитларидан қутулишни истаган оилалар учун, қандай қилиб режа тузишни кўрсатгани учун ғайратга тўла эдим. Мен молиявий бозорда ўзимнинг йўналишим борлигини билардим ва менинг таклифларим бор эди. Лекин ўтказгични қўшишдан аввал, мен намунани яқунлашим керак эди.

Албатта, ҳар доим, сиз иш жараёнида ўрганадиган нарсалар бўлади, лекин сиз ишга бошингиз билан шўнғиганингиздан сўнг, сизда аллақачон асосий тузилма бўлиши шарт. Шундай бўлсада, имконият, маҳсулот ёки маош миқдори қанчалик улкан бўлишидан қатъий назар, ҳар доим бугун сиз режани амалга оширишни бошлашингиз керак.

Бу мени ҳақиқий муаммага олиб келади, мен бунинг Худодан ўзларининг молиявий саволларига жавоб ва кўрсатма олгандан сўнг, кўпчилик одамлар ўз мақсадига эришмасликларининг асосий сабаби деб ҳисоблайман.

Прокрастинация!

Имиллаш аминсизлик, қўрқув ёки оддий дангасаликка асосланган бўлиши мумкин. Лекин бир нарса дейиш мумкин: бунинг қилиш осон! Юқори курсда ўқийдиган талабаларнинг прокрастинацияга оид одатларига бағишланган қуйидаги тадқиқотни ўқиб чиқдим.

Женни ўз уйини тозалаяпти. Кэти математика жумбоқларини ечяпти. Мэт спорт мусобақаларининг натижаларини текширяпти, Кармен эса Facebookдаги саҳифасини янгилаяпти. Уларнинг ҳаммаси ҳал қилиниши

лозим бўлган вазифаларни кечиктирадиган студент психологлар. Бу амалдаги прокрастинациянинг намунаси.

Бундай одатдан қутулиш қийин, айниқса сичқончасини бир чертиш билан, вақт доирасида аниқ тизимлаштирилган ўқув жараёнидан қочишга имкон берадиган кунлармизда. Калгари Университетининг психологи, фалсафа доктори, Пирс Стил томонидан 2007-йили ўтказилган метаанализининг маълумотларига кўра 80 дан 95 фоизгача бўлган коллеж талабалари вақтни чўзишади, айниқса гап курс ишларини бажариш ҳақида кетганда.

Мен бу фақат охирги курсларнинг талабаларига тегишли деб ўйламайман. Чалғитувчи омиллар жуда кучли. Телефон қўнғироқлари ёки электрон хатларни текшириш – булар вақтнинг қотилидир. Прокрастинациянинг янада нозик, шайтоний томони бор. Сиз бу ҳақда билишингиз керак. Ушбу хавfli мавзунини ёруғликка чиқариш учун ва изоҳлаб бериш учун мен Муқаддас Китобга мурожаат қилмоқчиман.

*Доноликни эса биз баркамол бўлганларнинг орасида воизлик қилмоқдамиз, лекин бу дунёнинг ва бу ўткинчи дунё ҳокимларининг донолигини эмас, балки Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шухратимиз учун тайин қилган. **Шу доноликни бу дунё ҳокимларидан ҳеч ким англамади. Бунинг англаганларида эди, шухрат Раббийсини хочга михламас эдилар.***

– 1-Коринфликларга 2:6-8

Ҳой, сиз бунини яхшиси бирор жойга ёзиб қўйинг. Агар шайтон сиз нима қилаётганингизни тушунса, у услубларини ўзгартиради! Мана нима сабабдан, Худо фақат ҳикматлар билан гапиради. Мана нима сабабдан, Худо сизга жавобни ошкор қилишдан аввал,

баъзан ярим тунгача кутади. Сизнинг душманингиз борлигини билишингиз ва ёдда сақлашингиз шарт. Сизнинг душманингиз – бу шунчаки қизил кийим кийган, қўлида шоха ушлаб турган мажоз эмас. Муқаддас Китоб аниқ айтади:

Хушёр ва бедор бўлинглар, чунки душманингиз иблис бўкираётган шердай бировни ютиб юборишини излаб юрибди.

– 1-Петрус 5:8

Албатта, у аллакимни шунчаки ютиб юборолмайди, лекин ўлдириш, ўғирлаш ва йўқ қилиш учун сизни осмон шоҳлигининг қонуний ваколатидан олиб чиқариб, ўзининг қонуний ҳукмронлиги остига ўтказмоқчи. Муқаддас Китоб: “Сенинг душманинг!” дейди. Шайтоннинг услубларидан бири – сизни прокрастинация жойига, ўзхотиржамлик тузоғига илинтиришдир. Бу унга сиз билан Худо режалаштирган нарсани аниқлаб олишига вақт беради.

Мен бир куни туш кўрдим. Мен кўрган сурат қоронғу эди ва менинг ётоқхонамнинг нури дераза орқали майсазорга қараб бориб, қоронғуликда хиралашиб кетарди.

Нур йўқолиб кетаётган жойда мен қўлида блокнот ушлаб туриб, менинг деразамга юзи билан қараб турган иккита ёвуз руҳни кўрдим. Мен улар менинг уйимга қонунан кириш йўлини топиш учун юборилганини билардим. Улар Худонинг ишини тўхтатишга уриниб, кўриш учун заиф жойларни қидириб блокнотга ёзиб қўярди.

Имиллаш ўлим хавфини келтириши мумкин! Бу таъсирли эшитилмоқда, шундай эмасми? Бу сизга прокрастинация васвасаси айтаётган нарсанинг тўғри тескариси билан жаранглапти. У тулкига ўхшаб силлиқ ва ишончли гапиради: “Буни кейинроқ қилсанг ҳам ҳеч нарса қилмайди”. Сен буни ҳар доим кечроқ

**ИМИЛЛАШ
ЎЛИМ ХАВФИНИ
КЕЛТИРИШИ
МУМКИН!**

қилсанг бўлади. Аммо бу шундайми? Имиллаш қанчалик хавфли бўлиши мумкинлигини кўрсатадиган бир воқеа билан бўлишиб беришимга рухсат беринг.

Филистинлик ҳам чиқиб, Довудга яқинлаша бошлади, унинг қуролбардори унинг олдидан келар эди. Филистинлик назар ташлаб, Довудни кўрди ва унга менсимасдан қаради, чунки у ёш, малла сочли, кўриниши кўркам йигит эди. Филистинлик Довудга: — Нима учун менга қарши таёқ билан келаяпсан? Ахир мен итманми? — деди ва ўз худоларининг номи билан Довудни лаънатлади. Кейин Довудга: — Менинг олдимга кел, мен сенинг танангни кўкдаги қушларга ва дала ҳайвонларига бераман, — деди.

– 1-Шоҳлиқлар 17:41-44

Филистинлик кўтарилиб, Довудга яқинлашаётганида, Довуд ҳам филистинликка рўпара келиш учун филистинлиқлар сафи томон тез югуриб кетди. Довуд қўлини халтасига солиб, ундан тош олди ва сопқонга солиб отди. Тош филистинликнинг қоқ пешанасига тегиб ўйиб кирди ва у ерга юз тубан йиқилди.

– 1-Шоҳлиқлар 17:48, 49

Довуд билан Голиётнинг воқеаси – ғаройиб воқеадир. Бутун Исроил халқи Голиётнинг жаҳлдор гапларини кўрқувда тинглади. Лекин Довуд у билан бир шартга кўра жанг қилишга рози эканини айтди: у сурувларни қўриқлаб, кўп йиллар мобайнида ишлатган сопқонни ишлатди. Довуд Голиётнинг олдига яқинлашаётганда Голиёт саросимага тушиб: “*Нима учун менга қарши таёқ билан келаяпсан? Ахир, мен итманми?*” — деди. Голиёт таёқ деб ўйлаган нарса, аслида Довуднинг ҳассаси эди. У белкамарининг остига яширилган сопқонни кўрмади. Йўқ, Довуд ҳассаси хўрак сифатида ишлатди. У Голиётнинг диққатини сопқонга эмас, балки таёқ ҳассага қаратди. Голиёт Довуднинг олдига яқинлашаётганда Довуд

Голиётга қараб югурди. Бу Довуд ишлатган яна битта услуб эди. У агар Голиётга қараб, қўққисдан югурса Голиёт сопқонни кўриши қийин бўлишини билар эди.

Агар Довуд кўп одамларга ўхшаб ҳаракат қилганида эди, нима бўлган бўлар эди? Одамлар жангга киришдан қўрқиб имиллашади.

Агар Довуд то жангга тайёр эканини ҳис қилмагунича Голиётнинг атрофида рақсга тушса, эди нима бўлар эди? Ўйлайманки, Голиёт сопқонни кўриб, Довуднинг стратегиясини тушуниб, ўзини бошқача тутган бўлар эди. Жанг ютқазилган, Исроил халқи асир қилинган бўлар эди.

Шайтон сиз билан айнан шу нарсани қилмоқчи. У сизнинг режаларингизни босиб олмоқчи. Агар у сизни бироз вақтга тўхтата олса, у ўзининг услубини ўзгартириш учун вақтдан ютади ва сизнинг ҳаётингизда бўлган Худонинг режасига қаршилиқ қилади. Имиллаш хавfli эканми? Шубҳасиз! Мен бу нарса ҳаётингизда минглаб долларга тушганига аминман. Довудни ҳолатига келсак, бу минглаб одамларнинг ҳаётини хазон қилиши мумкин эди.

Шу сабабдан, сиз тўғри вақтни билганингизда ва режангиз бўлганида, далиллик билан олдинга қадам босинг. Мен Муқаддас Руҳ сизга имо-ишора қилишига аминман. У сизга қулай фурсатни билиб олишингизга ёрдам беради. Аммо нотўғри таълимот туфайли кўпчилик одамлар тебранишади ёки бир қадам олдинга қўйганда, жангни кўриб орқага чекинишади ва Худони ўтказиб юборган бўлсам керак деб ўйлайдилар.

Жангдан қўрқманг

Одамлар менга улар тез ҳаракатланганларида ҳамма нарса жаҳаннамга равона бўлади дейишади. Хўш, сиз дўзахни енга

**ШАЙТОН СИЗ БИЛАН
АЙНАН ШУ НАРСАНИ
ҚИЛМОҚЧИ.
У СИЗНИНГ
РЕЖАЛАРИНГИЗНИ
БОСИБ ОЛМОҚЧИ.**

олишингиз учун яхшигина қуроллантирилгансиз. Душман ҳозиргина Муқаддас Рух сизга кўрсатган режадан зарба олди ва у бу режа амалга ошмаслиги учун ҳаракат қилади. У буни ҳозир тўхтата олмайди. Жуда кеч бўлди. Лекин у сизни шу ерга олиб келган Раббийнинг сўзига шубҳалантира олса, қўрқув сизни орқага чекинишингизга мажбур қилади. У шунақа шовқин қиладики, сизни чекинтирмоқчи бўлади. Лекин ҳозир аввалгидан кўра кучлироқ бўлишингиз керак ва уни жиловда ушлаб туриш учун, ўз ҳокимиятингизни ишлатишингиз керак.

Сиз: “Йўқ, сен буни қилмайсан!” ёки “Мени қийнамоқчи бўлган қўрқув руҳини боғлайман. Мен, Раббий нима қилишни айтганини биламан ва мен буни Исонинг номи билан қиялман. Ҳозир эса, шайтон йўқол!” деб айтишдан қўрқманг.

Афсуски, ҳозирги замондаги тайёрланмаган аксарият масиҳийлар шайтоннинг қайта ҳужумидан ҳайрон қолишади. Агар Худо уларга гапирган бўлса ва уларга Ўзининг режасини берган бўлса, ҳамма нарса силлиқ ва тез бўлади, ҳеч қанача кутилмаган ҳодисалар рўй бермайди деб ўйлайдилар.

Мени нотўғри тушунманг. Бизнинг ёвуз руҳлар устидан тўлиқ ҳокимиятимиз бор, лекин инсонлар устидан тўлиқ ҳокимиятимиз йўқ. Шунини айтиш жоизки, гарчи мен Худонинг ваколати остида бўлсам ҳам, менинг атрофимдаги кўплаб одамлар, Унинг ваколати остида эмас ва улар миш-мишлар ва чалкашликларнинг қурбонига айланишади. Улар менинг ниятларимга нотўғри баҳо бериши ёки менга қарши қувғинлар ёғдириши мумкин.

Лекин улар Муқаддас Рухнинг режасини тўхтата олмайдилар. Душман бир кунга кечикканини ёки бир долларга адашганини тушунади. Худо шайтондан анча олдинда ва агар сиз имонда мустаҳкам турсангиз ва савдолашишдан бош тортсангиз У сизни ғалабага олиб келади.

Ҳаракат қилишни бошлаш босқичи – бу имондан кўра, кўпроқ жасорат талаб қиладиган ўтиш босқичидир. Имон сизни шу

жойга олиб келди, лекин энди қадам босиш учун жасорат керак. Мен одамлар Қизил денгиз билан Йордан дарёси ўртасидаги воқеаларни адаштиришади деб ўйлайман.

Қизил денгиз воқеасида Исроил халқи Миср қуллигидан қутулди ва Қизил денгизнинг олдига келишди. Улар бу жойда денгиз ва тоғлар орасида қисилиб қолди, чунки фиръавн фикрини ўзгартириб, уларнинг кетидан қувди. Қутилиш йўли йўқдек кўринди. Бироқ Мусо ўзининг ҳассасини (ҳокимиятини) кўтарди ва Қизил денгиз бўлинди. Улар денгизни қуруқлик устидан юриб ўтишди, фиръавннинг армияси эса уларни таъқиб қилишга уринди. Душман денгиз ичига кирганда, денгиз уларни ютиб юбориб ўлдирди. Исроил энди Мисрдан ва қулликдан озод. Бу буюк озодлик эди ва биз барчамиз Худо берган озодликни мадҳия қилишни севамиз.

Олдинда – уларнинг ваъдаси, Канъон ери турибди. Бу Иброҳимнинг уруғига ваъда қилинган, уларнинг оталарининг еридир. Улар ҳали саҳро бўйлаб юрганида, уларнинг қулоқларида Мусонинг сўзлари жаранглайди: у ерда сут ва асал оқади. Бу бутун умри давомида қул бўлиб яшаган одамларнинг қулоғида эртақдек жаранглайди. Лекин бир муаммо бор. Ер аллақачон бошқа халқлар билан эгалланган. Улар Йордан дарёсига яқинлашганида, Мусо айғоқчиларни юборишга қарор қилди. Улар бориб янги ерга ўтиш учун энг яхши йўлни кўриб келишлари керак эди. Улар ер яхши эканининг далили сифатида озгина ҳосиллардан олиб келишди.

Лекин айғоқчилар, Исроил халқи Мисрга қайтишни исташга мажбурлайдиган хабарни олиб келишди. Ер девор билан ўралган шаҳарлар, шунингдек исроилликлардан кўра каттароқ бўлган одамлар билан тўла. Исроилликлар ғамга берилиб йиғлашди ва Худо билан Мусога қарши исён кўтаришди. Уларни ёлғончи деб аташди. Улар имонсизлик қилганлари учун уларни ваъда қилинган ерга олиб бормади, чунки улар имонсиз бўлгани сабабли, ҳалок бўлишларини билар эди. Бу авлод саҳрода яшаб ўлди. Бу авлоддан ҳеч ким тирик қолмади.

Худо энди Нун ўғли Ешуага халқни саҳро орқали олиб боришини буюрди. Бироқ, улар Йордан дарёсига келишганда муаммо пайдо бўлди. Дарё тошиш даврида эди ва одамлар, оқими кучли бўлган дарёни кесиб ўтолмадилар. Лекин Худо дарёни яна иккига бўлди ва исроилликлар қуруқ ер устидан юриб ўтдилар – бу сафар улар Мисрда бўлганидек, жангдан кетмадилар, аксинча уларга ваъда қилинганни олиш мақсадида жангга қараб юрдилар.

Сиз мана нимани билишингиз керак. Сиз ҳаракатланишни бошлаганингизда саволлар ёки муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Сиз улардан қўрманг, балки ечимини топинг. Худо сизга ёрдам беради ва ҳимоя қилади. Муаммонинг ортида ваъда турганини ҳар доим ёдда тутинг. Бу ҳақда ҳеч қачон унутманг.

Аслида, мен сизни ҳайрон қолдирадиган нарсани айтмоқчиман. Муаммоларни эътиборсиз қолдирманг. Йўқ, мен ўзингизнинг шахсий муаммоларингиз ҳақида қўрқув билан зикр қилинг демаяпман. Мен сиз имкониятни қидиришингиз ҳақида айтяпман. Биласизми, одамлар муаммоларни йўқ қилиш ёки ҳал қилиш учун катта пул тўлашади. Бизнес – бу аслида, кимнингдир муаммосига ечим топишдир. Масалан, одамларнинг бир муаммоси бор: уларнинг овқат егиси келяпти. Шунинг учун кимдир “Сабвей” ресторанини очади. Сиз аввалроқ Сабсэндвични тайёрлай олганингизга аминман, лекин буни бизнес лойиҳа сифатида ишга солмадингиз. Бугун “Сабвей”нинг бу сайёра бўйлаб, ўн минглаб ресторанлари бор, чунки улар кимнингдир муаммосини ҳал қиляпти. Сиз: “Мен буни қила олардим” дейсиз. Сиз ҳам қила олар эдингиз. Аммо сиз бошқача ўйлашингиз керак.

Биз Дренда билан ақлли ёки жозибали бўлганимиз учун миллионер эмасмиз. Биз шунчаки Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини билиб олдик ва Худо бизга мавжуд муаммони қандай қилиб ҳал этиш мумкинлигини кўрсатди. Сўнгра Худо бизга бошқа одамларга ҳам худди шундай муаммони ҳал қилишга, қандай қилиб ёрдам беришни кўрсатди. Бу унчалик ҳам мураккаб эмас!

Тайёргарлик жойи

Шундай қилиб, сиз имонда экиб, режани олганингиздан сўнг уни ўйламасдан амалга ошириш учун бутун бошингиз билан шўнғиб кетманг. Матто Хушхабаридоги библиявий лавҳани эсланг.

Яна Осмон Шоҳлиги далада яшириб қўйилган хазинага ўхшайди. Уни топган одам сир сақлади ва ундан қувонганидан бориб, бор-ўғини сотиб, ўша далани сотиб олди.

– Матто 13:44

Худо ҳар доим сизни аввалига тайёрланишга чақиради. Шу боис, агар ҳатто, Худодан эшитсангиз ҳам ва У сизга янги фантанстик бизнесни бошлаш учун ғоя берган бўлса ҳам, тўғри вақтга эътибор беринг. Худо ҳар доим хазинани кўрсатганда, сизни тайёргалик кўришга ундайди. Эътибор беринг, мен Худо сизга хазина беради демадим. Мен хазинани, яъни жавобни У очиб беради деяпман. Кўплаб одамлар хазина ҳақида ваҳийни нотўғри тушунишган, улар хазинани зудлик билан забт этиш керак деб ўйлашган. Бу ачинарли оқибатларга олиб келган. Худо ҳар доим сизни хазинани забт этишга юборишдан аввал, дарс олиш ва тайёргарлик жойига олиб келади.

Мен ўзимнинг воқеамга қарасам, жуда ёш бўлганимда, Худо менга қўлимда ушлаб турган Муқаддас Китобдан ваҳий берди. Мен нафақат Муқаддас Китобдан воизлик қилаётганимни, балки мен воизлик қилаётган одамларни ва бинони ҳам кўрдим. Ваҳий вақтида мен овоз эшитдим: “Мен сени Менинг Сўзимни воизлик қилишга чорлаяпман”. Мен бунини уч марта эшитдим, шундан сўнг ваҳий ғойиб бўлди. Мен ўн тўққиз ёшда эдим. Ўша пайти мен отамнинг пиццахонасида ишлар эдим ва бу ваҳий нимани англатишини билмас эдим. Мен Худонинг Сўзини воизлик қилишга чақирилганимни билар эдим, лекин бу қандай ва қаерда содир бўлишини ҳали билмас эдим. Чиндан ҳам бу тайёргарликка даъват эди. Худо менга бу ваҳийни

берганидан кўп вақт ўтмади ва У менга Муқаддас Китоб мактабига боришни, сўнгра Орал Робертс Университетида ўқишни буюрди. Ўша ерда мен маҳбубамни, Дрендани учратдим. Университетдан сўн биз молиявий бизнесга – мен ўша пайтда тушунмаган режага шўнғиб кетдик. Худонинг менинг ҳаётимдаги даъвати қаерга ғойиб бўлди? Бу борада Худонинг режаси бор эди. У мени ҳаётдаги молиявий соҳаларга тайёрлаш учун, мени Ўзининг Шоҳлигининг қонунларига ва қоидаларига ўргатиш учун шу вақтдан фойдаланди. Бу менинг хизматимнинг бурчактоши бўлди. У шунингдек, бу вақтни менинг ўзимга бўлган ишончимни мустаҳкамланишида ёрдам бериш учун ишлатди, ахир, мен ёшлигимда одамлар билан гаплашишдан жуда қўрқар эдим.

Фақатгина 1995-йилнинг 1-сентябр куни Худо бизни маҳаллий масиҳий радиостанциянинг ертўласида ўз жамоатимизни очишга ундади. Бизнинг биринчи хизматимиз кечки пайтда ўтар эди ва мен ўша ерда турганимда? Худо менга йигирма бир йил олдин берган ваҳийдаги худди ўша суратни кўрдим.

Шундай экан, ваҳий олганингизда, кўрсатмани ёки ғояни эшитганингизда, одатда бу шу вақтнинг ўзида содир бўлади дегани эмас. Худо сизга қандай қилиб режа берган бўлса, худдий шундай қачон қадам босиш кераклигини ҳам айтади. У сиз билан гапиради ва сиз бунни тушуниб оласиз.

Мен билан бўлган вазиятда, биз 1995-йили уйимиздан узоқда бўлмаган жойда жойлашган жамоатга қатнаш эдик ва якшанба куни кечки хизматда Худо мен билан ишлашни бошлади. Мен ҳатто чўпон нима деганини эшитмадим, Худонинг Руҳи мени ўта кучли тўлдирди. Мен ҳаракат қилиш вақти келганини тушундим! Сиз ҳам тушуниб оласиз.

Мен билан Дрендага Худо амалга оширган ҳамма нарсани кўриш жуда ёқди, лекин У қилаётган ҳамма нарса - бу бизнинг иштиёқимиз! Биз умримизнинг охиригача Шоҳлик ҳақидаги бу хабарни воизлик қилиш ва таълим бериш мажбуриятини ўз зиммамизга олдик. Биз таълим берганимизда ваҳий олиб,

юзлари чарақлаган одамларни кўришчалик бирор нарса бизни кучли қувонтирмайди. Биз бу нимани англатишини биламиз: улар жавоб олмоқдалар.

Биз Худонинг Шоҳлиги – бу сиз учун ҳам жавоб эканини биламиз! Хўш, Худо менга ўргатган бешинчи қоида нима экан?

5-қадам: Сиз тўғри фурсатни, услубни ва жойни билганингизда, кечиктирманг! Яна бир нарса, жангдан қўрқманг.

Сиз Худо билан бирга бу вазифани уддалай оласиз, шубҳа қилманг! Сиз фаровон яшашингиз Худонинг иродаси эканини унутманг.

Севиклигим, сенинг жонинг муваффақият қозонаётгани каби, сен барча нарсада муваффақият қозонишинг ва соғ-саломат бўлишинг учун ибодат қилмоқдаман.

– 3-Юҳанно 2

Ҳеч кимга бу Худонинг иродаси эмас ва сиз соғлом бўлишингиз ҳамда ҳаётда муваффақият қозонишингиз учун У қўлидан келадиган ҳамма нарсани қилмаяпти дейишига йўл қўйманг! Айнан шу нарсани шайтон ер шоҳлигидан ўғирлади ва Худо бунни бизга Исо Масихда қайтариб берди. Дин одамларга Худо ҳақида шундай ёлғонни сингдирди. Гоҳида одамлар ҳақиқатни таниб-билишларидан аввал, уйдурмадан қутулишлари керак. Яқинда мен, аслида Худо айтаётган нарсага тайёр бўлиш учун ақлни янгилаш зарурлигини изоҳлайдиган қуйидаги хатни олдим.

Қадрдон Гари.

Менинг исмим Аннет. Мен баптист чўпоннинг уйида катта бўлдим, болалигимда нажот топдим ва Исони чексиз севардим. Ёшлигимда Муқаддас Рухга чўмдим ва

чинакам сажда, шифо, озодлик, руҳий инъомлар ва Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги бошқа ҳақиқатларни тушунишни бошладим. Мен Масих Танасидаги турли хил муаллимлар орқали экиш ва ҳосил йиғишнинг асосий қоидаларини билиб олдим. Лекин менинг эрим Жон, сизнинг таълимотингиз билан “тўқнаш” келганидан сўнг, мен аслида масиҳийлар – айниқса чўпонлар ва хизматкорлар ишонадиган нарсага – ўзининг асосий эҳтиёжларини қондиришдан ташқари фаровонликка интилиш кераклигига ишонмаслигимни тушундим. Биз орамиздан бирон киши Худонинг Шоҳлигини тушунмаслигини билиб олдик.

Биз хизматга қатнардик ва ушрни канда қилмасдик. Биз назр беришда саҳий эдик ва экиш билан ҳосил йиғиш қоидаларига ўргатардик. Лекин биз нисбатан шинам ҳаёт кечиряпмиз ва биз шу билан кифояланишимиз керак деб ўйлардик. Бу 2003-йилнинг кузигача давом этди. Ўшанда бизнинг бизнесимизнинг ва хизматимизнинг бош офиси жойлашган корхонамизда ёнғин содир бўлди. Сўнг яна битта ҳодиса рўй бериб, ҳамма нарсани ўзгартирди. Жоннинг юраги доим оғрир эди ва охири, юрагини очиқ операция қилдирдик. Ўша пайти бизнинг тиббий суғуртамиз йўқ эди ва даволаш хизмати учун бизга катта ҳисовварақлар келишни бошлади. Жон ишга лайоқатсиз бўлгани вазиятни янада оғирлаштирар эди. Сўнг бизнинг айрим нотўғри қарорларимиз янада катта молиявий муаммоларга олиб келди. 2015-йили биз молиявий нуқтаи назардан шинамли ҳаётдан чиқиб катта қарзга кириб кетдик. Бизнинг солиқ қарзларимиз пайдо бўлди.

Биз ҳар доим саҳий эдик, чунки биз қурбонлик қилишни севамиз ва “нимани эксанг ўшани ўриб оласан” қоида сига ишонамиз. Биз чорасизликдан ҳар қачондан кўра кўпроқ Раббийдан жавоб изладик. Шунда Жон телевизор орқали сизнинг таълимотингизга тўқнаш келди. Аввалига у:

“Худони бундай сотиб олиб бўлмайди” дедида телевизорни ўчириб қўйди. Лекин бир неча кундан сўнг у яна сизнинг кўрсатувингизга тўқнаш келди ва бу гал у бетиним тинглади. Натижада, у сизда мавжуд бўлган барча ўқув қўлланмаларини буюртма берди! Биз бу материалларни икки йил мобайнида ўргандик. Биз фаровонликни ишташ, эҳтиёж нарсадан ортиғини ишташ нотўғри деган ақидадан қутулишимизга шунча вақт керак бўлди.

Бир кунни биз Матто Хушхабари 17-бобга асосланиб, таълим берган видеодарсингизни чамаси ўнинчи марта томоша қилдик. Бу жойда Исо Петрусга бориб балиқ тутиб, унинг оғзидан тангани олиб солиқ учун тўлашни буюрган. Яна сиз 4-Шоҳликлар китобидан, уйда бор бўлган нарсани ишлатаётган аёл ҳақидаги мисолни келтиряпсиз.

Мен бир зумда, бир неча йил олдин иш хизматини кўрсатган одам бизга олтин тангани берганини эсладим. Бу қарзни ёпишга етмас эди, лекин бу биз экишимиз учун керакли уруғ эди. Биз бу тангани сизнинг хизматингизга экдик ва Ички Давранинг Ҳамкорлари бўлдик, сўнг Худо давомида нима қилишини кузатишни бошладик.

Кейинги бир неча ой давомида биз сизнинг таълимотингиз билан озиқланишни бошладик ва чўкиб кетмаслик учун бор кучимиз билан қарзларимизни тўлашга уриндик. Бир кунни тунда мен туш кўрдим. Тўшимда Худо бизга катта миқдорда пул келишини кўрсатди. Сўнгги ҳафталарда биз бир нечта кўп бўлмаган молиявий баракаларни кўрдик. Биз Худонинг кўрсатмасига кўра ибодат қилишни ва кўпроқ экишни, Худонинг ҳақиқатларини эълон қилишни давом эттирдик ва бизнинг фикримизча, У қилишни буюрган барча ишларни итоат билан бажараётганимизга ишонч ҳосил қилиш учун ўта эътиборли бўлишга ҳаракат қилдик. Вазият ўзгарди, бу деярли имконсиздек туюларди. Тез орада,

Биз орзунинг амалга ошганини кўрдик. Биз олган сумма, қарзни қоплаш учун керак бўлган суммадан анча кўпроқ эди. Биз энди қарзларимиздан қутулдик. Ҳозир биз ақл билан сармоя экишни ва икки ҳиссали ҳаёт билан яшай олишнинг стратегиясини излаяпмиз. Биз ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай вазиятда саҳийлик билан қурбонлик қилишни истаймиз.

– Жон ва Аннет

Биз ҳар доим одамлардан шунга ўхшаш мактубларни оламиз. Улар Худо ва Унинг Шоҳлиги ҳақидаги ҳақиқатни билиб оляптилар ва нотўғри таълимот уларни алдаганини тушуняптилар.

Менинг онгим Худонинг эзгулиги ва Унинг Сўзи орқали янгиланганидан бошлаб, мен эркин бўлишим учун зарур бўлган ваҳийда ўсганимни тушундим. Ҳеч қачон Худода шубҳаланманг. Буни унутманг. Ҳаётингизда Худонинг Шоҳлиги томонидан муваффақиятсизлик келгандек туюлган вазиятда, шогирдлардек иштутинг. Улар: “Биз нима сабабдан жинни қувиб чиқаролмадик?” дейишди. Улар қисқа туташув улар тўфайли содир бўлганини билишарди ва Исодан бу борада ёрдам сўрадилар. Агар сиз ҳаётингизда Муқаддас Китоб гапираётган нарсани кўрмаётган бўлсангиз, Худодан бунинг сабабини кўрсатишини сўранг! У сиз билан гапиради ва сизга Унинг ғаройиб Шоҳлиги қандай ишлашини кўрсатади.

Кечагина менинг жамоатдан бўлган бир бизнесмен ўзининг банкидан, унга ваъда қилинган федерал грантни беришдан рад жавоби келгани ҳақидаги хабарни олди. У аллақачон бу пулга умид қилиб, режалар қураётган эди. Агар бу ёрдамни олмаса, у ўзининг ишчи ходимларини ишдан бўшатишига тўғри келарди. У банкдан нима сабабдан унга пул беришдан бош

**У СИЗГА ГАПИРАДИ
ВА УНИНГ ҲАЙРАТЛИ
ШОҲЛИГИ ҚАНДАЙ
ҲАРАКАТ ҚИЛИШНИ
ТУШУНИШИНГИЗГА
ЁРДАМ БЕРАДИ.**

тортганларини сўраганида, улар унга сабабини айтолмадилар. У бу пулни оламан деб ўйлагани учун, аллақачон керакли бўлган жиҳозларга пул сарфлаган эди.

Энди эса у маблағсиз қолди ва нима қилишни билмас эди. Унинг фақат битта чораси қолган эди. Кимдир унга муайян суммаси бор совға картани берган эди. У шу заҳоти картани олиб жамоатга борди, чунки ўзида борини экиши кераклигини ва Худо унга бу мушкул вазиятда ёрдам беришини билар эди. У совға картани уруғ сифатида жамоатга қолдирганидан бир неча соат ўтгандан сўнг, банкдагилар унга қўнғироқ қилиб, биз янглишибмиз деди. Улар унга пулни жўнатишди.

Сиз ўз ролингизни бажаришингиз керак

Яқунда, сизга керак бўлган маблағни қандай олиш кераклиги ҳақида айтиб беришимга рухсат беринг. Мен Худонинг кўплаб одамларнинг юраги қурбонлик қилиш ва одамлар учун очиқ эканини, аммо уларнинг пули йўқлигини кўрдим. Одамлар қурбонлик қилганидан сўнг, бунинг натижасини кўрмаётганининг асосий сабаби, улар қурбонлик қилганидан сўнг нима содир бўлиши кераклиги ҳақида нотўғри тасаввурга эга. Кўплаб масиҳийлар Худо улар кутаётган пулни шунчаки олиб келиб беради деб ўйлашади. Лекин бунинг имкони йўқ, чунки Худонинг пули йўқ. Ҳамма пул ер сатҳида жойлашган ва пул шунчаки савдо (бирор нарсани сотиш ёки харид қилиш) воситаси, холос.

Шундай қилиб, биз қурбонлик қилганимизданоқ, агар жараённинг шу томонини тушунсак, биз режани илғай олишимиз ёки бойликни бозорда топишимиз учун Муқаддас Рухга қулоқ солишимиз зарур. Бу сиз бизнес билан шуғулланишга мажбурсиз дегани эмас, лекин Муқаддас Рух сизни бозорнинг шундай жойига олиб борадики, сиз ўша жойда тўрингизни ташласангиз бўлади. Тўр – бу бозордаги пулни тутишга ёки жалб этишга қодир бўлган нарсадир. Худо сизнинг қадамларингизни бошқаради ва

сиз эргашишингиз лозим бўлган режани беради.

Мен аксарият одамлар учун энг зўр, энг тез ва имконли тўр бизнес деб ўйлайман. Мен “бизнес” деганда ширкатдаги ишни ҳам назарда тутяпман, лекин сиз керакли балиқни тутишингиз учун тўр анчагина катта бўлиши шарт. Бу сизнинг ёки бегона одамнинг бизнеси бўлиши мумкин.

Лекин гап тўрга келганда, менинг тажрибам шуни кўрсатяптики, аксарият одамлар китни ваннада овлашади. Буни тушунтириб беришимга ижозат беринг. Айтайлик, бир киши маҳаллий озиқ-овқат дўконига ишлайди. У соатига 10 доллар маош олади. Лекин энди у 150 000 доллар турадиган ўй сотиб олмоқчи ва шу мақсадга эришиш учун Шоҳликнинг қонунини ишга солмоқчи. Хўш, ҳозирча ҳаммаси жойида.

Сўнг, бу одам Шоҳликда уруғ экиш ва ҳосил йиғиш ҳақида эшитади ҳамда ўйни пулини тўлай олишига ишониб уруғ экади. Бу ҳолатда ҳам ҳаммаси яхши кетяпти. Лекин нимагадир у пул осмондан ёғилади деб ўйлаяпти. У унинг иши ўйни пулини тўлашга етмаслигини билади, шунинг учун у умидини Раббийга боғлайди (ва бу яхши). Лекин мен “Раббийга умид боғлаш” деганимда, У биз шу пулга эга бўлишимиз учун донолик ва йўналиш бериши учун, умидимизни Унга боғлашимизни назарда тутаётганимни тушунишингиз керак. Бу эса жиддий ўзгаришларни англатади.

Кўряспизми, одамлар китни овлаши учун Худо уларни ўзлари одатланиб қолган ваннага эмас, балки сувнинг янги жойларига олиб боришига тўғри келишини тушунмайдилар! 150 000 доллар турадиган ўйни соатига 10 доллар маош олинадиган ишда ишлаб тўлаш мушкул бўлган бўларди. Аммо Худо балиқ қаерда сузиб юрганини билади ва сизни керакли жойга олиб бора олади ва шу мақсадга эришингиз учун керак бўлган балиқни овлаш услубига ўргата олади. Петрус билан мўл тутилган балиқ воқеаси эсингиздами? Петрус тун бўйи балиқ овлади, лекин битта ҳам балиқ тутолмади. Исо унга балиқни қаерда тутишни

айтди ва шундан сўнг Петруснинг қайиғи балиқларни ҳаммасини сиғдиролмади. Фарқ нимада? Исо биттагина кўрсатма берди: “Тўрларингизни чуқур жойга ташланглр”. Кўряпсизми, Петрус балиқни керакли жойда овламади, Исо эса унга нима қилишни айтгани учун Петрусни муваффақият кутарди.

Биз Дренда билан жиддий қарзга ботганимизда, Худони эшитишни ва бизга керак бўлган балиқни тутишимиз учун Унинг ортидан, барча катта-катта кўлларга эргашишни ўрганишимизга тўғри келди. Худонинг кўрсатмаси бизни янада чуқурроқ жойларга етаклар эди. Очиғини айтсам, Худо бизни шунчалик узоқ жойга олиб бордики ер кўзимиздан ғойиб бўлди. Биз илгари бундай жойда бўлмаганимиз сабабли қўрқиб қолган эдик. Айниқса, бўрон вақтида жуда қўрқинчли бўлди.

Аксарият одамлар, пулни Худо ёғдиради деб ўйлагани сабабли, улар илгари бўлмаган янги ва қўрқинчли жойга олиб борувчи бегона нарсага қулоқ солиш, уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Аксарият одамлар таниш нарсага, улар аллақачон билган нарсага қарайдилар. Аммо китлар сизнинг ваннангизда яшамайди. Сиз чуқур жойга чиқишингиз керак.

Шунинг учун уруф эккандан сўнг қўл қовуштириб ўтирмаслик кераклиги эсингизда бўлсин. Биз экканимизда Худонинг Сўзидан тутсак ва Худо бизни ҳосилга олиб келишини билсак бўлади. Лекин биз керакли жойга келганимизда китларни тутишимиз учун Унинг кўрсатмасига қулоқ солишимиз, унга эргашишимиз керак.

Кўплаб одамлар, чиндан ҳам кўлни алмаштирадилар, лекин ов услубини ўзгартиролмайдилар. Кўк ойқулоқни овлаш учун мўлжалланган қармоқ билан китни тутиб бўлмайди. (Айтганча, мен айнан китларни тутишимиз керак демаяпман. Мен буни фақат мисол тариқасида ишлатаяпман.)

Сиз керакли жойда бўлганингизда, сизнинг услубларингиз йирик балиқни тутиш вақтидаги юзага келадиган, оғир юкни ва босимни кўтаришга қодир бўлиши шарт. Бунинг ҳаммасига

вақт керак. Кўп ҳолларда Худо биз овлаётган кит билан дуч келганимизда, уни уddenдай олмаслигимизни билади. Лекин Худо бизни тайёрлайди ва биз ҳушимиздан кетмаслигимизга ишончимиз комил бўлса, ўлжани чиндан ҳам қирғоққа олиб чиқа оламиз.

Шундай қилиб, биз мўъжизакор пуллар ҳақида хомҳаёлларга

**БИЗ ХУДО БИЛАН
ИШЛАШИМИЗ
КЕРАК, ҲОСИЛГА
ТАЙЁРЛАНИШИМИЗ
ВА ХУДО БИЗГА
ОЧАЁТГАН ҲАР БИР
ИМКОНИАТДАН
ФОЙДАЛАНИШ УЧУН
БОР КУЧИМИЗНИ
ИШЛАТИШИМИЗ
КЕРАК.**

берилмаслигимиз керак, мен буни почта қутиси тафаккури деб атайман (гарчи Худо ғаройиб ишларни қилади). Бунинг ўрнига, биз Худо билан ишлашимиз керак, ҳосилга тайёрланишимиз ва Худо бизга очаётган ҳар бир имкониятдан фойдаланиш учун бор кучимизни ишлатишимиз керак.

Таъминот кучи бизнинг қўлларимизга жойлаштирилган. Йўқ, мен китобимнинг номи ҳақида гапирмаяпман. Мен Муқаддас Рух ва Худо бизни жойлаган Шоҳлиги ҳақида айтяпман. Шундай экан, ҳаракат қилишни бошланг ва шу йўлдаги ўз намунангиз ва муваффақиятингиз билан кўпларни Масихга олиб келинг.

Мен ҳозиргина манашу хатни олдим ва бу хат китобнинг ажойиб хотимаси бўлади деб ўйладим.

Жаҳон иқтисодиёти касоди авжига чиққан бир пайтда, бизнинг ширкатимиз ҳозиргина 4 000 ва 8 000 долларлик қарзини ёпди! Бу ҳали ҳаммаси эмас! Биз ўз молиямизни ўрганиб чиқдик, бугунги кунда бизнинг ширкатимиз бутун 2020-йилнинг соф фойдаси, бутун 2019-йилнинг соф фойдасидан ўзиб кетди! Бутун замин иқтисодиёти

лаънат остида барбод бўлаётган бир пайтда, бизнинг фаровонлигимиз ҳар қандай меъёрдан ошиб кетяпти (Эфесликларга 3:20)! Биз Худо қилаётган нарсалардан ҳайратдамиз! У Ўз Сўзига ШУҚАДАР содиқ!

Бизнинг ҳаётимизга Худонинг Сўзини келтирган Гари ва Дрендага, уларнинг оиласига, уларнинг ходимларига ва ҳамкорларига раҳмат, раҳмат ва яна раҳмат! Биз ўн етти йил давомида камбағалликда ва қашшоқликда яшар эдик. Бизнинг чўпонларимиз жамоатда чоршанба кунлари кечқурун, “Пул масаласининг ечими” кўрсатувлар сериясини кўрсатишни бошлашди. Бунга беш ярим йил бўлди ва ўша пайтдан бошлаб, биз учун ҳамма нарса ўзгарди! Яна бир бора раҳмат ва Худо сизларни марҳаматласин!

Ўзингизнинг воқеангизни GaryKessee.com сайтига йўлланг. Бошқалар Худонинг Шоҳлиги ҳаётингизда қандай ғаройиб тарзда ишлашини эшитишлари керак.

Гари Кисининг
«Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб»
мактубининг бошқа қисмлари

Розиликнинг кучи

Хотиржамликнинг кучи

Стратегиянинг кучи

Сахийликнинг кучи

Ўз она тилингизда бошқа кўпроқ
ўқув манбаларга юклаб олиш учун
FLNFree.com вебсайтига
ташриф буюринг!



Ўз она тилингизда БЕПУЛ ўқув манбаларга эга бўлишни истайсизми?
FLNFree.com вебсайтига ташриф буюринг.

ҲАЁТИНГИЗДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

Таъминотнинг кучи

Тирикчилик учун курашапсизми...

ёки дадил орзуларга қобилиятлимисиз?

Қарзларнинг қули бўлиб қоляпсизми...

ёки Худо режалаштирган ўз даъватингизни амалга оширасизми?

Буларнинг қайси бири кўпроқ сизга ўхшайди?

СИЗНИНГ ҲАЁТИНГИЗНИ НИМА ЎЗГАРТИРАДИ?

Таъминот.

Биз барчамиз ўз эҳтиёжларимизни қондириш учун етарлича бўлган таъминотга эга бўлиш, қанчалик муҳим экани билан розимиз.

Аmmo сиз, чиндан ҳам таъминотнинг КУЧИНИ тушунапсизми?

Гари Киси сизнинг ҳаётингизни осонлаштиради.

Ушбу "Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб" сериясининг тўртинчи қисмида Гари ўзининг ва бошқаларнинг муваффақиятининг аҳамиятли таркибий қисмларини, шунингдек, Худо Шоҳлигининг яна битта ЖУДА МУҲИМ сирини: таъминотнинг кучини очиб бермоқда!

Қуйидагиларни билиб олинг:

- Сизга зарур бўлган таъминотни олиш учун қилишингиз керак бўлган БЕШТА АСОСИЙ ҚАДАМ.
- Имоннинг муҳимлиги ва сиз имонда эмаслигингизни аниқлашнинг услублари.
- Имиллаш ўлгудай хавфли бўлиши мумкин.
- Имон билан лотерея ўйнаб ютса бўладими (ҳа, бу ерда чиндан ҳам, шу ҳақда гапириляпти).
- Ва бошқа кўп нарсалар ҳақида!

Ушбу насиҳатомуз саёҳатга Гари билан қўшилиш ва ўз ҳаётингизда таъминот кучини, қандай қилиб ишлатиш мумкинлигини билиб олинг!



ГАРИ КИСИ – муаллиф, нотик, тадбиркор, молия мутахассиси ва чўпон. У ҳаётда ғалаба қозониш, айниқса имон, оила ва молия соҳасида ғалаба қозониши учун одамларга ёрдам беришга интилади. Гари ва унинг рафиқаси Дренда – бир неча муваффақиятли ширкатларнинг ва "Ҳозир имонда яшаш" хизматининг асосчиларидир. Уларнинг хизмати иккита ("Пул масаласининг ечими" ва "Дренда") телевизион кўрсатувларини узатади. Бутун дунё бўйлаб анжуманлар ўтказиб, амалий ресурсларни тақдим этади. Гари ва Дренда Киси – Огайо штати, Колумбус шаҳрининг ёнида жойлашган "Имон ҳаёти" жамоатининг чўпонларидир.

GKM GARY KEESEE
MINISTRIES

garykeesee.com